



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ
ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**



6581 (07)

Н-Н

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ**

А.К.Ибрагимов

**АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ
АСОСЛАРИ**

Ўқув қўлланма

836905
ТШУ
kutubxonasi 2/3

Тошкент – 2013

6581 (14)

+336.2

И-14

КБК 65.271

P-51

УДК 336.14.657

А.К. Ибрагимов. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. –Т.:Молия, 2013. - 384 б.

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари ва ривожланиши, уни ўтказиш методологияси батафсил ёритилган. Унда тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, ички аудитнинг аҳамияти, банкларда унинг зарурлиги масалалари кенг очиб берилган. Тижорат банкларида ички аудитни режалаштириш, ички аудит стандартлари, аудитда муҳимлик ва аудиторлик рисклари, аудиторлик далилларини тўплаш, аудиторлик амаллари, ички назорат тизимига баҳо бериш таҳлил қилинган ва амалий маълумотлар асосида ёритилган.

Тижорат банкларида ташқи аудитдан фарқли равишда ички аудит томонидан эмиссия-касса операциялари, кредит ва лизинг операцияларининг аудиторлик текшируви, активлар аудити, товар-моддий захираларнинг, асосий воситалар ва кам баҳоли ҳамда тез эскирувчи буюмлар аудити, фойда ва зарарлар аудити, хусусий капитал аудити ва пассив операцияларни аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби бўйича ички аудит томонидан амалга ошириладиган амаллар батафсил баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажриба асосида тижорат банкларида ички аудит томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисоботлари, уларнинг таркиби ва мазмуни, аудиторлик хулосалари, аудиторлик текширувини яқунлаш масалалари илғор чет эл тажрибаси асосида кенг очиб берилган.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юрти талабалари, магистрлари, банк ходимлари, тадқиқотчилар ва ушбу соҳа билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Таърифчилар:

И.ф.д., проф. Б.А.Хасанов

И.ф.н., доц. А.З.Авлоқулов

ISBN 978-9943-302-80-8

©Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси,
«Молия» нашриёти, 2013.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1 Тижорат банкларида ички аудитнинг моҳияти ва ҳуқуқий меъёрий асослари.....	7
1.2 Тижорат банкларида ички аудитнинг вазифалари.....	19
1.3 Тижорат банкларида ички ва ташқи аудитнинг стандартлари.....	31
1.4 Ўзбекистон Республикасида ички аудитнинг ташкилий асослари....	60
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ	
2.1.Тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади, вазифалари, босқичлари ва асосий тамойиллари.....	69
2.2.Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни ўрганиш.....	92
2.3. Банк ҳисоб сисъатининг ташкилий жиҳатларини текшириш.....	101
2.4. Тижорат банкларида ички аудитор томонидан банк ички назорат tizimini ўрганиш.....	106
2.5. Тижорат банклари ички аудит жараёнининг ишчи дастури ва бошқа зарурий ҳужжатларни тўплаш тартиби.....	121
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИЧКИ АУДИТИДА МУҲИМЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АУДИТДАГИ АҲАМИЯТИ	
3.1. Муҳимлик даражаси, уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби.....	129
3.2. Банкларда аудиторлик rischi тушунчаси, аудиторлик riskларининг мақбул тўплами ва унга таъсир қилувчи омиллар.....	139
3.3. Тижорат банкларида ички риск ва уларни баҳолаш йўллари.....	150
IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИ ВА АУДИТОРЛИКНИ ТАНЛАШ	
4.1. Тижорат банкларида аудиторлик далиллари тушунчаси, уларнинг тайинланиши ва олдига қўйилган талаблар.....	164
4.2. Тижорат банклари ички аудитида аудиторлик далилларининг турлари.....	173
4.3. Аудиторлик далилларни олиш манбалари.....	178
4.4. Аудиторлик танлаш усуллари, танлаш услубини шакллантириш, танлаш riskлари ва натижаларини баҳолаш.....	186

V БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИ

5.1. Тижорат банклари эмиссия-касса операцияларининг ички аудитини ташкил қилиш.....	197
5.2. Тижорат банкларида пулларнинг сақланиши, уларнинг бутлиги ва дахлсизлиги устидан назоратни ташкил қилиш аудити.....	206
5.3. Кредит ва лизинг операциялар аудити.....	215
5.4. Тижорат банкларида асосий воситалар ва номоддий активлар аудити.....	248
5.5. Тижорат банкларида ички банк операциялари аудити.....	272
5.6. Тижорат банкларининг хусусий капитали аудити.....	302

VI БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЯКУНЛАШ, АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ ВА ХУЛОСАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувалар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.....	324
6.2. Ички аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби.....	336
6.3. Тижорат банкларида аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби.....	347

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР..... 356

Такрорлаш учун саволлар..... 364

Тест-саволлари..... 366

Иловалар..... 374

КИРИШ

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзлари ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси четдан қарз олиш сиёсатини пухта ўйлаганлиги сабабли мамлакатимизнинг четдан қарз улуши паст эканлиги ва иқтисодийетини барқарор ривожлантиришини таъминлаш жараёни тижорат банклари ва улар томонидан иқтисодийетни қўллаб туриш учун бериладиган кредитлари ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли кейинги йиллардаги банк тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, банкларнинг тўлов қобилиятини яхшилаш ва уларнинг капиталлашувини оширишни ва шу асосда банк тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Маълумки, тижорат банклари фаолиятига халқаро рейтинг даражаси бўйича юқори кўрсаткичларга эришиши бўйича амалий ишлар олиб бориш вазифаси кейинги йиллардаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди”¹

Тижорат банклари иқтисодийетнинг энг муҳим етакчи локомотиви ҳисобланиб, капиталнинг етарлилик даражаси ошиши натижасида уларнинг ресурсларининг кўпайиши сабабли кредит бериш қобилияти ошишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларида ҳисоб-китоб ишларини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузишда янгича ёндашувларни шакллантириш, замонавий технологиялар ва услубларнинг жорий қилиниши, молия-банк ахбороти

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон,” 2013. Б. 6.

савияси ва сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг талабларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Бу эса тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини янада такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозимлигини билдиради.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқитишнинг Давлат стандартлари асосида «Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит» фани бўйича тузилган ўқув дастури асосида ёзилган.

Ўқув қўлланма 6 боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ушбу қўлланманинг 1-боби и.ф.н. Н.Қ.Ризаев, и.ф.н. И.Қўзиев, А.Носиров, Қ. Хотамов, 3-боби и.ф.н. Н. Идиев, 4-боби Б. Қажомов, 5-боби К. Жўраев, 5.3. параграфи и.ф.н. Т.Н.Утанов билан биргаликда ёзилган.

Ўқув қўлланма бўйича билдирилган таклиф ва мулохазалар муаллифлар томонидан бажонидил қабул қилинади ва ишнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларида ички аудитнинг моҳияти ва ҳуқуқий меъёрий асослари

Ўзбекистон Республикаси молия-банк тизимида узокни кўзлаб олиб борилган ислохотлар натижасида, молиявий барқарорликка эришилди. Бу борада статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ташки омилларнинг Ўзбекистон Республикаси молия-банк тизими барқарорлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар доирасида тижорат банклари капиталининг старлилигига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юкори кўрсаткичларга эришмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнги уч йилда эса икки баробарга кўпайди. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юкоридир. Бу эса, барқарор иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашда банкларнинг иштироки сезиларли даражада фаоллашганлигидан далолат беради. Бу борада Президентимиз И.Каримов ўз маърузаларида “2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортик муддатга берилган узок муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь–декабрь ойларидаги ниши натижалари бўйича билдирган фикрларини келтириш ўринли, деб биламан. Унинг таъкидлашича, “Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солик-бюджет ва ташки фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инкирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя юлди.

Ўйлайманки, бундай ҳолисона баҳо кўп нарсадан далолат беради”² деб таъкидлаганлари сўзимизнинг исботидир. Бинобарин, республикамизда жадон молиявий-иқтисодий инкирозидан кейинги даврда инкирозни бартараф этиш шароитига тўлиқ жавоб берадиган

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон,” 2013. Б. 7.

банк-молия тизимини яратиш, уни ривожлантириш борасидаги олиб борилаётган сиёсатлари натижасида ҳозирги кунда банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар тижорат банклари умумий капитали ҳажмини охириги 10 йил ичида 20 баробардан зиёдга ошириш имконини берди, банкларнинг умумий капитали эса 2013 йил 1 январь ҳолатига 6,1 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, олиб борилган ислохотлар натижасида, бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимида икки поғонали, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари тизими фаолият юритиб келмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда ва пул-кредит сиёсатини тўғри амалга оширишда ҳамда бу муносабатларни бошқаришда банк тизимининг куйи поғонаси ҳисобланмиш тижорат банкларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқизога қарши чораларини амалга оширишда муҳим масалалардан бири уларнинг фаолиятини ҳолисона назорат қилиш, ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизимига баҳо бериш, бошқарув билан боғлиқ харажатларини камайтириш ва операцион харажатлар таркибини таҳлил қилиш орқали уларнинг оптимал миқдорини белгилаш, банк кенгашига объектив ахборот етказиб бериш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалани кўриб чиқишда, банк ички аудитининг иқтисодий моҳиятига тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида, тижорат банкларида аудиторлик фаолиятининг бошланишида энг аввало, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари асосий роль ўйнайди.

Ушбу масалада И. Каримов томонидан банк аудити ривожланиши масаласига қуйидагича ёндашув амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса тижорат банклари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1994 йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Банклар тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор асосида тижорат банкларини компьютер ва телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетга бир қатор солиқлар тўлашдан озод қилинди. Бунинг натижасида қисқа вақт ичида мамлакатда халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими барпо этилибгина қолмай, замонавий-банклараро электрон тўловлар тизими яратилди.

Бундан ташқари, 1994–1997 йиллар давомида олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан янги ҳисобот шаклларининг амалиётга татбиқ этилиши банк тизимининг мижозлар ва жамоатчилик учун очиклигини таъминлаб берди”³

Банк аудитининг ривожланишида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1996 йил 24 июлдаги ПФ-1500-сонли Фармони асосида “Банк тизимида ишончли мустаҳкамлаш, банкларни аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ҳолисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида банк аудитини амалга оширишга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг талаблари тўғрисидаги Низом”ни ишлаб чиқиш юклатилган эди⁴. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тижорат банкларида ички аудитни ташкил этишга Марказий банк томонидан қўйилган талабларни белгилайди. Ушбу Фармонни бажариш мақсадида Марказий банк томонидан 3 та йўриқнома ишлаб чиқилди. Булар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом; (янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқармасининг 13.03.2004 йил 571 (6/12)-сон қарори билан тасдиқланган, 2005 ва 2011 йилларда ўзгартириш киритилган).

2. Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида низом; (янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 04.11.2000 йил 982-сон, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 24.06.2000 йил 403-сон).

3. Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 04.07.1998 йил 404-сонли)⁵

³ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. – Т.:“ФАН,” 2006. Б.14–15.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”номли 1996 йил 24 июлдаги ПФ-1500-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

⁵ Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.:

Биринчи низомда, энг аввало, ички аудит ва ички аудит хизматига таъриф берилган. Ички аудит – банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичда доимий асосда тузилган мустақил экспертиза ҳисобланади. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадига эришишида кўмаклашиш ҳисобланади. Ички аудит хизмати – банкда ички назорат ҳолатини, жумладан, молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк конунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қондалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек, банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма. Ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек, банк Кенгаши тасдиқлайдиган "Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом", "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари" ҳамда "Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси"ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Ушбу Низомда асосий эътибор берилган масалалардан бири аудиторлик қўмитаси ҳисобланади. Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгаши томонидан тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилади ва ушбу қўмига таркибига фақат банк Кенгаши аъзолари киритилиши лозим.

Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари Банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига Банк Кенгашининг камида учта аъзоси киритилиши керак. Аудиторлик қўмитаси таркибига қирувчи Банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа Кенгаш қўмиталари аъзолари этиб тайинланмаслиги лозим.

Аудиторлик қўмитаси аъзолари аудит хизмати вазифалари ва фаолиятини ташкиллаштириш учун олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим.

Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) ҳар бир ички аудит текширувлари ўтказилгандан сўнг тақдим этиладиган ички аудит хизмати томонидан тузилган аудиторлик ҳисоботларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

2) ички аудит бўйича чорақлик аудиторлик ҳисоботларини ўрганиш ва уларнинг натижаларини банк Кенгашига тақдим этиш;

3) ташқи аудит текшируви учун зарур бўлган техник вазифаларни ишлаб чиқишда Банк Кенгашига амалий ёрдам бериш;

4) ташқи аудитор таклифларини баҳолашни ўтказишда Банк Кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда Банк Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

5) ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг тавсияларини бажариш жараёнини бошқариш бўйича ишларни Банк Бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;

6) ташқи аудиторлар ҳисоботлари, жумладан, раҳбариятга йўлланган хатни кўриб чиқиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш;

7) ташқи ва ички аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, аудиторлар берган тавсияларнинг Банк Бошқаруви томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;

8) аудит хизмати фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек, текширувлар таркиби ва ҳажмига Бошқарув аъзолари ва банк бўлимларининг бошқа раҳбарлари аралашшига йўл қўймаслик каби вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари, Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, уларга қўйилган талаблар, аудит хизмати раҳбарияти ва ходимларига қўйилган талаблар, аудит хизмати мустақиллиги батафсил ёритилган. Ички аудит билан назорат қилувчи органлар, Марказий банк билан бўлган муносабатлари бўйича масалалар ёритилган.

Иккинчи низомда эса қуйидагилар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди:

1) Марказий банкнинг Банк аудити комиссияси фаолияти;

2) банкларда аудит текширувини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака имтиҳонларини ўтказиш;

3) банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва малака сертификатларини бериш, амал қилишини тўхтатиб туриш, амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш;

4) аудиторлик ташкилот (аудитор)ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

5) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар томонидан аудитни амалга ошириш;

6) аудиторлик текширувларини ўтказишда Банк Кенгаши ва Бошқаруви фаолияти.

Ташки аудитнинг мақсади банкларнинг Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига (ХБҲС) ҳамда қонунчиликка мос равишда тузилган молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигига нисбатан мустақил аудиторларнинг ҳолисона фикрини билдиришдир. Аудитни ўтказиш жараёнида аудиторлар банк ички назоратидаги камчиликлар ҳақида алоҳида ҳисобот тайёрлаши лозим.

Аудит билан шугулланувчиларнинг профессионал даражасининг ҳолисона баҳоланишини таъминлаш ва банкларда аудит текширувлари ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва малака сертификати бериш масаласини кўриб чиқиш мақсадида Марказий банк банк аудити Комиссиясини тузиши белгилаб қўйилди.

Ушбу комиссия зиммасига ташки аудит билан боғлиқ қуйидаги масалалар бўйича келиб тушган материалларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш вазифаси юклатилди:

1) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва малака сертификатларини бериш ёки бермаслик;

2) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни банкларда аудит текширувларини амалга ошириш ҳуқуқини олган аудиторлар рўйхатига киритиш;

3) қайдлов маълумотлари ўзгарган ҳолда аудиторлар рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

4) аудиторлар малакасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

5) малака имтиҳонларини ўтказиш ва аудиторлар малакасини аттестация қилиш;

6) банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва малака сертификатларини бериш билан боғлиқ масалалар бўйича ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Ушбу норматив ҳужжатга кўра, комиссия аъзолари 7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига Комиссия раиси ҳам қиради. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси буйруғи билан тасдиқланади. Марказий банк Раиси ўринбосарларидан бири Комиссия раиси бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Комиссия таркибига қуйидаги департаментларнинг мутахассислари кириши лозим:

– Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти.

– Тижорат банкларини назорат қилиш департаменти.

– Ташқи алоқалар ва валютани тартибга солиш департаменти.

– Бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти.

– Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти.

– Қимматли қоғозлар департаменти.

Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида амалга оширилади.

Тижорат банклари аудиторлик текширувларини ўтказиш учун Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлайди.

Аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Банк ва аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган шартнома ва ҳар қандай битимлар аудиторлик ҳисоботини Марказий банкка беришни чеклаш бўйича бандларни кўзда тутмаслиги лозим.

Банкларда аудиторлик текширувлари ҳар йили йиллик ҳисобот бўйича ўтказилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ давлат муассасалари талабига кўра ёки банкнинг ўз ташаббуси билан бутун банк фаолияти ҳамда алоҳида масалалар бўйича ўтказилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар банклар фаолияти текшируви натижалари бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг (Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳисоботга изох ва тушунтиришлар) тўғрилигини тасдиқлайдилар (ёки тасдиқламайдилар), шунингдек, банклар йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосаларини берадилар. Аудиторлик хулосасисиз банк йиллик молиявий ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди ва матбуотда чоп этилмайди.

Аудиторлик хулосасининг сарварағида аудиторлик фирмасининг тўлиқ номи, банк аудити билан шуғулланиш учун берилган сертификат рақами, хулоса қайси банк учун берилаётган бўлса, шу банкда аудит

Ўтказилиши учун масъул аудиторлар имзо чекадилар ва бу имзо аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланади.

Банкнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик хулосаси Марказий банк аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича қўядиган талабларга мос шаклда тузилиши ҳамда аудиторнинг фикрини аниқ ифодалаш лозим.

Аудиторнинг фикри аудит тўғрисида амалдаги қонунчилик ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилганлигини билдириши керак. Аудиторлик ҳисоботида аудит амалдаги қонунчилик ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилгани тўғрисида фикр билдирилмаса, аудиторлик ҳисоботи мазкур Низом талабларига жавоб бермайди деб ҳисобланиб, ушбу аудиторлик ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди.

Марказий банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– аудиторлик текширувлари мазмуни ва қўлами юзасидан қўшимча талаблар қўйиш;

– банклар, уларнинг филиаллари ҳамда банк билан узвий боғланган юридик шахслар фаолиятини Марказий банк назоратчилари орқали текшириш. Бу текширувчилар банкларнинг ҳар қандай маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади.

Марказий банкнинг банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлмаган аудиторлик ташкилоти ёки аудитор амалга оширган банк аудити ноқонуний ҳисобланади ва бу фаолиятдан олинган барча даромад давлат бюджетига ўтказиб юборилади.

Аудиторлик ташкилоти томонидан банк фаолиятини аудит текширувидан ўтказишда аудит ташкилоти таркибида банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган аудиторнинг бўлиши шарт деб белгилаб қўйилган.

Учинчи Низомда, асосан, тижорат банкларининг ички назорати масалалари батафсил баён этилган. Шу жумладан тижорат банклари томонидан ички назоратни ташкил этишда қуйидаги услуб ва чоралардан фойдаланиш лозимлиги кўзда тутилган:

1) ўз активлари бутлигини таъминлаш;

2) ҳисобот маълумотларининг аниқлиги ва ишончлилигини текшириш;

3) операциялар самарадорлигига кўмаклашиш;

4) ҳисоб юритиш сиёсатига риоя этилишига ёрдамлашиш.

Ички назорат тизимининг асосий мақсади банкнинг кундалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқариш сиёсати ва тартиби;
- мажбуриятларнинг тақсимланиши;
- ваколатлар;
- текширишлар тартиби;
- кундалик операциялар устидан назоратни олиб бориш ва улар ҳисобини юритиш;
- харажатларни назорат қилиш.

Ички назорат тизими устидан мунтазам назоратни олиб бориш ва уни такомиллаштиришга раҳбарлар масъулдирлар. Назорат тартиблари учун жавобгар ходимлар бевосита раҳбариятга ҳисобот беришлари лозим.

Ҳар бир таркибий тузилма ўзи амалга ошираётган операциялар устидан ички назоратни олиб бориши шарт бўлиб, бундай назорат масъул ижрочилардан тортиб тузилма бошлиғигача барча ходимларнинг лавозим мажбуриятларига киради. Акциядорлар ҳам Банк Кенгаши ва тафтиш комиссияси орқали ўз ички назоратларини амалга оширадilar. Ушбу Низомга кўра, ички назоратни 2 гуруҳга бўлиб тегишли тавсиялар берилган:

1. Маъмурий назорат – бу банкнинг пухта ўйланган ташкилий тузилмасининг таснифланган ва аниқ тақсимланган ваколат ҳамда мажбуриятлари, қарор қабул қилиш ва улар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартибининг (бунга муайян операциялар бўйича ваколатлар беришга доир қарор қабул қилиш ҳам киради) бирлиги.

2. Бухгалтерия назорати – активларнинг сақланишини ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлашга йўналтирилган, муайян тарзда шакллантирилган ҳужжат ва ҳисоботларни юритиш таркиби ҳамда тизими бўлиб, шу билан бирга улар қуйидагилар бўйича асосланган ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган. Ушбу назорат куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Барча операциялар раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилиши текширилади.

2. Банк операцияларининг ҳужжатларда белгиланган бухгалтерия тамойилларига мос тарзда акс эттирилиши активлар ҳисобини аниқ юритиш имконини таъминлаши текширилади.

3. Ходимларнинг активлар билан ишлашига рухсат раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилиши назорат қилинади.

Активларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган қиймати мунтазам равишда (самарали назоратни амалга ошириш мумкин бўлган тарзда) ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар қиймати билан солиштирилади ва аниқланган ҳар бир тафовутлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилади.

Бирон-бир шахс томонидан йўл қўйилган жиддий камчилик киска вақт ичида аниқланган тақдирда ички назорат самарали ҳисобланади.

Ички назоратнинг зарурий даражасига эришиш учун банкда қуйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

1. Самарали ташкилий тузилма.
2. Тегишли йўналишдаги бухгалтерия сиёсати ва услублари.
3. Активларнинг сақланишига оид зарурий услублар.
4. Ички аудитнинг самарали дастури.

Банк Кенгаши банк стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, банк раҳбарияти томонидан зарур чораларни қабул қилиш жараёнларини назорат қилишга доир тадбирлар бўйича ҳам масъулдир.

1. Банкнинг ташкилий тузилмаси банк раҳбариятининг ҳуқуқлари, бўйсунуш тартиби ва ҳисобдорликни аниқ ифодалаши керак.

2. Банк Кенгашининг тегишли кўрсатмаларида ходимлар ваколати доираси аниқ кўрсатилиши ва улар лавозим тавсифномаларига киритилиши керак. Масалан, кредитлаш лимити, инвестициялар ва кимматбаҳо қоғозлар савдосига доир ҳуқуқлар шулар жумласидандир.

3. Ходимларнинг мажбуриятлари (вазифалари) шундай тақсимланиши керакки, бир шахс бир операцияни бошидан охиригача бир ўзи бажармасин. (Масалан, кредит бўлимининг ходими кредит бўйича бериладиган маблағларни ажратишда ёки ҳисобвараққа қабул қилишда иштирок этмаслиги керак; тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахс банкнинг вакиллик ҳисобварағи бўйича операцияларини бажармаслиги шарт; яқунловчи балансни тузувчи шахс бошланғич ҳужжатлар билан ишламаган бўлиши керак).

Банкнинг бухгалтерия тизими камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– Кундалик, оддий операцияларни амалга ошириш бўйича бухгалтерия йўриқномалари ва қўлланмаларининг мавжудлиги.

– Ҳар қандай санада банкнинг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини таъминлаш мақсадида ҳар бир банк операциясини батафсил кайд қилиш керак.

– Илова ҳисобварақлар, масалан, депозитлар, кредитлар, кимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан боғлиқ операция бўйича илова ҳисобрақамлар баланс ҳисоботидаги назорат рақамлари билан солиштирилиши керак.

– Ҳисоб юритиш ва ёзувлар тизими банкнинг ҳар бир операциясини банк дафтарлари (регистрлари)дан ўтказиш имконини бериши керак.

– Ҳисобларни таққослаш ишлари доимий равишда бевосита шу ҳисоблар бўйича операцияларни бажармайдиган ва улар бўйича ёзув киритмайдиган ходимлар томонидан олиб борилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби тизимида қўлланилаётган иккиланган назорат бир ходимнинг иши иккинчи ходим томонидан текширилиши ёки тўлдирилиши керак бўлган операцияларга нисбатан ўрнатилиши лозим. Иккинчи шахснинг мавжудлиги биринчи шахс томонидан бажарилган операция ёки фаолият шу шахснинг ваколат доирасида бажарилганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш учун йўналтирилган (масалан, банк ихтиёрида бўлган гаровни қарз олувчига қайтариб беришда иккиланган назорат зарур).

Бундан ташқари, “Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг” Базель-2 халқаро стандартига (2004 йил июнь) кўра, молия институтларида, албатта, ички аудит бўлими ёки ички аудитор бўлишлиги мажбурлиги кўрсатиб ўтилган. Шу жумладан ушбу стандартнинг 443 пунктига⁶ кўра “ички аудиторлар ёки тегишли мустақил бўлинмалар камида бир йилда бир марта банкнинг рейтинг тизимини текшириши, шу жумладан кредит бўлими фаолиятини ва уни PD, LGD и EAD⁷ тизими бўйича ҳамма минимал талабларга жавоб беришни баҳолаш лозим. Ички аудит текшириш натижасини тегишли тартибда ҳужжатлаштириш керак. Айрим назорат бўйича миллий органлар банк жараёнлари бўйича рейтинг жорий қилиш ва зарарларнинг тафсифланишини баҳолашга доир буюртмалар беришлари мумкин.

Банк ички назорат таркиби капитални баҳолаш жараёни учун катта аҳамиятга эга. Ички ва ташқи аудит ўтказишнинг заруриятига қараб капитални баҳолашнинг самарали назорати мустақил текширишни ўз ичига олади.

Банк директорлар кенгаши турли рисклар баҳолаш тизимининг менежментини ташкил этишга жавобгар ҳисобланади. Банк капитали даражасининг риск тизимини ишлаб чиқиш ва ички сиёсат тизими назоратини ташкил қилиш масаласини ишлаб чиқиш зарурияти келиб чиқади. Директорлар кенгаши тизимли равишда ички назорат тизимини етарли даражада ишни олиб боришга эътибор қаратади. Ушбу масалани янада батфилпрок кўрадиган бўлсак, назоратга доир Базель кўмитасининг маълум бир тамойиллари ва йўриқномлари ишлаб

⁶ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: Уточненные рамочные подходы. Июнь 2004. Банк международных расчетов 2004.

⁷ Қисқартма сўзлар изохи: PD – Вероятность дефолта, LGD – Показатель удельного веса потерь в стоимости актива в случае дефолта, контрагента, EAD – Стоимость под риском дефолта.

чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида назорат масаласига алоҳида эътибор берилган. Шу йўриқномаларни гуруҳлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги 1.1-жадвалдаги каби шаклга эга бўлади. Ушбу жадвалда асосий йўриқномалар рўйхати берилган бўлса-да, уларнинг мазмуни билан Базель қўмитасининг сайти (www.bis.org/bcebs/publ/index.htm). орқали танишиш мумкин. Ушбу маълумотлар 2004 йил маълумотларига тегишли бўлиб, шундан кейин 2010 йилда Базель III талаблари ишлаб чиқилган ва унда капиталнинг етарлилиги ва ликвидлигига тааллуқли масалалар кенг ёритилган.

1.1-жадвал

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан чоп этилган назорат текширувлари жараёни билан боғлиқ ҳужжатлар⁸

1.	Б юксы.Капиталнинг етарлилиги тўғрисидаги келишув бўйича бозор рисклари тўғрисидаги тузатишлар	1996 йил январь охириги таҳрири
2.	Банк назорати самарадорлигининг асосий тамойиллари	1997 йил сентябрь охириги таҳрири
3.	Асосий тамойиллар методологияси	1999 йил октябрь охириги таҳрири
4.	Дериватив рискларни бошқариш бўйича қўлланма	1994 йил июль охириги таҳрири
5.	Фонз рискларини бошқариш	1997 йил сентябрь охириги таҳрири
6.	Электрон банк операциялари рискларини бошқариш	1998 йил март охириги таҳрири
7.	Ички назорат тизими	1998 йил сентябрь охириги таҳрири
8.	Қарз маблағлари юқори хиссаси бўлган идоралар билан банкнинг ўзаро алоқасининг ишончли амалиёти	1999 йил январь охириги таҳрири
9.	Корпоратив бошқариш сифатини ошириш	1999 йил август охириги таҳрири
10.	Ликвидлиликни бошқаришнинг ишончли амалиёти	2000 йил февраль охириги таҳрири
11.	Кредит рискларини бошқариш тамойиллари	2000 йил сентябрь охириги таҳрири
12.	Валюта операциялари бўйича ҳисоблашчишлар рискларини бошқариш бўйича назоратга доир қўлланма	2000 йил сентябрь охириги таҳрири
13.	Фонз рисклар назорати ва бошқарув тамойиллари	2001 йил январь шарҳлар учун
14.	Электрон банк операциялари рискларини бошқаришнинг асосий тамойиллари	2001 йил май шарҳлар учун
15.	Банкларда ички аудит ва аудитор ҳамда назорат органлари билан муносабатлари	2001 йил август охириги таҳрири
16.	Банк мижозларининг тегишли назорати	2001 йил октябрь охириги таҳрири
17.	Банк назорати органлари ва банк ташқи аудиторлари ўртасидаги муносабатлар	2002 йил январь охириги таҳрири
18.	Банк назорати органлари учун заиф (муаммоли) банк билан ишлашга доир қўлланма	2002 йил январь охириги таҳрири
19.	Трансчегаравий электрон банк операциялари назорати ва бошқариш	2002 йил октябрь шарҳлар учун
20.	Операцион рискларни назорат юлпиш ва ишончли бошқариш амалиёти	2003 йил февраль охириги таҳрири

⁸ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: Уточненные рамочные подходы. Июнь 2004. *Банк международных расчетов 2004*. С.195.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 15-пунктида бевосита ички аудит масаласи, яъни “Банкларда ички аудит ва аудитор ҳамда назорат органлари билан муносабатлари” масалалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари банк назорати органлари ва банк ташқи аудиторлари ўртасидаги муносабатлар алоҳида очиб берилганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонунининг 43-моддасига⁹ кўра “Банклар аудити” номли моддасида қуйидагича таъриф берилган: “Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит, хусусан, капиталнинг старлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни коплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт.

Демак, аудиторлик фаолиятининг ривожланиши Ўзбекистон Республикасида анча илгари бошланган бўлиб, айниқса, банкларда ички аудит масаласига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Чунки ички аудит бошқа тармоқларга караганда банк тизимида анча илгари бошланганлигини кўришимиз мумкин.

1.2. Тижорат банкларида ички аудитнинг вазифалари

Бугунги глобал иқтисодий инкироз шароитида ички аудит хизматини ривожлантириш ҳар бир ташкилот ва корхона учун жуда долзарб масала бўлиб келмоқда. Айниқса, ушбу масала тижорат банкларида операция турлари, қўлами ва ҳажмининг кенгайиши муносабати билан долзарблиги янада ортмоқда ва уларнинг раҳбарлари банк томонидан амалга оширилган операцияларни тўлиқ назорат қила олмай қолишмоқда ва шундай қилиб ички аудит тизимига талаб янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси томонидан тижорат банклари ички аудит тизимига талаблар қўйилган. Ушбу талабларни бажариш учун эса тижорат банкларида ички аудит тизимини ва унинг самарадорлигини баҳолаш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро,

⁹ Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонуни// Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. Б.34–51.

мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб бѳрувчи банкларни ривожлантириш учун эса ушбу Базель кўмитаси талабларига мос ички аудит тизимини шакллантириш ва амалга ошириш лозим бўлади.

Агар ҳар қандай тижорат банкида ички аудит тегишли тартибда самарали ташкил этилган бўлса, бу энг аввало, тижорат банкининг бошқарувчилари, акциядорларига ва уларнинг вакилларига (Кузатув кенгаши аъзоларига ёки Директорлар кенгашига) самарали бошқарувни ташкил этишда жуда қулай дастак бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, мамлакатимизда, айниқса, ҳозирги ислохотлар даврида тижорат банклари ривожланишида ички аудитнинг аҳамияти жуда катта ва ўз навбатида, уни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Бизга маълумки, банклар молиявий ташкилотлар ичида молиявий ҳажм ва операциялар диверсификацияси бўйича ҳам энг кенг молиявий тармоқ ҳисобланади ва уларнинг кўлами биргина давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Уларнинг рисклари даражаси ҳам бошқа тармоқларга нисбатан энг юқори ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда улар таркибида самарали ички аудит ҳамда уни баҳолаш тизимига ва механизмга эга бўлиш бутун жаҳон банк тизимида асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида кескин рақобат кураши остида ҳар бир тижорат банки ходими ностандарт қарорлар қабул қилишига тўғри келади. Бунинг учун улар чуқур билимга эга бўлишлари лозим. Айниқса, тижорат банкларида ички аудит ходимларига талаб кучаяди. Чунки ташқи аудиторлар тижорат банкининг молиявий ҳисоботларини текшириб, хулоса берганларидан кейингина очиқ матбуотда чоп этилиб, кенг оммага етказилади. Бу маълумотлардан амалиётда банк инвесторлари, акциядорлари, кредиторлари, миқозлари ва ҳамкорлари кенг фойдаланадилар.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари банк ходимлари, шу жумладан бош бухгалтер томонидан тайёрланса-да, ташқи аудит ҳам молиявий ҳисоботларда банк фаолияти тўғри акс эттирилишига жавобгар ҳисобланади. Молиявий ҳисоботларнинг банк фаолиятини тўғри акс эттиришда банк ички аудити ва ички назорат хизматларининг аҳамияти жуда каттадир.

Банк аудитининг асосий масаласи – бу баланснинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш, банк раҳбариятига банкнинг молиявий ҳолати тўғрисида хулоса бериш, унинг даромадлилиги, ликвидлиги ва банк операцияларининг риск даражасини тасдиқлаш ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш, акциядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти

тўғрисида аниқ, ишончли маълумотларга эга бўлишларида ички аудит текширувлари муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иктисодиётида тижорат банклари молиявий-иктисодий, ижтимоий мавқега, мамлакат иктисодиёти истиқболлини белгилашда ҳал этувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларнинг ўзига хослигида, назоратга нисбатан талаб ва ёндашувларда, улар фаолиятини белгилашда, банк бизнеснинг тадбир-корлик фаолиятининг бошқа соҳаларидан сезиларли даражада фарқ қилишида ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистонда банк тизими шаклланиши давридаёқ банк аудитини халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий ҳисобот шакллари тузиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, чет мамлакатларда қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорирок даражага чиқишини таъминлаш мақсадида “Етақчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман, банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юқсакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имкони берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш”¹⁰, унда тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини янада такомиллаштириш, уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига тўлиқ мос қилишни таъминлаш масаласи қўйилган.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари, авваламбор, Марказий банк томонидан диққат билан назорат қилиб бориш объекти саналадики, бу

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 й. 48-сон, 442-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидаъ 1996 йил январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топди. Қонуннинг 50-моддасида айтилганидек, Марказий банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради¹¹

Шунингдек, у банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасида банклар учун мажбурий бўлган қондаларни белгилайди. Бу қондалар қуйидагилардан иборат:

– Банкларнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларни олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш.

– Олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш.

– Банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш.

– Банкларнинг ички аудит бўйича қўйиладиган талабларини белгилаш;

– Банк активларини уларнинг сифатига қараб тасниф қилиш ва активлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервалар яратишни талаб қилиш.

– Ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини аниқлаш.

– Банкларга уларнинг фаолиятида аниқланган тартиб бузилишларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш.

– Банк акциядорлари банк акцияларининг йигирма фоиздан ортигини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ва мавқеи тўғрисида ахборот сўраш ва олиш.

– Банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан малака талабларини қўйиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қўйиладиган иктисодий меъёрлар белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

¹¹ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 21 декабрь // Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Ozbekiston”, 2011. Б.11–33.

- капиталнинг монандлик коэффиценти;
- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;
- йирик таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори;
- ликвидлик коэффицентлари;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантириш;
- қарзларга доир фойзаларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талаблар;
- очик валюта позициялари бўйича лимитлар.

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгрок фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Чет мамлакатлар тажрибасини кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ички аудит катта аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ички аудит хизматининг пайдо бўлиши ва ривожланиши 1941 йилда АҚШда Ички аудиторлар институтининг ташкил этилиши билан узвий боғлиқ. Шундан кейин унинг ривожланиши учун жуда қулай шароит яратилди ва ички аудит кенг таракқий этди. Ушбу ривожланишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- 1) компанияларнинг бирлашуви оқибатида уларнинг кўлами кенгайди ва ички назорат тизимига алоҳида эҳтиёж пайдо бўлди;
- 2) глобализация жараёнининг кескинлашуви оқибатида рискли операциялар кўлами янада ортди ва уларни назорат қилишда ички аудитнинг роли ва вазифаси кенгайди.

Ушбу жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва ундан кейинги шароитда тижорат банклари фаолиятининг назорати, шу жумладан ички ва ташқи аудитдан қутилган асосий мақсад банклар фаолиятини доимий равишда ва йиллик натижалари бўйича назорат қилиб боришдан иборат. Бирок улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудитор характериға боғлиқ.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характериға, мазмунга эга бўлади. Ички

аудит хизмати банк доирасида мустақил бўлишга сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум қабул қилинган қоидаларга кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришга хизмат қилади, яъни, биринчи навбатда, муаммоларнинг эндигина вужудга келадиган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит хизматининг бошқарув курали, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувнинг бажарилган банк молиявий ҳолатининг таҳлили, молиявий натижалар таҳлили натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлимлар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларга юзга чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш юритадилар.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит тижорат банкнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, риск омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятларга эга.

Тижорат банклари фаолияти ўз хусусиятларига эга бўлиб, у кўпроқ четдан жалб қилинган маблағлар эвазига фаолият олиб боради. Бу эса банкларнинг қонун ҳужжатларида амал қилган ҳолда фаолият олиб бораётганлигини назорат қилишни талаб этади.

Ташқи ҳамда ички аудит молиявий ҳисоботнинг меъёр ва қоидаларга риоя қилишини текширади. Фаолият характерининг асосий фарқи шундаки, ички аудит банкнинг ўзида банкнинг ходими (ички аудитор) томонидан ўтказилади.

Ички аудит умумий бошқарув назоратининг ажралмас қисми деб юритилади. Тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк билан ўзаро муносабатларда бўладиган юридик шахслар билан амалга ошириладиган операцияларга бўлган талаб қатъийлаштирилмоқда. Ана шуларнинг барчаси банклардаги ички аудитни ташкил этиш ва такомиллаштиришни талаб этади. Тижорат банкларида ички аудитнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Банк фаолияти ички назоратини амалга ошириш. Ушбу фаолиятни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари фаолиятини тартибга соладиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга

мувофиқлигини текшириш ҳамда унга мос келишига доир таклиф ва мулоҳазалар билдириш.

2. Тижорат банкларининг молиявий ҳисобот шаклларини (ҳар ойда, чорақда, йилда) ички аудит томонидан мониторинг қилиш.

3. Банкларда содир бўлган фавкулотда вазиятлар ва ҳодисаларни аниқлаш ҳамда, улар бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш.

4. Бухгалтерия ҳисоби ва содир бўлган операциялар назорати ҳамда маъмурий назорат тизимларининг белгиланган талабларига мослигини баҳолаш.

5. Тижорат банклари фаолиятини амалдаги қонунлар, қоидалар ва йўриқномаларга мувофиқ ва мос келишлигини баҳолаш.

Ички банк аудити ўтказилган текширув натижаларини умумлаштиради ва бу ҳусусда ахборотни Банк Кенгаши раҳбариятига тақдим этади.

Ички аудиторнинг асосий вазифаси ходимларга иложи борича ўз ишларини юқори даражада самарали бажаришга ёрдам бериш бухгалтерия маълумотлари ва уларнинг ишончлилигини текширишдан иборат.

Ички аудит текширишининг афзаллиги мавжуд ва келажақда бўлиши мумкин бўлган хато ҳамда камчиликларни бартараф қилиш бўйича берилган маслаҳатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудит иши самарали ташкил этилишида мавжуд тўсиқ ва муаммоларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

1. *Маълумотлар очиқлигининг етишмаслиги.* Банк ички аудити банкка максимал даражада фойда келтириши учун унга банкнинг бошқа бўлимларига маълум бўлган барча маълумотлар очиб берилиши лозим. Ишонч муҳити эса қучли ва заиф томонларини баҳам кўришга имкон яратади.

Бунда банкнинг айрим бўлимлари ўзининг йўналишида қўнлик назорат ўрнатганлиги сабабли, филиалларнинг айрим камчиликлари бўйича маълумотларга эга бўлади, лекин ушбу маълумотлар ички аудиторлар учун очик бўлмай қолиши мумкин ва ушбу фаолиятни текшираётган ички аудиторнинг малакаси ва қобилиятига боғлиқ равишда, ушбу камчилик текширилмай қолиш эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, маълумот ички аудиторга аён бўладиган бўлса, ички аудитор ушбу камчиликдан бошлаб бунга боғлиқ бўлган бошқа камчиликларни ҳам аниқлаш имкониятига эга.

2. *Аудит натижалари бўйича тегишли чоралар кўрмаслик.* Ички аудит томонидан аниқлаган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўрилмаслиги аудитнинг кейинги фаолияти самарасиз бўла бошлашига

туртки бўлади. Бунда тижорат банкларида ички аудитнинг роли ва аҳамиятини аниқ англаб олиш лозим.

3. *Ахборот технологиялари борасидаги муаммолар.* Ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири – бу ички аудит жараёнида ахборот технологиялари ва дастурлардан тўлиқ фойдалана олмаслик муаммосидир. Мамлакатимизда, айниқса, кўпчилик банкларда, ички аудит хизматлари мустақил дастурларга эга бўлмагани сабабли, эски усулда, коғоз асосида текшириш ёки банкнинг мавжуд дастурий таъминотларидан қисман фойдаланиш давом этиб келмоқда.

Ички аудит ташқи аудитдан фаркли равишда махсус бошқарма томонидан амалга оширилади. Ички аудит банк молиявий ҳолатини, харажатлар манбаини, бошқариш тизимини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, у банк раҳбариятини банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар билан таъминлайди.

Ички аудит хизмати банкларнинг молиявий ва жорий ҳисоботларини таҳлил этади, келгуси ривожланиш йўналишини аниқлайди ва раҳбариятга қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Ички аудит компьютер тизими, уни яратиш асослари ва хусусиятлари, компьютер дастурининг ишлаши, унинг татбиқи ҳақида ҳам тўхталиб ўтганлар. Унда ички аудит компьютер тизимининг информацион модель расми келтирилиб, корхонада бирламчи ҳисобланган ҳужжатлар асосида файллар тузиш, уларни қайта ишлаш ва натижавий файллар тузиш схемаси ёритилган.

Аудит жараёнини автоматлаштириш ички аудит хизмати ишининг самарасини оширади. Чунки кўплаб меъёрий-маълумотнома ахборотларини компьютер хотирасида сақлаш бир томондан, аудиторнинг имкониятларини оширади, иккинчи томондан эса, назорат-маслаҳат тизимини яратиш имконини беради.

Ички банк аудити томонидан амалга ошириладиган текширувларнинг мақсади, фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– тижорат банклари олдига қўйилган вазифани бажаришига бевосита ёрдам бериш;

– банк фаолиятини яхшилаш бўйича амалий таклифлар бериш;

– ташқи банк аудити билан аудиторлик текширувини мувофиқлаштириб олиб бориш натижасида уларнинг ишини енгиллаштириш орқали шартнома қийматини арзонлаштириш имкониятини яратишдан иборат.

Текширув ўтказиш давомида режа қайта кўриб чиқиши мумкин. Аудиторлик текширув ўтказишда, агар текширилаётган бўлимлар ёки ҳар хил турдаги иш ҳажмлари сезиларли катта бўлса, маъқул йўллардан бири, бу – турли график ёрдамида ташкил этилиши мумкин. Бунинг

учун филиал ёки бўлим бошқарувчилари томонидан текширувдан олдин тайёргарлик ишларини амалга ошириши керак бўлади, яъни зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаши, масалан, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом, Марказий банкнинг лицензияси, баённомалар, солиқ органларининг текширув далолатномалари, инвентаризация натижалари тўғрисидаги ҳужжатлар, қимматликларнинг ҳисоби ва сақланишининг тартибга солиб қўйилиши, ҳисоботларни тайёрлашнинг тугатилиши муҳим аҳамият касб этади.

Режалаштиришда яна бир муҳим белгиларидан бири, бу – аудиторнинг ишчи ҳужжатларидир. Улар текширувга методик ва мантқий ёндашишни таъминлайдики, бўлажак режалаштириш учун муҳим бўлган, бажарилган ишлар, аниқланган муаммолар ва уларни ечиш усуллари ҳақида маълумотлар беради. Агар ишчи ҳужжатлар стандартлаштирилган бўлса, унда уларнинг тайёргарлиги ва назорати самарадорлиги ошади, ҳужжатлаштиришни тартибга солади ва асосий ҳолатлар ўтказиб юборилмаслигига кафолат беради.

Сифатли ишлаб чиқилган режа олдиндан пухта тайёргарликни талаб этади. Ушбу жараёнда текширилаётган филиал билан олдиндан танишиб чиқиш ва:

- унинг молиявий барқарорлигини;
- иқтисодий муҳитдаги филиалнинг жойини;
- миқозлар билан бўлган муносабатини аниқлаб олиш лозим.

Банк операцияларини текшириши. МДХда, жумладан, Россия амалиётида тижорат банкларида ички аудит вазифалари ва аудитни ўтказиш ҳақида қисқача маълумот келтирилган¹² Аудит текширувини ўтказишга киришаётган вақтда, биринчи навбатда, банк балансининг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Бунинг учун текширувчилар (ички аудиторлар) аналитик маълумотларини синтетик маълумотлар билан солиштириб чиқилиши ва бухгалтерия амалиётларининг тегшлик счётларда ақс эттирилишининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Кейинги текшируваларни қуйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилган:

1. Касса тафтиши.
2. Устав фондининг тўғри шаклланганлигини текшириши.
3. Вақиллик ҳисобварақларининг ҳолати.
4. Кредит операцияларининг текшируви.
5. Банк даромад ва харajatларининг таҳлили. Солиқларнинг тўғри ва ўз вақтида тўланганлигини текшириши.

¹² Потфель делового человека. “Банковский портфель-3”. – М.: “Совинтек” 1995 год. 565–570 стр.

Булардан ташқари, банкнинг ривожланиши ва операциялар кўламининг ошиши натижасида банкнинг бошқа соҳаларини текшириш зарурияти туғилиши мумкин.

Мамлакатимиз иктисодчи олимлари¹³ Бош банк ёки филиаллар фаолиятини аудит текширувдан ўтказилганда, қуйидаги масалаларни ёритиб бериши лозим деб биладилар:

1) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши;

2) Бош банк ёки филиалнинг иктисодий-меъёрий қўрсаткичларини, маблағларнинг етарлилиги, ликвидлилигини, активлар сифатини;

3) кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олаётганини;

4) банкларнинг депозит, кредит, пул муомаласи, ҳисоб-китоб, касса, валюта ва бошқа операциялари бўйича ўтказилган амалларнинг тўғри ва асосланганлиги;

5) ички назорат аҳволини, тўғри тузилиб, тегишли жойларга тақдим этилаётганини;

6) ходимларнинг ижро интизомини;

7) филиал раҳбарларининг банк ишининг қай тарзда ташкил қилинганини ҳамда банк даромадларини ошириш ва харажатларни камайтириш борасида олиб бораётган ишларни аниқлашдан иборатдир.

Фикримизча, ички аудит хизмати томонидан банк филиалларида текширувларни қуйидаги тартибда амалга ошириш мумкин.

Бунда асосий эътибор тижорат банки фаолиятини текшириш, шу жумладан тижорат банки эмиссия-касса операцияларини аудит қилишга қаратилиши лозим. Чунки қўпчилик хатоликлар ушбу соҳада бўлиши мумкин ва банк пул маблағларининг сақланиши муҳим масала ҳисобланади. Ички аудиторлар ишни режалаштириш учун банк балансини таҳлил қилишлари лозим, шу асосда банкнинг қайси соҳаларига эътибор бериш лозимлигини аниқлайдилар.

Аудиторлик текширувнинг аудитни ташкил этиш усули ва аудит ўтказиш усуллари мавжуд. Аудитни ташкил этиш усули деб, қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин: тўлик аудит, танланма текшириш, аралаш текшириш, жорий (тўсатдан) текшириш.

Банк фаолиятининг айрим операциялари, уларни аудитдан ўтказишда аҳамият берилиши керак бўлган масалалар бўйича қисқача тўхталиб ўтамиз.

¹³ Тижорат банклари ташқи аудитда халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси .А.В. Вахабов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев. Т. Молия, 2011. Монография. -188б. Б. 148-149

Бухгалтерия ҳисоби ва банк ички назоратини аудитдан ўтказишда текширилаётган Бош банк ёки филиалда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назорат ишлари қай даражада ташкил этилганига аҳамият берилиши керак.



1.1-расм. Банк филиалларини аудит қилиш тартиби ва ишларнинг тақсимланиши¹⁴

Бунинг учун мазкур банкда бухгалтерия ишлари бухгалтерия ходимлари ўртасида қай даражада тақсимлангани, ходимларнинг лавозим вазифалари, ички назорат гуруҳи иш режалари, улар томонидан

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

тузилган маълумотномаларнинг сифатлилиги, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш бўйича тутилган журналларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, ҳужжатлар айланиши ва миқозларга хизмат кўрсатиш жадвалларига риоя этилаётганлиги аудитдан ўтказилади.

Текшириш кунига банк баланси олиниб, зарур тарзда тўлик таҳлил қилингандан сўнг, қуйидагилар текширилади:

– бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган ҳисобварақлар (депозит, қарз, банкнинг ички ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар), инкассо ҳужжатлари, иш ҳақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисобини юритиш карточкалари ва умуман, аналитик ҳисоб билан синтетик ҳисобларнинг бир-бирига мослиги;

– текширилаётган даврда очилган ҳисобрақамлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари йиғма жилдларининг тўлиқлиги, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги;

– миқозларнинг ҳисоб-китоб операциялари бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия ходимлари томонидан ушбу ҳужжатларнинг ижро учун тўғри қабул қилиниши;

– катъий ҳисобдаги бланкаларнинг бут сақланиши ва улар ҳисобининг тўғри юритилаётгани;

– электрон тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги;

– бухгалтерия қирим-чиқим ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва уларнинг ўрнатилган тартибда архивга топширилиши;

– бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни хўжалик органларининг ҳисобрақамларидан мутаносиб равишда ўчириб боришнинг белгиланган тартибда риоя қилиниши.

У.О.Саҳобов илмий изланишларида аудиторлик фаолиятида муҳим ҳисобланган аудиторлик танловни чуқур ўрганиб, аудиторлик танлов моҳиятининг зарурлиги, унинг келиб чиқиши ҳамда асосий муаммоларини ёритиб берди. “Аудиторлик танлови” бу – ҳисоб счётлардаги қолдиқлар ва счётлар бўйича оборотлар ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизимининг ишончлилигини аниқлаш учун жами элементларни 100% дан камроқ текшириш жараёни ҳисобланади¹⁵

Бундан ташқари, аудиторлик текширув ва танлов турлари, танловнинг ҳисоб-китоб rischi методикаси, банк кредит портфелини ҳисоблаш методикаси батафсил таҳлил қилинган. Кредит фаолиятининг банк аудитини ўтказишда танлов жараёнини автоматлаштириш учун “Audit sampling” дастурий таъминоти яратилди. Бу эса, ўз навбатида,

¹⁵ Саҳобов У.О. Аудиторская выборка. – Т.: “Иқтисод-молия.” 2006. С.13–14.

аудит хизмати текширув жарёбининг тезкор ва аниқ маълумотлари ҳамда аудиторлик исбот-далилларини олиш имкониятини беради.

Иқтисодчи олим Н.Каримов томонидан тижорат банкининг барқарорлигини баҳолашда аудитнинг тутган ўрни таҳлил қилинган¹⁶ ва тижорат банкларидаги ички аудит тизими фаолияти хорижий амалиёт ва халқаро тажрибадан қилиб чиққан ҳолда халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш кераклиги асослаб берилган.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш замонавий инфор­мацион технологияларга асосланган бўлиб, у нафақат аудитни амалга ошириш учун вақтни ва воситаларни тежашга, балки қўлда ҳисоблаб топиш мураккаб бўлган ахборотни олиш имконини ҳам беради. Бу ахборотлар, авваламбор, банк стратегияси, молиявий ҳолатини ахшилаш йўллари ва воситаларига тегишлидир. Компьютерлаштиришнинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш ўтган давр ахборотларига асосланиб, ҳисобот даврида банк раҳбариги қандай йўл тутиши кераклиги, ҳисобот даври ахборотига асосланиб, колғусида қандай ҳаракат қилиш кераклигини аниқлаш имконини беради. Бу ахборот корхоналар раҳбариги томонидан қабул қилинадиган қарорга объектив баҳо бериш учун асос бўлади.

Демак, тижорат банки фаолиятини ички аудит томонидан текшириш жарёб­ида тегишлиб ўлинмалар фаолиятга асосий эътибор қаратилиши керак. Ушбу юқоридаги масалалар тижорат банки ички аудитининг вазифаси ҳисобланади.

1.3. Тижорат банкларида ички ва ташқи аудитнинг стандартлари

Маълумки, чет мамлакатлардаги иқтисодий глобаллашув жарёбни таъсирида 1977 йил 7 октябрда бухгалтер ва аудиторлар бирлашиб, аудит стандартларини яратиш мақса­дида халқаро бухгалтерлар уюшмасини (Федерацияси) ташкил этишди. Бу IFAC (International Federation of Accountants Committee), яъни Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси деб номланди. Ушбу федерация давлат, саноат, савдо, жамоатчилик сектори ва таълимни ўз ичига олган миллий ва регионал бухгалтерлар касбий ташкилотларини бирлаштирдн. Ҳозирги кунда IFAC томонидан 164 нафар аъзо 125 та давлатдан 2,5 миллиондан ортиқ бухгалтерларни бирлаштирган. Ушбу ташкилот таркибида қуйидаги қўмиталар мавжуд:

1. Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро таълим стандартлари бўйича қўмита.

¹⁶ Н.Ф.Каримов. «Тижорат банкларида ички аудит». – Т.: "Фан", 2006.

2. Халқаро аудит стандартлари ва ахборотларнинг ишончилигини тасдиқлаш қўмитаси.

3. Бухгалтерлар учун халқаро этика стандартлари қўмитаси.

4. Давлат секторида молиявий ҳисоб ва ҳисобот бўйича халқаро стандартлар қўмитаси.

Ушбу қўмиталардан аудиторлик фаолиятига тааллуқли бўлим бўлиб учинчи бўлим ҳисобланади, улар амалиётда IAPC(International Auditing Practices Committee) – Халқаро Аудиторлик Амалиёти Қўмитаси деб юритилади.

Қўмитада IAP(International Auditing Principals) – Халқаро Аудиторлик Тамойиллари бўлими ташкил топган бўлиб, бўлим орқали жаҳон бўйича аудиторлик фаолияти яхши ривожланмаган мамлакатларга аудитнинг халқаро стандартлари орқали амалий ёрдам беради. IAPC – Халқаро Аудиторлик Амалиёти Қўмитаси IFAC – Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси номидан аудит фаолиятини ташкил қилиш учун аудит стандартларини ишлаб чиқади. Бу қўмита ҳисоб ва аудитга доир барча фаолиятини ўзининг қўмиталари орқали амалга оширади. Ҳозирги даврда булар жумласига: аудиторлик амалиёти бўйича қўмита, ўқитиш бўйича қўмита, этика (ахлоқ) бўйича қўмита, молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби бўйича қўмита, режалаштириш бўйича қўмита, жамоат сектори бўйича қўмита ва ҳоказолар қиради¹⁷

Бу аудитнинг халқаро стандартлари – бевосита жараён ёки аудит ёндашуви бўйича қоидалар ва хизмат кўрсатиш келишув ҳолатлари ҳамда маълумотларни йиғиш бўйича қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Шундай қилиб, аудит стандартларининг моҳияти – бу умум қўлланиладиган стандартлар бўлиб, улар аудиторлар томонидан молиявий хўжалик юритувчи субъектларни аудит қилиш жараёнида умум қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилиш ва уларнинг талабларига жавоб беришдан иборат бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу GAAS (General Accept Auditing Standarts) Умум қабул қилинган Аудит Стандартлари йўриқларига асосланиб, халқаро аудит стандартлари амалиётга татбиқ қилинади. Ушбу стандартларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, стандартлаштирилладиган ҳар бир объект бўйича 100 та рақам (позиция) берилган. Стандартлаш объектлари 11 та бўлгани учун жами 1100та стандарт ишлаб чиқилиши мумкин. Амалиётда бундай миқдордаги стандартлар учун эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли уларнинг кўпчилигидан фойдаланил-

¹⁷ Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики. Алматы.: 2007. С.4–8.

майди. Масалан, «Режалаштириш» (300–399) деб номланган стандартлаш объекти учта стандартдан иборат: 300–«Режалаштириш», 310–«Бизнесни билиш», 320–«Аудитда жиддийлиги». Демак, режалаштириш масалалари бўйича яна 7 та стандартни қабул қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир стандартга 10 тагача субстандарт очиш мумкин.

Ушбу стандартлар ташқи аудитни ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида асосий ўрин эгаллайди. Чунки ташқи аудит шу стандартлар асосида ташкил қилинади. Ушбу стандартлар ташқи аудитни амалга оширишда кўплаб аудиторлик фирмалари ва компаниялари учун асосий дастурил амал ҳисобланади. Уларнинг асосий мақсади ИАСнинг асосий талабларини таъминлаш заруратига йўналтирилган ўз аудиторлик услубиятига эга бўлиб, умум қабул қилинган стандартлар доирасида ташқи аудитни ўтказишга асосланган.

Европада бухгалтерлар ва аудиторларнинг иккита профессионал ташкилоти салмоқли ўрин эгаллайди. Бу – бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича халқаро комитет – БҲСХК (International Accounting Standards Committee – IASC) ва Европа эксперт бухгалтерларининг федерацияси ЕЭБФ (Federation of Experts Comptables Europeen – FEE). FEE 1987 йил 1 январда ташкил топган ва штаб-квартираси Брюсселда жойлашган.

Миллий анъаналар, шунингдек, аудиторлар жамоат ташкилотлари ҳам аудиторлик фаолиятининг барпо бўлиши ва ривожланишида жуда катта роль ўйнайди. Масалан, Америкадаги қасамёд қилган бухгалтерлар институти – АҚБИ (American Institute of Certified Public Accountants – AICPA) АҚШда аудиторлик фаолиятининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Унга қуйидаги мажбуриятлар юкланган:

- қасамёд қилган бухгалтерлар учун профессионал талабларни белгилаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит билан боғлиқ мавзуларда тадқиқотлар ўтказиш ва асарлар чоп қилиш;
- маъмурият учун консултация хизматлари;
- солиққа тортиш соҳасидаги консултация хизматлари.

Булардан ташқари, АҚШда марказий ҳисоб бошқармаси (ёки умумий бухгалтерия ҳисоботи бошқармаси) – МҲБ (General Accounting Office – GAO) ҳам мавжуд. Бу федерал ҳукумат қонунчилик шохобчасининг идорадан ташқари хизмати бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада ҳисоб палатаси ташкил этилган. Англияда қасамёд қилган бухгалтерларни бирлаштирувчи қуйидаги асосий ташкилотлар мавжуд: Англия ва Уэльс қасамёд қилган бухгалтерларининг институти – АУҚБИ (The Institute

Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW ёки ACA, ёки FCA); Дипломли бухгалтерларнинг жамоат ассоциацияси – ДБЖА (The Chartered Association of Certified Accountants – CACA ёки ACCA, FCCA) ва ҳ.к. Кўплаб мамлакатлар (Ўзбекистон 1999 йилдан бошлаб) ўзларининг миллий стандартларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқмоқдалар.

АҚШда ички аудиторларнинг профессионал ташкилотлари 1941 йилда ташкил топган бўлиб, Ички аудиторлар институти – ИАИ (IA – Institute of Internal Auditors) деб номланган.

Ички аудиторларнинг бундай бирлашиши уларнинг таркоқ кучларини ўз манфаатларини химоя қилиш мақсадида бирлаштириш ҳамда малака маҳоратини янада ривожлантириш ва фаолият самарадорлигини ошириш зарурлигидан келиб чиққан.

Институт ички адиторлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради, умумтаълим фаолиятини таъминлайди ва мазкур профессионал амалиёт меъёрларини ишлаб чиқади. У ўз функцияларини ва ички аудиторлар хизматларини доимий равишда кенгайтириб келмоқда.

Институтнинг АҚШдаги бўлимларидан ташқари Австралия, ХХР, Ҳиндистон, Исроил, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, Жанубий Африка Республикаси, Англия ва Шимолий Ирландия каби мамлакатларда миллий институтлари мавжуд.

Жаҳон иктисодиёти, қолаверса, молиявий хизматлар бозорида капитал маблағлар ва инвестициянинг эркин айланиши, айтиш мумкинки, ҳисоб сиёсати ва аудит стандартларининг янада такомиллашишига туртки бўлди. Кўпгина бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассислар, шу жумладан назоратчи ташкилотлар, молиявий маълумотлардан фойдаланувчилар, йирик компаниялар ва фирмалар халқаро стандартларнинг талаб даражасида яратилишига ва такомиллашишига катта қизиқиш билан эътибор қаратдилар.

Сабаби, ҳисоб, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари жаҳон иктисодиётида ҳамда маҳаллий иктисодиётда ягона ҳисоб ва аудит тилини яратишга, қолаверса, иктисодиётда ва амалиётда ҳам улар ўз изчиллиги ва ишончлилиги билан фойдаланишга қулай бўлишига ишониниш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот ва аудит хулосаларидан фойдаланувчилар тарафидан, умум ишлаб чиқилган стандартлар тўғрисида кўп йиллар ҳар хил тортишувлар оқибатида, халқаро аудит стандартлари, бир қанча мураккаб ҳатоликлардан холи бўлди. Ҳозирда ҳам, жаҳоннинг кўпгина мамлақатларида халқаро аудит стандартларининг талабла-

рига мувофиқ равишда, миллий аудиторлик стандартларини амалиётга татбиқ қилишда, бундай илмий тортишувлар давом этмоқда.

Айниқса, МДХ давлатлари: Россия, Украина, Беларусь ва Марказий Осиё мамлакатлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон каби давлатлар аудитнинг халқаро стандартлари талабига мувофиқ равишда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда ҳозирги давргача жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда айнан тижорат банкларида ташқи аудит ўтказишда халқаро аудит стандартлари тамойилларидан кенг фойдаланилади. Чунки аудиторлик хулосаларида муҳим бандларидан бири аудитор жавобгарлигида аудит аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилганлиги таъкидланиб, ташқи аудит текшируви ушбу стандартлар асосида амалга оширилганлиги алоҳида кўрсатилиб ўтилади. Тижорат банкларида ташқи аудит ўтказишда бевосита халқаро аудит стандартларидан фойдаланилганлигини таъкидлаш асосида улардан бевосита фойдаланилади. Масалан: ташқи аудитда АХС № 520-“Тахлилий амаллар” номли стандартдан фойдаланишига тўхталиб ўтишимиз мумкин.

Ташқи аудитни ташкил қилишда асосий масалалардан бири аудит ўтказиш жараёнида тахлилий амаллардан кенг фойдаланилади ва унинг 4 та вазифаси мавжуд деб ҳисоблаш мумкин.


Булар:

- 1) миқознинг бизнеси билан танишув;
- 2) муассасанинг фаолият кўрсатувчанлик қобилиятини баҳолаш;
- 3) молиявий ҳисоботда хатоларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги эҳтимолини баҳолаш;
- 4) деталлашган аудиторлик тестларининг сонини қисқартириш ва ҳоказолар¹⁸.

Ушбу тахлилий амаллар, айнан аудит ўтказишнинг режалаштириш босқичида бажарилиши диққатга сазовордир. Чунки, бунда фақат ушбу тахлилий амаллар орқалигина кейинги ишга маълум бир аниқликлар киритиш мумкин бўлади. Тахлилий амалларнинг самарадорлиги маълум омилларга боғлиқ. Масалан, уларга вақт бўйича танлаш, мақсадни аниқлаш, тестни лойиҳалаш, миқоз ҳақидаги маълумотларни тармоқ бўйича таққослаш, миқознинг жорий ва ўтган даврлардаги маълумотларини таққослаш, миқоз маълумотларини аниқ миқоз ҳақидаги қутилаётган натижалар билан таққослаш, миқоз маълумотларини аниқ аудитор томонидан қутилаётган натижалар билан таққослаш

¹⁸ Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. Пер. с англ. М.А.Терехова и др. – М.: “Финансы и статистика” 1995. – С. 205.

ва ҳоказолар. Айрим амаллар олдин таъкидлаганимиздек, режалаштириш даврида амалга оширилади. Яъни, аудитор аудитнинг мақсади, олдинда турган иш ҳажми ва муддатини аниқлаши жуда муҳим. Режалаштириш вақтида содир этилган амаллар аудиторга муҳим вазиятларга ойдинлик киритишда ёрдам берса, сал кейинроқ, яъни аудит жараёнида бажарилган амаллар текширувда асосий диққатни талаб қилади.



1.2-расм. Аудит умумий стандартларининг гуруҳланиши


Куйида (GAAS) Умум қабул қилинган аудит стандартлари тўғрисида тўхталамиз. Ушбу стандартлар куйидагича гуруҳланган:

1. Умумий стандартлар.
2. Ишчи стандартлар.
3. Хулоса стандартлари.

Биринчи гуруҳдаги стандартларни куйидаги тартибда 3 та гуруҳга ажратишимиз мумкин.

Ушбу стандартлар аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан аудитни режалаштиришдан бошлаб, у бўйича аудиторлик хулосаларини тузишгача бўлган даврни ва босқичларни ўз ичига олиб, аудиторга қўйилган касбий ва этик талабларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, аудитор томонидан топширикни бажариш учун саволнома ва тестларни тузиши ҳамда улардан фойдаланишига қўйилган талаблар, аудитни режалаштириш, таҳлилий амалларни бажариш билан боғлиқ масалаларни очиб беришга қаратилган.

Иккинчи гуруҳга эса ишчи стандартларнинг вазифаси ва унинг моҳиятини очиб беришга қаратилган. Шу жумладан ушбу стандартларнинг қуйидагича гуруҳланиши белгиланган.




1.3-расм. Аудит ишчи стандартларининг гуруҳланиши

Демак, тижорат банкларининг ички аудитида ишчи стандартлар ишни пухта режалаштириш ва ёрдамчилар мавжуд бўлса, улар устидан тўла назорат ўрнатиш мақсадида, текшириш ҳажмини белгилаш, вақт чегараларини аниқлаш ва аудит режасини тузиш жараёнида ички аудитор томонидан тижорат банкида ташкил қилинган ички назорат тизими ўрганилади.

Кейинги муҳим масала аудиторлик текшируви натижаси бўйича тегишли аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини тайёрлаш ҳисобланади. Ушбу аудитнинг хулоса стандартлари ташқи аудит нутаги назаридан қуйидаги қисмлардан иборат бўлади. Аудиторлик ҳисоботи, аудиторлик хулосаси, раҳбариятга хат.

Ички аудит нуктаи назаридан улар аудиторлик хулосаси ва аудиторлик қўмитасига топшириладиган тегишли ахборот хати, банк кенгашида муҳокама қилиш учун бош аудитор маърузасидан иборат бўлади. Албатта, аудиторлик хулосаси бўйича кўрсатилган камчилик ва тавсияларни тузатиш бўйича мониторинг масаласини ҳам ўз ичига олади ва мониторинг натижалари ички аудит бошқармаси йиғилишида, агар зарур бўлса, аудиторлик қўмитасида муҳокама қилиниши керак деб ўйлаймиз.

Аудит хулосалари стандартлари:



1.4-расм. Аудит хулоса стандартларининг гуруҳланиши

Ушбу хулоса стандартларида молиявий ҳисобот умум қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари асосида тузилганлиги тўғрисидаги маълумот берилиши, аудиторлик хулосасида бу тамойиллардан четта чиқиш шароитлари белгиланиши ва тартиби аниқланиши керак. Аудиторлик хулосасида молиявий ҳисоботдаги маълумотни хатолардан холи деб қараш, агар хатолар бўлса, уларга умумий шарҳ берилиши лозим. Хулоса молиявий ҳисобот бўйича тўла фикрлар мажмуидан иборат бўлиши ёки фикр билдириши мумкин эмаслигини маълум қилиши керак. Агар фикр билдириш мумкин бўлмаса, унинг сабаблари келтирилиши шарт. Хулоса аудиторлик текшируви характерини ҳам ифодалаб, аудиторлар жавобгарлик даражаси ҳақида ҳам маълумотларни бериши зарур¹⁹

Аудиторлик хулосасининг асосий вазифаси, ҳўжалик субъектларининг мулкӣ ва молиявий аҳволининг, шунингдек, унинг фаолиятидаги молиявий натижаларнинг инфляция даврида бухгалтерия тамойилларига амал қилган ҳолда тўғри кўрсатганлигидан иборат бўлади. Ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги мезонини ҳар бир мулкдор ўзи учун белгилаб олади. Лекин, хорижий шерикларга эса аудиторнинг хулосаси зарур. Аудитор ушбу мезонларнинг узил-кесиллигини, уларнинг асослилигини тасдиқлаши ёки рад этиши керак.

¹⁹ Gohn Dunn. Auditing. Theory and practice. – Prentice Hall, 1996. –P. 28.

Шундай қилиб, аудитор хулосаси ҳатто мулкдорлар ҳисоблаш методологиясига турлича ёндашганларида ҳам фойдаланувчиларга бухгалтерия ҳисобига етарли даражада ишонч билан қараш имконини беради. Кўрсаткичлар таркиби мол-мулк, сармоя, мажбуриятлар ва молиявий натижаларнинг энг аҳамиятли қисмлари ёритиб берилишини таъминлаши керак. Баланс ва бошқа ҳисобот моддалари ташкилотнинг молиявий аҳволини ва фаолият натижаларини баҳолаш учун қанчалик муҳимлилигига қараб уларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, агар айрим активлар, пассивалар ёки хўжалик операцияларининг ҳар бири алоҳида олинган ҳолда ташкилот молиявий аҳволини ёки унинг фаолияти молиявий натижасини баҳолашга таъсир кўрсатадиган бўлса, уларнинг кўрсаткичлари аудит хулосасида алоҳида (айрим моддалар тарзида) келтирилиши лозим.

Аудитнинг халқаро стандартларининг жаҳон бўйлаб иктисодиётга татбиқ этилиши, шунингдек, маҳаллий иктисодиётда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини қўллаш натижасида, халқаро стандартларга бўлган ишонч янада юксалди²⁰

Халқаро аудит стандартларига кўра аудитнинг 4 та асосий концепцияси мавжуд: хулқ-атвор этикаси; мустақиллик; маҳоратлилик; исботлилик.


Бу концепциялар асосида қуйидаги постулатлар келиб чиқади: манфаатларнинг тўқнашиш эҳтимоллиги; аудитор томонидан бир йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш; касбий мажбуриятлар; верификация (бирор муаммо бўйича аниқ маълумотларни йиғиш ва бирон мезон асосида баҳолаш); ички назорат ва унинг ишончлилиги; аввалги маълумотларнинг келгусида ҳам ишончлилиги.

Ҳар бир аудитор мана шу постулатларни изчиллик билан ўрганиши лозим. Сабаби, аудитор хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини аудит қилиш жараёнида ҳар хил муаммоларга дуч келиши мумкин.

Халқаро аудит стандартлари юқорида таъкидлаб ўтилганидек, молиявий ҳисоботни текширишда, аудиторга ёрдам берувчи материаллардан иборат бўлган қондалар йиғиндисидир. Уларга касбий сифатлар ва талаблар кўзда тутилган. Касбий сифатлар жумласига мустақиллик, ўз касбининг устаси бўлиши кабилар киритилса, талабларга аудитор хулосасига қўйилган талабларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

²⁰ <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)

Халқаро аудит стандартлари аудиторлар ёки аудит жараёнини амалга оширувчи аудиторлик фирма ва компанияларига бирор хил мажбуриятни юкламайди, лекин бу стандартлар аудит амалиётида умумлаштирилган қондаларга асосланиб ишлаб чиқилгандир. Ҳар бир аудит стандартларининг қай даражада ўз мақсади ва вазифаларига боғлиқлигини ўзи белгилайди. Бу – аудит стандартлар назариясига кўра берилган таърифни яна бир бор тасдиқлайди. Яъни, аудит стандартлари аудиторлик назоратининг асосий қондалари ёки аудиторлик назоратининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади. Бу қондалар ёрдамида аудитор қуйидагиларни аниқлаб олади:



1.5-расм. Аудит ўтказиш мезонларининг гуруҳланиши

Ушбу мезонлар аудит ўтказиш тартибини ва унинг кетма-кетлигининг умумий қондаларини белгилайди. Стандартлар талабига кўра аудиторлар, аудиторлик фаолияти қандай шароитда ўтказилишидан қатъи назар, уларга риоя қилишлари керак. Шундай бўлса-да, стандартлар аудиторлардан мустақил фикр билдиришни талаб этади.

Халқаро аудит стандартлари – аудиторлик текширувларининг белгиланган даражада ўтказилишини, қўйилган талабларга аниқ ва тўғри жавоб берилишини келтириб чиқаради. Стандартлар, аудиторларнинг доимий равишда билим ва малакасини ошириб бориш, бошқа аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилган

аудиторлик назоратлари натижалари билан солиштириш, сифат жиҳатдан баҳолаш, текширувда рационализаторлик ғояларини кенгроқ ёйиш стандартлардаги талаблар натижасини қамраб олади ва уларни ривожлантириб боради. Аудитнинг халқаро стандартларининг қўлланиши, дунё миқёсида молиявий ҳисоботларни аудит қилишни ягона тизимга солиш, ҳар бир давлатда бу тизимнинг ихтиёрий равишда қўллаш имкониятини яратади. Натижада, мамлакатлар ўзларининг ягона халқаро меъёрлар асосида миллий аудиторлик стандартлари ёки шу каби аудит фаолиятини ўтказишнинг тартибга солувчи йўриқномаларни ишлаб чиқади.

Ҳозирги кунда аудит стандартларининг яна бир тури ажратилмоқда. Бу – махсус аудиторлик стандартларидир. Махсус стандартлар махсус ҳолатларнинг аудиторлик текшируви учун ишлаб чиқилади ва ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шу сабабли улар махсус стандартлар деб номланади. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда ташқи аудит текширувини ўтказишда халқаро стандартларни қўллаш ундан фойдаланувчиларга, банкнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақида объектив ва ишончли ахборот беради, жаҳон сармоя бозорларига чиқишни енгиллаштирилади ва инвестицияларни жалб этишда ортиқча харажатларни камайтиради.

Ўзбекистон Республикасида халқаро аудит стандартлари асосида миллий аудиторлик фаолияти стандартлари ишлаб чиқиш бошланган. Шу нуқтаи назардан уларни ўзаро таққослаш лозим деб ўйлаймиз ва уни қуйидаги жадвал орқали ифодалашимиз мумкин.

Бундан ташқари, аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида ички аудит стандартлари ҳам амалда фойдаланилади. Чунки ички аудитни амалга ошириш жараёнида чет мамлакатларда халқаро ички аудитнинг профессионал стандартлари мавжуд бўлиб, унда ички аудитни амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган стандартлар берилган. Лекин молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудит қилишда ташқи аудит стандартларидан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади. Ички аудит томонидан бўлинмаларни аудиторлик текшируви ишларида компьютер дастуридан фойдаланиш молиявий ахборотлар аудитини қайта ишлаш, сақлаш ва уларни узатиш жараёнига ўзгариш киритади ва бу ҳолат банкда мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимига таъсир ўтказди.

Халқаро ички аудитнинг профессионал стандартлари

Т/р	Стандартларнинг номлавиши
Стандартларнинг сифат таъсирлари	
1000	Мақсади, ваколати ва мижбуриятлари
1010	Ички аудит тўғрисидаги Низомда Стандартлар, Этика кодекси ва Ички аудит тушунчаларининг эътироф этилиши
1100	Мустақиллик ва объективлик
1110	Ташкилий мустақиллик
1111	Кенгаш билан бевосита алоқаси
1120	Индивидуал объективлик
1130	Мустақиллик ва объективликка салбий таъсир кўрсатувчи омиллар
1200	Профессионаллик ва ишга профессионал ёндашув
1210	Профессионаллик
1220	Ишга профессионал ёндашув
1230	Узлуксиз профессионал ривожланиш
1300	Ички аудит кафолати ва сифатни ошириш дастури
1310	Кафолат ва сифатни ошириш дастури талаблари
1311	Ички баҳолаш
1312	Ташқи баҳолаш
1320	Кафолат ва сифатни ошириш дастури бўйича ҳисоботи
1321	“Ички аудитнинг халқаро профессионал стандартларига мос” йборасининг ишлатилиши
1322	Номувофиклик ҳақидаги ахборотнинг очилиши
Фволийатни мувофиқлаштириш	
2000	Ички аудитни бошқариш
2010	Режалаштириш
2020	Режаланинг тақдим этилиши ва тасдиқланиши
2030	Ресурсларни бошқариш
2040	Сисбат ва процедура
2050	Фволийатни мувофиқлаштириш
2060	Юқори идоравий орган ва Кенгаш олдидаги ҳисоботи
2070	Ички аудитга жавобгарлик ва ташқи хизмат кўрсатувчи
2100	Ички аудит нисининг маҳияти
2110	Корпоротив бошқарув
2120	Рискларни бошқариш
2130	Назорат
2200	Аудиторлик вазифаларини режалаштириш
2201	Режалаштиришда нисаларга аҳамият бериш керак?
2210	Аудиторлик топширигининг мақсади
2220	Аудиторлик топширигининг ҳажми ва мазмуни
2230	Аудиторлик топшириқларини бажаришда ресурсларни тақсимлаш
2240	Аудиторлик топширигининг дастури
2300	Вазифаларни бажариш
2310	Ахборотларни жамлаш
2320	Таҳлил ва баҳолаш
2330	Ахборотларни ҳужжатлаштириш

1.2-жадвал давоми

2340	Топшириқ бажарилишининг назорати
2400	Текширув натижалари билан таништириш
2410	Хабар бериш мезонлари
2420	Ахборотларнинг сифатлилиги
2421	Ҳатолик ва камчиликлар
2430	"Ички аудитнинг халқаро профессионал стандартларига мос равишда бажарилди" иборасининг ишлатилиши
2431	Топшириқ доирасидаги номувофиклик ҳаюдаги ахборотнинг очилиши
2440	Натижаларнинг етказилиши
2450	Яқиний хулоса
2500	Топшириқ натижалари бўйича ҳаракатлар мониторинги
2600	Юқори турувчи ажрвий орган томонидан қабул қилинган рискларнинг кўриб чиқилиши

1.2-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, ички аудитни бошқариш ва унинг натижаларини таҳлил қилишда тегишли аудиторлик ҳисоботларини тақдим қилиши лозим. Бунда хато ва камчиликлар ҳамда уларнинг оқибати натижасида банк фаолиятига таъсири ўрганилади. Бундан ташқари, ички аудитнинг мақсадида ички аудитор маълумотларни компьютер дастури ёрдамида қайта ишлаши масаласи муҳим ҳисобланади. Ички аудит томонидан текшириш амалга оширилганда бир қатор афзалликларга эга бўлади. Булардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Текшириш учун кетадиган вақт кескин камаяди.
- Қайта ишланиб олинган маълумотларнинг ишончлилиги ортади.
- Маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган хужжатларнинг сифати юқори бўлади.
- Аудиторнинг маълумотлар билан ишлаши қулайлашади.

Бунинг натижасида аудиторлик текшурувида қатнашаётган мутахассисларнинг эътиборини яна ҳам муҳимроқ бўлган ишларга қаратилиб, молиявий ҳисоботни тўлиқроқ таҳлил қилиш, банкдаги ҳисоб ва ички назорат тизими тўғрисида раҳбариятга батафсилроқ маълумот бериш учун шароит яратилади. КАТлардан фойдаланган ҳолда олиннадиган маълумотлар ўзининг тезкорлиги, тўлиқлиги ва кўп вариантлилиги билан ажралиб тургани учун аудиторга у ёки бу иктисодий ҳодиса тўғрисида аниқроқ фикр билдириш ва уни баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ҳам аудитор ўз фойлиятида компьютерларнинг ўрнини тўғри белгилай олиш ва уни мукамал ўрганишга ҳаракат қилиши лозим.

**Маълумотларни компьютер ахборот тизимида қайта ишлашдаги
афзаллик ва камчиликлар²¹**

Маълумотларни қўлда қайта ишлаш	Маълумотларни компьютерда қайта ишлаш	Афзаллиги, камчилиги
Ахборотнинг қайта ишланиши ва таҳлил қилинишига кўра		
Анча секин	Жуда тез	Афзаллик
Хатоликка йўл қўйиш эҳтимоллигига кўра		
Эҳтимоллик даражаси юқори	Эҳтимоллик даражаси жуда паст	Афзаллик
Ахборотнинг кўзга ташланишига кўра		
яққол кўзга ашланади	Айрим маълумотлар фақат компьютер ёрдамида ўқилиши мумкин	Ҳам афзаллик, ҳам камчилик
Хужжатнинг исботлаш кучига кўра		
Юқори исботлаш кучига эга	Исботлаш кучи пастроқ	Камчилик
Хужжатларга киритилган ўзгартиришларни аниқлаш даражасига кўра		
Киритилган ўзгарти-ришларни дарҳол аниқлаш мумкин	Киритилган ўзгартиришларни дарҳол аниқлаш қийин	Камчилик
Қўшимча иш кучига бўлган эҳтиёкга кўра		
Катта ҳажмдаги иш кўпчилик иш кучи ёрдамида амалга оширилади	Катта ҳажмдаги ишни қўшимча ходим жалб қилмай бажариш имкони мавжуд	Афзаллик
Назорат қилиш имкониятга кўра		
Ахборотни қайта ишлаш жараёнини назорат қилиш мумкин	Ахборотни қайта ишлаш жараёнини махсус дастурлар амалга ошираётганлиги учун уни назорат қилиш жуда қийин	Камчилик
Назорат қилиш учун кетадиган вақтга кўра		
Хўжалик муомаласини изма-из назорат қилишга жуда кўп вақт кетади	Хўжалик муомаласини изма-из назорат қилишга жуда кам вақт кетади	Афзаллик

Ҳисоб ишларида компьютерлаштирилган корхоналар (банклар) фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда аудитор эътибор бериши лозим бўлган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг 11-сонли АМС “Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити”да кўрсатиб ўтилган²² Унга кўра аудитор, авваламбор, компьютер

²¹ Мўйидинов Э., Муфтайдинов Б. Компьютер ахборот тизимида аудитни ўтказиш услуги // «Бозор, пул, кредит». – Т.: 2005 йил, апрель 4-сон Б. 26–29.

²² “Компьютерда ишланган маълумотлар (КИМ)нинг аудити” АМС №11. 1999 йилнинг 23 сентябрида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. // Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

техникасида ишлашни мукамал билиши, унинг техник ва дастурий таъминоти тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, бошладан олдин корхонадаги ахборотларни электрон қайта ишлаш соҳаси тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни олиш лозим:

– Корхонада ахборотларни электрон қайта ишлаш тизимининг умумий тузилиши.

– Масалаларни ечишда корхона томонидан қўлланилаётган техник ва дастурий таъминот.

– Маълумотларни сақлаш ва назорат қилиш тизими.

– Ахборотларни электрон қайта ишлаш бўйича янги технологияларни жорий қилиш режаси.

Аудитор маълумотларни компьютерда қайта ишлаш аудитнинг қуйидаги 3 йўналишга таъсир кўрсатишини ёдда тутиши лозим:

– Режалаштириш.

– Назоратнинг самарасизлиги бўйича таваккалчиликни баҳолаш.

– Ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар тўғрисида ҳақиқий маълумотларни йиғиш.

КИМ тизими таъсир ўтказиши мумкин бўлган аудит босқичларини режалаштириш пайтида аудитор компьютер тизимининг аҳамияти, ишлаш жараёнининг мураккаблиги ҳамда маълумотлардан аудитда фойдалана олиш имкониятини ўрганadi. Аудитор ички назоратга баҳо берар экан, ахборотларни электрон қайта ишлаш тизимига ишонч билдириш даражасини ҳам аниқлаб олиши лозим. Ички назорат қанчалик яхши ва мукамал ташкил қилинган бўлса, ахборотларни электрон қайта ишлаш тизимига ишонч шунча юқори бўлади ва аксинча.

Аудитор КИМ қўлланилаётган бухгалтерия ва назорат тизимини текширувда масалага икки хил ёндашиши лозим. Биринчиси, текширув жараёнида банкларда қўлланилаётган компьютер ахборот тизимининг ўзини аудиторлик текширувдан ўтказиш, яъни “умумий аудиторлик текшируви”ни амалга ошириш, иккинчиси эса “КИМда қайта ишлаган маълумотлар”ни аудиторлик текширувдан ўтказиш.

Умумий аудиторлик текшируви жараёнида аудитор қўлланилаётган КИМни чуқур ўрганиб чиқиши ва бунда бир катор ҳолатларга алоҳида этибор бериши мақсадга мувофиқ, жумладан:

– КИМдан ҳисоб ишларида кенг фойдаланилаётганда қонунбузарликлар ва хатоликлар шу тизимда маълумотларни ишлаш билан шуғулланувчи ходимлар ва раҳбарларнинг айби туфайли юзага келади. Чунки маълумотларни КАТга тўғри ва нотўғри киритиш уларнинг қўлидадир.

– КАТда ишлайдиган бўлимлар (мисол учун, ҳисоб-китоб бўлими) бир-бири билан боғланган бўлади. Уларнинг иш сифати ҳам бир-бирига узвий боғлиқ. Шунинг учун аудитор ҳисоб-китоб бўлимининг банкда тутган ўрни, унинг бошқа, ўзи билан боғлиқ бўлимлар билан бўлган алоқасини ўрганиши ва текшириб чиқиши лозим.

Аудиторга икки йўналишда назоратни кучайтириш тавсия қилинади:

1. Маълумотларни қайта ишлашни тегишли ҳақ-ҳуқуқлар доирасида ва тасдиқланган ҳолда бажарилаётганлиги.

2. Маълумотларнинг КИМга тўлиқ киритилаётганлиги борасидаги бухгалтерия жавобгарлигини ҳисоб ходимлари томонидан тушунилиши ва бу борада ҳисоб-китоб бўлими томонидан олиб борилаётган назорат.

Аудитор ҳисоблаш марказида вазифалар ходимлар ўртасида оқилона тақсимланганлиги ва улар ўз жавобгарликларини ҳис қила олишлари даражасини ўрганиб чиқади. Бунда у ҳисоблаш марказида иш ҳар бир ходим бир-бирини назорат қилиб бориши шаклида ташкил этилиши зарурлигига эътибор қаратиши лозим.

Шулардан кейингина аудитор ҳисоб маълумотларини қайта ишлайдиган, арифметик ҳисобларини бажарадиган, маълумотларни хотирада саклайдиган ва тегишли ҳисоб ҳужжатларини тайёрлайдиган КИМга ўз ишонч даражасини белгилайди.

Аудиторлик фаолияти компьютерлаштириш тизими қуйидаги компонентлардан ташкил топган бўлади:

– аудит жараёнини акс эттирувчи иктисодий математик, иктисодий-ташкилӣ ва ахборот моделларидан;

– моделларни амалга оширувчи техник, дастур, ахборот ва бошқа воситалардан.

Бунга кўра компьютер тизими функционал ва таъминот қисмлардан иборат бўлади. Функционал қисм аудитни бажаришда ишлатиладиган ахборотлар ва математик моделларда, стандартлар, меъёрий ва бошқаларда акс этган усуллар, услубиётлар ва кўрсатмалардан ташкил топади.

Таъминот қисми эса аудит функциясини амалга оширишга қаратилган информатсион, дастур, техник ва бошқа таъминотлардан иборат бўлади.

Компьютер тизимининг функционал қисмини кенгроқ кўриб чиқадиган бўлсак, у функционал қуйи тизимлардан ва маълум белгилар бўйича ажратилган комплекс масалалардан иборат бўлади, масалан:

– аудит тури бўйича, яъни ташки ёки ички;

– аудит функцияси бўйича (назорат-тафтиш, баҳолаш маслаҳат, маслаҳат-прогнозлаш ва бошқалар)

– аудит участкаси бўйича (ҳисоб ходимлари, ҳисоб тизими, ҳисобот ҳужжатлари ва х.к.).

Ички аудитни компьютерлаштириш тузилмавий схемаси россиялик олимлар томонидан келтирилган. Унга кўра эксперт тизимининг ахборотлар базасига қуйидагилар киритилган.

Маълумотлар базаси:


- тушунтиришлар қисми;
- локал ташхис қисми;

Билимлар базаси:

- умумий ташхис қисми;
- билимларни олиш қисми;

Ушбу қисмлар йиғиндиси аудиторнинг интерфейси, яъни алоқасида пайдо бўлади.

Ички аудит учун эксперт тизимининг тузилиши



1.6-расм. Ички аудит учун эксперт тизимининг тузилиши²³

Ҳар бир корхона ва ташкилотдаги иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда назорат қилишда ўзининг баҳолаш методлари ва таҳлил усуллари мавжуд. Шунинг учун ички аудитни компьютерлашнинг ягона тизимини яратиш қийин. Ҳар хил корхоналарнинг бошқарувчилари учун қуйидаги белгилар хос бўлади:

- асосий ва бошқа турдаги мақсадлари;
- улар танлаган баҳолаш кўрсаткичлари;

²³ А.Н.Романов, Б.Е.Одинцов. “Компьютеризация аудиторской деятельности. М.:“Аудит” ИО “ЮНИТИ.” 1996. 27–28 стр.

– пайдо бўлган муаммовий ҳолатлардан чиқиш йўлларини шакллантириш ва олинган натижалар бўйича қарор қабул қилиш;

– ҳисоб тизимини баҳолаш методлари;

– ўзининг ҳолатларига объектив баҳо бериш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар қисмларни белгилайди ва улардан ички аудит автоматлаштирилган тизими (ИААТ) ташкил этилиши лозим. Уларнинг асосийлари:

– Молиявий ҳолат ташхис қисми.

– Умумий тавсиялар ишлаб чиқиш қисми.

– Миқдорий тавсиялар ишлаб чиқиш қисми.

– Ҳисоб-китоблар қисми.

– Ахборот ва қондалар базаси қисми.

– Кириштиш ва тўғрилаш қисми.

Ички аудит автоматлаштирилган тизимнинг қисмлар тузилиши эксперт тизими кўринишида яратилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ички аудит хизмати дастурий таъминотларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари тўғрисида сўз юритиш билан бирга республикамиздаги банк ва аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларига ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Банк ва аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини куйидагича таснифлашимиз мумкин:

1. Давлатнинг меъёрий ҳужжатлари, буларга Ўзбекистон Республикасининг банк ва аудиторлик фаолиятига алоқадор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

2. Давлатнинг махсус органларининг ҳужжатлари, буларга бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятининг Халқ стандартлари, Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар, тавсиялар ва бошқалар.

3. Ички меъёрий ҳужжатлар, яъни тижорат банклари ички аудит бўйича стандартлар, ички низомлар, текширув ўтказиш режаси, дастурлар ва бошқа доимий ҳужжатлар қиради.

4. Халқаро меъёрий ҳужжатлар, буларга халқаро қабул қилинган қелишувлар, халқаро конвенциялар, халқаро стандартлар.

Гуруҳлаштиришимизда биринчи ҳужжатлар тури бўйича, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун етакчи ўрин тутди. Ушбу Қонунда Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари²⁴ тўлиқ кўрсатиб ўтилган. Ушбу

²⁴ “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни, 51-модда. //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

турга Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ҳам кiritиш мумкин. Қонунга мувофиқ банк тизими ва банк фаолиятини бошқариш ҳамда тартибга солиш кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни чиқарилган.

1.5-жадвал

Банк ва аудиторлик фаолиятининг асосий меъёрий ҳужжатларининг гуруҳланиши²⁵

т/р	Ҳужжат тури	Меъёрий ҳужжатлар номи	Тасдиқланган сана
11.	Давлатнинг меъёрий ҳужжатлари	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	21.12.1995 йил
		“Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни	25.04.1996 йил
		«Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	26.05.2000 йил
		ЎзР Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони	24.07.1996 йил
		ЎзР Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ юлиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги қарори	26.11.2010 йил
22.	Махсус вазолатли органларнинг ҳужжатлари	Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари (БҲМС)	1998-2009 йиллар
		Аудиторлик Фаолиятининг Миллий Стандартлари (АФМС)	1999-2006 йиллар
		Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикасида банк аудити тўғрисида”ги Низом	04.07.1998 йил
33.	Ички меъёрий ҳужжатлар	Тижорат банкларининг ички аудит бўйича низомлар	
		Текширув ўтказиш Режалари	
		Аудит ўтказиш Дастурлари	
44.	Халқаро меъёрий ҳужжатлар	Аудитнинг Халқаро Стандартлари (ISAS)	
		Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари (IAS) ва Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (IFRS)	1990-2013 йиллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистонда банк аудитига катта эътибор берилётганлигини ўз сабаблари бор. Чунки бу ҳуқуқий асослар банк тизимининг сифатини ва унга бўлган ишончини

²⁵ 1.5-жадвал муаллиф томонидан келтирилди.

таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб қилинган омонатчилар ва мулкдорлар капиталини йўқотишлар рискларининг олдини олиб, банк операцияларининг даромадлилигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида банк ва аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи турига бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари барча аудиторлик фаолияти жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган асосий тамойиллардир. Ушбу миллий стандартлар (БҲМС ва АФМС) Халқаро Стандартлар негизида ишлаб чиқилди. Стандартларнинг аҳамияти ҳисобот ва аудит текширувларининг юқори сифатли бўлишини таъминлабгина қолмасдан, уларни бир хил стандартларга келтириш орқали бухгалтерия ҳисоби ва аудит учун асосий дастурга айланди.

Тижорат банкларидаги аудит фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг биринчи моддасида шундай дейилади: “Банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос ҳижатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади”²⁶. Шунини инобатга олиб тижорат банклари аудитининг ҳуқуқий-меъёрий асосларига юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунини киритиш мумкин. Ушбу Қонуннинг 43-моддаси аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади: “Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни коплаш; таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар Қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт”²⁷. Умуман олганда, Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиш тарихига назар солар эканмиз, Марказий банк халқаро амалиётдаги тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, аудиторлар билан биргаликдаги амалга оширган ҳаракатлари билан бутунги кунда банк аудити тизими яратилгани, малакали аудиторлар Ўзбекистон банк тизимининг соғлом фаолият кўрсатишида етакчи роль ўйнаётгани, банк аудити тобора такомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўламиз.

Марказий банк мутахассислари томонидан “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида”ги Низом, “Тижорат банкларида ички аудитига қўйиладиган талаблар” ишлаб чиқилган.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 2000 йил 26 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги ва 2004 йил 13 мартдаги “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомларида белгилаб берилган.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунилари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Ички аудит хизматини автоматлаштиришнинг, дастурий таъминотларнинг ҳуқуқий асосларига бевосита асос бўла оладиган қўйидаги 1.6-жадвалда келтирилган меъёрий ҳужжатларни киритишимиз мумкин.

XXI аср ахборот ва ахборот технологиялар даври ҳисобланади ва доимо ривожланиб, такомиллашиб боради. Республикамизда бу соҳа бўйича бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базаси шаклланди. Айниқса, банк соҳасини автоматлаштирилган тизимнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Бунга биз “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга киритилганлигини келтиришимиз мумкин. Ушбу Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат, яъни ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати, тартибга солиш ва махсус ваколатли органларнинг ваколатлари, вазифалари аниқ белгилаб берилган.

1.6-жадвал

Бевосита банкларда ички аудит хизматининг дастурий таъминотлари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

<i>№/р</i>	<i>Ҳужжат номи</i>	<i>Тасдиқланган сана</i>
1.	Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни	2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон
2.	Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни	2005 йил 16 ноябрь
3.	Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги Низоми	2007 йил 20 ноябрь, 1739-сон
4.	«Электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари ва маълумотлар базасини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида»ги Қонун	1994 йил 6 май, 1060-XII-сон
5.	“Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Низом	2006 йил 13 март, 1552-сон
6.	“Компьютерда ишлаган маълумотлар (КИМ)нинг аудити” АМС №3	1999 йил 23 сентябрь, 823-сон

Ҳаммага маълумки, банклар фаолиятини дастурий таъминотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар бир тижорат банкининг ўз автоматлаштирилган дастурий таъминоти жорий этилган, лекин Ўзбекистон ҳудудидаги барча тўловлар Марказий банкининг дастурий тизими орқали амалга оширилади. Улар функционал ўзаро ҳамкорликда ишланиши таъминланиши лозим. Шу мақсадда 2007 йилда Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида” Низом ишлаб чиқилган ва бу тижорат банкларидаги дастурий таъминотлар жорий этиш, фойдаланиш учун ҳуқуқий асос бўла олади.

Тижорат банкларининг барча амалиётлари, уларнинг миқозлари тўғрисидаги маълумотлар банкларнинг махсус дастурларида, электрон архивларда сақланиб келинади ва бу ахборотлар, маълумотларнинг аксарият қисми сир сақланади. Ушбу маълумотлар банк тизимида муҳофаза қилиниб ноқонуний олишга йўл қўйилмаслиги зарур. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни жорий этилди. Ушбу Қонунга мувофиқ автоматлаштирилган банк тизими бу – “банк фаолияти соҳасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш учун мўлжалланган ахборот тизимидир”²⁸

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва банк сирини муҳофаза қилиш;

– ахборотнинг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбақлаштирилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши, шунингдек, нусха олинишининг ҳамда автоматлаштирилган банк тизимида бошқача шаклдаги аралашувларнинг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва тижорат банкларида автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилиши керак. Чунки бу тизим устидан назорат ўрнатилиши, муҳофаза қилиш бўйича амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, рухсатсиз фойдаланишга уринишлар бўлганда, чора-тадбирлар кўриш вазифаларини ўз ичига олади.

²⁸ “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун. 2005 йил 16 ноябр. 3-модда. //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ички ауд... автоматлаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, буларга мавжуд ахборот технологиялардан, дастурий таъминотлардан тўлиқ фойдалана олмаслик ва ички аудит хизмати учун махсус дастурларнинг мавжуд эмаслигини келтиришимиз мумкин. Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш замонавий инфорацион технологияларга асосланган ва мураккаб маълумотлар, ахборотларни олиш имкони мавжуд бўлади. Албатта, дастурий таъминотларни жорий этиш ва ишлатиш керак, бу аудиторлар учун қулай, риск даражасининг нисбатан пастлиги ва вақт тежамкорлиги нуқтан назаридан фойдали, лекин шу билан бирга айрим қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Уларни баргараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак бўлади ва аудитор аудит бочкичларини режалаштириш ва ўтказиш вақтида компьютер тизимининг аҳамияти, ишлаш жараёнининг мураккаблиги ҳамда маълумотлардан аудитда фойдалана олиш имкониятини ўрганиши, афзаллик ва камчиликларни англаб олиши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий база шаклланган ва уни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Тижорат банкларидаги дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ҳар бир тижорат банкларининг фаолияти ҳамда ички аудит хизмати текширувларини ўтказиш методикасида, бир-биридан фарқли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ягона махсус дастур яратиш мураккаб, шунинг учун ҳам айнан аудиторлик дастурий таъминотлари учун ҳуқуқий меъёр белгиланмаган. Ҳар бир банк ўзининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, мустақил равишда компьютер дастурларини яратиши ва фойдаланиши мумкин.

Ички аудит хизматининг бажарилган иш тўғрисидаги ҳисоботи ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган якуний ҳужжат ҳисобланиб, у ички аудит хизматининг раҳбари томонидан тузилади ва тақдим этилади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, тайёрланган аудиторлик ҳисоботи бажарилган иш натижаси ҳисобланади ва Банк Кенгаши ҳамда Аудиторлик қўмитаси ана шу ҳисоботга қараб, бошқарманинг аудиторлик фаолиятига баҳо беради. Шунинг учун ҳам ҳисобот сўзининг моҳияти ва унда ёритилган маълумотлар асосланганлик даражасига қатта эътибор қаратилиши лозим, чунки бунда йўл қўйилган ҳар қандай жиддий хатолар ички аудит хизматининг муайян ҳисоботи ёки бутун фаолиятининг ишончилигига путур етказиши мумкин.

Бинобарин, аудит стандартлари талабларига мувофиқ, «ҳар бир аудиторлик текширувнинг охирида аудитор юзага келган вазиятга қараб ёзма хулоса ёки ҳисобот тайёрлаши, унда маълумотларни тегишли шаклда аниқ баён этиши керак; унинг мазмуни тушуниш учун содда, ноаниқликлардан холи бўлиши, икки хил талкин қилишга йўл қўйилмаслиги, фақат ишончли ва релевант аудиторлик далиллари билан тасдиқланган ахборотдангина ташкил топиши, шунингдек, мураккаб, объектив, холис ва изчил бўлиши лозим»²⁹

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, филиал фаолияти текшируви натижасида тайёрланган аудиторлик ҳисоботи муносабати билан бир нечта муҳим жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

- банк бошқаруви муаммосининг аҳамиятини аниқлаш имконини берувчи қисқа ва аниқ таърифланган ҳисоботларнинг муҳимлиги;
- ишончли далилларга асосланган, пухта баён этилган аудиторлик маълумотларининг зарурлиги;
- ишнинг иккинчи даражали жиҳатларига тегишли бўлган кўп сонли тавсиялар ўрнига кам, ammo муҳим аудиторлик маълумотлари мавжудлигининг аҳамияти;
- аудит текшируви ўз вақтида ўтказилишининг аҳамияти;
- аудит ўтказишнинг ишончли ва пухта ишлаб чиқилган методологиясининг афзал жиҳатлари ёритиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида кетма-кетлик ва мантқан боғлиқлик тамойилларига амал қилганда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун эса, ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши, яъни аудиторлик текширувини ўтказиш режасида белгиланган муддатлар мобайнида сифатли маҳсулот тақдим этишнинг аҳамияти катта. Умумийроқ қилиб айтганда, фаолият аудити жараёнини ўз вақтида якунлаш зарурлиги аудит бўйича раҳбарга маълум бўлиши керак, яъни кеч тақдим этилган ҳисоботлар қарорлар қабул қилувчи шахслар учун кам фойда беради.

Шу билан бир қаторда, ҳисоботлар ва уларда акс эттирилган ҳақиқий маълумотлар аниқ баён этилиши ҳамда уларда келтирилган далиллар мантқанка зид келмаслиги керак.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, аудиторлик хулосаларида

²⁹ Ўзбекистон Республикаси АФМС. 70-сонли “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” номли стандарт. //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши айтиш мумкин. Жадваллар, схемалар, диаграммалар ва фотосуратлардан тегишли ҳолатларда комплекс ахборотни тақдим этиш ва умумлаштириш учун фойдаланилиши ва ҳисоботларда уларнинг вазифаси аниқ кўрсатилишининг аҳамияти катта. Ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларнинг қобилияти, манфаатдорлиги ва ҳисобот билан танишиш учун мавжуд вақтига мос келадиган тарзда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ички аудит томонидан аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнини уч босқичга бўлиш тўғри бўлади.

1. Дастлабки аудиторлик ҳулосаларини тайёрлаш.

2. Аудиторлик ҳулосаси ва ҳисоботини Аудиторлик қўмитасига тақдим қилиш ва унинг муҳокамаси.

3. Банк Кенгашига ахборот ва аудиторлик ҳисоботни тақдим қилиш.

Дастлабки аудиторлик ҳулосаларини тайёрлаш – аудитор томонидан ўтказилган текширув вақтида олинган маълумотларга баҳо бериш ва уларнинг қиймати, сабаблари ва оқибатларини аниқлаш орқали, аудиторлик текшируви юзасидан дастлабки ҳулосалар чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам аудитнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида мезонлар асосида ўрганилган маълумотлар, аудиторларнинг дастлабки ҳулосалари ҳисобланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, дастлабки маълумотлар ва ҳулосалар, тўпланган далиллар бўйича текшириш ва филиал раҳбарияти билан муҳокама қилиш орқали, маълумотлар ва ҳулосаларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, ҳулосаларда аудитор томонидан олинган маълумотларга асосланган дастур бўйича чиқарилган мантқиқий натижалар жамланади. Ҳулосалар аниқ ва лўнда бўлиши, тахминлар қилишга ҳеч қандай имконият қолдирмаслиги лозим. Аудиторлик ҳулосасининг кучли жиҳатлари маълумотларни тасдиқловчи далилларнинг ишончлилигига ва ҳулосаларни таърифлаш учун қўлланган мантқиққа бевосита боғлиқдир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ҳулосаларга ишлов бериш жараёни аудит методлари, мақсадлари, мезонлари ва маълумотларига асосланган системали ёндашувга мувофиқ амалга оширилади. Ички аудит гуруҳи раҳбари томонидан қўриб чиқилиши лозим бўлган ҳулосалар доимо дастлабки ҳулоса ҳисобланади.

Аудитнинг мақсади тузилган ҳулосанинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, мақсад, натижалар ёки жараёнлар ҳақида фикр билдиришдан иборат бўлиши мумкин. Бошқа томондан, фақат истисноли ҳолатлар бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсади қўйилган

бўлиши ҳам мумкин. Белгиланган режага мувофиқ, аудиторлик текширувининг асосий мақсади ва раҳбарлик фаолиятининг амалга оширилишига баҳо бериш бўйича бир неча мезонлари белгиланади. Текширувни ўтказиш жараёнида аудиторлар ҳар бир мезон бўйича далиллар тўплаган ҳолда, уларнинг мажмуи бўйича олинган маълумотлар асосида муайян тўхтамга келадилар. Бу эса аудит мақсадлари бўйича аудитор фикрининг ифодаси ҳисобланади.

Масалан, филиал фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, унинг аудитни ўтказишга ваколат раҳбариятнинг кўрсатмаси билан белгиланади. Шу билан бирга, мазкур ваколатларда маблағлардан фойдаланиш аудитини ўтказиш ва текширув натижалари бўйича ҳисоботга қўйиладиган минимал талаблар белгиланишининг аҳамияти каттадир.

Текширув натижалари бўйича аудитор банк филиали раҳбарияти фаолиятида олиб борилган сиёсатнинг тежамкорлик ва (ёки) унумдорлик ҳамда самарадорлик принципларига бўлган муносабатини намоиш этиш мақсадида амалга оширилгани ҳақида ўз фикрини билдиради. Тақдим этилган ҳисоботларни аудит қилишда аудитор, раҳбарият томонидан ишларнинг бажарилиши сифатини баҳоловчи ҳисобот тайёрлайди ва раҳбарият тежамкорлик ва (ёки) самарадорликни таъминлаш бўйича олиб борилган ишларини қай даражада бажарганини кўрсатувчи маълумотлар, далиллар ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этади.

Бунинг натижасида ҳисобот билан, шунингдек, банк Аудит қўмитаси томонидан аудиторлик маълумотлари ва хулосалари ёрдамида филиал фаолияти билан танишиб чиқиш имкони яратилади. Мазкур босқичнинг вазифаси аудитни ўтказиш даври мобайнидаги мунозаралар жараёнида мансабдор шахслардан олинган жавобларга қўшимча тарзда, филиал раҳбариятидан расмий жавоблар олишни ҳам ўз ичига олишдан иборат.

Шундай қилиб, Аудит қўмитасига тақдим этиладиган ҳисоботда жойларда ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари ва уларни таҳлил қилиш натижалари жамланади. Ички аудит хизмати ходимлари умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида яқиний хулосалар ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, банк бошқарувини яхшилашга ҳисоботнинг таъсири имкон қадар катта бўлиши учун ҳисоботларнинг аниқлиги, тўлиқлиги, тушунарлилиги ва мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозим.

Яъни, фикримизча, аудитор хулосалари текшириш учун асос бўлган муаммоларнинг турли жиҳатлари бўйича чиқарилган бир қанча хулосалардан ташқил топиши мумкин.

Ҳисоботда аудит мақсадлари ва ҳажмини тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу, аудиторлик текшируви вазифасини англаш ва унинг натижаларини лозим даражада талқин қилишга имконият яратади. Аудитор ўз ҳисоботини тарқатиш бўйича ёки унинг мазмунига асосланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан мавжуд чеклашларни эътиборга олиши лозим.

Аудиторлар иши ҳажмини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар ва уларнинг сабаблари аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Масалан, аудитор асосий ташкилий элементларни ёки тизимларни текшириш имкони бўлмаса, ёхуд аудиторга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида зарур аудиторлик муолажаларини ўткази олмаса, иш ҳажми чекланган бўлади. Шу билан бирга аудит ҳажми тегишли мезонларини белгилашнинг иложи йўқлиги туфайли ҳам чекланиши мумкин.

Текширув натижалари бўйича тавсиялар бериш, аудит жараёнида ва унинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан банк раҳбариятига таклифлар ишлаб чиқиш ички аудитнинг асосий мақсадларидан биридир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, тавсиялар ҳам ўзининг моҳиятига кўра, асосий қонунлар ва йўриқномаларга ишоралар қилингандагина, тўла маълумотнома манбаи ҳисобланади. Уларни ички аудит хизматининг штатдаги ходимлари ҳам, жалб қилинган мутахассислар ҳам тайёрлаши мумкин.

Ваҳоланки, ички аудит хизмати томонидан тайёрланган тавсиялар ўзининг моҳиятига кўра, аниқланган камчиликларни, уларнинг банк фаолиятига таъсирини ва олиб келиши мумкин бўлган натижаларнинг таҳлилин ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсияларни қамраб олган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизмати ходимлари томонидан тақдим қилинган тавсияларда аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари меъёрий ҳужжатлар билан боғланган ҳолда ёритилиши керак. Бу эса ўз-ўзидан банк филиали раҳбарияти томонидан иш жараёнига танқидий ёндашган ҳолда, назорат ва ҳисобот жараёнини такомиллаштириш учун асос бўлади.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати томонидан тайёрланган хулосаларда, асосан, банк фаолиятида юзага келган камчиликлар ўз моҳиятига кўра ёритилган.

Аудит хулосалари ўз йўналишига кўра, банк Аудит қўмитаси ва банк Бошқарувига берилишига қарамасдан, жуда батафсил тайёрланган ва ҳамма камчиликлар акс эттирилган, бу эса, аудит ҳисоботидан фойдаланувчилардан ортқича вақт талаб қилади.

Аудиторлар хулосаларида аудит максادلари ва унинг мухимвлилик кўрсаткичларига старлича эътибор қаратилмаган ва атрофлича ёритиб берилмаган.

Тижорат банклари ички аудит хулосалари ўз мохиятига кўра, умум қабул қилинган талаблар асосида тайёрланиши, ундан фойдаланувчилар учун анча қулайликлар яратади.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, аудит хулосалари ёзилиши тартибига кўра, аудит максади, олиб борилган ишлар ва текширув натижалари аниқ ва равшан, умумлашган ҳолда ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аудиторлик хулосаларида аудит объектнинг танлаб олиш мезонлари ва мухимвлилик кўрсаткичлари батафсил кўрсатилиши, шу билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдиришлари муҳим аҳамиятга эга.

Аудиторларнинг берган таклифлари нафақат камчиликларга йўл қўйган шахсларни жазолаш, балки ички назорат тизимидаги камчиликларни кўрсатишлари ва уни такомиллаштириш йўллари бўйича ўзларининг алоҳида таклифларини беришлари лозим.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари ички аудит хизматининг иш режаси таркибан йиллик фаолияти графигидан, текширилиши керак бўлган йўналишлар дастуридан ва текширув жараёнида ўрганилиши керак бўлган саволномалар тўпламларидан шаклланган бўлиб, унда текширувнинг асл мақсади ёритилмаган ҳамда аудиторлардан қўйилган натижалар тўғрисида фикр билдирилмаган.

Шу билан бирга режалаштиришда асосий эътибор банкнинг ички назорати тизимидаги аниқланган узилишларни бартараф этишга эмас, балки аксинча, фаолият жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда унга йўл қўйган айбдор шахсларни аниқлашга қаратилган.

Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, аудиторлик текширувга тайёргарлик кўриш жараёни аудит иш режасининг асосий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун аудит текширувга тайёргарлик кўриш жараёнини маълум бир мезонлар асосида умумлаштириш ва режалаштириш стандартлари талабларига риоя қилиш илмий ишимизда тавсия этилганидек, унинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, режалаштириш стандарти ўзининг мохиятига кўра, биринчидан, текширувга тайёргарлик жараёнида филиаллар фаолияти билан олдиндан танишиш, унинг молиявий ҳўжалик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва унинг банк тизимида тутган ўрнига баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аудит самарадорлигини ошириши мумкин бўлган кўрсаткичларни, яъни текширув жараёнида ўрганилиши лозим бўлган муҳим ҳолатларни аниқлаш ва уларни тўғри қўллашнинг аҳамияти каттадир.

Учинчидан, аудитнинг объекти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш масалаларини тўла таҳлил қилган ҳолда, уларнинг аудит жараёнига таъсирини минималлаштиришга эришиш мумкин.

Тўртинчидан, ресурслардан келиб чиққан ҳолда текширув вақтини тўғри режалаштириш аудиторларнинг иш жараёнини баҳолашнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, аудит саволномаларини тузиш жараёнида асосий эътибор ички назорат тизими фаолиятини баҳолаш ҳамда ушбу тизимдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги тақлифларни ишлаб чиқишга қаратилиши аҳамиятга моликдир.

Қайд этиб ўтиш жоизки, бугунги кунда тижорат банклари ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширув жараёнини ҳужжатлаштириш ва уни далиллар билан боғланган ҳолда таҳлил қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётир. Бунинг натижасида эса, аудиторлик хулосаларида кўрсатиб ўтилган маълумотларни қайта ўрганиш ва унда билдирилган хулосаларни ўринли эканлигига баҳо беришда бир қатор муаммолар юзага келмоқда.

Ваҳоланки, халқаро аудит стандартларида таъкидланганидек, аудитор нафақат ҳисоботни тасдиқлаши, балки текширув жараёнида муҳим масалаларни асослаш учун зарур бўлган барча ҳолатларни иш ҳужжатларида акс эттириши иш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Иш ҳужжатларини тўғри ташкил қилиш текширув жараёнининг ўрнатилган тартибда олиб борилганлигига ва унинг хулосалари етарлича далилларга асосланганлигини баҳолаш имкониятини яратади.

Шунинг учун, фикримизча, аудиторлар иш жараёнининг ҳар бир босқичини халқаро аудит стандартлари талабларига кўра ҳужжатлаштириш, бунда асосан аудит далилларини тўғри тўплаш ва уларнинг қандай тузилишига алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Текширув жараёнида ўрганилган ҳужжатлар тўпламининг моҳиятига кўра таҳлил этган ҳолда, манتيкий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида белгилаш, ҳужжатларнинг базаларини ташкил қилиш, уларнинг матнларига кўра, блоклари билан ажратилишини таъминлаш тизимларининг яратилиши аудиторлик иш сифатини баҳолаш имкониятини яратади.

1.4. Ўзбекистон Республикасида ички аудитнинг ташкилий асослари

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган изчил, самарали ислохотлар натижасида иктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги сақланиб қолинмоқда. Ушбу масаланинг муҳимлигини таъкидлаб Юртбошимиз И.Каримов томонидан шундай фикр билдирилган: “Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди”³⁰ Демак, ушбу масаланинг муҳимлиги ва унинг счими кўп жиҳатдан банк тизимининг ривожланишига, унинг фаолиятини назорат қилишнинг асоси бўлган аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш масаласига боғлиқдир. Шу сабабли тижорат банкларида аудитнинг, айниқса, ички аудитнинг ривожланиши банк тизимида ликвидлик кўрсаткичларини аниқ ҳисоблаш ва уни ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасида ички аудит масаласи биринчи навбатда банк тизимига кенг жорий этилди. Натижада тижорат банкларида муҳим бўлинмалардан бири бўлиб ички аудит кенг қўлланила бошлади ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида улар бевосита Банк Кенгашига бўйсунадиган ва унга ҳисобот берадиган бўлди. Бошқа хўжалик субъектларида ушбу масала очик қолди ва натижада мустақил ички текширув амалга ошириш масаласи ҳам очик қолди. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилади ва ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди. Ушбу Қарорни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова шаклида “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом”

³⁰ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 19-том. – 360 б.

ишлаб чиқилди. Ушбу низомда ички аудит масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ички аудит – корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ақс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишининг белгиланган қондалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти деб таъкидланган.

Ушбу низомда ички аудит хизматининг асосий вазибалари белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар киритилган:

1. Кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш.

2. Ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Бундан ташқари, ички аудит хизматининг асосий функциялари белгиланган:

1. Ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ маълум йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якуналари бўйича).

2. Тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш.

3. Бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш.

4. Техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг Кузатув кенгашига кўмаклашиш.

Ички аудит томонидан амалга ошириладиган текширишлар қуйидаги соҳалар бўлиши мумкин ва улар бўйича тегишли аудиторлик ҳисоботлари тузилиб, Кузатув Кенгашига тақдим қилинади:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

- активларнинг ҳолатини;

- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатувчи кенгаш томонидан корхона ихтисосидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

Йиғма ҳисобот таркиби қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Таҳлилий қисм.

2. Якуний қисм.

3. Тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак. Ҳисоботнинг якуний қисмида корxonанинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек, ликвидлигига умумий баҳо берилди ва аниқланган четта чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корxonанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олади.

Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича умумий йиғма ҳисобот тузилади. Бундан ташқари, текширишда қатнашган ички аудит ходимлари ўзлари томонидан амалга оширилган текшириш натижалари бўйича тегишли ҳисобот тузилади. Ушбу ҳисоботлар ҳар бир текшириш объектлари бўйича алоҳида тузилади ва текширишни ўтказган аудитор томонидан имзоланади. Масалан: бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баъни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги аудитор ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Ушбу бўлинмада бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асослари, шакли, ҳисоб сиёсати, сўётлар режасидан фойдаланиш бўйича ишчи сўётлар режасини юритиш, бошланғич ҳисоб ва ҳисоб регистрларини юритишнинг ҳолатини текшириш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш масалалари бўлиши мумкин. Бунда бухгалтерия ҳисобини юритишдаги ва молиявий ҳисоботни тузишдаги камчилик ва ноаниқликларнинг тавсифи берилади.

Ички аудитнинг муҳим функцияларидан бири текширилаётган бўлинмада ички назорат тизимининг ҳолати, унинг ташкилий асосларини текшириш натижалари тўғрисидаги аудитор ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш; корхона таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Шунингдек, ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган яқуний қисм бўлиши керак.

Ички аудитнинг муҳимлиги шундаки, ташқи аудит томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот кўрсаткичларини текшириш жараёнида ички аудит текширишларининг ахборотларига эҳтиёж сезади, чунки айрим масалаларни ички аудит текшируви натижалари асосида нисбатан кам вақт сарфлаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Демак, ташқи аудитни амалга оширишда танлаш жараёнидан фойдаланишда ички аудит текшируви бўлган бўлинмаларни нисбатан текширишга кам вақт сарфлайди, натижада аудиторлик хулосаларининг ҳолисона ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкони яратилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида ички аудитнинг айрим жиҳатларига бағишланган илмий асарлар, ўқув адабиётлари ҳамда услубий-меъёрий ҳужжатлар чоп қилинди ва қилинмоқда. Жумладан Н.Ф. Каримовнинг “Тижорат банкларида ички аудит”

китобида³¹ ички аудитнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро аудит стандартларини амалиётга татбиқ қилиш тартиби, банк барқарорлигини таъминлашда ташқи назоратнинг роли, тижорат банклари ички аудит тизимини ташкил қилиш, унинг муаммолари, ички аудит текширувини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш, аудит жараёнини хужжатлаштириш, унинг ишончлилигини аниқлаш масалалари, аудит натижаларини яқунлаш, аудитор ҳисоботи масалалари ёритилган.

Р.Т. Дусмуратов томонидан³² хўжалик юритувчи субъектларда молия хўжалик фаолиятининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган натижаларни баҳолаш масалаларига янгича, замонавий усулларда ёндашилган. Бунда халқаро аудиторлик фаолиятини тадқиқ этиш асосида уни ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш модели (тизими)ни яратиш ҳамда мамлакатимиз амалиёти билан қиёслаб таҳлил қилиш, аудиторлик касбига қўйилган малакавий ва ахлоқий талабларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Аудиторлик далиллари ва уларнинг ишончлилигини, тўплаш, туркумлаш, усулларини ҳамда эксперт ишидан фойдаланиш, аудитда муҳимлилик тушунчаси ва даражаси, аудиторлик рисклари, унинг элементлари, уларни баҳолаш ва аудиторлик амалиётида қўллаш услубиётини такомиллаштириш каби масалалар ёзилган.

Ички аудит хизмати ходимлари ўз ишларини олиб бориш жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлимларида ходимлар билан мулоқатда бўладилар. Шунинг учун ҳам аудиторлар учун одамлар билан муомала қилиш борасидаги асосий кўникмаларининг ҳам аҳамияти каттадир.


Ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасини ошириш, ходимларнинг давомли равишда касбий тайёргарлик курсларида ўз малакаларини оширишлари, ўз билим ва касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари уларнинг иш жараёнида ижобий самара беради. Ички ва ташқи аудит гуруҳлари билан ҳамкорлик ўзаро қизиқиш туғдирган масалаларни муҳокама қилиш, аудиторлик ҳисоботлари ва раҳбарият хатларини алмашиш ҳамда аудит ўтказиш амаллари, методлари ва терминалогиясини умумий тушуннишга эришиш мақсадида вақти-вақти билан ўтказиладиган учрашувларни ўз ичига олиш мумкин.

Ички аудитнинг асосий вазифалари қуйидаги расмда ўз аксини топган (1.7-расм).

³¹ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. – Т.: “Фан”. 2006. – 262 б.

³² Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002. – 678 б.

Юқорида айтилаганларни умумлаштириш ички аудит хизматининг асосий вазифалари кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш ҳамда ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни баргараф этиш юзасидан корхона бошқарув органлари ва тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг баргараф этилишини назорат қилиш.



1.7-расм. Ички аудитнинг асосий вазифалари ³³

Ички аудит назоратида товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериллади.

Товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадида инвентаризация ўтказилади. Таъкилот раҳбари томонидан махсус буйруқ чиқарилиб, унда инвентаризация ҳужжатларини бухгалтерияга топшириш муддатлари кўрсатилади.

³³ Аудит: Учебник для вузов В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А. Савин, Л.В.Сотников. Под ред проф. В.И. Подольского. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 2005. – 432 с.

Ички аудитнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш, сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлаш, сарф-харажатларни камаййтириш ва меҳнат унумдордорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашдир. Ички аудит ёрдамида, маҳсулот сифатини ошириш чора-тадбирларини таҳлил қилиб, маҳсулотни сотиш имкониятларини ўрғанади.

Айрим рус адабиётларида ички аудитнинг мақсадлари ҳақида қуйидагича изоҳланган: «Ички аудитнинг мақсади – ўз функцияларини натижали амалга ошириб, компания аъзоларига ёрдам бериш. Ички аудиторлар компания маълумотларининг таҳлил, баҳолари, тавсиялари ва бошқа зарурий ахборотларни текшириш натижасида аниқлаб етказиб беришади»³⁴

Демак, ички аудиторнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектда мавжуд рискларни аниқлаб, таҳлил қилиб, бухгалтерия бўлиmlарига маслаҳатлар бериш. Акциядорларга, Директорлар кенгаши Кузатов Кенгашига шу рискларни бартараф этиш бўйича субъект ходимларига ёрдам бериб, камчиликнинг олдини олишга ваъда бериш тушунтирилади. Бу хўжалик ҳисобининг камчиликлардан холи бўлишига, акциядорларнинг дивидендлари ўз вақтида олиншига, солиқ тўловлари ўз вақтида амалга оширилишида кўмак беради.

Аудитни яқунлаш ва натижаларни баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Аммо ушбу масалалар услубий жиҳатдан магистрлик диссертацияси учун фойдали бўлса-да, унда банк аудитига доир масалалар ёритилмаган. Шу билан бирга бошқарувнинг асосий мақсадлари, банк миқозларига кўрсатиладиган хизматлар тўплами сиёсатини молия стратегиясида мужассамлашдан иборат. Бу ерда молиявий стратегик ривожланиш режасида янги хизмат турларини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ички аудит хизматининг бажарилган иш тўғрисидаги ҳисоботи ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган якуний ҳужжат ҳисобланиб, у ички аудит хизматининг раҳбари томонидан тузилади ва тақдим этилади.

Бу ерда шунини айтиб ўтиш жоизки, тайёрланган аудиторлик ҳисоботи бажарилган иш натижаси ҳисобланади ва Кузатов Кенгаши ҳамда Аудиторлик кўмитаси ана шу ҳисоботга қараб, бошқарманинг аудиторлик фаолиятига баҳо беради. Шунинг учун ҳам ҳисобот сўзининг моҳияти ва унда ёритилган маълумотлар асосланганлик

34 *Сонин А.М.* Внутренний аудит: Современный подход. Практическое пособия. – М.: “Финансы статистика”, 2007. 64 с. С.17.

даражасига катта эътибор қаратилиши лозим, чунки бунда йўл қўйилган ҳар қандай жиддий хатолар ички аудит хизматининг муайян ҳисоботи ёки бутун фаолиятининг ишончлилигига путур етказиши мумкин.

Бинобарин, аудит стандартлари талабларига мувофиқ, «ҳар бир аудиторлик текширувнинг охирида аудитор юзага келган вазиятга қараб ёзма хулоса ёки ҳисобот тайёрлаши, унда маълумотларни тегишли шаклда аниқ баён этиши лозим; унинг мазмуни тушуниш учун содда, ноаникликлардан холи бўлиши, икки хил талқин қилишга йўл қўйилмаслиги, фақат ишончли ва релевант аудиторлик далиллари билан тасдиқланган ахборотдангина ташкил топиши, шунингдек, мустақил, объектив, холис ва изчил бўлиши лозим»³⁵

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, филиал фаолияти текшируви натижасида тайёрланган аудиторлик ҳисоботи муносабати билан бир нечта муҳим жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

– банк бошқаруви муаммосининг аҳамиятини аниқлаш имконини бсрувчи қисқа ва аниқ таърифланган ҳисоботларнинг муҳимлиги;

– ишончли далилларга асосланган, пухта баён этилган аудиторлик маълумотларининг зарурлиги;

– ишнинг иккинчи даражали жиҳатларига тегишли бўлган қўп сонли тавсиялар ўрнига кам, аммо муҳим аудиторлик маълумотлари мавжудлигининг аҳамияти;

– аудит текшируви ўз вақтида ўтказилишининг аҳамияти;

– аудит ўтказишнинг ишончли ва пухта ишлаб чиқилган методологиясининг ва аудит жараёнидаги танлаш принципларининг афзал жиҳатлари ёритиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида кетма-кетлик ва мантқан боғлиқлик тамойилларига амал қилганда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун эса, ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши, яъни аудиторлик текширувини ўтказиш режасида белгиланган муддатлар мобайнида сифатли маҳсулот тақдим этишнинг аҳамияти катта. Умумий қилиб айтганда, фаолият аудити жараёнини ўз вақтида якунлаш зарурлиги аудит бўйича раҳбарга маълум бўлиши керак, яъни кеч тақдим этилган ҳисоботлар қарорлар қабул қилувчи шахслар учун кам фойда беради.

³⁵ 70-сонли АФМС “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси”. «Аудиторлик фаолияти миллий стандарти». «NORMA» дастури.

Шу билан бир каторда, ҳисоботлар ва уларда акс эттирилган ҳақиқий маълумотлар аниқ баён этилиши ҳамда уларда келтирилган далиллар мантисқа зид келмаслиги керак.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, аудиторлик хулосаларида берилган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши айтиш мумкин. Жадваллар, схемалар, диаграммалар ва фотосуратлардан тегшли ҳолатларда комплекс ахборотни тақдим этиш ва умумлаштириш учун фойдаланилиши ҳамда ҳисоботларда уларнинг вазифаси аниқ кўрсатилишининг аҳамияти каттадир. Ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларнинг қобилияти, манфаатдорлиги ва ҳисобот билан танишиш учун мавжуд вақтга мос келадиган тарзда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жонзми, хулосаларга ишлов бериш жараёни аудит методлари, мақсадлари, мезонлари ва маълумотларига асосланган системали ёндашувга мувофиқ амалга оширилади. Ички аудит гуруҳи раҳбари томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган хулосалар доимо дастлабки хулоса ҳисобланади.

Аудит мақсади, тузилган хулосанинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, мақсад, натижалар ёки жараёнлар ҳақида фикр билдиришдан иборат бўлиши мумкин. Бонсқа томондан, фақат истисноли ҳолатлар бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсади қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Белгиланган режага мувофиқ, аудиторлик текширувнинг асосий мақсади ва раҳбарлик фаолиятининг амалга оширилишига баҳо бериш бўйича бир неча мезонлари белгиланади. Текширувни ўтказиш жараёнида аудиторлар ҳар бир мезон бўйича далиллар тўплаган ҳолда, уларнинг мажмуи бўйича олинган маълумотлар асосида муайян тўхтамга келадилар. Бу эса аудит мақсадлари бўйича аудитор фикрининг ифодаси ҳисобланади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

2.1. Тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади, вазифалари, босқичлари ва асосий тамоёнллари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг ички аудитини ташкил этишда асосий ва бирламчи масалалардан бири аудиторлик текширувларини режалаштириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан халқаро тажрибага кўра аудиторлик текширувини режалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, аудиторлик жараёнини режалаштириш ва аудит дастурини тузиш масаласи аудит текширувини тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш имкониятини яратди. Умуман, аудит жараёнининг режаси ва дастури тузилиши ва таркиби масалалари аудитнинг халқаро стандартларида белгиланган. Аудитнинг халқаро стандарти бўйича аудит жараёнини режалаштириш масаласи АХС 300³⁶ “Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш” номли стандарт 2004 йил 15 декабрь санасидан кейинги молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш жараёнида қўлланилади. Ушбу стандарт куйидаги қисмлардан иборат бўлиб, унда кириш, келишув бўйича дастлабки ишлар, ишларни режалаштириш, дастлабки аудиторлик келишувлари бўйича қўшимча кўриб чиқишлар каби масалаларни ўз ичига олган. Аудиторлик текширишни режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 10.11.1999 йил. 837-сонли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 14.07.1999 йил. 54-сон буйруғига мувофиқ аудитнинг миллий стандарти (АМС) № 3 “Аудитни режалаштириш” номли стандартга³⁷ мувофиқ тартибга солинади. Тижорат банклари фаолиятининг ташқи аудитида, айниқса, банкнинг молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёрларни белгилаш аудитнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу стандартга кўра, аудит жараёнини режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб

³⁶ Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики». Алматы. 2007. –1260 с.

³⁷ 3-сон АМС “Аудитни режалаштириш”. //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан тижорат банкнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида ҳолис ва асосли фикр шакллантирилиши учун зарур бўлган аудиторлик қонун-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аудитни режалаштиришни аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишнинг умумий қоидаларига, шунингдек, қуйидаги хусусий қоидаларга мувофиқ ўтказиши керак, яъни:

1. Режалаштиришнинг комплекслилиги.
2. Режалаштиришнинг узлуксизлиги.
3. Режалаштиришнинг мақбуллиги.

Аудитни режалаштиришнинг комплекслилиги қондаси бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштириш барча босқичларининг ўзаро боғланган ва ўйгун бўлиши таъминланишини тақозо этади.

Аудитни режалаштиришнинг узлуксизлиги қондаси аудиторлар гуруҳига ўзаро боғланган топшириқларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатлар ҳамда ҳўжалик юритувчи турдош субъектлар (алоҳида балансга ажратилган таркибий бўлинмалар, филиаллар, ваколатхоналар, шўъба жамиятлар) бўйича балансда ўз ифодасини топади. Аудит узок вақт даврга режалаштирилганда ҳўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик кузатуви бир йил давомида амалга оширилса, аудиторлик ташкилоти ҳўжалик юритувчи субъектнинг молия-ҳўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вақтида тузатишларни киритиши керак бўлади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги қондаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотининг ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантлилигини таъминлаши керак.

Аудитни режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

1. Аудитни дастлабки режалаштириш.
2. Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш.
3. Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Аудитни самарали режалаштириш учун аудиторлик ташкилоти ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказишда боғлиқ асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак.

Дастлабки режалаштириш боскичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан танишиши ва қуйидагилар тўғрисида ахборотга эга бўлиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, умуман, мамлакат (минтака)даги иктисодий вазиятни ва унинг тармок хусусиятларини акс эттирадиган ташки омиллар ҳақидаги.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ички омиллар ҳақидаги.

3. Аудитор қуйидагилар билан ҳам танишиши керак:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-бошқарув тузилиши;

б) ишлаб чиқариш фаолияти турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси;

в) капитал таркиби ва акциялар курси (хўжалик юритувчи субъект акциялари котировкаланиши керак бўлган ҳолда);

г) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланиши хусусиятлари;

д) рентабеллик даражаси;

е) хўжалик юритувчи субъектнинг асосий харидорлари ва таъминотчилари;

ж) ташкилот тасарруфида қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби;

з) шўъба ва тобе ташкилотлар мавжудлиги;

и) хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилган ички назорат тизими;

к) ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни шакллантириш қондалари.

Аудитор учун қуйидагилар хўжалик юритувчи субъект тўғрисида ахборот олиш учун манба ҳисобланаши керак:

1. Хўжалик юритувчи субъект устави.

2. Хўжалик юритувчи субъектни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар.

3. Кузатув ва (ёки) юқроия органлари акциядорлар йиғилишларининг ёхуд хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шу сингари бошқарув органлари мажлислари баённомалари.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сифёсини ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар.

5. Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлари.

6. Статистика ҳисоботлари.

7. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар).

8. Хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари.

9. Аудитор маслаҳатчиларининг ички ҳисоботлари.

10. Ички фирма йўриқномалари.

11. Солик текширувлари материаллари.

12. Суд даъволари материаллари.

13. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шўъба жамиятлари рўйхати.

14. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрочи ходимлари билан суҳбатлардан олинган маълумотлар.

15. Хўжалик юритувчи субъектни, унинг асосий участкалари, оморларини кўздан кечиришда олинган ахборот.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, у аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади.

Аудиторлар гуруҳига қирадиган мутахассислар таркибини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

1. Аудитнинг ҳар бир босқичи: тайёргарлик, асосий ва якунлаш босқичи иш вақти бюджетини.

2. Гуруҳ ишининг тахмин қилинаётган муддатларини.

3. Гуруҳнинг миқдорий таркибини.

4. Гуруҳ аъзоларининг мансаб даражасини.

5. Гуруҳ ходимларининг ворислигини.

6. Гуруҳ аъзоларининг малака даражасини.

Демак, ушбу масалалар аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик жараёнларини режалаштириш, унинг умумий режаси ва дастурини тузиш масалаларига бағишланган. Лекин тижорат банклари ички аудитида ушбу масалаларга биров бошқачароқ ёндашувни талаб қилади ва улар банкнинг хусусиятидан келиб чиқиб тузилади. Ички аудит жараёнида энг биринчи қилинадиган ишлардан бири ички аудит департаменти ёки бўлимининг умумий режасини тузиб олиш ҳисобланади. Тижорат банкларида ички аудит томонидан аудит умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқишга киришаркан, шунингдек, ўтказилган таҳлилий амалларнинг натижаларига асосланиши керак. Таҳлилий амалларни ўтказиш ёрдамида ички аудит томонидан аудиторлик текшируви учун аҳамиятли бўлган соҳаларни аниқлаши керак.

Тижорат банклари аудитини режалаштириш жараёни иктисодчи-олим У.Сахабов. томонидан қуйидагича гуруҳлаштирилган: кириш қисми, тайёргарлик қисми ва якуний қисм.

Аудит жараёнини режалаштиришнинг 3 босқичли чизмаси³⁸

Кириш қисми	Тайёргарлик қисми	Якуний қисм
Ишларнинг йиллик режаси	Дастлабки режалаштириш	Банк ходимларини аудиторлик текшириш ва аудит вазибалари билан таништириш
Йиллик смета	Умумий режани тузиш	Текшириш ва ҳужжатлаштириш
Банкнинг олдинги текшириш натижалари бўйича справка ва аудитор тавсияларининг бажарилиши	Аудит дастурини тузиш	Режа бажарилишининг назорати ва унинг корректлиги
Марказий банк текшириш натижалари бўйича маълумот		Ҳисобот тузиш ва аудиторлик хулосаси ҳамда тавсиялар
Ташқи назорат қилувчи органлар текшириш натижалари бўйича маълумот		Аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тадбирлар режасини тайёрлаш
Банк ишчи қўмитаси ва тартибга солувчи органлар қарорлари бўйича баённомалар		Аудиторлик текшируви бўйича тавсияларни бажарилишини текшириш ва тадбирлар режаси
Банкнинг йиллик ҳисоботлари ва жорий йил бўйича тасдиқланган бюджети		
Бошқарувнинг аналитик ҳисоботлари		

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кириш қисмида тижорат банкининг ички аудит бўлими томонидан зарур ахборотларни тўплаш, аудитни ўтказиш учун унинг умумий йиллик режасини тузиш, банкнинг ички аудит бўлими сметасини тузиш, умумий аудит режаси ва дастурини тайёрлаш, режанинг бажарилиши ва бўлинмаларда аудит ўтказилиши ҳамда уни мониторинги масалаларини ўз ичига олиши кераклиги таъкидлаб ўтилган.

³⁸ Саҳабов У.О., Давронова Ш.К. Планирование аудита. – Тошкент: IQTISOD-MOLFYA, 2008. – С.18.

Ички аудитнинг умумий йиллик режасини кўриб чиқадиغان бўлсак, уни тузишда асосий эътибор бериладиган масалалар банкнинг ички структураси, асосий вазифалар, тадбирлар режаси каби масалаларни кўриб чиқиш керак. Ушбу масалага таъсир қилувчи омилларни 3 қисмга бўлиб кўриб чиқишимиз мумкин:

1. Текшириш ўтказиладиган филиаллар ва бўлинмаларнинг таркибий тузилмаси, аудит жараёнида кўриб чиқиладиган алоҳида масалалар;

2. Аудит томонидан текширишдан кейин тавсияларни бажариш бўйича мониторинг ўтказилиши;

3. Аудит хизмати фаолияти билан боғлиқ тадбирлар.

Йиллик режани тузишда ҳар бир аудит текшируви ва аудиторлик ҳисоботларини тузиш, қўйилган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган кунлар, меҳнат, молиявий ва материал ресурслар характерига қараб режага тузатиш киритиш масалаларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, йиллик аудит режаси ресурслар менежменти, аудит ўтказиш муддатига эътибор қаратилади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш жараёнида тижорат банки ички аудити томонидан текширлаётган филиал ва бўлинмада амал қилаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими рискинни (назорат рискинни) баҳолашни амалга оширади. Агар ички назорат тизими нотўғри ахборот пайдо бўлгани тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни аниқласа, уни самарадор деб ҳисоблаш мумкин. Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳоларкан, тижорат банки ички аудити аудиторлик далилларининг старли миқдорини тўплаши шарт. Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида тижорат банки ички аудити молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган жиддийлик ва аудиторлик рискиннинг унинг учун мақбул даражасини белгилаши керак.

Аудиторлик рискинни режалаштириш жараёнида, ички аудит департаменти томонидан филиал ва бўлинмаларнинг фаолиятидан қатъи назар, ушбу аудиторлик текширувиға хос бўлган ажралмас риск ва назорат рискинни белгилайди. Белгиланган рисклар ва жиддийлик даражаси ёрдамида ички аудит томонидан аудиторлик текшируви учун аҳамиятли соҳаларни аниқлайди ва зарур аудиторлик амалларини режалаштиради. Аудит жараёнида режалаштириш пайтида белгиланган аудиторлик рисқи ва жиддийлик даражасининг ўзгаришиға таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзаға келиши мумкин.

Ички аудит томонидан бажараётган амалларнинг натижаларини умумий режа ва дастурни тайёрлаш пайтида батафсил хужжатлаштириш керак, чунки мазкур натижалар аудитни режалаштириш учун асос ҳисобланади ва бутун аудит жараёни давомда ишлатилиши мумкин.

Аудит ўтказилиши жараёнида ички аудит гуруҳи раҳбариди умумий режанинг айрим қондаларини қайта кўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартишларни, шунингдек, ўзгартишлар сабабларини аудитор батафсил хужжатлаштириши керак.

Тижорат банкларининг ички аудит хизмати фаолияти аудиторлик текширувалари ўтказишнинг йиллик стратегик режасини ишлаб чиқиш, мавжуд маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, аудит натижалари ҳақидаги маълумотларни манфаатдор томонларга тақдим этиш, аниқланган камчиликларнинг тузатилиши ва тавсияларнинг бажарилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Ички аудиторлик текшируваларининг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Молиявий аудит. Молиявий аудитнинг мақсади тижорат банкларида ташкил этилган бухгалтерия тизими ва маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда йиллик ва чорақлик молиявий ҳисоботларда акс эттирилган пул суммаларининг тўғрилигини текширишдан иборат.

2. Мавжуд меъёрий хужжатларга амал қилинишини текшириш. Бу аудитнинг мақсади ҳисоботнинг мавжуд қонунчилик ва меъёрий хужжатларга ҳамда қабул қилинган сиёсат ва процедураларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

3. Операцион аудит. Операцион аудитнинг мақсади банкдаги тизим ҳамда процедураларнинг сифати ва мақсадга мувофиқлигини текшириш, ташкилий тузилмани танқидий таҳлилдан ўтказиш ҳамда методологик материаллар ва моддий маблағларнинг қўйилган вазифалар учун етарли эканлигини баҳолашдан иборат.

4. Бошқарув аудити. Бошқарув аудитининг мақсади банк олдида турган вазифалар доирасида бошқарув функциялари сифатини баҳолашдан иборат.

Ички аудит хизмати тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишларини таҳлил қилади ва баҳолайди. Шунинг учун ички аудит хизмати ходимлари ўз эътиборларини фақат битта йўналишда иш олиб боришга қаратмайдилар ва уларнинг нуқтаи назаридан қўйилган аудиторлик вазифаларини ҳал қилиш учун энг маъқул саналган аудит турини бажарадилар. Бундан ташқари, ички аудит хизмати банкнинг турли бўлимларида аудиторлик текширувалари ўтказиш билангина

кифояланмайди. Ички аудит хизмати ходимлари барча бўлимларнинг банк операцияларини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятини тахлил қилиш орқали банк операциялари аудитига алоҳида эътиборни қаратадилар.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати қуйидаги жараёнларни расмийлаштириш имконини берувчи методикани ишлаб чиқади ва амалда қўллайди:

- Банкларда аудиторлик рискларини баҳолаш ва аудиторлик текширувларини режалаштиришни.

- Тижорат банкларида қўлланиладиган аудиторлик ёндашувини.

- Банкнинг ички назорат тизимини баҳолашни.

- Тижорат банкларида маълумотларни ҳисобга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тизимини.

Кўрсатилган методика тўлиқ ҳужжатлаштирилиб, ички аудит хизмати раҳбарияти ва ходимларига маълум қилиниши лозим. Аудиторлик текширувлари стратегик режасининг мақсади – ҳужжат кўринишида расмийлаштирилган аудиторлик текширувлари режаси қуйидаги мақсадларга эришиш учун хизмат қилади:

- тахлилий амалларни бажариш тартибини енгиллаштиради ва Банк бошқаруви Раисига аудитнинг устивор йўналишларини тасдиқлашига ёрдам беради;

- ички аудит хизматини текширилаётган банк фаолияти соҳасига хос бўлган рискларнинг тахлиliga аудиторлик ёндашувларини яхшироқ тушуниш ва режалаштиришнинг самарали методикаси билан таъминлайди;

- аудитни бундан буён режалаштириш жараёнини енгиллаштиради;

- йиллик режага киритилувчи ўзгартиришларни тушунтириш, ҳужжатлаштириш ва асослашга ёрдам беради.

Банкда ички аудит ўтказиш методикаси рискни баҳолаш тамойилига асосланиши лозим. Шундай қилиб, ички аудит хизмати бутун эътиборини банк фаолиятининг:

- энг кўп ички рисклар (фаолият турлари бўйича) бўлган;

- рискларга таъсирчанлиги даражаси (назорат тизимларининг сифати пастлиги оқибатида) юқори бўлган соҳаларини текширишга қаратади.

Банк фаолиятида мунтазам равишда ҳар хил ўзгаришлар рўй беради: янги хизмат турлари пайдо бўлади, банкнинг корпоратив тузилмасида ўзгаришлар содир бўлади, банк раҳбарияти янги фармойишлар чиқаради, янги банк технологиялари пайдо бўлади, Марказий банк турли меъёрий ҳужжатлар чиқаради. Бу омилларнинг

барчаси аудиторлик текширувларининг йиллик стратегик режасини ишлаб чиқиш жараёнида ҳисобга олиниши керак.

Шундай қилиб, ички аудит хизмати ҳар йили кўрсатилган масалаларга ва уларнинг ички аудит органлари фаолиятига таъсирига эътибор бериши лозим. Бинобарин, ички аудит хизмати:

- банк фаолиятининг қайси йўналишлари аудит предметини ташкил қилиши (аудиторлик текширувларини режалаштириш);
- аудит қай тарзда ўтказилиши (аудит методикаси)ни белгилаб олиши керак бўлади.

Аудиторлик текширувларининг йиллик стратегик режасини ишлаб чиқиш жараёни тўрт босқичга бўлиниши мумкин:

1. Жорий йил учун аудит предметини ташкил қилувчи банк фаолияти йўналишларини белгилаш.

2. Ички аудит текширишини режалаштирилаётган банк фаолияти йўналишларига хос бўлган рискларни баҳолаш.

3. Ички аудит хизмати ихтиёрида мавжуд банк фаолиятининг аниқ йўналишлари, жумладан, ички назорат тизимлари сифатига доир маълумотларни ўрганиш. Ишончли ички назорат тизимини жорий қилиш ва унинг ишини таъминлаш йўли билан ички рискларни бошқариш мумкин.

4. Аудит ҳажмлари ва даврийлигига доир хулоса тақдим этиш.

Бундай ёндашув асосий текширувни банкнинг риск даражаси юқори бўлган ёки аудит кўпроқ фойда берадиган бўғинларида ўтказиш учун қўлланади. Риск даражаси паст бўлган фаолият йўналишлари кам текширилади ёки у қадар мукамал текширилмайди.

Аудит ўтказиш йўналишларини аниқлаб, улар билан боғлиқ рисклар даражаси баҳоланганидан сўнг, Ички аудит хизмати текширувларнинг кетма-кетлигини белгилаши ва уларни ўтказиш учун зарур иш тажрибасига эга бўлган аудиторларни тайинлаши лозим.

Бу иш ҳар йилги иш режаси асосида амалга оширилади. Ички аудиторларнинг йиллик иш режаси камдан-кам ҳоллардагина фақат мавжуд рисклар асосида белгиланади. Бунда бошқа фикр-мулоҳазаларни, айнан:

- банк кенгашининг маълум йўналишларни аудит қилиш ҳақидаги қарори;

- марказий банк ва банк фаолиятини тартибга солувчи бошқа органлар томонидан юборилган ташқи аудит ўтказиш тартибига қўйилган талаблар, ички аудитни амалга ошириш тартиблари бўйича йўриқномалар;

– банк юқори раҳбариятининг эътиборини тортган ҳолатлар бўйича шоғилинч ички аудит томонидан амалга ошириладиган текширувни эътиборга олиш керак бўлади.

2.2-жадвал

Тижорат банкининг ички аудити мақсадларини туркумлаштириш

т/р	Ички аудит мақсадлари	Ички аудит томонидан ушбу мақсадга эришиш учун бажариладиган ишлар мазмуни
1.	Операцион мақсадлар	Тижорат банкининг самарадорлиги: – банкининг фаолияти натижаси; – банк рентабеллиги; – тижорат банкининг зарарсизлик нуктасини ҳисоблаш; – банкининг тўлов қобилияти даражаси. Масалан, 1. Филиал ва бўлинмалар тармоғи минтақа миқёсида максимал даромад олишни таъминлаш. 2. Операцион фаолиятдаги хатолар натижасида кўрилувчи зарарни маълум сўмдаги миқдоргача чегаралаш. 3. Кредит операциялари бўйича лимитларини ўрнатish ва бошқалар.
2.	Молиявий ҳисоботга доир мақсадлар	1. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш. 2. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш. 3. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш. Масалан, ички аудит томонидан ҳисобот ойна тугаганидан сўнг 10 кун ичида фойда ва зарарларнинг ҳақиқий кўрсаткичларини олиш ва бошқалар.
3.	Амал қилиш ва мувофиқлик соҳасидаги мақсадлар	– Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига риоя қилинишини текшириш. – Марказий банкда меъёрий ҳужжатларнинг талабларига амал қилишни текшириш. – Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ички низом ва талабларга риоя қилинишини назорат қилиш. Масалан, банк ўз фаолиятини тартибга солувчи органлар талабларига риоя қилиши; банк фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга риоя этиши.

Аудиторлик текширувларининг бу турларини ҳам режага киритиш лозим. Аммо бундай махсус текширувлар аудиторларнинг эътиборини банк фаолиятининг риск даражаси юқори бўлган ёки назорат тизимлари ишончсиз ҳисобланган йўналишларидан қалғитмаслиги керак.

Банк раҳбарияти аудиторлик текширувларининг йиллик режасини тасдиқлаганидан кейин аудиторлик текширувларини ўтказиш графигини тузиш ва текширувларнинг давомийлигини белгилаш мумкин.

Тижорат банкларининг фаолиятини режалаштириш жараёнида рискларни баҳолаш жараёни амалга оширилиши лозим. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, баҳолаш натижалари ҳужжатлаштирилиб, ички аудитнинг стратегик режасига киритилиши керак. Банк Кенгаши раҳбарияти режани тасдиқлаганидан кейин маълум текширувларни режалаштиришга ва йиллик ёки ярим йиллик аудит режасини тайёрлашга киришиш мумкин. Ички аудит мақсади режалаштириш жараёнининг негизини ташкил қилиб, аудитнинг самарадорлиги унга боғлиқ бўлади. Мақсадлар аниқ белгиланиши, аудитни ўтказувчилар ва аудит натижалари тақдим этилувчиларга тушунарли бўлиши лозим.

Тижорат банкларида аудиторлик текширишини режалаштириш, одатда, барча банклар корпоратив мақсадларига боғлиқ бўлади. Бу мақсадлар ички аудит бўлимининг ваколатлари соҳасини белгилаб беради. Корпоратив мақсадлар, одатда, Банк ўз фаолиятида интилиши керак бўлган қандайдир миқдорий кўрсаткичлардан ташкил топади. Мақсадларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

Бу мақсадларни белгилаш ва ҳужжатлаштириш ички назорат тизимини ўрнатиш ҳамда баҳолашнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар бажарувчи функциялар бундай ички назорат тизимининг бир қисми бўлгани туфайли, ички аудит мақсадлари тижорат банкининг умумий мақсад ва вазибаларидан келиб чиқади. Мохият эътибори билан, ички аудит хизматининг мақсади Банк Кенгаши томонидан ўрнатилган қандайдир расмий кўрсаткичларга эришишдан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар ички аудит бўлимининг ишини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкларида ички аудит бўлимининг мақсадлари банкнинг корпоратив мақсадлари билан қандай боғлиқ бўлиши мумкинлиги қуйида келтирилган.

**Тижорат банки мақсади билан ички аудит режасининг
боғлиқлигини таҳлили³⁹**

Тижорат банкининг мақсадлари	Ички аудит режасидаги асосий мақсадлар
Амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига амал қилиш ва банк амалиётининг халқаро стандартларга мос келишлиги.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ходимларнинг ўз фаолиятига тегишли қонунчилик ва мавжуд меъёрий ҳужжатлардан хабардорлигини таъминлаш. 2. Молия бозорларидаги фаолиятни назорат қилиш (комплекс-назорат) учун масъул ходим билан аудит жараёнида аниқланган қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларидан четта чиқиш ҳолатларини муҳокама қилиш. 3. Зарур ҳолда ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда, банк қабул қилган ҳисоб сисъатига мувофиқ равишда амал қилаётганини тасдиқлаш.
Тижорат банки ходимларининг бошқарув борасидаги билимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Раҳбарият учун маъқул ўқиб-ўрганиш дастурининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш.
Кўрсатилаётган хизмат сифати ва бозор ўзгаришларига ўз вақтида мослашиш устидан назорат ўрнатиш ёрдамида режалаштирилган фойз маржаси кўрсаткичига эришиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фойз ставкаси рискинни бошқариш учун масъул ходимлар уларни тўғри маълумотлар билан таъминловчи бошқарув маълумотлари тизимига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш.
Қаллоблик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш учун тегишли назорат ва процедура методларига эга бўлиш. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молниялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қаллоблик хатти-ҳаракатлари ва нопок пулларни расмийлаштиришга қарши самарали назорат тизимларининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш имконини берувчи аудиторлик процедураларини ишлаб чиқиш. 2. Барча асосий бўлимларнинг раҳбарияти билан мавжуд назорат тизимларини муҳокама қилиш ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар бериш. 3. Жиддий қонунбузарликларни аниқлаш ва улар ҳақида раҳбариятга хабар бериш ва бой берилган активларни тиклаш чораларини кўриш. 4. Даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича ички назорат бўйича процедураларини ишлаб чиқиш.

³⁹ Идиев Н. Тижорат банклари аудиторлик рискларини баҳолашни такомиллаштириш: 08.00.08. и.ф.н. дисс. автореферати.–Т.: БМА., 2011.–26 б. Б.9-14.

<p>Мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш, нопок пулларни расмийлаштириш имкониятларини камайтириш мақсадида мијозлар шугулланувчи бизнес ҳақида аъло даражада хабардорликни таъминлаш</p>	<p>1. Сертармоқ банк тизимига эга бўлинган тақдирда – банкнинг корпоратив сисёатида ифодаланган мијозларга хизмат кўрсатиш стандартларига унинг барча бўлимларида амал қилинишига ишонч ҳосил қилиш.</p> <p>2. Мијозлар билан ишловчи бўлимларнинг раҳбарларининг мијозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш усулларини муҳокама қилиш.</p> <p>3. Бундай бўлимларнинг ҳар бири мијозларнинг кўрсатилган хизматдан қониққанлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиққанига ишонч ҳосил қилиш.</p>
<p>Банк авторлаштирилмаган тўловларни амалга оширмаслиги ва қаллобляк рискни пасайтиришига эришиш</p>	<p>1. Пул тўловлари, S.W.I.F.T. ва бошқа соҳаларда тўлов процедуралари ҳамда тегишли назорат тизимларининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш.</p> <p>2. Тўловларнинг такрорланиш эҳтимоли, хато тўловлар, пул ўтказишдаги хатолар ёки руҳсатсиз сарф-харажатларнинг амалга оширилишига йўл қўймаслик учун самарали воситаларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш.</p>
<p>Тақрибали ҳодимларнинг қўнимсизлиги даражасини пасайтириш.</p>	<p>1. Банкнинг кадрлар сисёати, консултацияцион ёрдам ва аттестацион процедуралар тизимига амал қилинишига ишонч ҳосил қилиш.</p>

Ички аудит мақсадлари рўйхатини тузгач, ҳар бир мақсаднинг нисбий аҳамиятини баҳолаш керак.

Ҳар йили ёки йилда 2 марта бу жараёни такрорлаш ва, агар зарур бўлса, рўйхатга тузатиш киритиб, вазият ўзгарган тақдирда янги мақсадларни белгилаш лозим.

Ички аудит хизмати бўлими ходимлари ўз ишларини яхшироқ тушуниш учун Ички аудит режасини қисмларга бўлишда банкнинг ташкилий тузилмасидан келиб чиқишлари лозим. Бу дастлабки босқичда банк фаолиятининг барча соҳаларини камраб олиш жуда муҳимдир. Шундай қилиб, Аудиторлик текширувлари режаси кредит ташқилюти, банк бўлимлари бўйича тузилади:

1. Кредитлаш бўлими, шу жумладан кредит рисклари бошқармаси.
2. Кредит рисклари бошқармаси.
3. Филiaalлар билан ишлаш бошқармаси.
4. Давлат хазинасига оид операциялар ва бэк-офис операциялари.
5. Бухгалтерия ҳисоби.
6. Молияни бошқариш.
7. Ахборот технологиялари (S.W.I.F.T.).

8. Операциялар. Автоматлаштириш бошқармаси ва электрон. маълумотларни ҳимоялаш)

9. Маъмурий ва ҳуқуқий бошқарув.

10. Қурилиш ва кўчмас мулк.

11. Хавфсизлик ва қўриқлаш.

12. Кадрлар бўлими .

Аудит режасини тайёрлашда бутун банкни камраб олувчи аудиторлик текширувларини киритиш талаб қилиниши мумкин. Бунга компьютер ва кодлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш, биноларнинг жисмоний хавфсизлиги, миқозларга кўрсатилувчи хизматлар таҳлили, фавқулодда ҳолатлардан чиқиш процедуралари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Молиявий натижаларни аудиторлик текширишни ташкил этиш умумий принципларга асосланган бўлиб, олдиндан режалаштириш, режа ва дастур тузиш, аудиторлик жараёнлари ва ахборот олиш услублари, аудиторлик далилларни тўплаш, текширув натижаларини умумлаштириш ҳамда аудиторлик хулосасини тузишни ўз ичига олади. Тижорат банкларида аудиторлик текширув босқичлари 2.4-жадвалда келтирилган.

Аудиторлик текширув мақсади аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини мажбурий аудит доирасида ўтказиладиган аудит текширувидан кўзланган мақсад фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлаш, амалдаги талабларга риоя қилинишни баҳолаш ҳисобланади.

2.4-жадвал

Тижорат банкларида аудиторлик текширув босқичлари

Т/р	Аудиторлик текширув босқичлари	Аудиторнинг асосий вазифалари
1.	Бизнес билан танишиш	Тижорат банки фаолияти билан танишиш, унинг таркиби, фаолият соҳалари, капитали, кредит портфели ва бошқалар.
2.	Олдиндан режалаштириш	Банк аудитида унинг аҳамиятли соҳаларини аниқлаш. Фаолият узлуксизлиги принципига риоя қилиниши баҳолаш. - Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш. - Ҳисоб сисъатига баҳо бериш. - Аудиторлик ҳисоботлари маълумот базасини режалаштириш. - Фойдаланиладиган ишчи стандартларни аниқлаш.

2.4-жадвал давами

3.	Умумий режа ва дастурни тайёрлаш ҳамда тузиш	<p>Текшириладиган объектлар тўғрисида ахборот йиғиш.</p> <p>Мухимлик даражаси ва аудиторлик rischi даражасини аниқлаш.</p> <p>Аудит умумий режасини тузиш.</p> <p>Аудит дастурини асосий бўлимлар бўйича тузиш.</p>
4.	Умумий режа ва дастурни бажариш	<p>Аудиторнинг аудиторлик ҳисобот тузиш учун старли далилларга эга бўлиши.</p> <p>Аудит ўтказиш жараёни, дастур асосида белгиланган объектларни текшириш.</p> <p>Танлаш усуллари асосида аудитни ташкил этиш.</p>
5.	Аудит натижаларини умумлаштириш ва тижорат банки молиявий ҳисоботида аудиторлик хулосасини тузиш	<p>Олинган аудиторлик далиллар старлилигини баҳолаш.</p> <p>Молиявий ҳисоботнинг тўтрилиги ва қону талабларига мувофиқлиги ҳақида фикр билдириш:</p> <p>раҳбариятга хат тайёрлаш,</p> <p>аудиторлик хулосасини шакллантириш</p>
6.	Ички назорат тизимини ўрганиш ва уни баҳолаш	<p>Ички назорат тизимининг таркиби билан танишиш.</p> <p>Ички назоратни ташкил этиш тартибига баҳо бериш.</p> <p>Субъект фаолиятини назорат қилиш усулларини таҳлил қилиш.</p> <p>Ички назоратнинг тўқиллигига ва ишончлилигига баҳо бериш.</p>

Банк фаолияти молиявий натижаларининг аудиторлик текширувини режалаштиришда аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- текширув объекти ҳисобланган даромад ва харажатлар турларини аниқлаш;
- текшириладиган ҳар бир объект бўйича бухгалтерия ҳисоби ва назорат тизимини ташкил этишни баҳолаш;
- текширув хусусиятини аниқлаш (мос келиши ёки тўғрилиги бўйича);
- текширув услуби тўғрисида қарор қабул қилиш (ялписига ёки танлаб);
- текшириладиган ҳар бир объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик далилларни тўплаш услубини танлаш.

Фикримизча, текшириладиган объектни белгилашда банк даромади ва харажатини таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, даромад учун белгиланган муҳимлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Режалаштириш босқичида таҳлилий

жараёнларни қўллаш банк фаолияти ва унинг ҳисоботида ўзига хос бўлмаган ҳолатни аниқлаш имконини беради. Масалан, ҳисобот даврида миқдор томонидан тайёрланган ҳисобот маълумотлари билан аудиторлик далиллар асосида тўпланган маълумотлар ўртасидаги жиддий тафовут бухгалтерия ҳисоби ва тижорат банки молиявий ҳисоботидаги хато ҳамда камчиликлар тўғрисида далолат бериши мумкин. Аудитор уларни юзага келтирган сабабларни ва бу нормал иқтисодий ҳолатлар таъсири натижасими ёки бошқа ҳолатлар таъсири бўлганми ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилади. Таҳлил натижалари эса миқдор фаолияти хусусиятлари, даромадни шакллантириш манбалари, асосий даромад манбалари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий натижалари ҳажми ҳамда ўзгариш суръатига таъсир қилган омилларни аниқлаш имконини беради. Фикримизча, банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича аналитик амалларни бир қанча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

- банк даромади ва унинг ўсиш суръати манбалари бўйича аналитик амалларни бажариш;
- ҳисобот даври ва ўсиш суръати ҳолатига кўра, даромад ва харажатлар таркиби ҳамда тузилмасини баҳолаш;
- банк фаолиятининг молиявий натижаларини далиллар асосида таҳлил қилиш.

Банк даромади ҳамда харажатларини далиллар асосида аналитик амалларни бажариш даромад ҳамда харажатларнинг таркибий тизимини тузиш, тузилган тизимларни математик ифодалаш, омиллар таъсирини ҳисоблаш учун бартараф этиш принциплари ва ўрин алмашиш услубидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Банк фаолиятининг молиявий натижаларга нисбатан қўлланиладиган муҳимлик даражаси йўл қўйиладиган хато қўламини ифода этади. Йўл қўйиладиган хато деганда текшириладиган объектлардаги янглишишлар даражаси тушунилади. Буни аудитор аҳамиятсиз ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблайди. Аудитор йўл қўйиладиган хато даражасини аниқлашда текшириш учун мўлжалланган объектлар аҳамиятидан келиб чиқади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиб, банк даромадлари ва харажатларини текшириш учун мўлжалланган объектга айланиши мумкин. Улар ҳақидаги ахборотни ошқора қилиш даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида кўзда тутилган.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари аудитини амалга ошириш жараёнида муҳимлилик, аудит далиллари, танлаш ва аудит рисклари бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рискни ушбу амаллар билан боғлиқ ҳолда кўриш керак. Чунки аудит далилларини йиғиш, муҳимлилик даражаси ва аудиторлик rischi даражалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини тестдан ўтказиш натижаларига кўра аудит ҳажми аниқланади: меҳнат сарфи, аудиторлик далилларини тўплаш учун бажариладиган аудиторлик амалларининг таркиби ҳамда тавсифи ва ҳ.к.

Аудиторлик ташкilotи тижорат банкларида аудиторлик далиллари асосида аудиторлик хулосасини ва ҳисоботини шакллантиради. Унинг натижалари асосида ижобий ёки салбий хулоса тузилиб, шу асосида молиявий ҳисоботни чоп этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати ходимлари томонидан индивидуал тартибдаги аудиторлик режаси ва дастурини тузади. Улар қуйидаги аспектларни ўз ичига олади:

1. Банкнинг рискларини баҳолаш бўйича алоҳида тизимларини баҳолаш;

2. Қуйидагиларни таҳлил қилиш ва баҳолаш:

а) ички назорат тизимлари ва тегишли процедураларнинг мақбуллигини;

б) банк томонидан Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қондаларига амал қилиниши;

в) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот жараёнларининг мавжудлиги ва иш самарадорлигини;

г) банкнинг бошқарув маълумотлари тизимида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг топилиши ва тузатилишини назорат қилувчи ҳамда аудит натижалари ва ички назорат тизимларини яхшилаш соҳасидаги тавсиялар бўйича банк Бошқаруви Раисига маълумот тақдим этиш имконини берувчи тизимларнинг мавжудлигини.

Ушбу мақсадга эришиш учун тижорат банкларида ўрнатилган ички назорат тизимлари аудитига беш босқичли ёндашувни жорий қилиш зарур.

Ички назорат тизимини ташқи аудитор томонидан текшириш босқичлари⁴⁰

1-босқич.	Аудиторлик текширувини режалаштириш.
2-босқич.	Фактлар ва маълумотлар тўплаш.
3-босқич.	Маълум фаолият турини бошқариш ва назорат қилиш жараёни схемасининг мақбуллигини ҳамда унинг банк ва департамент раҳбарлари томонидан қўйилган мақсадларга мувофиқлигини баҳолаш.
4-босқич.	Тизимнинг ишини баҳолаш. Унинг мувофиқлигини текшириш ва бошқа процедуралар ёрдамида тизим режали равишда, самарали ва сермаҳсул ишлаётганини тасдиқлаш.
5-босқич.	Якуний хулоса ва тавсиялар. Аудиторлик текшируви натижалари ҳамда ҳисобот ва назорат процедураларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Жами аудиторлик текширувларини аниқлашда тижорат банкни ривожлантиришнинг стратегик режасига, банк фаолияти ва ташкилий тузилмасининг ўзига хосликларига, ҳар бир департаментнинг мажбуриятлари доирасига, барча хизматларнинг раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатларга асосланади.

Аввалги аудиторлик текшируви натижалари – тижорат банкидаги ички назорат интизомининг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Муаммоларнинг мавжудлиги, одатда, назорат тизимидаги жиддий камчиликлар, кўп сонли аудиторлик тузатишлари, одатдагидан кўп қоидабузарликлар аниқлангани, аудиторлар кўрсатган камчиликларнинг тузатилмагани билан тавсифланади. Камчиликларнинг йўқлиги ёки уларнинг вақтида тузатилиши эса, аксинча, ички назорат талабларига риоя қилиш интизомининг юқорилигидан далолат беради.

Таъсирчанлик – бу мезон рейтинги аниқланувчи тижорат банки бўлимига хос бўлган ички рискни тавсифлайди. Ушбу кўрсаткич меъёрдан четлашиш ҳолатлари ва уларнинг тегишли оқибатларини баҳолашдан иборат бўлади. Бу ерда гап активларни йўқотиш ёки активлар ҳолатининг ёмонлашиши rischi; хатонинг аниқланмаслик rischi; мажбуриятларнинг тан олинмаслиги ёки нотўғри миқдорий баҳоланиши оқибатида юзага келувчи риск; матбуотда номақбул фикрлар билдирилиши, ҳуқуқий жавобгарлик ва ҳоказолар билан боғлиқ рисклар ҳақида гап боради. “Таъсирчанлик” кўрсаткичи бўйича рейтингда банк учун аудит объекти миқдори, мумкин

⁴⁰ Муаллиф томонидан амалий маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.

бўлган йўқотишларнинг потенциал миқдорлари ва рискнинг амалга ошиш эҳтимоли ҳам ҳисобга олиниши керак.

Назорат муҳити – бу кўрсаткич ички сиёсат, процедуралар, лавозим мажбуриятларини бажариш тартиби, активларнинг жисмоний сақланганлиги ва ходимларнинг касбий лаёқатлилигини камраб олади. Назоратнинг коникарли ҳолати уйғун раҳбарлик, ички ҳужжатлар (сиёсат ва процедуралар)га риоя қилиниши, ички назорат тизимларининг ишончлилиги, хатоларнинг тез аниқланиши ва тузатилиши, ходимларнинг касбий тайёргарлиги мақбул даражада эканлиги ва кадрлар қўнимсизлиги назорат остига олинганлиги билан тавсифланади. Мақбул назоратнинг йўқлиги, хатоларнинг кўплиги, ишни тартибга солувчи ички ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, ишдаги бошқариб бўлмайдиган кечиктишлар, кадрларнинг қўнимсизлик даражасининг юқорилиги, ўрнатилган тартибни айланиб ўтиб, амалга оширилувчи операциялар эса, аксинча, бошқарув коникарсиз аҳволда эканлигидан далолат беради.

Банк филиал ва бошқармаларига самарали бошқарилаётганига бўлган ишонч даражаси – ушбу мезон Ички аудит хизмати раҳбарларининг филиал ва бошқармалари фаолияти ҳамда ички назорат тизимларининг мақбул даражасини таъминлаш учун бевосита маъсул мансабдор шахсларга бўлган ишончи даражасини ифодалайди. Ишонч даражасини аввалги аудиторлик текширувлари жараёнида ҳамкорлик қилиш, раҳбарлик ишида тажрибага эгалик, ходимларнинг ишга лаёқатлилиги даражаси ва штатларининг тўлдирилганлиги ҳақида аудиторларнинг фикрлари сингари кўрсаткичлар билан тавсифлаш мумкин.

Тижорат банкининг таркиби ва штатлар жадавали ҳамда у фойдаланувчи тизимлар конфигурациясидаги ўзгаришлар – тажрибадан маълумки, ўзгаришлар ички назорат даражаси ва молиявий ҳисоботга таъсир қилиши мумкин. Ўзгаришлар кўпинча узок истикболда ижобий натижаларга эришиш мақсадида киритилади, аммо яқин истикболда улар маълум салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкинки, бу ички аудиторлардан уларни янада чуқурроқ текширишни талаб қилади. Бундай ўзгаришларга ташкилий реструктуризация, бизнеснинг даврийлиги, тижорат банкининг тез ривожлантирилиши, янги тизимларнинг жорий қилиниши, бошқа банкот субъектларнинг сотиб олиниши ва уларни соғломлаштириб сотилиши, конунчилик ва меъёрий ҳужжатлардаги нугми қонда ва талаблар, ходимларнинг қўнимсизлиги мисол бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар кузатилмаган тижорат банки филиалида аудиторлик текшируви кам сонли аудиторлик процедураларини ўтказишни талаб этади.

Аудиторлик текширувининг мураккаблиги – ушбу риск омили маълум фаолият йўналишининг ҳаддан ташқари мураккаблиги оқибатида рўй берган хатолар ва суниестемолларнинг аниқланмай қолиши эҳтимолини баҳолайди. Мураккаблик рейтинг кўпгина омишларга боғлиқ бўлади. Жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги даражаси, ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, алоҳида фаолият турларининг ўзаро боғлиқлиги, маҳсулот ва хизматлар сони, прогнозларнинг даврий диапозони учинчи томонларнинг боғлиқлиги, миқдорларнинг талаблари, операцияларга ишлов бериш учун зарур вақт, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қоидаларининг мураккаблиги ва бошқа кўплаб (балки аниқланмаган) омиллар маълум аудиторлик текширувининг мураккаблигини баҳолашга таъсир кўрсатади.

Тижорат банки ички аудит департаменти томонидан умумий режада аудитни ўтказиш муддатларини назарда тутиши ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот (банк раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузишни назарда тутиши шарт. Вақт сарфини режалаштириш жараёнида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

1. Ҳақиқий харажатлар.
2. Бундан олдинги даврда (такрорий аудит ўтказилган тақдирда) вақт сарфи ҳисоб-китоби ва унинг жорий ҳисоб-китоб билан алоқаси.
3. Жиддийлик даражаси.
4. Аудиторлик рискларининг амалга оширилган баҳолари.

Умумий режада тижорат банки ички аудити дастлабки таҳлил натижалари асосида аудитни ўтказиш усулини белгилайди, ички назорат тизимининг ишончилигини, аудит рискларини баҳолайди. Танлаб аудит ўтказишга қарор қилинган тақдирда аудитор аудиторлик танламасини АФМС №14 "Аудиторлик танлаш" номли аудит стандартига мувофиқ шакллантиради.

Бошқарувни ва бажарилаётган аудит сифатини назорат қилишни режалаштиришга доир қоидалар умумий режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Умумий режада қуйидагиларни назарда тутиш тавсия қилинади:

1. Аудиторлик гуруҳини, аудитни ўтказишга жалб этиладиган аудиторлар миқдори ва малакасини шакллантириш.
2. Уларнинг касбий хислатлари ва мансаб даражаларига мувофиқ аудиторларни аниқ аудит участкалари бўйлаб тақсимлаш.
3. Жамоанинг барча аъзоларига уларнинг вазифалари хусусида йўл-йўриқ бериш, уларни филиал ва бўлинмаларнинг фаолияти, шунингдек, аудит умумий режаси қоидалари билан таништириш.

4. Раҳбарнинг режа бажарилиши ва аудитор ёрдамчилари ишнинг сифати, улар томонидан иш ҳужжатлари юритилиши ва аудит натижалари тегишлича расмийлаштирилишини назорат қилиши.

5. Аудиторлик гуруҳи раҳбарининг аудиторлик амалларини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ услубий масалаларини тушунтириши.

6. Муайян фактни баҳолашда аудиторлик гуруҳи раҳбари билан унинг оддий аъзоси ўртасида ихтилофлар пайдо бўлганда аудиторлик гуруҳи аъзоси (ижрочи)нинг алоҳида фикрини ҳужжатли расмийлаштириш.

Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит ролини, шунингдек, аудит ўтказиш жараёнига экспертларни жалб этиш заруратини белгилайди.

Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик амаллари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ёрдамчилари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик амалларини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин.

Аудиторлик дастурини назорат воситалари тестлари дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик амаллари дастури кўринишида тузиш керак.

Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуи рўйхатидан иборат. Назорат воситалари тестларининг мақсади шундан иборатки, улар ҳўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Моҳиятига кўра аудиторлик амаллари бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни ўз ичига олади. Моҳиятига кўра аудиторлик амаллари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Шунингдек, амаллар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айна қандай бўлимларини текширишни белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик қонун-қоидалари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари ҳужжатлаштирилиши керак.

Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган хулосалари аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузиш учун далил материали, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг ҳолис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аудитни режалаштириш жараёни тугаганидан сўнг аудит умумий режаси ва дастури ҳужжати расмийлаштирилиши керак.

Агар текширишни бир неча аудитор амалга ошираётган бўлса, қорхонанинг ўзига хос хусусияти, уни текшириш ҳажми ва мураккаблиги ҳар гал аудитни ўтказиш чоғида ҳар бир иш қачон ва қандай бажарилишини аниқлаш, аудиторлар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш талаб қилинади.

Шу билан бирга текшириладиган участкаларни нотўғри танлаш ва текшириш натижалари юзасидан нотўғри хулоса чиқариш масъулияти тўла тўқис аудиторлар зиммасига тушади. Аудиторлик рисқи турларидан бири ҳам худди шунда яширинган.

Касса, банк ҳужжатлари, аванс ҳисоботлари, муассислар билан ҳисоблашинлар ялпи текширилади. Иш ҳақи, операцион харажатлар, товар-моддий захиралари, даромад ва харажатлар бўйича дастлабки ҳужжатларга келсак, ҳисоблашнинг бу бўлимлари бўйича текшириш танлаб ўтказилади.

Агар текширишни аудиторлар бригадаси амалга ошираётган бўлса, у ёки бу аудитор қайси участкаларни текшираётганини олдиндан аниқлаб олиш лозим. Бунда олдинги текширишлар чоғида тўпланган тажрибани ҳамда малакани ҳисобга олиш зарур.

Энди ишга кирган аудиторларга касса ҳужжатлари ва кассир ҳисоботларни ялпи текширишни топшириш мақсадга мувофиқдир, шу билан бир вақтда тахлилий ёндашадиган, кўникмаси бор тажрибали мутахассислар ҳисобот ва бош китобни ўрганишлари, уларнинг ҳисоб регистрлари билан уйғунлигини текширишлари, бухгалтерия ҳисоб варақаларида дастлабки ҳисоб маълумотлари ёзуви асосланганини аниқлаш керак.

Аудиторлик текшириши дастурига филиал ички назоратининг ташкил этилиши ва унинг самарадорлигини ҳисобга олиб, ўзгартириш мумкин.

Аудиторлик текшириши дастури пухта тузилганига қарамай, унинг талаб қиладиган меҳнат ҳажмига ва қанча давом этишига таъсир қиладиган бир қанча омилларни олдиндан кўра билиш ва ҳисобга олиш мумкин эмас. Шу сабабли текшириш давомида у ёки бу ишларнинг мазмунига ва давомийлигига ўзгартириш киритишга тўғри келади.

Текшириш дастурини тузиш гуруҳга мутахассисларни танлаш ва пировард натижада ҳисоботнинг ҳақиқийлиги тўғрисида асосланган хулосани тайёрлаш учун филиалнинг ўзига хос хусусиятлари ва тузилиши тўғрисидаги умумий ахборот зарур бўлади. Бунинг учун қуйидагиларни аниқлашга тўғри келади:

- филиалнинг жойлашиш хусусиятлари;
- филиалнинг ташкилий тузилиши;
- банкнинг миқозлар билан тузиладиган шартномалари ва мажбуриятлари;
- юридик мажбуриятлари (судда кўриш, солиқ инспекциясининг, бюджетдан ташқари фондларнинг далолатномалари).

Шу муносабат билан ҳар бир филиалнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текшириш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга моликдир.

Текшириш стратегияси қуйидагиларни назарда тутлади:

- текшириш дастурини тузиш учун ахборот тўплаш;
- тўпланган ахборотни ўрганиш;
- аудиторлик рискни дастлабки баҳолаш;
- ҳисобварақлари бўйича текширишнинг теранлиги, моҳияти ва қанча давом этишини аниқлаш.

Текшириш стратегияси текшириш режаси сифатида расмийлаштирилади. Режа ёзма равишда тузилади.

Режа тузишнинг мақсади:

- зарур тестларнинг ҳажми ва турини олдиндан белгилаш;
- уларни бажариш учун қанча вақт ва меҳнат сарфларини баҳолаш;
- текшириш бошланмасдан барча асосий масалалар бўйича аудит қилинаётган филиал ва бўлинмалар бўйича ахборотга эга бўлиш;
- аудиторни бажариш ва уни мазкур миқозда сифатли ўтказиш асослиги далилларига эга бўлиш.

Режалаштиришдан олдин қуйидаги босқичлар ўтади:

- режалаштиришдан олдинги тайёргарлик;
- филиал ва бўлинмалар тўғрисида умумий маълумот олиш;
- ички назорат тизимини ва унинг самарасизлиги рискни баҳолаш.

2.2. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни ўрганиш

Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Ички аудит томонидан тижорат банклари фаолиятини ўрганишда муҳим масалалардан бири бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини текшириш ва унинг тегишли йўриқнома асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома” асосида ташкил қилинади.

Тижорат банклари фаолиятини ички аудит томонидан текширишда банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойилларига риоя қилиниши, миждозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усулларига амал қилинишлиги, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қондалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлигини текшириш амалга оширилади.

Тижорат банкларида ички аудит томонидан бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишини текширишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилади:

1) ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ва бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттирилиши;

2) банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўпланганлиги текширилади;

3) банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳамда банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимининг тўғри юритилишини текшириш;

4) банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, миқозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш жараёнини текшириш;

5) банкдан чиқатган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи миқозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни текшириш;

6) банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомати ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини текшириш;

7) операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш;

8) замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий таъминотини текшириш ҳамда натижада аудиторлар меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

Банк ходимлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган банк сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг "Банк сирини тўғрисида"ги Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда сир сақлашлари лозимлиги сабабли, уларни ушбу талабларга риоя қилишлиги ички аудитор томонидан текширилади.

Бундан ташқари, ушбу йўриқномага риоя қилинишини текширишда ички назорат тизимининг ташкилий жиҳатлари текширилади. Бунда ички назорат – банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малақада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш тизими бўлганлиги сабабли ички аудит томонидан унинг ташкилий жиҳатлари текширилади.

Ички назорат маълум ёки аниқ вақт мобайнида амал қилиниши лозим бўлган тартиб ёки қонда бўлмасдан, балки у банкнинг барча бўғинларида кунлик банк операцияларининг бошланишидан тортиб тугагунга қадар доимий юритиладиган банк фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ички назорат ўз навбатида дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратга бўлинади.

Дастлабки назорат – Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат.

Жорий назорат – Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг конунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир-бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади.

Яқуний назорат – амалиёт кун тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер ва Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан бажарилган барча банк операцияларининг конунчиликка мослиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат;

Яқуний назорат банк Бошқаруви ташкил қилган Яқуний назорат хизмати томонидан амалга оширилади ва у фақат банк Бошқарувида бўйсунди.

Яқуний назорат хизмати бухгалтерия аппарати бир бутун яхлит бўлган банкларда бухгалтерия аппарати ичида, Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган банкларда эса Бэк-офиси таркибида алоҳида бўлим сифатида ташкил қилинади.

Тижорат банкида ички аудит томонидан бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текширишда маълумот манбаи бўлиб қуйидаги регистрлар ҳисобланади: ёрдамчи китоб – бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек, алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар; бош китоб – ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлари қолдиқларининг рўйхати; бухгалтерия ҳисоби регистрлари – иккиёклама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар.

Тижорат банки бухгалтериясини ташкил этишни текширишда унинг 2 та гуруҳга ажратилганлигига эътибор қаратилади:

Бэк-офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган операцияларни жорий назоратдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширувчи бухгалтерлар гуруҳи.

Бэк-офиснинг асосий вазифаси – Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтказилиб, маъқулланган барча банк операцияларни қайтадан жорий назоратдан ўтказиб, уларни иккиёклама ёзув ёрдамида бухгалтерия регистрларида қайд этиш ва тегишли ҳисоботлар тайёрлашдан иборат.

Бэк-офис миқозлар билан бевосита мулоқотда бўлмайди. У, миқозлар операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича

Фронт-офис билан, банкнинг ички молиявий-хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида ақс эттириш бўйича банк маъмурияти билан алоқада бўлади.

Бэк-офисга Бэк-офис бошлиғи раҳбарлик қилади ва у, ўз навбатида, банк раҳбарига бўйсунди;

Фронт-офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, конун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк миқозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматлари кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

Фронт-офиснинг асосий вазифаси миқозлар топшириғи ҳамда банк ички фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган операцияларнинг конунчиликка мос эканлигини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида ақс эттиришга тайёрлашдан иборат.

Тижорат банклари янги иш кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоб маркази (бундан кейинги ўринларда ҲҚМ деб юритилади)да очилган ташки ("21302-Резидент банкнинг вакиллик ҳисобварағи") вакиллик ҳисобварағининг кун бошига айланма ва қолдиқ суммаларини, ўзларининг ички ("10301-Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи") вакиллик ҳисобварағининг айланма ва қолдиқ суммалари билан мослигини текшириш билан бошлашади. Ички ва ташки вакиллик ҳисобварағи айланма ва қолдиқ суммаларининг мослигини тасдиқлаш учун ҲҚМ га электрон файл юборади.

ҲҚМ тижорат банклари юборган электрон файлни қабул қилиб олади ва банкнинг ташки ва ички вакиллик ҳисобварақ қолдиқ суммаларини дастурий равишда таққослайди ҳамда уларнинг мослигини тасдиқлаб, банкларга қайтаради. Вакиллик ҳисобварақлар қолдиқ суммалари мос келмаса, мавжуд фарқ бартараф этилмагунча банк амалиёт кунини очилмайди ҳамда банклараро тўловларни амалга оширишга рухсат этилмайди.

ҲҚМдан тасдиқ (W-файл) олгандан сўнг, банкларга банклараро тўловларни амалга ошириш учун рухсат берилади.

Филиаллари мавжуд банк филиалларига "Тўлов маркази"да очилган ташки ("22204-Бош банк-филиалларга тўланадиган маблағлар") ва филиалларда очилган ("16103-Бош банк/филиаллардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар") ички вакиллик ҳисобварақлар қолдиқ суммаси мослигини тасдиқлаш Бош банк томонидан амалга оширилади. Филиаллар ички вакиллик ҳисобварағи (16103) ва "Тўлов маркази"да очилган ташки (22204) вакиллик ҳисобварағи ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу филиалга уни

бартараф этмагунча филиалларо ва банкларо тўловларни амалга ошириш ва янги кунга ўтиб ишлашга рухсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фармойишига асосан банк иш куни конун ҳужжатларига асосан узайтирилмаган бўлса, филиалларо ва ички тўловлар банк иш куни давомида соат 17-00 га қадар амалга оширилади. Филиалларо тўловлар бир банк миждлари ўртасида амалга оширилишини инобатга олиб, банк ўз миждларидан тўлов ҳужжатларини қабул қилиш вақтини ўзи мустақил равишда белгилайди. Ички тўловлар қаторига касса амаллари, тўланиши ва олиниши лозим бўлган фонизлар ҳисобини ҳисоблаш ҳамда ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш ва шунга ўхшаш амаллар қиради.

Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари миждларидан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шуниингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилганлиги сабабли ички аудит томонидан электрон тўлов тизими текширилади. Бунда ички аудитор томонидан эътибор бериладиган жиҳатлардан бири пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижрога фақат мижднинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижднинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинганлигини текшириш ҳисобланади.

Ички аудитор пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитларининг тўлиқ тўлдирилганлигини текширади, бунда содир бўлган операция мақсади ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйш, қизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигига эътибор қаратади.

Ички аудитор томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинишида қуйидаги жиҳатларига эътибор беради:

а) юридик шахслардан – асл нусхада имзо намуналари варақчасида кўрсатилган имзолар намунаси ва асосий муҳрнинг изига мувофиқ мансабдор шахсларнинг (раҳбарлик вазибаларини амалга оширадиган шахснинг ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазибаларини амалга оширадиган шахснинг) имзоси ҳамда асосий муҳри изи мавжудлиги текширилади, бунда микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазибаларини амалга оширувчи шахснинг имзо намунасини тақдим этиш талаб этилмаганлиги сабабли фақат раҳбар имзоси ва муҳр борлигига эътибор қаратади;

б) юридик шахс ташкил қилмасдан туриб деҳқон ҳўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан – варақчада кўрсатилган имзолар намунасидан биттаси ва асосий муҳрнинг изи мавжуд бўлганда. Агар банкка тақдим қилинган имзолар намунаси ва муҳр изи қўйилган варақчада уларнинг асосий муҳри бўлмаган ҳолларда, деҳқон ҳўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари муҳр изисиз қабул қилишга руҳсат берилганлиги сабабли ички аудитор ушбу хусусиятларни текшириши лозим.

Тижорат банклари ўз операцион харажатларини банк Кенгаши билан келишилган ва банк Бошқаруви томонидан ҳар йил учун тасдиқланган "Бизнес-режа" ва "Ҳисоб сиёсати" асосида амалга ошириши сабабли ички аудитор томонидан текширилиши лозим бўлган масала – ҳисоб сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳисобланади. Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасидаги (рўйхат рақами 773-17-сон, 2004 йил 13 август; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) тегишли ҳисобварақлар таърифида белгиланган тартибда юритилади. Шу сабабли аудитор томонидан ушбу сўётларнинг тўғри юритилишига эътибор қаратилади.

Банкларда моддий қимматликларнинг амалда мавжудлигини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш учун улар банк томонидан даврий равишда, лекин камида йилда бир марта инвентаризация қилинади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади ва инвентаризация комиссияси тузилади. Инвентаризация комиссияси таркиби банк раҳбари буйруғи билан тайинланган инвентаризация комиссияси раиси ва унинг аъзоларидан иборат бўлиб, уларнинг сони тоқ бўлиши лозим. Моддий қимматликларнинг инвентаризацияси натижасида аниқланган ортиқча ёки камомад юзасидан ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Банкда ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча моддий қимматликлар банк даромади ҳисобланади.

Тижорат банклари ходимларининг айби билан фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий қимматликлар ёки камомад аниқланган ҳолда, ушбу моддий қимматликларнинг ҳақиқий қиймати, қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади. Етказилган зарар миқдорини, банк мулкига зарар етказганлиги учун ташкилот ходими моддий жавобгарлиги доираси ва тартибини

аниклаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Ички аудитор томонидан инвентаризация натижасининг тегишли тартибда акс эттирилиши текширилади.

Банкларда жамланма ва таҳлилий ҳисоб операциялари алоҳида бухгалтерия регистрларида қайд этилади. Синтетик ҳисоб юритишда Бош китобдан ва аналитик ҳисоб юритишда Ёрдамчи китоблардан фойдаланилади. Демак, ички аудитор томонидан ушбу китобларнинг юритилиши текширилади ва улардаги ахборотларнинг тўғрилигига эътибор қаратилади.

Бош китобда банк операциялари ҳисобини юритиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган жамланма маълумотлар қайд этилади. Унда ҳар бир ҳисобварақ бўйича кун бошига қолдик, кун давомида амалга оширилган операцияларнинг айланмаси ва кун охирига қолдик суммалари акс эттирилади.

Ёрдамчи китобларда бухгалтерия операциялари батафсил ва тўлиқ акс эттирилади. Ёрдамчи китобларнинг шакли ва турлари ҳар бир банк томонидан мустақил белгиланади.

Бош китоб ва Ёрдамчи китоб ҳисобварақларида ҳисоб операциялари, албатта, иккиёклама ёзув қоидасига амал қилган ҳолда қайд этилиши ёки ушбу ҳисобварақлар билан корреспонденция бўлган ҳисобварақлар рақамлари кўрсатилиши шарт.

Ёрдамчи китоб ҳисобварақларига нисбатан олганда Бош китоб ҳисобварақлари назорат ҳисобварақлари ҳисобланади. Ёрдамчи китобдаги якуний суммалар ҳар банк иш кунининг охирида, шунингдек, ой охирида, янги ойнинг биринчи кuni ҳолатига кўра, уларнинг Бош китобдаги назорат суммаси балансдаги сумма билан бир хил бўлиши лозим.

Хорижий валютадаги операциялар бўйича Бош ва Ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида юритилади. Демак, ички аудитор томонидан белгиланган тартибда китобларнинг юритилиши текширилади. Бунда аудитор банк операцияларини ҳисоб регистрларида қайд этиш дастурий йўл билан амалга оширилганлиги сабабли тегишли дастурий таъминот асосида текширилади. Ички аудитор фаолиятини яхшилаш мақсадида айрим тижорат банкларида аудиторга тижорат банкида қўлланилаётган дастурий таъминотни кўриш учун имконият яратилиши керак.

Шахсий ҳисобварақлардаги ёзуваларни шу ҳисобварақларни юритиш топширилган бухгалтерия ходимлари назорат қиладилар. Бунда шахсий ҳисобварақлардаги барча ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан ўтган ва операциялар

расмийлаштирилаётганида улар имзолаган тегишли ҳужжатларга мослиги, тегишли реквизитлар ва ҳужжатларнинг суммалари шахсий ҳисобварақларга тўғри ўтказилганлиги текширилади.

Шахсий ҳисобварақлар айланмалардаги ҳар бир дебет ва кредит бўйича ёзувлар суммаларини банкнинг ўзи расмийлаштирган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқа банклардан келган электрон тўлов ҳужжатларидаги суммалари билан бирма-бир солиштириш орқали текширилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги кун бошидаги қолдиқ суммалари уларни ўтган кундаги шахсий ҳисобварақлар қайдномасининг кун охиридаги қолдиқлар суммалари билан солиштириш орқали текшириб чиқилади.

Шахсий ҳисобварақларнинг кун охиридаги қолдиқлари кундалик айланма-қолдиқ суммалар қайдномаси бўйича ҳамда қуйидагиларни таққослаш йўли билан текширилади:

– ҳисобварақ рақами, ҳисобварақ номи ва кун охиридаги қолдиқ (бу қолдиқ шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқлар билан таққосланади).

Бош китобнинг назорат ҳисобварақларидаги маълумотлар Ёрдამчи китобдаги тегишли ҳисобварақларнинг якуний суммалари билан таққосланади. Агар дастлабки ёзувларда хато бўлмаса, суммалар тенг чиқади.

Банклар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботи тузилади. Кунлик баланс ҳисоботи Бош банк томонидан бутун банк бўйича ягона қилиб тайёрланади.

Бош банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти (бошқармаси) томонидан ягона баланс ҳисоботини тузиш устидан мониторинг ўрнатилади.

Ягона баланс "Банк биносидан ташқарида жойлашган масъул ижрочи бухгалтер" қондаси асосида шакллантирилади. Бунда, маълумотларни қайта ишловчи Бош сервер Бош банкда, филиалларда эса ягона локал ҳисоблаш тармоғига уланган бухгалтер, иктисодчи, филиал раҳбарияти ва бошқа ходимларнинг ишчи станциялари жойлашган бўлади.

Филиалларда барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари (тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкасса топшириқномаси, аккредитивга ариза, мемориал ордерлар, инкассо қилинган пул тушумларига илова рўйхати, эълоннома ва пул чеклари) асосида амалга оширилаётган операциялар махсус ўрнатилган белгилар сифатида Бош серверга автоматик узатилади ва шу заҳоти Бош серверда акс эттирилади.

Ҳар иш куни охирида Бош банкда кун давомида амалга оширилган операцияларнинг банклараро, филиаллараро ва ички банк операцияларига бўлинган ҳолдаги рўйхати тайёрланади. Бу операцияларнинг жамланма суммаси кун мобайнида амалга оширилган бутун банк операциялари суммасига тенг бўлиши лозим.

Бош банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш бош марказидан ЕНД файлини олгандан сўнг, кун ёпиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни бажаради ва шу заҳоти ўзининг филиалларига кун давомида амалга оширилган операциялар тўғрисида ЕНД файлга мос бўлган назорат файлини юборади.

Банк филиаллари ўрнатилган тартибда кунлик бухгалтерия ҳужжатларини йиғмажидда тикишлари ва уларни баланс маълумотлари билан солиштиришлари лозим.

Ҳар бир ҳисобот шакли филиал раҳбари ва бош бухгалтери томонидан синчиклаб текширилади.

Бош банк раҳбарлари баланс бўлмаган, ҳисобда тартибга солинмаган тафовутлар чиққанда ва бир кун давомида миқозларга хизмат кўрсатилиши таъминланмаган ҳолларда бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари баланс чиқмаганлиги ҳақида белгиланган муддатда Бош банкка хабар қилмасалар, уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

Баланснинг тўғри тузилганлиги қуйидаги тартибда текширилади:

– кунлик баланснинг актив ва пасивларнинг қолдиқлар бўйича яқунлари тенглиги (актив ҳисобварақлари қолдиқларининг мажбуриятлар ҳисобварақлари қолдиқлари плус капитал ҳисобварақлари қолдиқларига тенглиги);

– "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақлари қолдиқлари яқунининг тўғрилиги, шу ҳисобварақлар билан уларга тегишли контр-ҳисобварақлар қолдиқларининг ўзаро тенглиги;

– актив ҳисобварақларда кредит қолдиқ (контр-актив ҳисобварақлардан ташқари), пасив ҳисобварақларда дебет қолдиқ (контр-пасив ҳисобварақлардан ташқари) бўлмаслиги;

– актив ҳисобварақларга очилган контр-актив ҳисобварақлар қолдиғи шу актив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги, пасив ҳисобварақларга очилган контр-пасив ҳисобварақлар қолдиғи шу пасив ҳисобварақ қолдиғидан ортиқ бўлмаслиги;

– Бош банкда очилган 16100 ва 22200-хисобварақлари қолдиқлари ҳамда улар бўйича очилган иккинчи тартибли мос ҳисобварақларнинг қолдиқлари ўзаро тенг бўлиши;

– асосий воситалар, даромадлар ва харажатлар ҳамда банк капитали ҳисоби фақат миллий валютада юритилишини таъминлаш ва баланснинг резидент ва норезидент устунларини шунга мос равишда тўлдирилганлиги.

Баланснинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг қўллик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусха баланс (Бош банкда бутун банк бўйича, филиаллар эса ўз филиаллари бўйича) чоп этилади.

Банкнинг ягона қўллик баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) томонидан имзоланиши лозим.

Филиаллар баланси филиал бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери томонидан, касса операциялари бўйича ҳисоботларга улардан ташқари касса мудирини ёки масъул касса ходими имзо чекади, ушбу маълумотлар ички аудитор томонидан ушбу филиални текшириш жараёнида кўриб чиқилади.

2.3. Банк ҳисоб сисъатининг ташкилий жиҳатларини текшириш

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатлаша оладиган тижорат банкларини шакллантириш, тузиш ва такомиллаштириш учун банкларда самарали ҳисоб сисъатини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ҳисоб-китобни тўғри олиб бориш ва бозор иқтисодиётига мос равишда ҳисоб сисъатини ишлаб чиқиш бевосита банкларнинг кредит бериш имкониятларини оширишда, бўш маблағларни банкларга кўпроқ жалб қилиш ҳисобидан уларнинг инвестиция жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда долзарб масала ҳисобланади. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатларда⁴¹ ҳам ўз аксини топган, жумладан, бутунги кунда банкларни самарали бошқаришга қаратилган ва шу сабабли банкларда тўғри ҳисоб сисъатини ташкил қилиш ҳамда уни бажарилишини таъминлаш муҳимдир.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги “Акциядорлик Тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар // Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури..

Маълумки, Ўзбекистонда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига асосан, ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) №1-“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” деб номланган стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Лекин ушбу стандартни тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатига жорий этишда айрим қийинчиликлар вужудга келмоқда.

“Бухгалтерия ҳисоб тўғрисидаги” ва, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонунларга, БҲМС №1-“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартига, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари БҲҲС(IAS)№1-“Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш”, БҲҲС(IAS)№8-“Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳолашидаги ўзгаришлар ва хатоликлар” номли халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, “Банкларда ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги” низом ишлаб чиқилган ва ушбу низомдан келиб чиқиб тижорат банклари ўз ҳисоб сиёсатларини ишлаб чиқмоқдалар ва унга асосланиб ўз фаолиятини амалга оширмоқдалар.

Тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда шунингдек, эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги матнда – МҲҲС) ҳисобланади. Банклар томонидан нашр қилинадиган молиявий ҳисобот, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жараёнида банклар томонидан фойдаланиладиган асосий принциплар (қоидалар), концепциялар ва тарифлар Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига ва МҲҲСга мувофиқ бўлиши шарт.

Шунингдек, таъкидлаб ўтиш лозимки, тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини юритишда Марказий банк банкларида бухгалтерия ҳисобининг асос солувчи қоидалари (принциплари)ни ва асосий қоидаларини белгилайди. Марказий банкнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари бухгалтерия ҳисобининг шунга ўхшаш тартибларини тақдим этиш учун мўлжалланмаган, яъни маълум бир мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган қадамларнинг босқичма-босқичлиги ёки банк томонидан бухгалтерия операцияларини олиб бориш усуллари ёки шакллари белгиланган тўпلام ҳисобнинг асосини ташкил қилади.

Марказий банк томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатлар банкларда бухгалтерия ҳисобининг қоидалари (принциплари), концепциялари ва тарифларини қўллаш бўйича қоидалар ва йўналишларни тақдим этиш учун мўлжалланган.

Ушбу коидалар (принциплар), концепциялар ва тарифлар бухгалтерия ҳисобининг барча даражаларида бир турда, босқичма-босқич, иложи борича автоматлаштирилган ҳолда қўлланилиши керак.

Маълумки, тижорат банклари ҳисоб сиёсатини келгусидаги ўз фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил тузадилар. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳисоб сиёсатини шакллантириши банк ҳисоб фаолиятининг муҳим томони ҳисобланиб, унинг мақсадлари ҳисоб сиёсатида аниқ кўрсатиб ва аниқлаб берилиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобининг асос солувчи коидалари мақсадларини амалга ошириш учун банк Кенгаши, банк Бошқаруви, банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички аудити Департаменти (бошқарма, бўлим)нинг мажбуриятлари белгиланиши керак.

Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати ҳисоб менежменти учун самарали иш курали ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати банк ходимларининг ҳисоб юритиш, банкнинг молиявий ҳисоботини тузиш билан боғлиқ объектив стандартларни ва мезонни аниқлаб беради.

Ҳисоб сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушунилиши банк бошқарувига ҳисоб стандартларини тўғри олиб боришга, рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади. Яхши ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини бошқариш ва уни яхши йўлга қўйишга замин яратади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган қонунлар, стандартлар, низомлар, йўриқномалар асосида юритилади. Тижорат банклари томонидан белгиланган ҳисоб сиёсати уларнинг молиявий фаолиятининг мустаҳкамлигини кўрсатиб беради, шунингдек, тижорат банкларнинг биринчи муҳим ҳолатдаги кўрсаткичларидан ҳисобланади. Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати билан танишмасдан банкка баҳо бериш ва бошқа банклар билан солиштириш мумкин эмас. Ҳисоб сиёсати деганда банк раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш учун қабул қилинадиган усулларнинг йиғмиси тушунилади. Ҳисоб сиёсатида белгиланган ҳисоб тамойил ва коидалари ҳисоб юритишнинг самарасини максимал таъминлаб бериши керак. Бунда самара деганда молиявий ва бошқарув ахборотларни ўз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончлилиги, раволиги ва фойдалилигини таъминлаш тушунилади.

Тижорат банк бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисоб сиёсатиға банк фаолият фактларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини

хисобдан чиқариш, ҳужжат айланиши ва инвентаризацияни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш усуллари, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар киради.

Тижорат банкнинг кейинги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати олдиндан муассасаларнинг банк Кенгаши раиси томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланади, шундан сўнг банк раҳбари томонидан тасдиқланади. Тасдиқлангандан сўнг ҳисоб сиёсати юридик ҳужжат статусига эга бўлади.

Банк Кенгаши ҳисоб сиёсати ва тартибларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни қўллашни Бошқарувнинг мажбуриятларига киритиши керак. Кенгаш ҳисоб сиёсатини тасдиқлайди ва уларни Марказий банк томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича МҲҲСга мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларига тўлиқ мос келишини таъминлаш мақсадида бир йилда бир марта, 1 февралгача қайтадан кўриб чиқилади.

Банкнинг бухгалтерия ҳисоби Департаменти (бошқармаси, бўлими) бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича банкнинг ички сиёсати билан боғлиқ бўлган техник масалаларни тегишли тарзда тушунтириш ва тўғри қўллаш учун жавобгардир.

Банкнинг бухгалтерия ҳисоби Департаменти (бошқармаси, бўлими) тегишли ички назоратни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб жараёнлари услубиётини ишлаб чиқиш, шунингдек, Марказий банк томонидан МҲҲСга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатларни қўллашда уларни банкнинг ичида жорий этиш учун жавобгар ҳисобланади.

Ҳар бир банкнинг ички аудити ички назорат, ҳисоб сиёсати ва банк тартибларини текшириш учун, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб жараёнлари услубиёти, уларнинг адекватлиги ҳамда МҲҲСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини қўллашда улардан фойдаланишга жавоб беради.

Ички аудит ҳаққоний текширишни ўтказиш, баҳолаш ва аудит натижалари тўғрисида Банк Кенгашига ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан жавобгардир. Бунда, аудит ҳисоботлари асосида Банк Кенгаши банкда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли қарорни қабул қилади.

Ички аудит тамонидан натижалар аудиторлик қўмитасида муҳокама қилиниб, Кенгашга текшириш материаллари билан ўз фикр ва хулосаларини юборади. Кенгаш Банк Бошқарувидан аудиторлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ушбу масалаларнинг очирилиши бўйича даврий ҳисоботларни талаб қилиши шарт.

Бунда тижорат банк бўлинмаларининг жойлашган жойларидан қаъти назар, барча структуравий бўлинмалари томонидан ҳам қўлланилади.

Календарь йили ичида тижрат банкининг ҳисоб сиёсати ўзгармайди, ҳисоб сиёсатда қуйидаги ҳоллардагина фақат ўзгартириш киритилиши мумкин:

1. Тижрат банки кайтадан ташкил этилса, яъни бирлашса, ажралиб чиқса.

2. Раҳбар ўзгарганда.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарса ёки Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив тизимида ўзгариш бўлса.

4. Бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилса.

Тижрат банки ҳисоб сиёсати олдига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

– фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;

– ишончлилик;

– тушунарли ва оддий;

– тўлиқлик, яъни фактларни ҳисобда тўлиқ акс эттиришни таъминлаш;

– эҳтиёткорлик.

Бухгалтерия ҳисоби ўзида шундай жараёни акс эттирадики, унинг натижасида бухгалтерия ҳисоби асосини ташкил этувчи қондалардан фойдаланган ҳолда фойдали молиявий ахборотлар (маълумотлар) тузилади (яратилади). Фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун улар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган ахборотларни (маълумотларни), яъни, банкининг молиявий аҳволи, фаолияти ва ундаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлар (маълумотлар)ни тақдим этиш молиявий ҳисоботларнинг мақсади ҳисобланади.

Ушбу жараёни самарали амалга ошириш мақсадида талабларни молиявий ахборотлар (маълумотлар) манфаатдор шахсларга бериш нуктаи назаридан кўриб чиқиш муҳимдир. Ушбу талаблар одатда икки тоифага бўлинади – молиявий ахборотлар (маълумотлар)дан ички фойдаланувчиларга (банк раҳбарияти) ва ташқи фойдаланувчиларга.

Ички фойдаланувчилар улар томонидан бажариладиган ўз мажбуриятларини режалаштириш, қарорлар қабул қилиш ва назоратни амалга оширишга ёрдам берувчи қўшимча бошқарув ҳамда молиявий ахборотлар (маълумотлар)га эга бўлсалар-да, молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумотларни олишдан манфаатдордирлар.

Ташқи фойдаланувчилар эса фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун улар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишда банкининг фаолияти ва кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотларни олишдан манфаатдордирлар.

Банкнинг тасдиқланган ҳисоб сиёсати ва принциплари банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши шарт ва уларга тегишли бухгалтерия ҳисоби принципларини қўллашга ва асосланмаган қарорларнинг қабул қилинмаслигига ёрдам бериши керак.

Банк бўйича бир турдаги ва стандарт усулларнинг босқичма-босқич қўлланилишини таъминлаш мақсадида Банк Бошқаруви томонидан ҳисоб тамойиллари тасдиқланади. Ушбу мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби жараёнининг катта қисми автоматлаштирилган бўлиши шарт.

Тижорат банкларида танланган ҳисоб сиёсати нафақат бухгалтерия ҳисоби усуллари ва услубиятини рўёбга чиқаришнинг самарадорлик даражасига, балки тижорат банкининг молиявий ҳолатига, маблағлардан оқилона фойдаланишга, бошқарув қарорларининг тезкорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Тижорат банки бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил этишнинг аниқ йўналиши бўйича ҳисоб юритиш сиёсатини гекширишда қабул қилинган усул ва тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларига мос келишлиги текширилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига ҳўжалик фаолиятини тасдиқловчи далилларни баҳолаш ва гуруҳлаш услублари, активнинг қийматини тўлаш, ҳужжат айирбошлашни ташкил этиш йўллари, инвентаризация ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби сўётларини қўллаш тартиблари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотни ишлаб чиқариш ва бошқа тегишли усуллар ва услублар киради.

Шундай қилиб, ички аудиторлар томонидан тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби қонунлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, давлат органлари томонидан тасдиқланган стандартлар, низомлар, йўриқномалар асосида юритилиши текширилади.

2.4. Тижорат банкларида ички аудитор томонидан банк ички назорат тизимини ўрганиш

Бугунги глобал ривожланиш даврида ички назорат хизматини ривожлантириш ҳар бир ташкилот ва корхона учун жуда долзарб масала бўлиб келмоқда. Айниқса, тижорат банкларида операция турлари, қўлами ва ҳажмининг қўплиги сабабли ҳамда амалга оширадиган операциялар сони ва сифатининг кенгайиши муносабати билан уларнинг раҳбарлари ўзлари операцияларини тўлиқ назорат қила олмай қолишмоқда, шу сабабли ички назорат тизимига талаб янада долзарблашмоқда.

Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси томонидан тижорат банклари ички назорат тизимига маълум доирадаги талаблар қўйилган. Ушбу талабларни бажариш учун эса, тижорат банкларида ички назорат тизимини ва унинг самарадорлигини баҳолаш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берувчи банкларни ривожлантириш учун ушбу Базель қўмитаси талабларига мос ички назорат тизимини шакллантириш ва амалга ошириш лозим бўлади.

Агар ҳар қандай корхонада ички назорат тегишли тартибда самарали ташкил этилган бўлса, бу, энг аввало, корхонанинг бошқарувчилари, акциядорларига ва уларнинг вакилларига (Кузатув кенгаши аъзоларига ёки директорлар кенгашига) самарали бошқарувни ташкил этишда жуда қулай дастак бўлиб хизмат қилади. Шундай экан мамлакатимизда, айниқса, ҳозирги ислохотлар даврида тижорат банклари ривожланишида ички назоратнинг аҳамияти жуда катта ва ўз навбатида уни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Маълумки, банклар молиявий ташкилотлар ичида энг кенг молиявий ҳажм ва операциялар диверсификацияси бўйича ҳам энг катта молиявий тармоқ ҳисобланади ва уларнинг қўлами биргина давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Уларнинг рисклари даражаси ҳам бошқа тармоқларга нисбатан энг юқори ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда улар таркибида самарали ички назорат ва уни баҳолаш тизимига ҳамда механизмига эга бўлиш бутун жаҳон банк тизимида асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Самарали ички назорат тизимини ташкил этишда эса, ички назорат тизимини назорат қилувчи ва баҳоловчи тизимга эга бўлиш жуда муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган хизмат турлари кўпайиб, уларнинг операциялари ва активлари қўлами ҳам ошиб бормоқда. Шунинг учун уларнинг рисклари даражаси бошқа тармоқларга нисбатан энг юқори ҳисобланади ва шундан келиб чиққан ҳолда улар таркибида самарали ички назорат, корпоратив бошқарув ва ҳисобдорлик масалалари бутун жаҳон банк тизимида асосий муаммолардан бўлиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай ташкилот ва корхона таркибида ички назоратга талаб ошиб бормоқда, айниқса, жаҳон амалиётидан оладиган бўлсак, Enron, WorldCom ва бошқа йирик компанияларнинг инкирозга учраганликлари ва бу ҳақда ташқи аудиторлар томонидан ўз вақтида огоҳлантириш берилмаганлиги самарали ички назоратни ташкил этишга даъват этади. Тижорат банклари таркибида ички назоратнинг роли ва ўрни айниқса муҳим, чунки банклар иқтисодиёт негизини ташкил этади.

Ички назорат, бу – банкнинг кунлик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, у банк фаолияти билан боғлиқ рискларни аниқлаш ва уларни четлаб ўтиш йўлларини ўрғанади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан – “Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир”⁴²

Тижорат банкида ички назорат банк ходимлари томонидан узлуксиз амалга оширилиши лозим, бунинг учун эса улар барча ички ахборотларга кириш (ёки фойдаланиш) ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Ички назорат, энг аввало, банк, унинг акциядорлари ва миқозлари мафаатларидан келиб чиқиб белгиланган жараёнлар, тартиблар, бошқа ички низомлар, қонунлар, Марказий банк норматив ҳужжатлари ва бошқа малака стандартларига амал қилишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, банк фаолиятида юзага келадиган рисклар устидан назорат ўрнатиш, банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар ва қондабузарликларнинг олдини олиш мумкин бўлган самарали ва ўз вақтидаги қабул қилинган қарорлар жуда муҳимдир.

Банкларда ички бошқарув воситалари бошқарув тизимини ҳолис баҳоловчи самарали ички назорат билан тўлдирилиши лозим. Ҳозирги кунда ички назорат Банк Кенгаши, Бошқаруви, ташқи аудиторлар ва банк бутлиги тўғрисида қизиқувчи бошқа барча шахсларга қўмақ бўлувчи асосий восита бўлишга улгурган. Агар самарали ички назорат ташкил этилган ва амалга оширилган бўлса, у самарали бошқарув тизимини ривожлантиришда ва қўллаб-қувватлашда муҳим дастак бўлиб хизмат қилади.


Бошқарув ва уни амалга ошириш ўртасидаги масофанинг кенгайиши бизнесни самарали бошқариш имкониятини берувчи бошқарувнинг бир қатор воситаларини ривожлантиришни талаб этди. Ички назорат ушбу ҳаракатларнинг ҳар бир шаклини баҳолаш орқали мукамаллаштирувчи ва яқунловчи ҳисобланади. Унинг ўрнини босувчи маълум бўлган ҳеч қандай восита мавжуд эмас.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.// Сборник законов, регулирующих банковскую деятельность Республики Узбекистан. Ташкент: Узбекистан, 2013.456с. С.278-288.

Банк таркибида Базель кўмитаси тамойилларига асосан ташкил этилган ички назорат банк назорат органлари ишини енгиллаштиради. Самарали ички назорат – бу банк бошқаруви учун ҳамда бошқарувнинг ички тизимлари сифати тўғрисида маълумот берувчи қимматли манба ҳисобланади.

Шуни тан олиш лозимки, ички назорат бошқарувнинг ўрнини боса олмайди. Банк Кенгаши ва Бошқаруви ички назоратга ўз ҳиссасини кўпиш учун ички аудит хизматини ташкил этишади. Ички аудит фаолияти ички назоратнинг мустақкамланишига хизмат қилиши мумкин, фақат назорат органларининг ички аудиторлар томонидан аниқланган камчиликлар бўйича тегишли жавоб қилганларидагина бунга эришиш мумкин.

Самарали ички назорат айниқса молиявий ташкилотлар учун муҳим ҳисобланади. Бу уларнинг рисклари кўламининг кенглиги билан боғлиқ. Банк фаолияти нақд пуллар билан боғлиқ ва молиявий фаолиятнинг деярли барча турини камраб олади, мураккаб ҳисоблаш тизимларида фойдаланилади ҳамда ўз фаолиятларини деярли бутун дунё бўйича амалга оширишади. Бу фаолиятлар кўпгина рискларга эга ва улар доимий назоратни талаб этади.



2.1.-расм. Ички назорат ва ички аудит хизматининг жаҳон миқёсида кўпчилик банкларда бошқарув билан таркибий боғлиқлиги⁴³

⁴³ Тижорат банки таркибий тузилиши асосида тузилди.

Ушбу расмда тўлик чизик бевосита бўйсунлишни ифода этса, узук чизиклар назоратни ифода қилади.


Дастлаб ички назорат тўловларда фирибгарлик ва нақд пуллар ҳамда бошқа активлар йўқолишининг олдини олиш учун тапқил этилган бўлса, кейинчалик унинг имкониятлари кенгайтирилиб, деярли барча молиявий хўжалик фаолиятини камраб оладиган бўлди. Бугунги кунда эса ички назорат – бу ташкилий назорат бўлиб, у нафақат фирибгарлик ва йўқотишларнинг олдини олади, балки банкнинг барча операцияларини камраб олувчи ички сиёсатлари ва тартибларининг амалга оширилишини ҳам назорат қилувчи ҳисобланади.

Ички назорат нима бериши мумкинлигини таҳлил қилиш учун ички назорат бўйича қарорлар қабул қилувчи ички ва ташқи шахсларнинг эҳтиёжларини аниқлаб олиш лозим. Шунга мувофиқ равишда ички назорат ходимларига маълум вазифалар белгилаш имконияти туғилади. Бундан ташқари, банкларнинг миқозлари ихтисослашувига боғлиқ равишда ички аудитга турлича вазифа ва дастурлар тузилади. Масалан, йирик миқозлари кўпроқ нефть ва газ соҳасига ёки пахта саноатига ихтисослашган бўлса, бунда ички назорат ходими шу соҳалар бўйича ҳам билимларга эга бўлиши лозим.

Ички назорат мақсади – шунчаки назарий тушунча эмас, мақсаднинг тўғри қўйилиши унинг сифатини маълум даражада оширади. Мақсаднинг тўғри ва аниқ қўйилмаслиги эса бўлимлар ишининг такрорланишига, функционал мавҳумликка, бўлимлар ўртасида қарама-қаршилиқлар юзага келишига ва бошқарув сифатининг тушишига сабаб бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Тижорат банклари ички назоратининг ташкил этилиши бўйича 1998 йил 4 июлда 404-сон билан тасдиқланган кўрсатмасига асосан амалга оширилади. Тижорат банкларида ички назорат қўйидаги асосий масалаларни ҳал қилиш учун маълум бир қилипларга солинган усулларни ишлаб чиқиши лозим:

Банк ичида асосий назорат хизматлари бўлиб ички назорат ва ички аудит хизматлари ҳисобланади. Ушбу икки хизматнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг юридик жиҳатдан мавқелари белгиланиб олиниши лозим бўлади. Амалиётда Базель қўмитаси талабларига асосан ички аудит хизмати банкларда албатта тўғридан-тўғри Банк мулкдорларининг вакилларига (одатда, Банк Кенгаши ёки директорлар Кенгашига) бўйсунлишлари лозим.



2.2-расм. Ички назорат усуллариининг таҳлили

Тижорат банкларида ички назорат тизимини ички аудит томонидан назорат қилиш тартибини кўриб чиқадиган бўлсак, тижорат банки ички аудити томонидан ички назоратнинг қандай йўлга қўйилганлигини кўрилади. Масалан: Акциядорлик Тижорат (АТ)“Ҳамкорбанк”да молиявий назорат бош банкда молиявий назорат сектори томонидан амалга оширилади. Молиявий назорат сектори банкнинг молия департаменти директорига бўйсунди ва ҳисобот беради. Молиявий назоратни амалга оширишда молиявий назорат секторига банкнинг барча бўлинмалари ва филиалларига ҳамда дастурий мажмуа базаси маълумотларига киритишга рухсат этилади.

АТ “Ҳамкорбанк”да ички назорат тизимининг ажралмас қисми бўлган ички аудит бошқармасининг иши бевосита Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида юритилади. Ушбу Низомда ички аудит бошқармаси ходимларининг вазифалари қуйидагича белгиланган:

- Банк Кенгашини аудит текширувларига асосланган банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва банкнинг ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги аниқ ва мустақил (халис) маълумотлар билан таъминлаш;

- Ички аудит тизимининг самарадорлиги ва аудит текширувини ўтказишга доир қабул қилинган тартиб ҳамда тадбирларнинг амалий қўлланилаётганлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш;

- банк фаолиятида кўзланган мақсадларга эришиш учун қўлланилган маъмурий ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

– рискларни бошқариш ва уларни баҳолаш услубларига доир тартибларнинг қўлланилиши ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

– молиявий маълумотлар тизими, жумладан, электрон маълумотлар тизими ва электрон банк хизматларини таҳлил қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилиш;

– банк фаолиятининг амалдаги қонун ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

– Банк Кенгаши томонидан қабул қилинган ички сиёсатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш;

– жорий ҳисоботларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини текшириш;

– бухгалтерия ҳисоби регистр ва китоблари ҳамда молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш;

– капиталнинг таркиби ва етарлилигини, активлар сифати ва ссуда портфелини таснифлаш асосида резервлар ташкил қилинишини, баланс ва балансдан ташқари моддалар таркибидаги ўзгаришлар ҳаракати ва жиҳатларини, Бош банк томонидан тасдиқланган молия режаси ижросининг бажарилишини, даромадлар таркибидаги баланснинг асосий жиҳатларини, бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш;

– Банк Кенгашининг талабига асосан махсус текширишлар ўтказиш ёки махсус текширишлар ўтказишга ёрдам бериш;

– банк ходимларига уларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришда кўмаклашиш;

– молиявий ҳисоботларни жорий аудитдан ўтказиш;

– бухгалтерия, амалиёт ва маъмурий назорат тизимининг монандлигини баҳолаш.

Ушбу вазифалар ичида муҳим масалалардан бири тижорат банкларининг ички назорат тизимининг самарадорлиги ва ҳаққонийлигига баҳо бериш ҳисобланади. Ички аудит ёрдамида ички назорат жараёнлари ва уларнинг ҳолатига баҳо берган ҳолда ички назорат ҳолатини бевосита аниқлаб олиш имкони бўлади. Тижорат банкларида ички назорат жараёнларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

**Тижорат банкларида ички назорат жараёларини бажарадиган
вазифаларини тахлили**

Т/р	Ички назорат жараёларининг мазмуни	Бажарадиган вазифаси	Унинг натижасининг тахлили
1.	Банкнинг бир ходимнинг бошқасига ҳисобдорлиги	Бевосита банк ичида маълум бир операциялар бўйича ҳужжатлар айланишининг тўғри йўлга қўйилишини текширади	Назорат ва ҳисобдорликнинг самарали бўлишини таъминлайди
2.	Тижорат банкининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар	Ички текшириши ва кунлик маълумотлар солиштирилиши	Молия-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш имконини беради
3.	Пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлигининг бухгалтерия маълумотлари билан солиштирилиши	Инвентаризация	Қўйматликларнинг сақланишини текширади
4.	Ички олинган маълумотларни ташқи манбалардан олинган маълумотлар билан солиштириш	Банкока оид маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида тарқатилган маълумотлар билан кузатув органларига таҳлил учун берилган маълумотларни таққослаш ва уларнинг бир-бирига мос келишлигини текшириш	Маълумотларнинг турли манбалардан олинishi уларнинг бир-бирига мос келиши ва тўғрилиги аудит далилларининг асосланганлигини билдиради
5.	Аналитик ҳисоб, синтетик ҳисоб билан солиштириш, улар бўйича айланма ведомостлар	Уларнинг маълумотларининг арифметик тўғрилигини текширилиши	Аналитик ва синтетик счёт маълумотларининг тўғрилигини ва уларнинг асосланганлигини текшириш имконини беради

6.	Компьютер дастурлари, инфор­мацион тизим,	Унинг хавфсизлиги, тизимга кириш (фойдаланиш) ҳуқуқлари устидан назорат ўрнатилиши	Компьютер дастур­лари, инфор­мацион тизим хавфсизлигини таъмин­лайди
7.	Активларга ва ёзувларга кириш (фойдаланиш) ҳуқуқларининг чекланганлиги	Активлар ва банк операцияларини тўлиқ назорат қилиш имконини бермайди, лекин банк сирини сақлаш учун яхши шароит яратади	Банк сирини сақлаш учун шароит яратади ва банк фаолиятига ортиқча аралashiши имконини бермайди
8.	Тижорат банкининг молиявий натижаларини режа кўрсаткичлари билан солиштириш ва таҳлил қилиш	Молиявий таҳлил қилиш	Фойдаланилмаган захи­раларни аниқлаш учун шароит яратади

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банки ички назорат жараёнларининг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатларини ички аудит томонидан баҳолашда бажарадиган вазифаси ва унинг таҳлилин амалга оширади, натижада тегишли қарор қабул қилиш учун ички назорат тизимини йўлга қўйилганлик даражаси тест амаллари билан текширилади ва ушбу мақсадлар учун тегишли тестлар ишлаб чиқилади. Масалан: активларга ва ёзувларга кириш (фойдаланиш) ҳуқуқларининг чекланганлиги активлар ва банк операцияларини тўлиқ назорат қилиш имконини бермайди, лекин банк сирини сақлаш учун яхши шароит яратади.

Тижорат банки томонидан ташкил қилинган ички назорат тизими фақат қуйидаги ҳолатлардагина самарали ҳисобланади:

- Банк кенгаши, акциядор ва мулкдорлар томонидан ички назорат стратегиялари ҳамда сиёсатлари даврий кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда.

- Банк раҳбарияти томонидан рискларни баҳолаш стратегияси ва сиёсати йўлга қўйилганда.

- Назоратнинг самарадорлигини таъминлаш имконини берувчи инфраструктура ва тафтиш комиссияси томонидан мунтазам ички назорат тизими кузатиб борилганда.

- Банк ахборот тизимида тегишли маълумотларни самарали ва хавфсиз етказиш тизими тузилганда.

– Самарали ички назорат тизими устидан мустақил мониторинг ўрнатилганда.

Тижорат банкларида ички назорат тизими бевосита рисклар билан боғлиқ. У бошқарув билан риск ўртасидаги муносабатни акс эттиради. Рискларни кўриб чикмаган ҳолда ички назорат тизимига баҳо бериб бўлмайди, чунки самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқиш учун банк томонидан бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаб олиш жуда муҳим. Шундай қилиб самарали ички назорат тизими рискларни самарали бошқаришда катта аҳамиятга эга, шунинг учун ушбу икки иктисодий термин бир-бири билан узвий боғлиқ.

Ички назорат тизимини назорат қилиш бир неча шаклларда амалга оширилади:

– Ҳар бир бўлим ёки филиалнинг бошлиқлари ўзлари ўз ходимларини ва ўз фаолиятларини назорат қилиши. Бўлим бошлиқлари ёки филиал бошлиқлари ходимлар (бўйсунувчи) томонидан бажарилаётган ишларни доимий равишда назорат қилиши ва йўналтириб бориши ксрак.

Ишлар топшириладиган ходимлар маълум бир маънода уларнинг жавобгарлиги ва бажаришлари лозим бўлган жараёнларнинг мақсадлари ҳақида, банкнинг фаолияти ва бўлиши мумкин бўлган иш жараёнлари моҳияти, ўтказилиш вақти ва микёсларига таъсир қилиши мумкин бўлган рисклар тўғрисида тегишли равишда хабардор бўлишлари лозим.

– Банкнинг Бош аппарати томонидан (Бошқарув органлари томонидан) барча ходимлар ва фаолиятни назорат қилиш Банкнинг Бошқарув органлари томонидан назорат бевосита Банк Бошқаруви томонидан тақдим этилган ҳисоботлар, ички аудит ва ички назорат хизматлари иши натижалари асосида ҳамда ташқи маълумотлар асосида ўрнатилади.

Ташқи назорат. Ташқи назорат амалдаги қонунчиликда ва метърий ҳужжатларда кўзда тутилганидек, ташқи аудиторлар ва давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ички назорат сифатини назорат қилиш йўналишлари.

Ички назорат сифатини назорат қилиш икки асосий йўналишга эга:

1. Маълум бир назорат натижаси бўйича ҳисоботни назорат қилиш.

2. Сифатни умумий назорат қилиш.

Маълум бир назорат натижаси бўйича ҳисоботнинг назорат қилиниши қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

Ваколатларни бериш:

– ички аудиторлар ва ички назоратчиларнинг мустақиллиги, касб маҳорати ва компетентлигини таъминлаш;

– ички аудиторлар ва ички назоратчилар учун зарур ҳаракат эркинлигини таъминлаш;

– ички аудитнинг ёзма дастуридан фойдаланиш.

Кузатув:

– ички аудиторлар ва ички назоратчилар ишhini жорий назорат қилишни таъминлаш;

– монанд ҳаракатларнинг қилиниши учун банкнинг бухгалтерия ҳисобига оид муаммоли масалаларни билиш.

Текшириш:

– унинг дастурларга ва стандартларга мувофиқ бажарилишини, ҳужжатларнинг етарлиликка, текшириш мақсадларига эришилишини таъминлаш учун ходимлар томонидан амалга оширилган жами ишларнинг текширилиши.

Ички назорат сифатини умумий назорат қилиш қуйидагилар мавжудлиги асосида амалга оширилади:

Мустақиллик. Қоида ва жараёнлар барча даражалардаги хизмат кўрсатувчилар ўз мустақилликларини сақлаб қолишларига асосли ишончини таъминлаши лозим.

Хизматчиларга топшириқлар. Қоида ва жараёнлар иш махсус тайёргарлик ва тажрибага эга шахслар томонидан бажарилишига асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Мазкур талабнинг бажарилиши учун банк раҳбарияти ишни ўз хизматчилари учун зарур топшириқларнинг олдиндан аниқлаб олиниши мумкин бўлган ҳолда режалаштириб олиши керак бўлади.

Маслаҳатлар. Қоида ва жараёнлар банк хизматчиларининг техникага оид масалалар бўйича яхши хабардор бўлган ва обрўли шахслардан ёрдам олишга интилишлари мумкинлигига асосли ишончни таъминлаб бериши лозим. Ушбу талабнинг бажарилиши йўлида банк аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни юритиш, солиққа тортиш, маслаҳат хизматлари каби соҳалар бўйича аудиторлик ташкилотининг экспертлари сифатида маълум бир шахсларни тайинлаши мумкин.

Кузатув. Қоида ва жараёнлар банкнинг жорий фаолияти унда белгиланган сифат стандартларига жавоб беришлигига асосланган ишончни таъминлаб бериши лозим. Банк ички назорат кузатув жараёнларининг белгиланиши учун жавобгарлиги аниқ мажбуриятларнинг шартнома асосида режалаштирилиши ва бажарилиши учун назоратчиларнинг жавобгарлигидан фарк қилади. Ушбу кузатиш

талабларнинг кондирилиши учун аудиторлик ташкилоти барча иш ҳужжатларини, ҳисоботларни талаб қилиши ва уларни тегишли назорат қилувчи ва техник ходимларга текшириш учун тақдим этиши мумкин.

Ишга ёллаш. Қоида ва жараёнлар ишга ёлланаётган хизматчиларнинг малакали мутахассис эканликларига асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Ушбу талабнинг бажарилиши учун банк энг кичик ҳажмлардаги малака талабларини белгилаб бериши муҳим.

Касбий даражанинг оширилиши. Қоида ва жараёнлар банк хизматчиларининг улар томонидан ўз вазифаларининг бажарилиши учун зарур билимларга эга эканликлари тўғрисида асосли ишончни таъминлаб бериши керак.

Назорат қилиш. Қоида ва жараёнлар ички назоратчи иши сифатини назорат қилиш самарали олиб борилаётганлиги тўғрисидаги асосли ишончни таъминлаб бериши керак. Мазкур талабнинг бажарилиши учун ҳар бир хизматчи вазифаларининг тақсимланиши, ушбу вазифаларнинг бажарилиши билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа шерик ёки хизматчи томонидан амалга оширилиши керак бўлади.


Халқаро амалиётга асосан банкларда кўпинча қуйидаги каллобликлар учраб келмоқда:

Тил бириктириш. Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг тил бириктириш фаолиятлари назорат тизими камчиликларни аниқлаш эҳтимолини янада пасайтириб юборади. Қўпчиликнинг камчиликни яшириш бўйича ҳаракатлари назоратчиларни чалғитиб, камчиликларни кўрмай ўтиб кетиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Масалан, банк қуйи ходимлари камчиликларни яширган ҳолда юқори назорат органлари ушбу камчиликларни аниқлай олмаслигига замин яратиши мумкин, лекин яқка ҳолда бунга эришиш кийинрок.

Ўзирлик. Бу – банкда нақд пул, чеклар ёки бошқа активларнинг бухгалтерия ёзуварларида ёзилган маълумотлар ўртасида фарқланишлар юзага келиши натижасида пайдо бўлади.

Пораҳўрлик. Банк ходимлари ўз миқозларидан маълум операцияларни амалга ошириш учун пора олишлари мумкин. Бунини аниқлаш жуда қийин, чунки ҳеч қандай ҳисобот мавжуд эмас ва одатда нақд пулда амалга оширилади. Лекин бунда нархларни таққослаш орқали пайкаш мумкин (фондларни асоссиз кескин пасайтириб бериш ва ҳоказо).

Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари” қабул қилинган. Ушбу қоидаларда тижорат банкларининг ички назорат тизимининг мақсади белгиланган.



2.3-расм. Тижорат банкларида ички назорат тизимининг мақсадлари

Тижорат банклари ички назорат тизимининг асосий вазифалари килиб қуйидагилар белгиланган:

- 1) қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- 2) мижозларнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбаини аниқлаш бўйича асосли ва кўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;
- 3) ички ҳужжатлар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;
- 4) ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни департаментга ўз вақтида тақдим этиш;
- 5) алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга қиритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида департаментни хабардор қилиш;
- 6) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

7) пул маблаглари ёки бошка мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва миждозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

8) тегишли қарорлар қабул қилиш учун тижорат банки раҳбариятини аниқ ахборотлар ҳамда материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

9) шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миждозлар билан алоқадор шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, бундай маълумотларни бошка тижорат банклари ҳамда давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

10) республикадаги ва чет элдаги бошка банклар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишда уларнинг ички назорат тизимини ўрганиш;

11) операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш таҳдидининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирларни қўллаш;

12) сўровномалар бўйича миждозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

– қонунга хилоф иш қилиш ҳолатларини, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш таҳдидининг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, ички ҳужжатларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

– тижорат банки томонидан қонун ҳужжатлари ва тижорат банки ички ҳужжатлари талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

– тижорат банки фаолиятидаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

– ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талаблари бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва баргараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва департамент билан ҳамкорлик қилиш.

Ҳар бир тижорат банки қонун ҳужжатлари асосида ички назорат хизматининг вазибалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, Банк Кенгашида тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Тижорат банклари ички назорат хизматиға доир низомни ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларға алоҳида эътибор қаратишлари керак деб ҳисоблаймиз:

1. Ички назорат хизматининг мақсади ва вазибалари, мустақиллигини таъминлаш усуллари.

2. Тижорат банкининг бошқа бўлинмалари, айниқса, ички аудит хизмати билан ўзаро муносабати.

3. Ички назорат хизматининг зарур маълумотларни олиш ҳуқуқи, маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкининг бошқа бўлинмалари ходимларининг мажбурияти.

4. Қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар бўйича четга чиқишларни ўрганиш ҳуқуқига эга бўлиши.

5. Тижорат банки бошқаруви раисига ва зарур ҳолларда тижорат банки кенгашиға маълумотларни етказиш ва ошқор этиш ҳуқуқига эга бўлиши, бошқарув раисига тегишли ҳисоботни тақдим қилиш мажбурияти.

6. Тижорат банки бошқарувиға қонун ҳужжатлари ва стандартларға мувофиқлик масалалари ва ўзгаришлар бўйича маълумотлар юзасидан маслаҳатлар бериш мажбурияти.

7. Ички назорат хизмати ходимларини танлаш талаблари ва малакасини ошириш тартибларини ишлаб чиқиш.

Тижорат банклари ҳар йили қуйидагиларни акс эттирган ҳолда ички қондаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

– миқозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан миқозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, миқозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалға ошириш қондалари;

– зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

- ички назорат хизмати ходимлари томонидан тижорат банки бош офисидаги ички назорат хизмати раҳбарига конун ҳужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;
- кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;
- гумонли операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар ва бошқалар.

Шундай қилиб тижорат банкнинг ички назорат тизими икки йўналиш бўйича олиб борилади:

1. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига ички назоратини ташкил этишга доир тавсиялар.

Демак, биринчи йўналиш тижорат банкларида амалга оширилган операцияларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш нуктаи назаридан доимий равишда назоратни ташкил қилади. Иккинчи йўналиш эса тижорат банкларида ташкил этиладиган ички назорат, шу жумладан ўз активлари бутлигини таъминлаш; ҳисобот маълумотларининг аниқлиги ва ишончилигини текшириш; операциялар самарадорлигига кўмаклашиш; ҳисоб юритиш сиёсатига риоя этилишига ёрдамлашишдан иборат масалалар ечимини топишга ёрдам беради.

2.5. Тижорат банклари ички аудит жараёнининг ишчи дастури ва бошқа зарурий ҳужжатларни тўплаш тартиби

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини текширишда ташқи аудиторлар бевосита ички аудит билан ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини тушуниши ва маълум аудиторлик текширувлари ўтказиш тажрибасига асосланиши лозим. Чунки аудит ўтказиш жараёнида рисклар пайдо бўлиб, уларни тўғри баҳолаш ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича ишларни амалга ошириш лозим. Шу сабабли тижорат банклари фаолиятига халқаро молиявий ҳисобот стандартлари тамойилларининг кенг жорий қилиниши ички ва ташқи аудит хизматларининг янада яқинроқ ҳамкорлик қилишига имконият яратмоқда. Банкларда МХХСнинг жорий қилиниши иккала томонга янада

кўпроқ қулайликлар бериши лозим, чунки ички аудиторлар маълум банкда тўплаган иш тажрибаларини ўртоқлашишлари ва ташқи аудиторлар билан яқин ҳамкорлик қилиш жараёнида билим ва малакаларини оширишлари мумкин. Бунинг натижасида ташқи аудиторлар аудиторлик текширувларини ўтказишга камроқ вақт сарфлайдилар, бу эса аудиторлик хизматларининг қийматига таъсир кўрсатади.

Ташқи аудитор нуктаи назаридан ички аудитор билан ҳамкорлик уларга қатор қулайликлар яратади, яъни банк фаолияти ва операцияларини яхшироқ тушуниш ҳамда ташқи аудит жараёнида қайта ўтказиладиган тестлар сонини минималлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ташқи аудиторнинг ички аудитор иш натижалари тўғрилигига бўлган ишончи уларга банк фаолияти масалаларининг янада кенг доирасини камраб олиш имконини беради. Бундай амалиёт банк филиаллари тизими янада кенгайганида, молиявий хизматларнинг мураккаблиги ортиб, бунинг оқибатида аудитга бўлган эҳтиёж ошганида айниқса фойдали бўлади.

Бу жараённинг ривожланиши, яъни ташқи аудит билан ички аудитнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, ташқи аудит томонидан ички аудит хизмати фаолиятига баҳо бериш учун халқаро аудит стандарти (ХАС-610) – “Ички аудит хизмати ишини кўриб чиқиш”⁴⁴ номли стандарт ишлаб чиқилган бўлиб, унда ички аудит хизматига ташқи аудитор томонидан қўйиладиган талаблар жумласига қуйидагилар киритилган:

Тижорат банкининг ички аудит хизмати ходимларининг иш сифати:

- Банк фаолиятини тушуниш.
- Банкнинг тегишли фаолият йўналишлари бўйича иш тажрибасининг мавжудлиги.
- Ички аудит соҳасидаги иш тажрибаси.
- Қонун талабларига мувофиқ амалга оширилувчи бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалаларини билиш.
- Иш тажрибаси ва касбий малакаси.
- Ходимларни ишга олиш ва уларнинг техник тайёргарлиги соҳасидаги сиёсати.

2. Ички аудит тизими томонидан тузиладиган ҳисобот тизими:

- Ички аудит хизмати раҳбари бевосита Банки Кенгаши олдида ҳисобот беради.
- Банк кенгаши ички аудит хизмати фаолиятига бирон-бир чекловлар ўрнатади.

⁴⁴ Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики. – Алматы: 2007. – С.708.–713.

– Ички аудит хизмати аудиторлик процедураларининг ҳажми ва турларини эркин режалаштириш ҳамда текширув натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш имкониятига эга.

– Аудиторлик ҳисоботларида кўтариладиган масалаларга Банк Кенгашининг муносабати қандай ва бу масалалар бўйича у қандай чоралар кўради?

3. Иш ҳажми ва касбий эҳтиёткорлик:


– Ички сиёсат ва процедуралар бўйича ҳужжатлар тайёрлашнинг мавжудлиги ёки мувофиқлиги.

– Аудиторлик текширувалари жараёнида рискни таҳлил қилиш ва каллоблик ҳолатларини аниқлаш.

– Иш ҳужжатларининг аҳволи, маълумотларнинг тушунарлилиги ва мантикий тузилиши.

– Аудиторлик далилларини ҳужжатлаштириш.

Ушбу кўрсаткичларни тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда қўллаш имконияти аудит жараёнини халқаро аудит стандартлари асосида ташкил этиш имкониятини беради. Шу сабабли, фикримизча, тижорат банкида ташқи аудит томонидан ички аудит хизмати иш фаолиятини кўриб чиқиш ва шу асосда тегишли хулосаларни аудиторлик ҳисоботида бериш лозим деб ўйлаймиз. Тижорат банкида уларнинг ҳамкорлиги қандай бўлиши ва нималарга эътибор бериши қуйидаги расмда белгиланган(2.4-расм).



2.4-расм. Ташқи аудитор билан ички аудиторнинг ўзаро ҳамкорлиги йўналишлари

Яъни, таъки аудитор томонидан ички аудит хизмати фаолиятини дастлабки баҳолаш унинг хулосаларига ва иш натижаларига қай даражада таянишлари мумкинлигини аниқлаш ҳамда бу натижалардан фойдаланиш, шунингдек, аудиторлик процедураларининг хусусияти, муддатлари ва ҳажмини модификация қилиш имконини беради.

Тижорат банкларида ички аудит томонидан ишчи дастур ва бошқа зарурий ҳужжатларни тузишда асосий эътибор ички аудитни филиал ёки бўлинмани текшириш учун зарур бўлган умумий режа ва дастурни тайёрлаш жараёнидан бошланади. Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида ички аудит томонидан текширилаётган филиал ёки бўлинма фаолиятини ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган аудиторлик далиллари ва аудиторлик рискининг унинг учун маъбул даражасини белгилаш учун имконият яратадиган шарт-шароитни ҳисобга олишига айтилади.

Ички аудит гуруҳи раҳбари ички аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузarkan, ички аудит бухгалтерия ҳисоби ахборотига ишлов бериш даражасини инобатга олиши керак, бу ҳам ички аудит гуруҳига аудиторлик қонун-қоидаларининг ҳажми ва тусини аниқроқ белгилаш имконини беради. Ички аудит гуруҳи раҳбари, агар буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, текширилаётган филиал раҳбарияти билан ички аудит умумий режаси ва дастурининг айрим қоидаларини келишиб олиши мумкин. Бунда ички аудит гуруҳи раҳбари умумий режа ва дастурда акс эттирилган усулларни танлашда мустақил ҳисобланади, лекин ўз ишининг натижалари учун мазкур умумий режа ва мазкур дастурга мувофиқ тўлиқ масъулият ҳис этади.

Ички аудит томонидан бажараётган ишларнинг натижаларини умумий режа ва дастурни тайёрлаш пайтида батафсил ҳужжатлаштириш керак, чунки мазкур натижалар аудитни режалаштириш учун асос ҳисобланади ва бутун аудит жараёни давомида ишлатилиши мумкин.

Ички аудитни ўтказишда умумий режа аудит дастурини амалга оширишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак. Аудит жараёнида ички аудит томонидан умумий режанинг айрим қоидаларини қайта қўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартишларни, шунингдек, ўзгартишлар сабабларини аудитор батафсил ҳужжатлаштириши керак. Ички аудит бўлинмаси томонидан филиалнинг ички аудитини ўтказиш учун сарфланадиган вақтни режалаштириш жараёнида аудитор маълум жиҳатларни ҳисобга олиши керак. Ички аудит томонидан режалаштириш жараёнида ҳисобга олиши керак бўлган асосий ахборотлар ва зарур маълумотлар деб қуйидагиларни белгилади.

Ички аудит томонидан филиални текшириш жараёнида ҳисобга олиниши зарур маълумотлар таҳлили⁴⁵

Т/р	Маълумотнинг номи ва таърифи	Мухимлик даражаси
1.	Ўтган йилда ички аудит томонидан ўтказилган текшириш ва унинг мониторингинг бўйича ҳаққоний вақт сарфи ҳисоб-китоби ҳамда филиалда жорий даврдаги ўзгаришлар таъсирининг ҳисоб-китоби.	10 фоиз
2.	Ички аудит томонидан муҳимлик даражасининг баҳолалиши.	25 фоиз
3.	Аудиторлик рискларини баҳолаш ва унинг ички аудит режасига таъсирини ҳисоблаш.	25 фоиз
4.	Умумий режада ички аудит томонидан амалга оширилган дастлабки таътил натижалари.	30 фоиз
5.	Филиалдаги ички назорат тизимининг ишончлилиги ва аудиторлик рискларининг баҳолалиши.	10 фоиз

Агар ички аудит текширувини бир неча аудитор амалга ошираётган бўлса, филиалнинг ўзига хос хусусияти, уни текшириш ҳажми ва мураккаблиги, ҳар гал аудитни ўтказиш чоғида ҳар бир иш қачон ва қандай бажариллишини аниқлаш, аудиторлар ўртасида вазибаларни тўғри тақсимлаш талаб қилинади.

Шу мақсадда аудиторлар бригадаси раҳбари текшириш дастурини тузади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

1. Аудит мақсади.
2. Филиал ёки бўлинманинг асосий иш участкалари ва текширилиши лозим бўлган ҳисоб бўлимлари.
3. текшириш тури (ялпи, танлов, визуал ва бошқалар).
4. бригада аъзоларига вазибаларнинг тақсимланиши.
5. текширишнинг тахминан қанча давом этиши ҳамда уни бошлаш ва тугаллаш муддатлари.

Сўнгра текшириш дастурида ички аудит томонидан кўриб чиқиладиган асосий иш жараёнлари ва тегишли участкалари кўрсатилади.

Текширишнинг дастлабки кунларидаёқ ички аудиторлар ишнинг у ёки бу участкасидаги ахвол тўғрисида етарлича тўғри тасаввурга эга бўлишлари ва ишнинг аҳолини бундан кейинги ўрганиш кун сайин камроқ янги фойдали ахборот келтириши сабабли улар текширишга энг кам вақт сарфлаб, хулоса чиқариш ва асосланган аудиторлик хулосаси чиқариш учун етарли зарур маълумотни олиш имконини берадиган ўртача вақтни топиш мақсадга мувофиқдир.

⁴⁵ Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Шу билан бирга текшириладиган участкаларни нотўғри танлаш ва текшириш натижалари юзасидан нотўғри хулоса чиқариш маъсулияти тўла-тўқис аудит текшируви гуруҳи раҳбарининг зиммасига тушади.

Филиал фаолиятини ички аудит томонидан текширишда асосий эътибор қаратиладиган бўлинмалар сифатида эмиссия-касса операциялари, ички банк операцияларига тегишли ҳужжатлари, аванс ҳисоботлари, иш ҳақи ва ажратмалари, миқдорларга берилган кредитлар, кредит портфелининг таҳлили, счётлар бўйича айланмаларлар, кадрлар масаласига асосий эътибор қаратилади.

Ўз навбатида, асосий воситалар, номоддий активлар ва кам баҳоли ҳамда тез эскирувчи буюмларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш устидан алоҳида назорат қилинадиган материалларни танлаб олиб, қиймат ва тақчил материалларни ялпи текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар текширишни аудиторлар бригадаси амалга ошираётган бўлса, у ёки бу аудитор қайси участкаларни текшираётганини олдиндан аниқлаб олиш лозим. Бунда олдинги текширишлар чоғида тўпланган тажрибани ҳамда малакани ҳисобга олиш зарур.

Энди ишга кирган аудиторларга юридик шахсларга очилган счётлар бўйича ҳужжатлар тўплами ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар, ички банк операцияларини текширишни топшириш мақсадга мувофиқдир. Тажрибали мутахассислар аналитик ҳисоб дафтарлари, молиявий ҳисобот ва бош қитобни ўрганишлари, уларнинг ҳисоб регистрлари билан уйғунлигини текширишлари, бухгалтерия ҳисоби счётларида дастлабки ҳисоб маълумотлари ёзуви асосланганини аниқлашлари керак.

Ички аудитнинг хусусияти ички аудит текшируви бошланмасдан дастлабки маълумотлар, ўтган даврдаги текшириш материаллари, бошқа манбалардан ахборотларни олиш имкониятига эга бўлади ва унинг маълумотларини текширишдан олдин таҳлил қилиши, аудит бошланган дастлабки кунлардаёқ текшириладиган филиал ёки бўлинма фаолияти тўғрисида етарли даражада батафсил ва тўғри тасаввур ҳосил бўлади.

Аудиторлик текшириши дастури виждонан пухта тузилганига қарамай, унинг талаб қиладиган меҳнат ҳажмига ва қанча давом этишига таъсир қиладиган бир қанча омилларни олдиндан қўра билиш ва ҳисобга олиш мумкин эмас. Шу сабабли текшириш давомида у ёки бу ишларнинг мазмунига ва давомийлигига ўзгартириш киритишга тўғри келади.

Текшириш дастурини тузишда гуруҳга мутахассисларни танлаш ва пировард натижада филиал ёки бўлинма фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш тўғрисида асосланган хулосани тайёрлаш учун ўзига хос хусусиятлари ва тузилиши тўғрисидаги умумий ахборот зарур бўлади. Бунинг учун қуйдагиларни аниқлашга тўғри келади:

1. Филиал ёки бўлинманинг айрим тармоқ хусусиятлари мавжудлиги.

2. Филиал ёки бўлинманинг ташкилий тузилиши.

3. Кредит портфелининг айрим хусусиятлари.

4. Молиявий инструментлар ва уларнинг жойлаштирилиши.

5. Юридик мажбуриятлари (судда кўриш, солиқ инспекциясининг, бюджетдан ташқари фондларнинг далолатномалари)

Ички аудит натижалари бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботи банк кенгаши, бошқарув раиси, акциядорлар, мулкдорларга, аудиторлик кўмитасига берилиши лозим. Шу нукта назардан аудиторлик кўмитасида олдин муҳокама қилиниб, кейин юқоридаги бўлинмаларга берилади.

Ички аудит дастурини тузишда аудитор томонидан тижорат банки филиали ёки бўлинмасининг фаолиятига таъсир қиладиган ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш лозим.

Ташқи омилларга ички аудит томонидан текширилаётган филиал жойлашган жой, ушбу региондаги макрониксодий ўсиш ва тармоқ омиллари киради. Макрониксодий пасайиш ёки ўсиш шу ҳудудда жойлашган банк миқозлари фаолиятига таъсир қилади, солиққа тортишдаги ўзгаришлар, хорижий бозорларга қарамлик, бошқа банк филиаллари ва бўлинмаларининг мавжудлиги, рақобат муҳити, валюта қийматининг ўзгаришини ташқи омиллар қаторига қўйиш мумкин. Тармоқ омиллари – йирик ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг филиалда ўз счётларини очиб миқоз сифатида фаолият юритиши, миқозлар фаолиятининг мавсумлиги; нарх рақобати; тармоқда иш ҳақи даражаси каби омилларни киритиш мумкин.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

– эмиссия-касса операциялари салмоғи, пул маблағларининг оқимлари тавсифи;

– кредит сиёсати; фойз сиёсати; чет эл валютаси обороти, асосий банк операциялари; учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар;

– ходимлар – асосий ходимларнинг малакаси; тажрибаси; комплеклангани; кадрлар қўнимсизлиги;

– фаолиятнинг асосий стратегияси – ресурс жалб қилиниши, инвестиция сиёсати; молиявий инвестицияларнинг жалб қилиниши, бозорни кенгайтириш режаси;

– ички банк операциялари – бошқарув харажатлари салмоғи, банк унумсиз харажатларини тартибга солиш, банк фаолиятининг даромад ва харажатларга таъсири, ички назорат тизимининг ташқил қилиниши.

Ички аудит текшируви, одатда, хамиша маълум муддат, филиал ёки бўлинма фаолиятига қараб ўртача 2–4 ҳафта билан чекланган бўлади. Йирик ва ҳатто ўртача филиал ёки бўлинмада ҳам бундай муддатда молиявий-ҳўжалик фаолиятини ялпи текширишга хамиша ҳам улгуриб бўлмайди. Лекин тўла ишонч билан бундай деб бўлмайди, чунки текшириш ҳажми аудиторлар сонига ва мутахассисларнинг малакасига боғлиқ.

Ички аудит томонидан тузиладиган аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик жараёни мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида ички аудит департаменти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Ички аудит жараёнида аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик амалларини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин. Аудиторлик дастурини назорат воситалари тестлари дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик амаллари ва қоидаларини дастур кўринишида тузиш керак. Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуининг рўйхатидан иборат. Назорат воситалари тестларининг мақсади шундан иборатки, улар ички аудит томонидан текширишда филиал бўйича ташкил этилган назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИЧКИ АУДИТИДА МУХИМЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АУДИТДАГИ АҲАМИЯТИ

3.1. Мухимлик даражаси, уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилиш жараёнида муҳимлик даражасини белгилаб олиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида қилинган ишлардан бири аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС)нинг қабул қилиниши ҳисобланади. АФМС№9-“Мухимлик ва аудиторлик рисқи” номли стандартга мувофиқ аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг ишончилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар жиддий ҳолатлар деб эътироф этилади. Бундан ташқари, Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС)№ 320-“Аудитда муҳимлик”, АХС№400-“Рискларни баҳолаш ва ички назорат” деб номланган стандартларда муҳимлик масаласига алоҳида эътибор берилган. Шу жумладан (АХС)№ 320-“Аудитда муҳимлик” номли стандартда муҳимлик масаласига шундай таъриф берилган “Агар ахборотнинг тушириб қолдирилиши ёки бузиб кўрсатилиши фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорига таъсир қиладиган бўлса, ушбу ахборот муҳим ҳисобланади”⁴⁶.

Барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисоботнинг ишончилиги деганда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг жиддийлиги унинг хусусияти бўлиб, уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир қилади.

Мухимлик тушунчаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ушбу қиймат асосида қарорлар қабул қилиш натижасида, ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади.

⁴⁶ Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики. – Алматы, 2007. -С.501.



3.1-расм. Мухимлик даражасини аудит жараёнларига боғлиқлиги

Мухимлик даражасининг мутлақ кийматини аниқлашда аудитор тижорат банкининг аудит қилинадиган, бундан кейин молиявий ҳисоботнинг базавий кўрсаткичлари деб номланадиган ҳисоботи ишончлилигини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак.

Шу билан бирга бу вазифани бажариш текшириш натижаларига ва аудиторнинг профессионал мулоҳаза юритиш қобилиятига ҳам боғлиқ. Текширилаётган тижорат банкларининг фаолияти (шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи) муайян мезонларга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида аудитор ўз фикрини билдириши билан ниҳоясига етади. Бу вазифани бажариш учун аудитордан кенг профессионал ва ҳатто интеллектуал дунёқараш, юксак ахлоқий фазилат ва назорат ишининг маълум кўникмалари талаб қилинади.

Масалан, ҳисобот даврида миқоз томонидан тайёрланган ҳисобот маълумотлари билан аудиторлик далиллар асосида тўпланган маълумотлар ўртасидаги жиддий тафовут бухгалтерия ҳисоби ва тижорат банки молиявий ҳисоботидаги хато ҳамда камчиликлар тўғрисида далолат бериши мумкин. Аудитор уларнинг муҳимлик даражасини белгилаш орқали юзага келтирган сабабларни ва бу нормал иқтисодий ҳолатлар таъсири натижасими ёки бошқа ҳолатлар таъсири бўлганими ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилади. Таҳлил натижалари эса миқоз фаолияти хусусиятлари, даромадни шакллантириш манбалари, асосий даромад манбалари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий натижалари ҳажми ҳамда ўзгариш суръатига таъсир қилган омилларни

аниклаш имконини беради. Фикримизча, банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича аналитик амалларни белгилашда муҳимлик даражасига қараб, уларни бир қанча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

Банк даромади ва харажатларнинг суръати
маънолари бўйича аналитик амаллар

Ҳисобот даври бўйича даромад ва
харажатлар таркибий тузилмасини
баҳолаш

Тижорат банки фаолиятини молиявий
натижаси бўйича аудиторлик
далиллари таҳлили

3.2-расм. Тижорат банки даромад ва харажатларини таҳлили бўйича аналитик амаллар




Банк даромади ва харажатларини далиллар асосида аналитик амалларни бажариш даромад ва харажатларнинг таркибий тизимини тузиш, тузилган тизимларни математик ифодалаш, омиллар таъсирини ҳисоблаш учун бартараф этиш принциплари ва ўрин алмашиш услубидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Банк фаолиятининг молиявий натижаларга нисбатан қўлланиладиган муҳимлик даражаси йўл қўйиладиган хато қўламини ифода этади. Йўл қўйиладиган хато деганда текшириладиган объектлардаги янглишишлар даражаси тушунилади. Буни аудитор аҳамиятсиз ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблайди. Аудитор йўл қўйиладиган хато даражасини аниқлашда текшириш учун мўлжалланган объектлар аҳамиятидан келиб чиқади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиб, банк даромадлари ва харажатларини текшириш учун мўлжалланган объектга айланиши мумкин. Улар ҳақидаги ахборотни ошқора қилиш даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида кўзда тутилган.

Тижорат банклари филиал ва бўлинмалари бўйича даромадлар ҳамда харажатлар таркибини ички аудит томонидан амалга ошириш жараёнида муҳимлилик, аудит далиллари, танлаш ва аудит рисклари

бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рискни ушбу амаллар билан боғлиқ ҳолда кўриш керак. Чунки аудит далилларини йиғиш, муҳимлилик даражаси ва аудиторлик riskи даражалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини тестдан ўтказиш натижаларига кўра ички аудит ҳажми ва муддати аниқланади: меҳнат сарфи, аудиторлик далилларини тўплаш учун бажариладиган аудиторлик амалларининг таркиби ҳамда тавсифи ва ҳ.к.

Аудиторлар далолат бериш вазифасини бажарар эканлар, бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилиги ва объективлиги тўғрисида фикр билдириш имконини берадиган етарли даражада ишончли далилларни ўз вақтида тўплашни ўзларининг вазифаси деб биладилар. Бундан ташқари, тегишли филиал фаолиятини текшириш натижаси бўйича аудиторлик қўмитасига берилган ҳисобот асосида умумий Банк Кенгашига олиб чиқиладиган ахборотларни шакллантиради.

Тижорат банки филиали билан ички аудит департаменти ўртасида текшириш натижалари бўйича қуйидагилар бўлиши мумкин:

-  Ички аудит факт текшириш натижаси бўйича эмас, балки тахминий баҳолар ва фаразлар асосида ўз фикрини ишлаб чиқиш
-  Банк бўлимида амалга оширилган суиестемликларни аниқлаш юзасидан фаол ҳаракат қилиш
-  Ички аудит ҳисоботларини моҳияти, банк кенгаши ва акциядорлар олдигаги масъулиятини белгилаш

3.3-расм. Тижорат банки ички аудити ҳисоботида бўлинма фаолиятига объектив баҳо беришнинг таҳлили

Холисона ва тўғри тузилган аудиторлик ҳисоботини тақдим этишга доир таърифнинг мазмунини ҳақида, ҳулосада фақат аудитор фикри ифодаланиши тўғрисида, ҳатто бу профессионал мулоҳаза юритишга кодир бўлган юқори малакали мутахассиснинг фикри бўлса ҳам, унда

объектив маълумотлар асосида камчиликлар ва уларни тузатиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар берилиши керак.

Тижорат банкининг ички аудитида муҳимликни баҳолаш масаласи, аввало, молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир нечта кўрсаткичини ўз ичига олган аниқ бир базани ва муҳимликнинг миқдорий мезонини – хатонинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдорий ҳисоблаш усулини танлаб олишдан иборат.

Баъзи аудиторларнинг фикрича, муҳимликнинг аниқ миқдорий баҳоси зарур, бошқалар эса, аксинча, катъий баҳолашдан қочишади. Баъзи аудиторлар муҳимликни баҳолаш чоғида ахборотнинг фақат миқдорий томонинигина эмас, балки миқдор, тижорат банкининг асосий даромадининг таркиби ва тури, бозордаги мавқеининг барқарорлиги, молиявий аҳволи каби сифат томонини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблашади. Масалан, маълум сумма миқдорида берилган кредитдан олинган фойза ялпи фойда ҳажмига нисбатан муҳим бўлмаслиги мумкин, лекин тижорат банки филиалининг ривожланиши даражасини ҳисоблаш жараёнида аҳамиятли бўлиши мумкин.

Халқаро аудит стандартларига кўра муҳимликнинг қўлланиши учун ҳар бир алоҳида счёта бўйича йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори миқдори тушунчасидан фойдаланилади. Аудитор йўл қўйиш мумкин бўлган хатони режалаштириладиган муҳимликдан пастроқ белгилаб, алоҳида счётлар бўйича тафовутлар (аниқланган ва аниқланмаган) миқдор муҳимлик даражасидан ошиб кетиши эҳтимолини камайтиради. Ҳар бир аниқ счётни текшириш дастурини ишлаб чиқишда, энг аввало, танлов ҳажмини белгилашда йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг ҳажми ҳисобга олинади. Йўл қўйиш мумкин бўлган хато режалаштириладиган муҳимликнинг даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, тижорат банкининг ички аудит томонидан муҳимлик даражасига қараб тахмин қилинади. Бироқ йўл қўйиш мумкин бўлган хатонинг энг юқори даражаси жуда кам бўлмаслиги лозим, чунки бу ички аудит томонидан бажариладиган аудиторлик амаллари ҳажмини асоссиз кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Аудитда муҳимлик даражасини аниқлашга бухгалтерия ахборотининг миқдорий ва сифат омиллари таъсир қилади. Бунда бир ҳолатда хатонинг сифат жиҳатидан арзимаган миқдори ҳам миқдор жиҳатидан (муҳимликнинг белгиланган даражаси доирасида) муҳим бўлмаслиги, лекин тижорат банкининг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир қилиши ҳамда банкнинг молиявий барқарорлигига, обрўсига путур етказиши мумкин.

Бизнингча, муҳимликни ҳисоблаш учун базани танлашда ташки аудит молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчилар учун алоҳида аҳамиятли бўлган ва айни пайтда тижорат банкнинг ўзига хос хусусиятлари, мулкчилик шакли, фаолият соҳаси ва кўлами, молиявий натижалар ва баланс таркиби (тузилиши) каби кўп омилларни ҳисобга оладиган кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўладиган бўлса, ички аудит жараёнида банк филиали даромадлиги, ликвидлиги, унинг молиявий ҳолати ва бошқа омилларини аниқлашга эътибор қаратади.

Алоҳида ҳисоблаш йўли билан муҳимлик даражаси кўрсаткичи кўлланиб, баъзи счётларда хато бошқаларига нисбатан кўпроқ бўлишини, молиявий ҳисобот моддаларидаги эҳтимоли бўлган бузилишлар эса турли йўналишларга тегишли бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Бунда аудитор фақат ўзининг профессионал мулоҳазаларига асосланиши керак.

Фикримизча, муҳимликни баҳолаш масалаларининг амалий аҳамияти ҳар бир ички аудит гуруҳи ва алоҳида аудитор томонидан кунлик баланс моддалари муҳимлик даражасини белгилашни тартибга соладиган ўз усули бўлишини талаб қилади. Унда муҳимлик базасини танлашнинг ўзига хос хусусияти, сўм ёки фоизда муҳимлик мезони, ҳисоблаш тартиби, эҳтимол тутилган ўзгаришлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистонда ички аудит томонидан муҳимлик даражаси билан аудиторлик rischi даражасини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида улардаги аудиторлар муҳимлик даражасини бир неча усул билан аниқлашларини кўриш мумкин.

Муҳимликнинг ягона даражаси аудит қилинаётган кунлик баланснинг асосий кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади. Шу ягона даража бухгалтерия балансининг муҳим моддалари ўртасида ушбу моддаларнинг валютада солиштирма ҳажмига мутаносиб тақсимланади.

Ушбу усулнинг камчилиги хатонинг кунлик бухгалтерия баланси моддаларига фоиз ҳисобидаги стандарт даражасидир, бу ички назорат тизимининг riskини ҳисобга олишга имкон бермайди, riskнинг аҳамияти эса муайян участкаларда турлича бўлиши, фарқ қилиши мумкин.

3.1-жадвал

**Банк ХХХ филиалининг 2013 йил 30 апрель ҳолатига қўйлик
 баланс моддаларини муҳимлик билан риск даражасини боғлашни
 (млн.сўм ҳисобида)⁴⁷**

Т/р	Баланс моддалари	Суммаси	Муҳимлик даражаси (фонда)	Аудиторлик риски суммаси
1.	Нақд пуллар ва Марказий банк балансидаги пул маблағлари (Cash and balances with the CBU)	623 884	90	62 388,4
2.	Бошқа банклардан олинган суммалар (Due from banks)	653 727	70	196 118,1
3.	Мижозларга кредитлар (Loans to customers)	2 684 678	85	402 701,7
4.	Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар (Investments available-for-sale)	35 528	64	12 790,1
5.	Бошқа активлар (Other assets)	47 453	87	6 168,9
6.	Бошқа банкларга тўланадиган суммалар (Due to banks)	148 380	76	35 611,2
7.	Мижозларнинг счётилари (Customer accounts)	1 854 371	58	778 835,8
8.	Чет эл банкларидан олинган кредитлар (Loans from foreign banks)	934 630	74	243 003,8
9.	Бошқа мажбурийлар (Other borrowed funds)	563 952	69	17 655,1
10.	Тасқимланмаган фойда (Retained earnings)	189 050	74	68 058,0

Аудиторлик текшируви жараёнида муҳимлик чегараларини белгилашнинг бир қанча омиллари мавжуд. Шу нуқтан назардан тижорат банкларининг ички аудити омилларини гуруҳлаш лозим. Фикримизча, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу гуруҳлашни ички аудит бўлинмаси аудиторлари томонидан қўйлик ҳисобот хатолари муҳимлигининг

⁴⁷ Банк ХХХ филиалининг 2013 йил 30 апрелдаги қўйлик баланси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

режалаштирилаётган чегарасини кунлик бухгалтерия балансининг муҳим моддаларига нисбатан белгиланган муҳимлик чегараларининг йиғма аҳамиятини аниқлаш жараёнида аудиторларнинг кўп йиллик тажрибасидан бевосита фойдаланилган ҳолда тавсифланган.

3.2-жадвал

XXX банки ички аудитида аудиторлик rischi муҳимлик чегарасининг гуруҳланиши⁴⁸

Т/р	Аудиторлик riskининг муҳимлик чегаралари	Муҳимлик чегараларининг мазмуни
1.	Аудиторлик riskининг умумий аҳамияти	Риск қанча кўп бўлса, муҳимлик даражаси шунча кам белгиланади, бинобарин, танлов ҳажми ортади ва аудитни ўтказиш чоғида хато қилиш riskи камаяди.
2.	Модданинг мутлақ аҳамияти	Модданинг валютадаги улуши кўпайган тақдирда муҳимликнинг 8–10%ини ташкил қилувчи стандарт чегараси камаяди.
3.	Моддани текширишнинг талаб қилинган имконияти	Батафсилроқ текширишни талаб қилувчи счётлар бўйича муҳимликнинг стандарт чегараси пасаяди
4.	Моддани текширишга кетадиган вақтга режалаштириладиган меҳнат сарфи	Муҳимликнинг режалаштирилаётган чегараси қанча паст бўлса, текшириш ҳажми шунча кўп бўлади.

Юқорида келтирилган омиллардан баъзилари карама-қарши таъсир қилади (масалан, аудиторлик riskи даражаси ва меҳнат харажатлари ҳажми), шу сабабга кўра модда хатосининг режалаштирилаётган чегаралари аудитор тажрибаси ва билимидан фойдаланишига қарайди.

Шу усул билан ҳисобланган ҳисобот хатолари муҳимлигининг жами чегараси ички аудит фойдаланадиган ички стандартида белгиланган ҳажмдан ошмаслиги лозим.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»нинг моддаларига нисбатан ҳам хато муҳимлигининг дастлабки чегараларини топиш мумкин.

Муҳимлик даражасини белгилашнинг кўриб чиқилган усуларининг нуқсонини муҳимлик даражаси билан риск ўртасидаги тесқари қарамлик мавжудлиги фактини эътиборга олмасликдир: муҳимлик даражаси қанча юқори бўлса, умумий аудиторлик riskи шунча кам ва аксинча.

⁴⁸ Банк ички аудит бошқармаси кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Ушбу ўзаро боғлиқлик (карамлик)ни ҳисобга олмаслик аудиторлик амалларининг тусига, вақтига ва даражасига салбий таъсир қилади. Режалаштириш чоғида аудитор бухгалтерия ҳисоби счётларига нисбатан муҳимлик даражасини баҳолайди, шунинг учун биз муҳимлик даражасини ҳисоб тизими рисқи билан ўзаро боғлиқ ҳолда белгилаши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шуни айтиш лозимки, ҳисоб тизимини текширишнинг ўзи бухгалтерия ҳисоботида эҳтимоли бўлган хатоларни ва четга чиқишларни (оғишларни) аниқлаш имконини беради, чунки назорат муҳитининг ҳолатини ва корхонада аудиторлик амаллари вақти-вақти билан ўтказилишини баҳолаш аудиторга аудиторлик амалларини бажариш қанчалик батафсил бўлиши ва танлаб ўтказиш даражасини режалаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

3.3-жадвал

Ички аудит томонидан филиаллар молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида ҳисоб тизими рисқини ҳисоблаш (2012 йил 31 декабр ҳолатига)

Асосий кўрсаткичлар номи	Асосий кўрсаткичлар миқдори, (миллион сўм ҳисобида)		Тест натижалари бўйича ҳисоб тизими рисқи, %	Асосий кўрсаткич учун ҳисоб тизими рисқи даражаси (текшириш дастури моддалари)	
	1-филиал	2-филиал		1-филиал (2-уст.х 4-уст/100 миллион сўм)	2-филиал (3-уст.х 4-уст/100 миллион сўм)
1	2	3	4	5	6
Асосий воситалар (қолдиқ қийматида)	323752	896182	20	64750,4	179236,4
Номоддий активлар (қолдиқ қийматида)	163350	487542	20	32670	97508,4
Инвестициялар	390100	413313	30	117030	123994
Соф кредитлар ва аванслар	12613478	1332469	40	5045391,2	532987,6
Жамия депозитлар	7799624	12020110	20	1559924,8	2404022
Банкнинг гавд пул маблағлари	265219	602914	30	79565,7	180874,2
Тақсимланмаган фойда	31745	116550	40	12698	46620
Мажбурийатлар, давмаси	142102186	31199612	50	71051093	15599806

Манба: 1-филиал ва 2-филиалнинг 2012 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Тижорат банкининг ҳисоб тизимини ички аудитор томонидан текширишда бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳақолар пайдо бўлиши эҳтимоллигини аниқлаш имкони яратилади. Шу муносабат билан тижорат банкининг счётлар бўйича у ёки бу қолдикларини текширишга қанча вақт кетишини олдиндан айтиб бўлмайди.

3.3-жадвалдаги маълумотларга мувофиқ 5-устундаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик аҳамияти:

$(64750,4+32670+117030+5045391,2+1559924,8+79565,7+12698+71051093): 8=9745390,4$ шартли бирликни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичларни 6-устун бўйича ҳисоблаганимизда улар қуйидагича маълумотларни ўз ичига олди: $(179236,4+97508,4+123994+532987,6+2404022+180874,2+46620+15599806): 8=2395631,1$ шартли бирликни ташкил этади.

1. Тижорат банкларининг ички аудити дастури асосида тегишли бўлимларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобидаги синтетик счётларнинг асосий қолдиклари тўғрисидаги маълумотлар бўйича асосий кўрсаткичлар миқдори белгиланади.

2. Ички аудит дастурининг барча бўлимлари бўйича кўрсаткичларга асосланган ўртача арифметик аҳамияти топилиб, унинг ҳисоб тизимидаги аудит rischi даражаси аниқланади.

Натижада тегишли миқдор, бизнинг банк кўрсаткичлари бўйича маълумот, яъни биринчи филиал бўйича 9745390,4 минг сўм, иккинчи филиал бўйича эса 2395631,1 минг сўмдаги қиймат кўрсаткичидан аудиторлик текширишни режалаштириш чоғида аудиторлик rischi даражасининг қиймати сифатида фойдаланиш мумкин.

Ушбу усул бўйича тижорат банки филиалини аудит қилишда ички аудит гуруҳининг таклиф этилган бу усулдан фойдаланиши аудиторлик текширишларини режалаштиришнинг оптимал ҳолатини белгилаш имконини беради.

Ҳозир ички аудитда муҳимликни баҳолаш муаммоси аудиторлик амалиётида аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш зарурияти муносабати билан долзарб бўлиб қолди. Муҳимликни баҳолаш масалаларининг амалий аҳамияти ҳар бир ички аудит гуруҳидан муҳимлик базасини танлашнинг ўз усулини ҳамда унинг миқдорини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бунда, муҳимлик даражасининг ҳисоб тизими rischi муҳимликнинг сифат кўрсаткичига қарашлигини аниқлаб, ҳисоб тизими rischi кўрсаткичидан фойдаланиб баҳолаш тавсия этилади.

Бу – молиявий ҳисоботни текширишни янада батафсил ҳамда сифатли ўтказиш ва меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида ички аудит томонидан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида муҳимлик даражасининг белгиланиши, унинг сўм ёки коэффициентларда ифодаланиши кўп жиҳатдан аудит натижасининг тўғри белгиланишини, аудиторлик рискларини аниқлаш ва уларни ҳисоблаш имкониятини яратади.


3.2. Банкларда аудиторлик rischi тушунчаси, аудиторлик рискларининг мақбул тўғриси ва унга таъсир қилувчи омиллар

Тижорат банкларида аудиторлик рискларини ҳисоблаш ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш масаласини кўришдан олдин, умуман, аудиторлик rischi тушунчасини билиш муҳим ҳисобланади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, ана шундай ишлардан бири бўлиб аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС)нинг қабул қилиниши ҳисобланади. АФМС№9-“Муҳимлик ва аудиторлик rischi” номи стандартга мувофиқ “аудиторлик rischi – бу аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлар томонидан субъектив аниқланадиган, молиявий ҳисоботда, унинг ишончилиги тасдиқланганидан сўнг хатолар мавжудлигини тан олиш ёки молиявий ҳисоботда бундай камчиликлар ҳақиқатан ҳам йўқ бўлганда, унда камчиликлар мавжуд деб тан олиниш эҳтимолидир”⁴⁹ Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, молиявий ҳисоботлар аудитида риск доимий равишда мавжуд бўлади ва аудиторларнинг асосий вазифаси ушбу рискларни имкони борича камайтириш, унинг маълум бир чегарасини аниқлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан аудиторлик амалиётида унинг мақбул чегараси қандай бўлишлигини белгилаш муҳим масала ҳисобланади. Тижорат банкларида ушбу чегара қандай бўлиши керак, деган масала муҳим ҳисобланади ва уни аниқлашда халқаро аудиторлик компанияларининг тажрибаси асосида ишлаб чиқилади. Аудиторлик рисклари бўйича халқаро аудит стандартларига кўра, Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС)№ 320- “Аудитда муҳимлик”, АХС№400- “Рискларни баҳолаш ва ички назорат” деб номланган стандартлар асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу стандартга кўра муҳимлилик билан аудиторлик rischi ўртасида тескари алоқа мавжуд бўлиб, муҳимлик

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси аудитнинг миллий стандартлари. – Т.:УБАМА, 2004. – 258б.

даражаси қанча юқори бўлса, аудиторлик rischi шунчалик паст бўлади ёки аксинча, қуйидагича таъриф берилган. Шундан жумладан шундай дейилган: "Аудит жараёнини ишлаб чиқиш ва аудит riskининг баҳолаш учун riskни қўлланилиши мумкин бўлган паст даражага тушириш учун аудитор ўзининг касбий мулоҳазасига эга бўлиши керак.

"Аудиторлик riskи" деганда аудитор томонидан молжавий ҳисобот жиддий қалбақлаштирилганда, олинган аудиторлик далилларига мос келмайдиган аудиторлик хулосасини берганда пайдо бўладиган riskка айтилади. Аудиторлик riskи қуйидаги 3 та компонентдан иборат бўлади: топа олмаслик riskи, назорат riskи ва ажратиб бўлмайдиган risk"⁵⁰



3.4-расм. Аудиторлик riskининг таркибий компонентлари

Ушбу аудиторлик riskининг компонентлари тегишли аудиторлик текширувларини амалга ошириш жараёнига таъсир қилади ва аудит ишларини режалаштириш жараёнида ушбу компонентлар ҳисобга олинishi лозим. Шунингдек, аудит riskига қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Булар:

1. Аудит ахлоқи (этикаси).
2. Жиддийлик.
3. Профессинал хизматдаги оғишишлар.
4. Аудит касбий малакавий талабларидаги савиялари.

⁵⁰ Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики. – Алматы, 2007. – 1260 с.

5. Аудит далилларидаги ноаниқликлар.

6. Ички назоратдаги камчиликлар.

7. Режалаштиришдаги назардан четда қолган омиллар.

Тижорат банки ички аудит томонидан филиал бўйича юритилаётган ҳужжатлар, уларни умумлаштириш, синтетик ва аналитик счётни юритиш билан бирга филиал ҳисоботи, бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг тўғрилиги текширилиб, аудиторлик рисклари (аудитор rischi) текширилган молиявий ҳисобот тўғрисидаги фикрига асосланади ва ушбу фикр нотўғри бўлиши мумкин. Шу жумладан: тижорат банки филиалининг молиявий ҳисоботи аудитор томонидан кўриб чиқилгандан кейин муҳим четга чиқишлар аниқланиши ёки ички аудитор четга чиқишлар бўлмаса ҳам, ҳисоботда четга чиқишлар мавжуд деб хулоса бериши мумкин.

Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар томонидан қуйидагича фикр билдирилади: “Аудиторлик рискини тўлиқ бартараф этиш мумкин эмас, шу сабабли аудитни режалаштириш жараёнида турлича бўлиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиш орқали рискларни имкони борича камайтиришга ҳаракат қилинади. Умумий аудиторлик rischi қуйидаги турлардан иборат:

– Ички хўжалик rischi.

– Назорат rischi.

– Топа олмаслик rischi.

Аудит иш жараёнида ушбу рискларни ўрганиши, уларни баҳолаши ва баҳолаш натижаларини ҳужжатлаштириши керак. Рискларни аниқлашнинг қийинлиги шундаки, уларни аниқ қиймат шаклида баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун улар аудитор томонидан юкори, ўрта ва паст даражада аниқланади”⁵¹

“Аудитнинг махсус дастури асосида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда баланснинг моддаларини аниқлаш, масалан: асосий капитал, пул маблағлари, инвестициялар ёки дебитор қарзлар. Ташки аудиторлар аъъанавий равишда кредитларни ёмон бошқаришни ва қаллобликларни назорат қилиши лозим. Шу билан бирга аудитни амалга ошириш жараёнида камдан-кам ҳолларда кредит олувчиларнинг кредит таҳлили батафсил кўриб чиқилади”⁵²

⁵¹ Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П., Лебедев Е.А. Аудит банков: Учеб. пособие. – М.: “Финансы и статистика,” 2001. – С.39.

⁵² Грюнинг Х., Брайович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском/Пер.с англ. – М.: Издательство “Весь Мир”, 2004. – С.51.

Умуман, банк рисклари тўғрисида қуйидагича фикр билдирилган: “Риск – бу муваффақиятга мўлжалланган фаолият бўлиб, ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолда иқтисодий субъектдан ушбу салбий ҳолатларни билими ва тадбиркорлиги билан бартараф этишини талаб қиладиган ҳолатга айтилади”³³

Шундай қилиб тижорат банкларида аудиторлик rischi нисбатан кенг маънони англатади ва унинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш лозим.

Умумий аудиторлик riskини аниқлаш тартиби бўйича адабиётларда қуйидаги формула орқали ифода қилинади. Дастлабки аудиторлик riskи моделини аниқлаш тартибига кўра

$$DAR=IR \times CR \times DR \quad (1.1)$$

DAR(Desired audit risk) – аудиторлик riskининг мақбул тўплами;

IR(Inherent risk) – ички хўжалик riskи;

CR(Control risk) – назорат riskи;

DR(Detection risk) – топа олмаклик riskи³⁴.

Ушбу формулага кўра аудиторлик riskининг мақбул тўпламига таъсир қилувчи турли хил омиллар таъсир қилади. Ушбу формуладан тижорат банкларининг ички аудитида ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин аудиторлик riskларини батафсил турлари бўйича гуруҳлаш иқтисодчи-олим В.В.Скобара томонидан қуйидагича берилган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, аудиторлик riskлари кўпгина томонларга боғлиқ бўлиб, ушбу омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан: Тадбиркорлик riskи бу бевосита аудиторлик riskига боғлиқ бўлмаса-да, аудиторлик текшириши натижаларига таъсир қилади ва молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги воқеаларнинг ушбу аудиторлик ҳулосасига таъсири бўлади.

³³ Банковские риски: учебное пособие/кол.авторов; под ред. д-ра экон.наук, проф. О.И.Лаврушина и д-ра экон.наук, проф. Н.И.Валенцевой. – М.: КНОРУС, 2008. – С.11.

³⁴ Арнс А., Лоббек Дж. *Аудит: Пер. с англ.* – М.: “Финансы и статистика”, 1995. – С.241.

Рискларнинг турлари⁵⁵

Кўрсаткичлар	Аниқлашчилар
Аудиторлик ёки умумий риск	Аудитор томонидан юлинган аудиторлик амаллари натижасида нотўғри хулоса қилиш rischi, яъни нотўғри тузилган молиявий ҳисоботга ижобий хулоса бериш ёки аксинча.
Ички риск	Ички назорат воситалари билан текшириш имкони бўлмаган, миқоз-компания таснифи натижасида вужудга келадиган рискнинг мавжуд бўлиши. Бунда бошқа тармоқларга қараганда юқори технологияли тармоқларда ички риск омили кўпроқ таъсир қилади. Банклардаги ва кассалдаги пул маблағларини баҳолашга нисбатан захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш мураккаброк ишдир.
Назорат rischi	Ички назоратнинг муҳим ҳатоларни аниқлай олмаслиги ёки тасдиқламаслик rischi.
Топа олмаслик rischi	Аудитор томонидан амалга оширилган текшириш амаллари ва молиявий ҳисоботни таҳлили муҳим ҳатоларни топа олмаслик хавфи.
Таҳлил rischi	Таҳлил амалида муҳим ҳатоликни аниқлай олмаслик rischi (топа олмаслик rischi таркиби).
Моҳияти бўйича текшириш rischi	Аудит ўтказиш жараёнида муҳим бўлган ҳатоликларни танланма текшириш натижасида топа олмаслик rischi.
Танланма-йзланиш rischi	Танланма операциялар натижасида муҳим ҳатоликларни топа олмаслик rischi.
Тадбиркорлик rischi	Аудит натижаларига миқоз ва бошқа юзичувчиларнинг молиявий йўқотиш бўйича даъво қилиш хавфининг пайдо бўлиши.

Ички хўжалик рискнинг мавжуд бўлиши молия институтларининг қуйидаги ички таснифи ва ташқи муҳит шароитига ҳам боғлиқ, ички назорат тизими воситалари билан текшириш имкони йўқ. “Ички хўжалик riskини баҳолашда аудитор томонидан қуйидаги омилларга эътибор берилиши лозим: миқоз бизнесининг моҳияти ва хусусиятларига; у томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг турлари ва ҳажмига; миқозга тегишли фаолиятнинг жорий иктисодий ҳолатига; раҳбарликни амалга оширувчи ходимнинг виждонига, ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг жавобгарлиги; ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда ходимларнинг тажрибаси; амалдаги конунчиликка кўра айрим операцияларнинг турлича талкин қилиниши; ноанъанавий ва ностандарт операцияларнинг мавжудлиги; раҳбарият ва ходимларга

⁵⁵ Скобара В.В. Аудит: методология и организация: монография. – М.: Издательство “Дело и Сервис”, 1998. – С.184.

ташки муҳитдан босим ўтказилиши мумкинлиги; мулкдорлар томонидан миқоз фаолиятини назорат қилиш имкониятлари мумкинлиги”⁵⁶. Демак, ушбу таърифга кўра, ички хўжалик рискнинг мавжудлиги кўпгина омиллارга боғлиқ ва уларнинг ташки аудитор томонидан ҳисобга олинishi лозим. Ички хўжалик рискларини баҳолаш орқали аудитор ўзининг иш фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган рискларни аниқлаши муҳим ва аниқлай олмаслик рискини имкони борича камайтириши керак. Фикримизча, ушбу рискларни камайтириш учун тижорат банклари филиалларида ички аудитор томонидан текшириш жараёнида қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб қилинади:

– Аудиторлик текшируви жараёнида танлаш жараёни ҳажмини кўпайтириш, айниқса, кредит портфелини таҳлил қилиш, чет эл валюта операцияларини кўпроқ камраб олиш.

– Аудиторлик текшируви учун вақт сарфини кўпайтириш, шу жумладан тижорат банки филиалининг асосий фаолиятини текширишга қаратиш керак.

– Мазмуннинг ҳажмидан келиб чиқиб, иш ҳажмини кўпайтириш лозим.

– Аудиторлик амалларини қўллашда уларни модификация қилишга эътибор бериш.

Аудиторлик текширувида муҳимлилик билан аудиторлик rischi ўзаро тесқари алоқада бўлади. Чунки муҳимлик даражасининг юқори бўлиши ва унинг кўпроқ ҳажми камраб олиши рискнинг камайишига олиб келади. Ушбу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

– Муҳимлилик даражаси юқори бўлса, умумий аудиторлик rischi паст бўлади;

– Муҳимлилик даражаси паст бўлса, аудиторлик rischi шунчалик юқори бўлади.

Айниқса, тижорат банкларининг аудити rischi даражаси юқорилиги тўғрисида проф. Л.Р. Смирнова томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Риска асосланган аудит чет элда аудит ривожланишининг юқори босқичи ҳисобланади. Унда аудит ишларининг риск даражаси юқори бўлган соҳага тўпланиши учун асос бўлади. Масалан: банк фаолиятида, биринчи навбатда, валюта операциялари, валюта позициясини юритиш билан боғлиқ риск, қимматли қоғозлар билан актив операциялари, фонд бозоридаги риск, кредит операциялари, кредит билан боғлиқ рисклар ва бошқалар”⁵⁷.

⁵⁶ Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П., Лебедев Е.А. Аудит банков: Учебное пособие/. – М.: “Финансы и статистика.” 2001. – С.40.

⁵⁷ Смирнова Л.Р. Банковский аудит: Учеб. пособие/Под ред. проф. М.И. Баканова.

Ушбу масала ривожлантирилиб, ушбу соҳани янада кенгрок тушуниш кераклиги таъкидланади ва унга қуйидагича таъриф берилади: “Банк назорати, энг аввало, банк рискларини баҳолашга асосланиши лозим. Банк иши – бу ишчан актив фаолият бўлиб, олинадиган фойда албатта риск билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли риск даражасини тўғри бошқариш ва уларнинг устидан назорат қилиш лозим”⁵⁸ Демак, аудиторлик rischi кўп жиҳатдан банк рискларига боғлиқ бўлиб, уларни янада батафсилроқ туркумлаш лозим ҳамда уни баҳолаш керак.

Халқаро банк амалиётида турли рискларни ўлчаш ва назорат қилиш соҳасида етарлича тажриба тўпланган. Чунки айрим рисклар фақат банк фаолияти билан боғлиқ бўлади ва уларни тест усули билан назорат қилишнинг бошланғич даврида аниқлаш ҳамда баҳолаш лозим. Шундай қилиб, хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, банк рискларини тўғри гуруҳлаш ва уларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада турли олимларнинг фикрларини умумлаштирилди ва муаллиф томонидан уларни қуйидагича гуруҳлаштириш таклиф қилинди (3.5 – жадвал).

Лекин ушбу гуруҳлаштиришда етарлича якуний натижага эришилмаган. Чунки банк рисклари ҳар доим ҳам аудит рискларига мос келмайди. Шу сабабли аудит рискларини ҳисобга олишда асосий эътибор тижорат банкларининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари рискларининг гуруҳланиши берилди ва унда қўшимча равишда молиявий инқироз rischi, баланслаштирилмаган тугатиш rischi, тугатиш rischi каби қўшимча рискларнинг гуруҳлари киритилди. Масалан, молиявий инқироз rischi ҳозирги шароитда жуда долзарб ҳисобланади ва уни ҳисоблаш орқали молиявий инқирознинг таъсирини камайтириш мумкин.

Ушбу ҳолатда муҳим масала аудиторлик рискларини баҳолаш тартиби ҳисобланади. Аудиторлик рискларини баҳолашдан олдин унинг макбул тўпламини белгиловчи формулага яна бир бор мурожаат қилишга тўғри келади.

Аудиторлик riskини баҳолашда ушбу рискларнинг ҳар бири бўйича тегишли баҳоларни топишимиз лозим. Масалан: топа олмаслик rischi ва уни баҳолаш бўйича Р.Д. Дўсмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Аниқланмаслик riskини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

– М. :” Финансы и статистика,” 2001. – С.14.

⁵⁸ Банковский контроль и аудит/Под ред.Н.В.Фадеекиной. – М.: “Финансы и статистика,” 2002. – С.108

**Аудиторлик текшируви жараёнида банк рискларининг
гуруҳланиши**

	Фадейкина Н.В. ⁵⁹	Лаврушин О.И. ⁶⁰	Беляков А.В. ⁶¹	Муаллиф фикри бўйича
Фонд rischi	+	+		+
Тугатиш rischi	+		+	+
Баҳо rischi	+			+
Валюта rischi	+			+
Транзакция rischi(операцион risk)	+	+		+
Мос келмаслик rischi	+			+
Стратегик risk	+			+
Репутациясини йўқотиш rischi	+			+
Интеграл (ялпи) risk	+			
Risk ўзгариш тенденцияси	+			+
Кредит rischi	+	+		+
Баланслашгирилмаган тугатиш rischi		+		+
Даромадни йўқотиш rischi		+		+
Банк ликвидлиги			+	+
Молиявий инкироз rischi				+

1. Таҳлилий risk – бу таҳлил амаллари (ишлари) бажарилганда жиддий хатоларга йўл қўйилиш riskидир. Бундай хатоларни аудитор кўриши мумкин, ammo жуда мураккаблиги ҳамда ўзининг малакаси етишмаслиги сабабли тушунмасдан ўтказиб юбориши мумкин.

⁵⁹ Там же. – С.110-113

⁶⁰ Банковские риски: Учебное пособие/кол.авторов;под ред.д-ра экон.наук, проф. О.И.Лаврушина и д-ра экон.наук, проф. Н.И.Валенцевой. – М.: КНОРУС, 2008. С.24–25.

⁶¹ Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. – М.: Издательская группа “БДЦ-пресс”, 2004. – С.63.

2. **Танлашдаги риск** – бу жиддий хато-камчиликларнинг назорат тестларини ўтказиш (танлаб олиш) чоғидаги ҳам, хўжалик муомалаларини мохиятан текшириш чоғида ҳам аниқланмай қолиш эҳтимолидир⁶²

Демак, ушбу рискларни шу гуруҳлар асосида баҳолаш лозим. ХХХ филиали бўйича ички аудитор томонидан аниқланган ички хўжалик rischi – 85%, назорат rischi – 64% ва топа олмаслик rischi – 9%ни ташкил этади. Ушбу формула бўйича ҳисоблаганимизда қуйидагича натижага эришилди.

$$DAR=IR \times CR \times DR = 0,85 \times 0,64 \times 0,09 = 0,04896 \text{ ёки } 4,89\%$$

Ушбу формула асосида аудитор ҳисоблаш натижалари бўйича аудитнинг мақбул тўплами 4,89%дан юкори бўлмаслиги, аудиторнинг фикрича, ушбу режалаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ички аудит томонидан ушбу кўрсаткичлар 5 йил давомида Банк ХХХ филиалида қуйидагича бўлган.

3.6.-жадвал

Банк ХХХ филиалида ички аудит томонидан аудиторлик riskининг мақбул тўплами динамикаси

Кўрсаткичлар	2006й	2007й	2008й	2009й	2010й	2011й	2012й
1. Ички хўжалик rischi	0,782	0,786	0,821	0,823	0,866	0,878	0,901
2. Назорат rischi	0,521	0,532	0,611	0,623	0,543	0,621	0,665
3. Топа олмаслик rischi	0,083	0,081	0,096	0,086	0,093	0,106	0,084
4. Аудиторлик riskининг мақбул тўплами	0,0338	0,0339	0,0481	0,0441	0,0437	0,0577	0,0503

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2006 йил 3,38%, 2007 йили 3,39% бўлиб, қолган йилларда аудиторлик riskининг мақбул тўплами 4,8% атрофида кўрсаткични ташкил этган. Лекин ушбу усул яхши бўлганлиги билан аудитор кўпчилик ҳолларда ундан фойдаланмайди ва ушбу формуланинг самараси камрок. Шу сабабли самарали режа тузиш мақсадида аудитор riskни ҳисоблашнинг иккинчи усулидан фойдаланади, яъни топа олмаслик riskини аниқлайди ва тегишли аудиторлик маълумотлари асосида ушбу кўрсаткич ҳисобланади. Шу мақсадда аудиторлик riskи модели қуйидагича қайта ҳисобланади:

$$DR = DAR / IR \times CR \quad (1.2)$$

⁶² Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. – Т.: “Молия”, 2007. – Б. 88.

Юқоридаги маълумотлар асосида аудитор ўзига мақбул аудиторлик рискинни 5% деб белгилади. У ҳолда юқоридаги маълумотлар асосида ҳисоблаганимизда қуйидагича кўрсаткичларга эришилди:

$$DR = 0,05/0,8 * 0,5 = 0,125$$

Демак, ушбу формулага кўра, аудитнинг моҳиятидан келиб чиқиб, аудиторлик текшируви натижаси бўйича аудитнинг ишончлилик даражасини аниқлашимиз мумкин. Уни ҳисоблашда $100\% - 12,5\% = 87,5\%$ ни ташкил этади. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки аудитини амалга оширишда аудит натижаси бўйича кутилаётган ишончлилик даражаси 87,5% ни ташкил этади ва банк аудитининг вазифаси аудит ўтказишда аудит танловини янада кенгайтириш ва текширувлар кўламининг кўпроқ қисмини жалб этишга қаратиши лозим. Шундай қилиб, ушбу формулага кўра ички хўжалик рисқи ва назорат рисқи билан топа олмаслик рисқи ўзаро боғлиқ бўлади ва улар турли комбинацияларда турлича таъсир қилади.

Чунки аудит жараёнида танлаш жараёни даражаси канчалик тўлиқ бўлса, шунчалик ушбу кўрсаткич кичик бўлади ва ушбу маълумотларда юқоридаги модел бўйича аудиторлик рискинни ҳисоблаш тартиби келтирилган. Аудитнинг мақбул тўплами одатда халқаро аудит жараёнида 5% яқин деб қаралади ва ушбу кўрсаткич аудиторлик фирмасида ҳам қўлланилганда аудитнинг ишончлилик даражаси 92 фоиздан юқори бўлган. Лекин шуни таъкидлаш керакки, аудит қилиш жараёнида танлаш усулларида фойдаланилмасдан 100% аудит жараёни камраб олинса, у ҳолда ишончлилик даражаси ҳам 100 га тенг бўлади. Ушбу боғлиқликлар умумий аудит жараёнида қандай амал қилиниши Россиялик олимлар А.Д.Шеремет, В.П.Суйц томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ифодаланганлар. (3.7.-жадвал).

3.7.-жадвал

Аудиторлик рисклар тўплами элементларининг ҳар хил даражадаги ўзаро боғлиқлиги⁶³

		Назорат воситаларининг рискига аудитор баҳоси		
		Юқори	Ўртача	Паст
Ажралмаслик рискига аудиторнинг баҳоси	Юқори	Энг паст	Пастроқ	Ўртача
	Ўртача	Пастроқ	Ўртача	Юқорироқ
	Паст	Ўртача	Юқорироқ	Энг юқори

⁶³ Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.:ИНФРА-М, 2006. – С.149.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ажралмаслик risksи даражаси назорат воситаларининг risksини баҳолаш ва топа олмаслик risksини аниқлаш орқали қўлланиши мумкин бўлган даражада бўлишини таъминлаш лозим. Ажралмас ва назорат воситалари risksининг баҳолаш даражаси жуда паст бўлиши оқибатида кўшимча муҳимлик бўйича аудит амалларини бажариш эҳтиёжи пайдо бўлишининг олдини олиш лозим.

Тижорат банкларида аудиторлик risksларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим ва шу сабабли ушбу масалада иқтисодчи-олим Н. Каримов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Шу билан бирга, айтиб ўтиш жоизки, тижорат банклари фаолиятининг risksлар билан боғлиқ бўлган позицияларини кўшимча назорат қилиш ва уларнинг мониторингини юритиш банкнинг ички аудит тизими томонидан ҳам амалга оширилиши лозим. Бу ерда ички аудит бўлими харажатлар ва даромадлилик даражасини таҳлилдан ўтказиш асосида risksларни назорат қилади, шунингдек, активлар ва пассивлар бўйича мувоzanатлаштирилмаган позицияларнинг молиявий натижага таъсирини баҳолайди”⁶⁴ Демак, ушбу фикрлар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. Тижорат банкларининг аудиторлик risksларини бошқаришда risksларнинг келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олиш ва банкнинг асосий фаолиятини ҳисобга олган ҳолда унинг минимал ва максимал чегарасини ҳисоблаш лозим.

Тижорат банкларининг филиалларини аудит қилиш жараёнида ички аудиторлик risksининг минимал чегараси аудиторлик risksларининг мақбул чегарасига боғлиқ ҳолда ташқил этилади. Ушбу чегара муҳимлилик даражасининг актив ва пассивларни бошқариш, счётлар таги қолдиқлар, оборотлар, капитални жойлаштириш, операциялар ва бошқарув харажатлари даражаларига боғлиқ ҳолда ташқил этилади.

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда risksларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу соҳада risksларни баҳолаш масаласи бўйича иқтисодчи-олим С. Норқобилов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Шу билан бирга, аудиторлар банк томонидан амалга оширилган барча – ҳам иқтисодий, ҳам бухгалтерия операцияларининг тўғрилигини баҳолашлари лозим, дискат-эътиборни кўпроқ банкнинг барқарорлигига қаратишлари керак. Масалан, Буюк Британияда аудит масаласи бироз бошқачароқ бўлиб, банкнинг номолиявий омилларига, ўлчаб бўлмайдиган томонларига кўпроқ ургу берилади. Хусусан:

⁶⁴ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. – Т.: «ФАН», 2006. – Б.32

– кадрлар сиёсати (малакали кадрларни ёллаш имконияти ва старлилигини таъминлаш, асосий ходимларнинг меҳнатига тўловлар самарадорлиги, асосий ходимларни йўқотиш оқибатлари);

– қарорларни қабул қилиш шартлари ва мажбуриятларини тақсимлаш (қарорларни ҳужжатларда акс эттириш, ҳисоб-китобларни олиб бориш ва бу жараёнларни назорат қилувчи ҳамма даражадаги шахслар ўртасидаги вазифаларнинг аниқ тақсимланиши);

– таваккалчиликларни бошқариш (аниқлаш процедуралари, таваккалчиликларни ўлчаш ва кузатиш, улар бўйича ҳисоботларнинг мавжудлиги)⁶⁵

Ушбу шароитда рискларни бошқариш, энг аввало, банк ички аудити рискларини бошқариш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки улар бевосита банк рискларига ҳам боғлиқ бўлиб, уларни минималлаштириш аудиторлик рискларини ҳам камайтириш имконини беради.

3.3. Тижорат банкларида ички риск ва уларни баҳолаш йўллари

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилишда аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартларини амалиётда қўлланиш зарурлиги муносабати билан ҳозирги вақтда ички риск даражасини белгилаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айниқса, ушбу масала ички аудит томонидан белгиланишида ва уни ҳисобга олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан ташқи аудит жараёнида ички рискни аниқлаш аудитнинг халқаро амалиёти №400–“Рискни баҳолаш ва ички назорат” номли стандарт (ISA 400 «Risk Assessments and Internal Control») асосида тартибга солинади. Ушбу стандартда қуйидаги тушунчаларга изоҳ берилган: “Назорат rischi-операциялар синфи ва счётлар қолдиги бўйича четга чиқишлар, (операциялар синфи ва счётлар қолдигининг айримлари ёки улар йиғиндиси бўйича четга чиқишлар) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида тўғриланган, аниқланган ёки ўз вақтида хатоликларнинг олди олинмаган рисклардир.

Ички назорат тизими – субъект раҳбарияти томонидан мақсадга эришишга ёрдам бериш учун йўналтирилган ва қабул қилинган (ички назорат), буларни қанчалик амалга ошириш мумкинлиги, самарали фаолият юритиши учун, шу жумладан субъект раҳбариятининг сиёсатини амалга ошириш, активларнинг сақланиши, кўзбўямачиликлар

⁶⁵ Норқобилов С., Абдусаломова О. Банкларда аудит. – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б.37–38.

ва хатоликларни аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқлиги, ўз вақтида ишончли молиявий ахборотларни тайёрлаши бўйича ҳамма жараёнлар жамланмасини билдиради”⁶⁶. Демак, ушбу стандартда ички хўжалик рискинни аниқлаш бўйича асосий тушунча берилган бўлиб, унда назорат риски ва ички назорат тушунчаларига асосий эътибор берилган. Шу билан бирга банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан назоратнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган. “Қўмита томонидан назорат жараёнининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди:

1-тамойил: Банклар умумий капиталнинг старлилигини аниқлаш жараёнида ўз риски ва капитал даражасини қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқиш;

2-тамойил: Банк назорати органлари банкнинг ички капиталининг старлилигини аниқлайди, текширади ва баҳолайди ҳамда ушбу капитал бўйича нормативларга риоя қилинишини таъминлаш ва кузатиб бориш қобилияти ҳамда ушбу соҳада стратегиясини белгилайди;

3-тамойил: Банк назорати органлари банклар томонидан капитал даражасининг минимал регулятив нормалардан юқори ушлашини ва банкда капитални ушбу минимумдан юқори ушлашини талаб қилиш имкониятига эга бўлади;

4-тамойил: Банк назорати органлари капиталнинг камайиб кетишининг олдини олувчи аралашувни амалга ошириши, капиталнинг минимал даражадан камайиб кетиши олдини олиши, шу билан боғлиқ банк рискларини таъминлаш, агар капитал миқдори етарли даражада ушлаб турилмаса ёки тегишли даражагача тикланмаса, ушбу ҳолатни тўғрилаш бўйича тезкор чораларни қўриши лозим”⁶⁷. Ушбу тамойилларга риоя қилиниши, айниқса, ҳозирги молиявий инқироз шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан ички назорат тизимини ташқи аудит томонидан текшириш ва уни ички назорат стандартларига риоя қилиниши масалалари муҳим ҳисобланади. Шу нуқтан назардан ички назорат тизимини текшириш Базель қўмитасининг асосий тамойилларида ҳам белгиланган. Шу жумладан 744-моддасида ушбу масалада қуйидагича фикр билдирилган: “Капитални баҳолаш жараёни учун банк ички назорат тизими муҳим аҳамиятга эга бўлади. Банк капитални баҳолаш жараёнида самарали назорат мустақил текшириш ва заруриятга қараб ички ёки ташқи аудитни ўтказиши. Банк

⁶⁶ Международные стандарты аудита в Казахстане. Том I. – Алматы: Раритет, 2001. – С.400.

⁶⁷ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: новые подходы. /Базельский комитет по банковскому надзору. – М.:Банк международных расчетов, 2004. – С.177–184.

директорлар Кенгаши турли хил рискларни баҳолаш тизимида менежментни ташкил этишга, банк капитали даъражасининг рискка нисбати ва ички сиёсат назоратини ташкил этишга роя килиниши бўйича жавобгар ҳисобланади. Директорлар Кенгаши ички назоратни тартибга олиш ва ички назоратнинг ишни олиб бориш қобилиятига баҳо бериши лозим⁶⁸. Лекин Базель кўмитасининг стандартларида ички хўжалик rischi тушунчасига, айниқса, тижорат банкларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Ушбу масаланинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти қабул қилиниб, унда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Аудиторлик rischi бўйича алоҳида миллий стандарт қабул қилинган бўлиб, №9 “Муҳимлик ва аудиторлик rischi” номли стандарт 1999 йилда 4 августда қабул қилинган. Шу жумладан ушбу стандартда аудиторлик рискларига қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик rischi – аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмаса-да, унда жиддий бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир⁶⁹”. Ушбу стандартда алоҳида назорат rischi масалаласи ҳам кўриб чиқилган. Бунда назорат рискига қуйидагича таъриф берилган: “Назорат rischi хўжалик субъектида мавжуд бўлган ва мунтазам қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тизими ҳамда ички назорат тизими воситалари алоҳида олганда ёки жами ҳолатда жиддий бўлган бузилишларни аниқламаслиги, тузатмаслиги ва (ёки) бундан бузилишларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилмаслиги эҳтимолидан иборатдир⁷⁰”. Шундай қилиб, аудиторлик rischi ва назорат rischi тушунчалари ташқи аудит жараёни учун батафсил берилган, лекин ички аудитда ушбу масаланинг қандай ташкил қилиниши етарлича очиб берилмаган.

Кейинги муҳим масала “Ички хўжалик rischi” тушунчаси бўлиб, унда бухгалтерия ахборотидаги қолган маълумотларни, ноаниқликларни ёки фактларни нотўғри талқин қилишни билдиради, улар бир вақтда содир бўладиган вазиятда ушбу ахборот асосидан қилинган мулоҳаза ўзгариши мумкинлиги ёки унга ноаниқ ёки нотўғри

⁶⁸ Там же.. – С.180.

⁶⁹ Национальные стандарты аудита Республики Узбекистан. – Т.: УБАМА, 2004. – С.123.

⁷⁰ Там же. С.125.

фактлар таъсир килиши эҳтимолини келтириб чиқаради. Ушбу риск тушунчаси хўжалик субъектлари фаолиятининг аудити бўйича иқтисодчи-олим Р.Дўсмуратов томонидан қуйидагича таърифланган: “Ички хўжалик rischi-ИХР (IR-Internal risk) – бу мазкур бухгалтерия счётида, баланс моддасида, бир турдаги хўжалик муомалалари гуруҳида яхлитланганда, хўжалик юритувчи субъект хисоботида жиддий камчиликларнинг, бундай камчиликлар ички назорат тизими воситалари ёрдамида аниқлангунга қадар ёки ички хўжалик назорати тизими умуман йўқ бўлганда, аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланиш эҳтимоли тушунилади”¹¹. Ушбу таъриф хўжалик субъектлари фаолиятини аудит килиш жараёнида фойдали деб хисоблаймиз.

Тижорат банки филиалининг молиявий хисоботини ички аудит томонидан кўриб чиқиш жараёнида уларнинг кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириш ҳамда унга таъсир қилувчи вазиятлар аудитда муҳим деб эътироф этилади ва улар бевосита ички назорат rischi билан боғлиқ бўлади. Тижорат банкида юқорида келтирилган кўрсаткичлар асосида ички назорат тизимининг ташкил этилишига баҳо берилади.

Биз муҳимликини аудитор текшираётган тижорат банкининг молиявий хисоботи тўғрилигини тасдиқлашга тайёр эмаслигининг мезони сифатида аниқлаш мумкин деб хисоблаймиз. Муҳимлик қондаси текширилаётган ахборот кўрсаткичларининг ҳажмига ёки хўжалик операцияларини ақс эттириш чоғида йўл қўйилган хатоларнинг қандайлигига асосланади.

Аудитда муҳимлик қондаси ички хўжалик riskлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, аудиторлик хулосаларининг объектив ва ҳаққоний бўлишлигида, шу соҳага доир кўп масалаларни ҳал қилиш учун пойдевор, ўзига хос қафолатдир. Бу қонда аудит босқичлари ўртасида, аудиторлик амаллари ҳажми ва мазмуни ўртасида, тўпланган аудиторлик далилларини баҳолаш қондалари ва аудиторлик хулосасининг шакли ўртасида мантикий изчиликни шакллантиради. Муҳимлик йўл қўйиш мумкин бўлган хато ҳажминини ва оқибатда аудиторлик хулосасини тузиш шаклини белгилайди.

Фикримизча, аудитда муҳимлик ва ички назорат riskининг ўзаро боғлиқлиги, унинг долзарблиги ва ахамияти бир неча сабабга кўра изоҳланади:

¹¹ Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назорат, услубёт ва амалиёт. Монография. – Т.: “Молия” нашриёти, 2007. – Б.86.

– биринчидан, муҳимлик қондаси арзимайдиган нарсаларни эътиборга олмасликка йўл қўяди, лекин шу билан биргаликда тижорат банкларининг фаолиятида ички рискнинг пайдо бўлишига олиб келади ва ушбу кўрсаткич кейинчалик аудитор ҳисоботига ҳам таъсир қилади ва барча муҳим ахборотларни тўла очиб бериш имкониятини чегаралайди;

– иккинчидан, муҳимлик қондаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда баланс таркиби миқдорига, фойда ва зарарларга таъсирини аниқлаш имконини беради, демак, аудиторлик амаллари ёрдамида активлар ва пассивлар миқдорига ҳамда молиявий натижаларга катта таъсир қиладиган бухгалтерия операциялари тадқиқ этилади;

– учинчидан, муҳимлик қондаси фойдаланувчилар учун барча муҳим ахборотни кўрсатишни талаб қилади. Бу талаб барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботни тақдим этиш тўғрисидаги аудиторлик хулосасини шакллантиришга ҳам тегишлидир. Бунда, молиявий ҳисобот каби аудиторлик хулосаси ҳам кўп сонли фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар ҳисоботдаги ахборотлар асосида мутлақо аниқ иктисодий қарорлар қабул қиладилар. Банк раҳбарияти, акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар ахборотдан фойдаланувчилар қаторига киради. Фойдаланувчиларнинг ҳар бирининг ўз манфаатлари бор, улар бухгалтерия ҳисобида нима муҳимлигини ўз манфаатларига асосланиб белгилайдилар.

Аудит режасини ва дастурини тузиш даврида ички назорат rischi аниқланади, чунки унинг даражаси бўлажак иш ҳажмига ва текшириш якуни бўйича қилинадиган хулосага таъсир қилади.

Аудитор режалаштириш босқичида ҳар бир объект бўйича текширув ўтказиш услуги тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Даромад ва харажатларнинг сальдоси ўзига хос бўлмаган ва хато операциялар натижасида юзага келган даромад (харажатлар) турлари ялпи текширилиши мумкин. Бундан ташқари, айрим даромадлар (харажатлар) бўйича текшириладиган объектлар сони кам бўлиши мумкин ва бунда аудиторлик танловини қўллаш ғайриқонуний бўлади (масалан, кўзда тутилмаган даромад ёки харажатлар). Шу сабабли тижорат банкларида назорат riskини тўғри аниқлаш ва уни баҳолаш муҳим масала ҳисобланади. Назорат riskи тўғрисида иктисодчи-олим Р. Дўсмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “**Назорат (назорат воситалари) riskи – НР (CR-Control risk)** – бу корхонанинг мавжуд ва

мунтазам қўлланилиб келинаётган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва ички назорат тизими воситалари алоҳида-алоҳида ёки биргаликда жиддий аҳамиятга эга бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлай олмаслик ва тузата олмаслик (ёки бундай камчиликлар вужудга келишининг олдини олиш) эҳтимолининг аудитор томонидан субъектив тарзда аниқланган кўрсаткичидир”⁷² Демак, ички назорат тизимининг қандай йўлга қўйилгани, ташки аудит томонидан амалга ошириладиган аудиторлик амалларига таъсир қилади. Ушбу масалада тижорат банкларининг фаолиятини қараб чиқадиغان бўлсак, улар томонидан ташкил этиладиган ички назоратни ташкил этиш учун асос бўлиб юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Марказий банкнинг “Тижорат банкларига ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар” (ЎзР МБ 04.07.1998 йил 404-сон) ҳисобланади. Ташки банк аудиторлари томонидан ички назорат тизимини текширишнинг аҳамияти шундан иборатки, аудиторлик ташкилоти томонидан тижорат банки фаолиятини аудит бўйича бажариладиган ишлар ҳажми, шунингдек, текширув муддатлари ва қиймати айнан мана шунга боғлиқ бўлади. Тижорат банкларининг самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак деб ўйлаймиз: тижорат банки капиталининг етарлилиги, ички назорат тамойилларининг риоя қилиниши, банк мулклари, операцияларининг тўғри амалга оширилганлиги ва дастлабки ҳужжатларнинг айланиши ва сақланиши; бошқарув учун ишонарли маълумот олиш; ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; қонун ҳужжатлари талаблари ва ҳисоб сифати қоидаларига риоя қилиниши назорат қилинади ва унга баҳо берилади. Тижорат банкларининг ички назорат тизимига баҳо беришда қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилинишига таянилади:

1. Банкнинг ички назорат тизимининг ташкил этилиши, операцияларни амалга оширишдаги назорат ва ички назорат бўлинимасининг фаолият кўрсатиши учун банк бошқарувининг жавобгарлиги.

2. Ички назорат тизимининг белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши, ҳужжатларнинг тўлиқ даражада тўғрилиги, улар асосида тузилган тижорат банки молиявий ҳисоботининг етарли даражадаги ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиниши.

⁷² Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” . 2003. – Б.85.

3. Тижорат банки ташки аудитидаги мавжуд чеклашлар: агар ички назорат тизими, унинг томонидан қўлланилаётган аудиторлик амаллари ва уларнинг амалда қўлланиш хусусиятлари ҳисобга олинмаса, уни самарали деб тан олиш мумкин эмас.

4. Банк иктисодий ахборотларини ишлаш услуги: банк ахборот технологияларининг қўлланилиши ички назорат тизими ахборотлар қўлда ишланганида ҳам, компьютерда ишланганида ҳам самарали ишлов беришни таъминлаши лозим.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ички назорат rischi кўп жihatдан ички аудит томонидан аудиторлик танловини пухта режалаштириш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва текшириш жараёнини хужжатлаштириш каби жараёнларга боғлиқдир. Шу боис аудитор объектни текширишда кам меҳнат талаб қиладиган ва самарали услубни, яъни танлаш ёки ялписига текширишни қўллаш хусусида қарор қабул қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аудитор ҳар бир текшириладиган объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик танловини амалга ошириш имконияти мақсадга мувофиқлигини аниқлаши лозим.

Назорат riskини мувофиқлик бўйича текширув ўтказмасдан юкори сифатда таснифлаш ва назорат riskининг аҳамиятини ҳисобга олиб, муҳимлиги бўйича текширув ўтказиш учун объект танлаш. Қатор ҳолатларда (масалан, фоиз ҳисобидаги сарф-харажатларни текшириш) мувофиқлик ва муҳимлиги бўйича текширув бир пайтнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар назорат riskи асосли равишда паст деб топилган ҳолатда, аудитор муҳимлиги бўйича текширишдан бош тортиши ва миқдорнинг ички назорати тизими самарадорлигига тўлиқ таяниши мумкин.

Муҳимлиги бўйича текширув ҳисоб юритиш ҳисоб рақамлари бўйича сальдо ёки маблағлар айланмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш мақсадида қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилади: ҳисоб юритиш даврининг мукамаллиги, аниқлиги ва уни чеклаш, баҳолаш, мавжудлик ва бошқалар. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини муҳимлиги бўйича текширишда тегишли синтетик счётларнинг қолдиқлари, аналитик счётларнинг кўрсаткичлари ва таҳлилий натижалар аудиторлик жараёнларининг асосий турлари ҳисобланади.

Банк ХХХ филиалида 2012 йил ички аудит томонидан банк даромади ва харажатларини текширишда қўлланиладиган аудиторлик жараёнлари назорат рискинни аниқлаш услублари

<i>Даромад ва харажат турлари</i>	<i>Назорат воситалари рискинни аниқлаш услублари</i>	<i>Аудиторлик жараёнлари</i>
Фонз ҳисобидаги даромадлар (харажатлар)	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлари
Воситачилик даромадлари (харажатлари)	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлари
Банкнинг бошқа даромадлари (харажатлари)	Назорат воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Бошқа операция даромадлари (харажатлари)	Назорат воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Захирага пул ажратиш	Базавий операциялар бўйича	Таҳлил қилиш жараёнлари
Кўзда тутилмаган даромадлар (харажатлар)	Назорат воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)
Даромад солиғи	Назорат воситаларини текшириш	Сальдони батафсил текшириш (маблағ айланиши)

Бу жадвалда назорат воситалари рискинни аниқлаш услублари, турли даромад ва харажатларга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик жараёнлари рўйхати келтирилган.

Таъкидлаш жонзки, таҳлил қилиш жараёнларини мувофиқлик бўйича текширув натижалари текшириладиган маълум бир объект бўйича назорат воситалари ишонччилигининг юқорилиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган ҳолатда қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда аудитор банкнинг молявий ҳисоботида жиддий хатолар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши учун сўғлар сальдосини текшириши лозим. Даромад ва харажатлар таҳлилни бухгалтерия ҳисоби сўғларида акс эттирилган даромад ва харажатлар миқдорининг тасдиқланганини аниқлаш имконини беради. Чунончи, миқозларнинг кредитяр бўйича олинган фонз ҳисобидаги даромадлари

миқдори кредит бўйича қарздорлик миқдори ва кредитлар бўйича фоиз ставкаси каби омиллар таъсирида юзага келади. Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги даромадни ҳисобга олиш бўйича сальдони ва аудиторлик ҳисоб-китобининг натижаси сифатида олинган маблағни таққослаган ҳолда, ҳисоб юритиш маълумотларининг ишончлилиги тўғрисида дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин.

Аудитор сальдони батафсил текшириш давомида олинган даромадлар миқдорини кредит ва депозит шартномалар, банк тарифлари, биржа савдолари бўйича тегишли ҳужжатларга асосан қайта ҳисоблаб чиқиши лозим.

Масалан: Алфа банкига қиймати 267,0 минг сўмга тенг қимматли қоғозлар операцияси бўйича етказилган зарарни текшириш тартибини кўриб чиқамиз.

Текширишдан кўзланган мақсад ҳисобга олиш ва ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳақидаги фикрни шакллантиришдан иборат. Энг аввало, қимматли қоғозларни ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари текширилади. Бунда:

10700-“Олди-сотди қимматли қоғозлари”;

10800-“Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” счётларнинг тегишли субсчётлар (иккинчи тартибли) счётлари текширилади. Шу жумладан 10700-счёт бўйича қуйидаги счётларга асосий эътибор берилади:

10701-Давлат хазина векселлари;

10705-Давлат облигациялари;

10709-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари;

10711-Қорхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари;

10719-Қорхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари;

10779-Бошқа қимматли қоғозлар;

10791-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив);

10793-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича муқофот;

10795-Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши;


10799-Олди-сотди қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив).

Мувофиқлик бўйича аввал ўтказилган текширувлар назорат воситаларига харажатларнинг ушбу тури бўйича ўрта даражадаги ишончлиликка эга бўлиш имконини берди, яъни бунда назорат воситаларининг риск даражаси ўртача ҳисобланади. Ҳисоботнинг ушбу

моддаси бўйича йўл қўйиладиган хато 163,0 минг сўм миқдорда белгиланган. Аудитор томонидан танлаш асосида текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул килинди.

Аудиторнинг банк фаолиятининг молиявий натижаларини текширишдаги хатти-ҳаракатлари кетма-кетлигини қуйидаги схема кўринишида тасвирлаш мумкин:

Танлаш асосида текширув ўтказиш алгоритминини тузиш жараёнида унинг кетма-кетлигига катта эътибор берилади ва унда маълум тартиб сақланиши лозим. Шу жумладан режалаштириш; танлов элементларига нисбатан аудиторлик жараёнлари; танлов текширувлари натижалари таҳлили, асосий жамланмага нисбатан маълумотларни тарқатиш; тадқиқот мақсадини танлаш; текшириладиган жамланма ҳажмини белгилаш; танлов ҳажмини белгилаш; танлаб текшириш учун элементларни танлаш ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим (3.5-расм).



3.5-расм. Тижорат банки аудитида танлаш асосида текширув ўтказиш алгоритминини тузиш тартиби

Текшириладиган объектлар сонини аниқлашда танлаш асосида текширишни қўллаш имкониятларига тааллуқли шартларнинг бажарилишини таҳлил қилиш зарур. Умумий жамланма ҳажми, ҳар бир объектни бир хиллаштириш имконияти, ҳисобот даврини камраб олиш ва ҳоказолар ана шундай шартлар ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган ҳолатда 267,0 минг сўм миқдорида етказилган зарар 50 та операция натижаси сифатида юзага келган, бунда харажатларни акс эттирадиган ҳар бир ҳолат бир хиллаштирилиши лозим.

Аудитор текшириладиган объектлар сонини аниқлаштириши учун энг юқори қийматга эга элементлар, шунингдек, риск бўйича асосий элементларни аниқлаши лозим. Миқдори жами элементлар ўртача қийматининг 30 фоизидан ортадиган элементлар энг юқори қийматга эга элементлар ҳисобланади. Текшириш учун танланадиган объектларни аниқлаш учун қуйидаги услублардан фойдаланиш мумкин:

- сальдо бўйича;
- маблағ айланиши бўйича;
- омиллар таъсирини баҳолаш бўйича;
- танлаш таваккалчилигини баҳолаш бўйича.

Қимматли қоғозлар операциялари бўйича кўрилган зарарни текшириш учун сальдо бўйича таңлашни аниқлаш услубидан фойдаланамиз. Ушбу услубни қўллаш қуйидаги маълумотларга эга бўлишни талаб этади: текшириладиган жамланманинг энг юқори қийматга эга элементлар ҳамда риск бўйича асосий элементлар йиғиндисига тенг пул билан ифодаланадиган умумий ҳажми (ТЖ); текширув коэффициенти (ТК); текшириладиган жамланма учун йўл қўйиладиган хатолар даражаси (ЙХ). Текширув коэффициенти қиймати турли аудиторлик рисклари – бизнес-риск (паст даража), назорат воситалари rischi (ўртача даража) ва ўзаро боғлиқ жараёнлар (ўртача даража) натижасида юзага келган риск даражасининг бириктириши окибатида аниқланди ҳамда 0,714ни ташкил этди. ТИФ Миллий банкида танлаш асосида текширув ўтказиш учун танланадиган элементлар сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$TA = (TЖ \cdot TK) / (ЙХ \cdot 0,75) = (2670000 \cdot 0,71) / (163000 \cdot 0,75) = 15,5$$

Шундай қилиб, танлаш ҳажми 16 та элементни ташкил этди.

Аудитор танлаш ҳажми аниқланганидан сўнг танлаш асосида текширув ўтказиш учун элементларни танлаши лозим. Танлаш асосида текшириш ўтказиш учун элементларни танлаш услуби ва уларни қўллаш мезонлари 2.9-жадвалда келтирилган.

Қимматли қоғозлар операциялари бўйича етказилган зарар миқдорини текширишда танланадиган элементлар рақами тасодифий

сонлар билан ўзаро боғлиқ бўладиган тасодифий танлаш услуби ва элементлар тенг интервал орқали танланадиган интервал бўйича сон жиҳатдан танлаш услубидан фойдаланилади. Банкда 2009 йилда ушбу элементлар тасодифий услубга кўра танланган ва уларнинг умумий қиймати 754400 сўмни ташкил этди.

3.9-жадвал

Танлаш элементларининг саралаш услуби

Элементни саралаш услуби	Услубни қўллаш мезонлари
Статистик	
1. Тасодифий танлаш услуби	Жами текшириладиган элементларни мажбурий рақамлаш.
2. Интервал бўйича сон жиҳатдан танлаш услуби	Текшириладиган жамланма элементлари ўхшаш қийматга эга ёки қиймат билан ифодаланмайди.
3. Интервал бўйича қийматга қараб танлаш услуби	Текшириладиган жамланма элементлари бир-биридан жиддий фарқ қиладиган қийматга эга.
Ностатистик	
1. Туркум танлаш услуби	Мунотазам такрорланадиган хатоларнинг кўпчилиги.
2. Асосий массив услуби	Асосий массивнинг ҳисоб-рақам умумий миқдоридagi улуши камда 3 фонз.
3. Риск бўйича асосий элементлар услуби	Хатолар юзага келиш эҳтимоллиги бошқаларига қараганда юқори бўлган элементлар мавжудлигига таяниш.
4. Натижалар бўйича асосий элементлар услуби	Жиддий зарар етказиши мумкин бўлган элементлар, хато ва бузилишларнинг мавжудлиги.
Бирлашган	Элементларни танлашнинг статистик ва ностатистик услублари қўшилади.

Аудитор танлаш асосида текшириш ўтказиш учун элементлар танланганидан сўнг аудиторлик ишларни бажаришга киришади. Бу ишларни амалга ошириш натижасида эса аудиторнинг назорат воситаларининг етарлилиги ва самарадорлиги ёки ҳисобга олиш ҳамда ҳисобот маълумотлари тўғрилиги ҳақидаги фикрини шакллантириш учун зарур далиллар олинishi лозим.

Аҳамияти бўйича танланган элементларни текширишда аудитор томонидан амалга ошириладиган қайта ҳисоблаш жараёни далилларга эга бўлишнинг энг яхши услуби саналади. Бунда дастлабки ахборот сифатида банк томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлардан – қимматли қоғозлар олди-сотдиси тўғрисидаги шартномалар, биржа савдолари бўйича тегишли ҳужжатлар, таҳлилий ва синтетик ҳисоб

маълумотларидан фойдаланамиз. Текширув натижалари, жумладан, банк ва аудитор маълумотлари ўртасидаги тафовутни иш ҳужжатига киритамиз. Текширув натижаларига кўра, текширалаётган элементларда умумий хатолар миқдори 1250 сўмни ташкил этгани аниқланди.

Текширув натижаларини баҳолаш ва умумлаштириш ҳамда аудиторлик хулосасини тузиш аудиторлик текширувнинг якуний босқичи ҳисобланади. Танлаш асосида текширув ўтказиш натижаларини баҳолашга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Аудитор танлаш пайтида юзага келган ҳар бир хатони таҳлил қилиши, танлаш чоғида олинган натижаларни текширилаётган барча жамланмага экстраполяция, яъни татбиқ этиши, танлаш рискини баҳолашга лозим. Танлаш пайтида юзага келган хатолар уларнинг нормал эмаслиги ёки ўзига хослигини аниқлаш бўйича таҳлил қилинади. Агар хато нормал бўлмаган хусусиятга эга бўлса, у хатоларни экстраполяция қилишда истисно қилиниши лозим. Танлаш чоғида аниқланган хатоларни асосий жамланма ҳажмига татбиқ этиш аудитор томонидан элементларни танлаш бўйича фойдаланилган услубга қараб, турли усуллар орқали амалга оширилади. Бунда танлаш асосида ўтказилган текширув натижалари хулосасига таъсир кўрсатадиган танлаш rischi эътиборга олинishi шарт. Масалан, аудитор танлаш асосидаги текширув натижаларини тасдиқлайдиган қўшимча аудиторлик далилларига эга бўлса, танлаш rischi камайиш тенденциясига эга бўлади.

Хатолар хусусияти ўзига хос деб топилса, уларни текшириладиган барча объектларга татбиқ этиш лозим. Қиймати 1250 сўмга тенг хато 754400 сўмлик жами элементларга ҳам хосдир. Демак, экстраполяция пайтида асосий жамланма бўйича тахмин қилинаётган қиймати 4424 сўмга тенг хато келиб чиқади. Тахмин қилинаётган хато ҳисоботнинг ушбу моддаси учун жиддийлиги бўйича қолади. Бирок бузилишлар кўламини банк даромади кўрсаткичининг тўғрилиги ҳақидаги фикрни шакллантиришда ҳисобга олиш даркор.

Бундан ташқари, аудиторлар томонидан текширув жараёнини назорат қилиш чоғида ҳам банк даромад ва харажатлари аудити натижаларини баҳолаш керак. Мисол учун, ҳисоботнинг барча муҳим соҳалари ҳақиқатдан текширилгани ёки текширилмагани, далиллар тўплаш жараёнини акс эттирувчи иш файллари ва натижалари тузилгани ёки тузилмагани, ялпи ва танлаш асосидаги текширув хатолари тўғри баҳолангани ёки баҳоланмагани, ҳар объект бўйича хулосалар умумлаштирилгани ёки умумлаштирилмагани, хулосалар ёки иш натижалари мос келиши ёки мос келмаслиги, улар аудиторлик фикрини тасдиқлаши ёки тасдиқламаслигини назорат қилиш лозим.

Хатолар ва бузилишлар банкнинг якуний молиявий натижалари – фойда ёки зарарга таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш ҳамда миқдорий баҳолаш банк молиявий натижаларини текширишнинг якуний палласида муҳим босқич ҳисобланади. Хатоларнинг умумий ҳажмини даромад (зарар) учун мўлжалланган жиддийлик даражаси билан таққослаш ва молиявий натижалар салмоғини тузатиш зарурлиги хусусида қарор қабул қилиш лозим.

Аудитор хулосаси умумлаштирилиб, хатолар ва уларнинг молиявий натижаларга таъсири баҳоланганидан сўнг миқдор раҳбариятига маълум қилиш учун тегишли ҳисобот тайёрлайди. Аудиторлик хулосасини тузиш борасида шунини айтиш керакки, хулоса аудит ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги хусусидаги фикрни ифода этиши зарур. Шу сабабли банк даромад ва харажатлари аудити натижасида олинган хулосалар аудиторлик хулосасини тузиш пайтида эътиборга олинishi лозим. Аммо аудиторлик хулосасининг мустакил объекти сифатида тан олинмаслиги ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, банк фаолиятининг молиявий натижалари аудитини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган ички рискни аниқлаш ва уни баҳолашга тегишли ушбу аудиторлик риск даражасини амалга ошириш аудиторлик текширувлар сифатини яхшилайди, шунингдек, меҳнат сарфи ва вақтни тежаш мақсадида аудиторлар ишларини оқилона ташкил этиш, аудиторлик текширувни сифатли режалаштириш, аудиторлик таваккалчилик даражасини пасайтириш ҳамда уни аудитнинг халқаро талабларга яқинлаштириш имконини беради.

IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИ ВА АУДИТОРЛИКНИ ТАЊЛАШИ

4.1. Тижорат банкларида аудиторлик далиллари тушунчаси, уларнинг тайинланиши ва олдига қўйилган талаблар

Тижорат банклари фаолиятининг аудиторлик текширувларини амалга ошириш жараёнида муҳим масалалардан бири – аудиторлик далилларини тўплаш ва уларни гуруҳлаш ҳисобланади. Чунки тижорат банклари филиалларни ички аудит томонидан аудиторлик текшируви пайтида олинadиган аудиторлик далилларининг миқдори, сифати, шунингдек, аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларга нисбатан халқаро аудит стандартлари талабларини белгилашдан иборат. У маълумотларни тўплаш, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ёки ишончсизлигини, молия-ҳўжалик муомалаларининг бухгалтерия ҳисобини юритишга онд белгиланган қоида ва низомларга мувофиқлигини, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларининг риоя қилинишини текшириш ва мониторингни амалга ошириш, шу билан бирга банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончлилиги бўйича Банк Кенгашига маслаҳатлар бериш учун аудиторнинг шахсий фикрини шакллантириш мақсадида уларни умумлаштириш ва баҳолашни назарда тутати.

Ички аудит хизмати банк операцияларига тааллуқли ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан тартибга солувчи орган чиқарган банк ташкилоти ва бошқарувига доир йўриқномалар, тамойиллар қоидалар ва қўлланмаларга зарур даражада эътибор бериш лозим. Ички аудит хизмати банк фаолиятининг барча йўналишларини таҳлил қилиб баҳолар экан, бунда ички аудит хизмати ходимлари ўз эътиборларини фақат битта йўналишда иш олиб боришга қаратмайдилар. Ички аудит хизмати ходимлари барча бўлимларнинг банк операцияларини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятини таҳлил қилиш орқали банк операциялари аудитига алоҳида эътибор қаратадилар. Ушбу шароитда ташки аудит стандартларига мос ҳолда ички аудитни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётида олинadиган далилларнинг стартилик, ишончлилик даражасини ва уларни тўплашга нисбатан қўйиладиган талаблар – аудитнинг халқаро стандартлари (International Standards of Auditing - ISAs)да 11 та стандартни ўз ичига олган V-“Audit Evidence” (Аудиторлик далиллар) номли маҳсус бўлим ажратилган бўлиб, у қуйидаги стандартларни ўз ичига олади:

- ISA 500, Audit Evidence (Аудиторлик далиллари);
ISA 501, Audit Evidence—Specific Considerations for Selected Items (Кўшимча алоҳида моддаларни кўриб чиқиш бўйича аудиторлик далиллари);
ISA 505, External Confirmations (Ташқи тасдиқлаш);
ISA 510, Initial Audit Engagements—Opening Balances (Бошланғич келишув—бошланғич қолдик);
ISA 520, Analytical Procedures (Аналитик процедуралар);
ISA 530, Audit Sampling (Аудиторлик танлаш ва бошқа тест учун танлаш жараёнилари);
ISA 540, Auditing Accounting Estimates, Including Fair Value Accounting Estimates, and Related Disclosures (Бухгалтерия баҳолашларининг аудити);
ISA 550, Related Parties (Боғлиқ томонлар);
ISA 570, Going Concern (Узлуксиз фаолият);
ISA 580, Written Representations (Субъект раҳбариятига тақдимнома).

Аудиторлик далилларини олиш бўйича халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: №10-АМС “Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа ахборотлар”; №11-АМС “Маълумотларни компьютерда ишлаш шароитида аудит ўтказиш”; №13-АМС “Таҳлилий тадбирлар”; №14-АМС “Аудиторлик танлаш”; №16-АМС “Эксперт ишидан фойдаланиш”; №50-АФМС “Аудиторлик далиллар”, №55-АФМС “Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини очиш тамойиллари”

Аудиторлик далилларига 50-сон “Аудиторлик далиллар” номли АФМСда қуйидагича таъриф берилган: “Аудиторлик далиллари аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви вақтида йиғилган ва аудиторлик хулосасини асословчи маълумот (ахборот)лардир”⁷³ Аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бошланғич хужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари, шунингдек, бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади.

Ушбу масалада чет эллик иқтисодчи олим Э.Аренс томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Аудиторлик далилларига қуйидагилар қиради:

⁷³ 50-сонли АФМС, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 18.04. 2002 й. №1128 /www.lex.uz/.

– Молиявий ҳисоботнинг асоси ҳисобланган бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари.


– Хўжалик субъекти ходимларининг ёзма тушунтиришлари.

– Турли манбалардан (учинчи шахслардан) олинган ахборотлар.

Демак, аудитор унинг хулосасини тасдиқловчи етарли аниқ бўлган далиллар тўплаши лозим. Тўпланган барча далилларни кўриб чиқиб, солиштириб, у ўзи фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, аудиторлик ҳисоботини тузиш бўйича қарор қабул қилиши мумкин. Халқаро амалиётда аудиторлик далилларига нисбатан ишончлилик, етарлилилик ва ўз вақтидалилик талаблари қўйилади⁷⁴

Тижорат банклари фаолиятини ички аудит томонидан текшириш жараёнида тўпланган аудиторлик далилларининг етарлилиги масаласи муҳим ҳисобланади. Аудиторлик далилларининг етарлилиги ички аудит бўлинмасига фикр билдириш учун зарур бўлган аудиторлик далилларининг миқдорий ўлчами қанчалик тўпланганлиги ва унга тегишли фикр билдириш учун етарли асос борлигини билдиради. Бунда ички аудит далилларининг ишонччилигини ифодалаши ва унинг сифат ўлчамига баҳо беришини ифодалайди.

Тижорат банклари ички аудит бўлинмаси томонидан аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида қуйидаги 3 та тамойилга эътибор қаратилади.



4.1-расм. Тижорат банкларида ички аудит томонидан тўпланган далилларининг асосий тамойиллари

⁷⁴ Арнс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит: пер. с англ./ гл. Редактор серии проф. Я.В.Соколов – М.: "Финансы и статистика", 2001. – 560 с.

Тижорат банклари фаолиятининг хусусиятидан келиб чикиб, ички аудит бўлинмаси далилларини тўплашда қуйидаги омилларга эътибор бериш керак:


1. Тижорат банкининг филиалида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг характери, шунингдек, аудитор томонидан назорат рискени баҳолаш.

2. Ички аудит томонидан бажариладиган ишлар ҳажми.

3. Аудитор томонидан тўпланган ички аудит дастури асосида йиғилган бухгалтерия ҳисоби ва нобухгалтерия ҳисоби маълумотларининг манбаи ва ишончлилиги.

Аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида ушбу далилларнинг исботи ҳужжатлар, мавжуд активларнинг колдиклари, пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг инвентаризация натижасида аниқланган ҳақиқий колдиклари, мажбуриятларнинг ҳақиқий ҳолати, учинчи шахс томондан олинган маълумотларга мос келиши билан тасдиқланганда ишончли ҳисобланади.

Тижорат банкининг ички аудит департаменти томонидан тўпланган аудиторлик далилларини баҳолашда турли ёндашувлар мавжуд. Шу билан бирга аудитнинг халқаро стандартларида белгиланган умумий қоидаларга риоя қилиниши лозим.



4.2-расм. Тижорат банкларида ички аудит томонидан тўпланган далилларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш чизмаси

Аудит ўтказиш ва аудиторлик далилларининг тўпланишида асосий масалалардан бири ишончлилик ҳисобланади. Ишончлилик – бу далиллар қанчалик ишончга сазовар бўлиши мумкинлиги ва ҳақиқатга яқин эканлигини тавсифлайди. Агар далилларни юқори даражада ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаш мумкин бўлса, бу молиявий ҳисоботнинг тўғри эканлигига аудиторни керакли даражада ишонтириши мумкинлигини билдиради. Аудит жараёнида олинган далилларнинг ишончлилигини юқори сифатга кўтариш учун далиллар мос ва аудит предметига боғлиқ бўлишлигига, маълумотлар манбаининг мустақиллигига ва ички назорат тизимининг самарадорлигига катта эътибор қаратилиши керак. Агар битта манбадан олинган аудиторлик далиллари кетма-кетликда бўлмаса ёки турли манбалардан олинган аудиторлик далиллари бир-бирига зид бўлса, ички аудит бўлинмаси томонидан қўшимча, аниқ далиллар олиш имконини берувчи амалларни бажариши зарур

№500 “Аудиторлик далиллари” (Audit Evidence) номли халқаро стандартга кўра далилларнинг мос бўлишлиги аудиторлик далилларининг сифат ўлчамини ифодалайди⁷⁵ Далилларнинг мослиги даражасини аудитнинг аниқ мақсадидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин. Далиллар бир мақсад бўйича мос келса, бошқасига мос келмаслиги мумкин. Кўп ҳолларда далиллар аудитнинг бир қанча мақсадларига мос келади, аммо ҳаммасига ҳам эмас. Масалан, тижорат банклари филиалларининг ички аудит текширувида эмиссия-касса операцияларининг аудити биринчи ўринда уларнинг мавжудлигини касса инвентаризацияси орқали ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби счётлари (10101-“Айланма кассадаги нақд пуллар,” 10102-“Нақд пуллар захираси,” 10103- “Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар,” 10105-“Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари,” 10107-“Банкоматлардаги нақд пуллар,” 10109-“Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов” ҳужжатлари ҳамда бошқа счётлар) ва филиал кунлик балансидаги маълумотлар билан такқосланади, шундан кейингина кунлик ҳужжатлар жамланмаси текширилади ва улар асосида кассадаги қолдиқ текширилади. Аудит мақсадини аниқлаш текширув давомида қўлланиладиган амалларни тез ва аниқ белгилаб, ички аудит бўлинмаси учун сарфланадиган меҳнат харажатларини қисқартириш имкониятини беради.

⁷⁵ ISA 500 “Audit Evidence”/ www.iaasb.org/

Аудиторнинг ўзи ташқи манбалардан (марказий офисдаги департамент, бўлинмалардан, ташқи аудитдан) олган далилларнинг ишончлилиги даражаси ички, яъни тижорат банки филиалидан ўзидан олинган далилларга қараганда юқорироқдир. Қачонки, ички назорат тизими самарали фаолият кўрсатса, шундагина ички манбалардан олинган далиллар ишончли бўлади.

Далилларнинг етарлилиги – тўпланган далиллар миқдори орқали аниқланади. У танлаш кўлами ва тўпландаги муайян элементларнинг тавсифи билан боғлиқ. Аудитнинг халқаро стандарти №500 “Аудиторлик далиллари” (Audit Evidence) номли халқаро стандартга кўра, аудиторлик далилларининг етарлилиги унинг миқдорий ўлчамини билдиради. Ушбу стандартга мувофиқ аудиторлик баҳолаш учун зарур маълумотлар миқдори қатъий чегаралаб қўйилмаган. Шу боисдан аудитор ўзининг профессионал фикрига таянган ҳолда аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона молиявий ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида хулоса тузиш учун зарур бўладиган маълумотларнинг миқдори ҳақида мустақил қарор қабул қилиши лозим.

Ўз вақтидалилик – аудиторлик далилларининг ўз вақтида тўпланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Акс ҳолда улар ортиқча ва кераксиз бўлиб қолади. Ўз вақтидалиликка икки хил ёндашиш мумкин: далиллар йиғилаётган вақт бўйича ёки аудиторлик текшируви ўтказилаётган давр бўйича. Ўз вақтидалилик ҳар бир аудиторлик далилининг текширилаётган даврга бевосита тааллуқлилиги ёки банк фаолиятининг ҳисобот тузилганидан сўнг, аммо аудиторлик хулосаси тузилишидан олдин содир бўлган маълум бир жиддий ҳодисаларига тааллуқли эканлигидан ҳам иборат. Тўпланган далиллар текширилаётган ҳисобот тузилган санага қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик ишонарли бўлади.

Далилларнинг ишонарлилиги даражасини фақатгина уларнинг ҳам ишончлилиги, ҳам етарлилиги, ҳам ўз вақтидалилигини умумий баҳолангандан кейингина аниқлаш мумкин. Юқори даражада ишончли ҳисобланган маълумотлар тўплами ҳам фақат улар ўз вақтида бўлгандагина ишонарли ҳисобланади. Худди шундай катта миқдордаги далиллар тўплами бўлгани билан ундаги маълумотлар ишончсиз бўлса, бу етарли бўлмайди.

Одатда, аудитор керакли аниқ бир хулосага қелишига асос бўлувчи аудиторлик далилларини етарли деб ҳисоблайди. Яъни унинг миқдорини аудитор ўз билим малакасига таянган ҳолда

белгилайди. Тижорат банкларида ички аудитор томонидан хўжалик операциясини ёки бир хил хўжалик операциялари гуруҳини тасдиқлаш учун турли манбалардан ва ҳар хил ҳужжатлардан аудиторлик далилларини йиғади ва уларнинг тайинланишини аниқлайди. Ҳар бир олинган аудиторлик далили тегишли операцияларнинг тўғрилигини исботлаш учун хизмат қилади. Ички аудитор томонидан тўпланган ҳар бир далил маълум бир содир бўлган операция ёки рақамлар, ички назорат тизимига баҳо бериш учун хизмат қилади. Ички аудитор томонидан ўзининг шахсий фикрини шакллантиришда барча тижорат банкида содир бўлган операцияларни текширмайди, фақат бухгалтерия ҳисоби сўётларидаги маблағларнинг қолдиқларини, бир турдаги хўжалик операцияларининг тўғри ақс эгтирилганлиги ҳамда ички назорат тизими ҳолатидан келиб чиқиб керакли амалларни бажариши ёки танланма текширув ўтказиши мумкин. Бундан кўринадики, аудиторлик далилларининг сифати бевосита аудиторнинг малака маҳоратига, унинг билимига ҳам боғлиқ.

4.1-жадвал

Тижорат банкида ички аудитор томонидан тўпланган аудиторлик далилларининг тайинланишини таҳлили


Т/р	Аудиторлик далиллари	Манба	Тайинланиши
1.	Кассадаги нақд пул маблағлари қолдиғининг тўғрилигини текшириш учун далил тўплаш	110101 - Айланма кассадаги нақд пуллар 110102 - Нақд пуллар захираси 110103 - Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар 110105 - Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари 110107 - Банкоматлардаги нақд пуллар 110109 - Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари 110111 - Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар 110198 - Марказий банкка топширилаётган нақд пуллар захираси -Касса инвентаризацияси акти	Балансда бўлган кассадаги нақд пул маблағлари қолдиғининг тўғрилигини тасдиқлаш учун

4.1-жадвал давоми


2.	Кредит портфелининг таҳлили ва унинг кўрсаткичларини асослаш	<p>12501 - Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12503 - Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали берилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12505 - Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган кредитлар</p> <p>12509 - Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12599 - Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)</p> <p>12601 - Яқса тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар</p>	Балансдаги соф кредитлар суммасини тасдиқлаш учун
		<p>12605 - Яқса тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган кредитлар</p> <p>12609 - Яқса тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12699 - Яқса тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)</p> <p>12901 - Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12905 - Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган муддати ўтган кредитлар</p> <p>12909 - Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар</p> <p>12999 - Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)</p> <p>Кредит счётлари бўйича аналитик счётлар қолдиқларини текшириш</p>	

Демак, ушбу тартибдаги ҳар бир счёт бўйича қолдиқлар текширилади ва уни асословчи счётлар ҳамда ҳисоб регистрлари ўзаро таққосланади. Масалан: кредит прортефелининг таҳлилида тегишли счётлар қолдиқлари, кредит прортефелининг ёйилмаси, тегишли аналитик счёт маълумотлари, уларга ажратилган захира суммалари текширилади ва улар банк балансидаги соф кредит суммасини тасдиқлаш учун далил бўлиб хизмат қилади.


Аудиторлик далилларининг старли ва мос эканлиги тўғрисида аудиторнинг шахсий фикрини шакллантиришда аудиторлик далилларининг олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

- 

Ички счётнинг аниқлиги ва ҳисобнинг

 - Ҳисоб счётлари ҳисоб ва боғлиқлиги ҳолати
 - Ички счётнинг аниқлиги ҳолати
 - Ички счётнинг умумий счётнинг ҳисобиди
- 

Мулкнинг ҳисоб ва курс ва қилғарини ҳисоб

 - Счётнинг счётлари ҳисоб ва қилғарини ҳисоб ва боғлиқлиги ҳолати
 - Аналитик счётлар ва счётларнинг ҳисоб ва регистрларнинг таққослиги ҳолати
- 

Ўтказилган ва счётнинг аниқлиги ва курс ва қилғарини ҳисоб ва боғлиқлиги

 - Счётнинг аниқлиги ҳолати
 - Ички счётнинг ҳисоб ва боғлиқлиги ҳолати

4.3-расм. Аудиторлик далилларининг олдига қўйилган талабларнинг таснифланиши

Бундан ташқари, аудит жараёнида бажарилган аудиторлик амалларининг натижалари (хато, бузиб кўрсатиш, четта чиқишларнинг аниқланиши), маълумотлар манбаи ва унинг ишончлилигини баҳолаш ҳам талаб қилиниши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ҳолатини баҳолаш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тўғрилашга қаратилган тузилмага эга эканлиги;

бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари фаолиятининг тегишли давр давомида ишлашининг самарадорлиги.

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида 50-сон "Аудиторлик далиллари" номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти

(АФМС) ишлаб чиқилган бўлиб, унда молиявий ҳисобот аудитида олиниши керак бўлган далилларнинг ҳамда аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларнинг миқдор ва сифатига доир талаблар белгилаб қўйилган.

Аудитор аудиторлик далилларни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва шу орқали олинаётган ахборотнинг фойдалигини солиштириб бориши керак. Аудиторнинг мақсади етарли миқдорда ўз вақтида ва ишончли бўлган далил – исботларни олишдан иборат. Ушбу мақсадга кам харажат сарфланган ҳолатда эришиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин, ишнинг мураккаблиги ёки харажатларнинг кўпайиши етарли текширув амалларини бажармасликка асос бўла олмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташқи ва ички аудит текшируви амалга оширилади. Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банкларида аудиторлик далилларининг асосий мақсади тегишли ички аудит томонидан текширилиб, тўғри деган рақамларни асослаш ва тегишли кўрсаткичларнинг тўғрилигини тасдиқлашдан, ушбу кўрсаткичларни тўғри дейиш учун асосли далиллар келтиришдан иборат. Тижорат банкларида аудиторлик далилларини олишда асосий манба сифатида тижорат банки филиалининг молиявий ҳисобот шакллари, синтетик счётлар бўйича қолдиқ ведомости, ҳисоб регистрлари, аналитик счётни юритишга мўлжалланган турли дафтарлар, уларни тўлдириш учун асос бўлган бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерлик ёзувлари, шунингдек, ташқи манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан кенг фойдаланилади ва ундаги маълумотлар агар банкдан олинган маълумотларга мос келса, ушбу кўрсаткич ишончли ҳисобланади.

4.2. Тижорат банклари ички аудитида аудиторлик далилларининг турлари

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудит томонидан олинадиган аудиторлик далилларининг тўғри ва ишончлилигини тасдиқлаш учун олинган далилларни тегишли равишда гуруҳлаш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан тижорат банклари ички аудитида аудиторлик далилларининг бир қанча турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Аудиторлик далиллари олиниши ва моҳиятига кўра турлича гуруҳланади.



4.4-расм. Аудиторлик далилларини турлари бўйича гуруҳланиши

Демак, аудиторлик далилларини турларига кўра ёзма ва оғзаки далилларга бўлишимиз мумкин. Оғзаки далиллар ички аудитор томонидан сўров, суҳбат тарзида олинган ва аудитор қайдномасида акс эттирилган ахборот ҳисобланади. Оғзаки далилларга ички аудитор томонидан сўровномани тўлдиришни киритишимиз мумкин. Масалан: ички назорат тизимининг қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш бўйича сўровнома.

Ёзма далиллар аудитор томонидан олинган ва аудиторлик амаллари сифатида қайд этиладиган, текширилаётган филиал бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан кўчирма сифатида олинган ва ёзув шаклида аудиторлик ҳисоботида қайд қилинган манбалар ҳисобланади. Ёзма шаклда олинган далиллар оғзаки шаклдаги далилларга нисбатан ишончлироқ бўлиши мумкин, лекин айрим ҳолларда оғзаки далиллар анча аҳамиятли ва фойдали бўлиши мумкин.

Тижорат банкларида олинган аудиторлик далилларини уларнинг манбаига кўра туркумлашимиз мумкин. Бундай гуруҳлаш манбалар тижорат банки филиалидан олинган бухгалтерия ҳисоби ахборотлари, банк бош офисидagi тегишли департаментлардан олинган, ташки аудиторлик фирмаси ҳисоботлари ва раҳбариятта йўналтирган хатлари асосида олиниши мумкин. Аудиторлик далиллари олиниш манбаига кўра ички, ташки ва аралаш далилларга бўлиниши мумкин.




4.5-расм. Тижорат банкларида ички аудит томонидан аудиторлик далилларини олиш манбалари бўйича гуруҳланиши

Ички аудиторлик далиллари тижорат банки ходимларидан, текширилаётган бўлимдан ёзма ёки оғзаки кўринишда олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Ташки аудиторлик далиллари учинчи томондан ёзма кўринишда олинган маълумотлардан иборат.

Аралаш аудиторлик далиллари банкдан ёзма ёки оғзаки кўринишда олинган ва учинчи томон ёзма равишда тасдиқлаган маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ички аудити томонидан аудиторлик текшируви натижаси бўйича олинадиган далилларни турлича гуруҳлаштириш мумкин. Шу жумладан ички аудит томонидан далилларни олиш усулига кўра: ички аудит томонидан олинган маълумотларни тасдиқлаш йўли билан олинган далиллар; тегишли белгиланган ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни аниқлаш йўли билан олинган далиллар; ички аудит томонидан ўтказилган таҳлил натижасида аниқланган далиллар каби турларга бўлишимиз мумкин. Ушбу масалалар бўйича гуруҳлаштириш тижорат банки ички аудит томонидан 4.6-расмдаги каби гуруҳланиши мумкин.



4.6-расм. Ички аудит томонидан аудиторлик далилларини олиш усулига кўра туркумлаштириш.

Фактларни тасдиқлаш мулклар ва мажбуриятларнинг муайян турлар мавжудлигини аниқлашдан иборат. Бу ҳўжалик фаолиятидаги фактлар бўлиб, уларни факт-вазиятлар деб ҳисоблаш мумкин. Улар замонавий аудитнинг ажралмас қисми ҳисобланган инвентаризация йўли билан аниқланади.

Фактларни тасдиқлаш амаллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Инвентаризация.
- Текшириш.
- Кузатиш.

- Назоратлаш.
- Бошқалар.

Хужжатлаштирилган фактларни аниқлаш молиявий ҳисоботни ва ҳисоб регистрларини тўлдириш учун асос бўлган дастлабки хужжатларни текшириш йўли билан амалга оширилади. Буларга товарсиз операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ операциялар ёки битта хужжатнинг турли нусхаларидаги ёзувларининг бир-бирига мос келмаслик ҳолатлари мисол бўлиши мумкин. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- Хужжатларни кўриб чиқиш.
- Хужжатларни солиштириш.
- Арифметик ҳисоб-китобларни қайта ҳисоблаш.

Махсус ўтказилган таҳлил натижасида фактларни аниқлаш хужжатларда келтирилган маълумотларни мантиқий жойлаштириш ва математик ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бундай аргументлаш рационал деб номланади ва у аудит жараёнида салмоқли ўрин тутадн. Махсус амалларни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: сўров ўтказиш; банкларда ўрнатилган ички норма ва қоидаларга риоя қилинишини текшириш; тасдиқлаш; муқобил баланс тузиш.

Бундан ташқари, аудиторлик далиллари тақдим қилиш шаклига кўра визуал, электрон, хужжатли ва оғзаки бўлиши мумкин.

Аудиторлик далиллари бевосита олинadиган манбаларга қуйидагилар киради:

- Тижорат банки ва учинчи шахсларнинг дастлабки хужжатлари.
- Тижорат банки бухгалтерия ҳисоби регистрлари.
- Тижорат банки ваколатли ходимларининг ёзма тушунтиришлари.
- Тижорат банкининг бирон-бир хужжатини бошқалари билан солиштириш ҳамда унинг хужжатларини учинчи шахсларнинг хужжатлари билан таққослаш.
- Тижорат банки активлари ва пасивларини инвентаризация қилиш натижалари.
- Турли манбалардан (учинчи шахслардан) олинган ахборотлар.

Бундан ташқари, аудиторлик далилларини олишнинг ахборот манбалари сифатида қуйидагиларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин: таъсис хужжатлари; қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисидаги ҳисобот; ички меъёрий хужжатлар (қузатув кенгаши қарори, буйруқлар, фармойиш, инструкциялар, низом ва бошқалар); бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари; миқозларнинг кредит ва бошқа хужжатлар тўплами; электрон маълумотлар базаси; ташқи

аудит текшируви материаллари; Марказий Банк ва бошқа давлат бошқарув органлари томонидан ўтказилган текширув маълумотлари.

Аудитор томонидан олинган далилларнинг сифати унинг манбаларига боғлиқ. Шахсан аудиторнинг бевосита кузатиши ва банк операцияларини ўрганиши натижасида олинган далиллар энг ишончли ҳисобланади.

Бу борада аудиторлик далилларининг ишончлилигини баҳолаш бўйича 50-сон АФМСда қуйидаги умумий қоидаларга амал қилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган:

– ташқи манбалардан олинган аудиторлик далиллари (масалан, учинчи шахсдан олинган тасдиқ) ички манбалардан олингандан кўра ишончлироқ ҳисобланади;

– агар бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг мавжуд тизими самарали ишласа, ички манбалардан олинган аудиторлик далиллари ишончли ҳисобланади;

– аудиторлик ташкилоти томонидан бевосита йиғилган аудиторлик далиллари хўжалик юритувчи субъектдан олинган аудиторлик далилларидан кўра ишончлироқ ҳисобланади;

– ёзма равишда олинган аудиторлик далиллари оғзаки берилган далиллардан кўра ишончлироқ ҳисобланади⁷⁶

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аудиторлик далилларини ишончлилиги бўйича қуйидагича туркумлаш мумкин (4.7-расм).



4.7-расм. Аудиторлик далилларининг ишончлилиги бўйича туркумланиши⁷⁷

⁷⁶ 50-сонли АФМС, Ўзбекистон Республикаси Адлия-вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 18.04.2002 й. №1128 /www.lex.uz/

⁷⁷ Ушбу расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, аудиторлик далиллариниң ишончилигини қуйи ва юқори даражада туркумлаштириш натижасида шахсан аудитор томонидан тўпланган ва бош аудитор томонидан ушбу ахборот тўғрилиги текширилган маълумотлар энг ишончли бўлиши мумкин.

4.3. Аудиторлик далилларни олиш манбалари

Аудиторлик далилларининг сифатини оширишда уларни йиғиш бўйича аудитор аудиторлик амалларини тўғри қўллай олиши ва ундан самарли фойдалана олиши керак. №50 АФМСда аудиторлик далилларини олишда хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини ўтказиш йўллари билан олиш мумкинлиги келтирилган бўлиб, унга кўра ички назорат тизимининг тестлари – аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ҳолатини баҳолаш учун аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган амалларни ифодалайди. Моҳияти бўйича текшириш амаллари эса аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботда хато-камчиликлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун аудиторлик далиллари олиш мақсадида бажарадиган амалларни ифодалайди⁷⁸

Тижорат банкларининг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини бажариб, аудиторлик далилларини олишда аудитор вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги 4.2-жадвалда келтирилган аудиторлик амалларининг бири ёки бир нечасини қўллаши мумкин.

Аудиторлик далилларини йиғиш бевосита аудиторлик ҳулосасини расмийлаштириш олдидан яқунланади. Йиғилган далиллар, албатта, ишчи ҳужжатларда жадвал, анкета, маълумотнома, ҳужжатлар нусхаси ва шу қабилар кўринишида акс эттирилган бўлишлиги керак. Аудиторлик далилларини йиғишнинг асосий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

⁷⁸ 50-сонли АФМС, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 18.04.2002 й. №1128 /www.lex.uz/

Аудиторлик далилларини олиш амаллари⁷⁹

Назоратлаш	Ўзулар, ҳужжатлар ва моддий активларни текшириш. Аудиторлик далилларини олиш давомида бажарадиган текшириш бўлиб, ундан аудитор ишонччилик даражаси турли хил бўлган далилларни олади. Бу уларнинг характери, манбаи ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.
Кузатиш	Бошқа шахслар томонидан бажариладиган жараён ва ишларни ўрганиш. Аудитор у ёки бу хўжалик муомаласининг ҳужжатлар билан қандай расмийлаштирилганлиги ҳамда бундай факт-ларни ҳисоб регистрларида акс эттиришининг кетма-кетлиги устидан назорат ўрнатишни кузатади.
Сўров	Тижорат банки ва ундан ташқаридаги шахслардан маълумот йиғиш. Сўров расмий ёзма шаклда учинчи шахсларга йўналтирилган ҳамда банк ходимларига норасмий оғзаки саволлар бериш орқали ўтказилиши мумкин. Саволларга олинган жавоблардан аудитор олдин кутмаган натижаларни олиши ёки олинган аудиторлик далилларини тасдиқловчи маълумотларни олиши мумкин.
Ҳисоблаш	Бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ўзуларидаги арифметик ҳисоб-китобларнинг аниқлигини текшириш.
Аналитик амаллар	Ички аудит бўлими томонидан олинган маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолиятидаги ғайриқонуний ва нотўғри акс эттирилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида тижорат банкнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини текшириш, шунингдек, хато ва камчиликлар сабабларини суриштириш.

– Қонунчиликка қатъий риоя қилиш. Яъни аудитор текширув ўтказиш жараёнида фақат амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигини текширибгина қолмай, балки, авваламбор, усул ва йўللари танлашда ўрнатилган барча талабларга риоя этиши керак.

– Далилий материалларни тўлиқ олиш. Олинган натижаларни бир қарашда аҳамиятга эга эмас деб, биргина натижани чиқариб ташлаш келажакда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Далилларни йиғишда ўз вақтидалилик принциpigа амал қилиш. Агар аудитор қайсидир сабабларга кўра билиб ёки билмасдан текшириладиган объект бўйича текширадиган вақтда зарурий


⁷⁹ Ушбу жадал 50-соғли АФМС асосида муаллиф томонидан тузилган.

далилларни ололмаган бўлса, бу саволни доим назоратда ушлаши ва имконият бўлишига ушбу маълумотларни олиши лозим. Бундай ҳолатда маълумотларни кеч олганлиги учун унга ўзгартириш киритилганлик эҳтимоллигини ҳисобга олиши лозим бўлади.

– Аудиторга тақдим қилинган ахборотларнинг ишончлилиги бўйича қафолат олиш. Бунга эришиш учун тақдим қилинган маълумотларга раҳбариятнинг жавобгарлиги тўғрисидаги хатни олиш, олинган маълумотларни тасдиқлатиб олиш каби йўллардан фойдаланиш мумкин.

Аудиторлик амалиётини кузатиш шуни кўрсатадики, далилларни йиғиш тартибсиз ва чалкаш амалга оширилмайди. Аудиторлик далилларини олиш жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади (4.8-расм).

Уларнинг ҳар бирининг аҳамияти ва ўрни умумий текширув натижаси ҳамда сарфланган вақт нуқтан назаридан аудитнинг аниқ босқичида олинган натижаларнинг муҳимлик даражаси орқали аниқланади.



4.8-расм. Аудиторлик далилларини олиш жараёни босқичлари⁸⁰

⁸⁰ Ушбу расм муаллиф томонидан тузилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, агар аудитор нима учун ва қандай турдаги ахборотни олиш кераклигини, аниқланган қайси хўжалик ҳаётининг омилини исботлаш зарурлигини ва буни қандай амалга ошириш кераклигини олдиндан аниқ қилиб белгилаб олса, аудиторлик текширувининг сифати сезиларли даражада ортади. Яъни, мақсадни аниқлаш, аудиторлик далилларини олиш манбалари ва олиш амалларини белгилаш керак бўлади. Масалан, аудитор режалаштириш босқичида банк молия-хўжалик фаолиятини юқори даражада тавсифловчи кўрсаткичларни олишни ўзига мақсад қилиб белгилаб олади. Уларни олиш манбаи сифатида молиявий ва статистик ҳисобот шаклларидадан фойдаланади, олиш усули эса молия-хўжалик фаолияти таҳлилидан фойдаланади.

Аудиторлик далилларини олиш жараёни аудиторлик текшируви давомида бажариладиган барча вазифаларга хосдир. Фикримизча, аудитнинг умумий режаси ва аудит дастурини тузиш билан бир вақтда олдиндан аудиторлик далилларини йиғиш усулларини аниқлаб олиш керак.

Аудиторлик далилларини банкнинг ички назорат тизимини тестдан ўтказиш ва моҳияти бўйича текшириш амалларини қўллашни назарда тутувчи аудиторлик далилларини олиш усулларини олдиндан аниқлаш аудиторлик текшируви фойдалилигини оширади. Айтайлик режалаштириш босқичида аудитор бир қанча вазифаларни бажаради: банк фаолиятини ўрганиш, молия-хўжалик фаолиятини баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юргизиш билан танишиш, ички назоратнинг ишлаши ва ташкилий тузилиши билан танишиш, кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларни аниқлаш. Ҳар бир вазифани бажариш аниқ ахборотларни тўплаш билан кузатилади. Ушбу жараёни маълумотлар манбаининг умумий схемасини ишлаб чиқиш ва аудиторлик далилларини олиш усулларини аниқлаш орқали режалаштириш мумкин.

Ўз ўрнида аудиторлик далиллари ишчи ҳужжатлар шаклида расмийлаштирилаётганда мажбурий тартибда аудиторнинг фикри ҳам акс эттирилиши керак. Аниқланган ҳолат бўйича қўшимча далилларни йиғиш талаб этиладиган бўлса, қўшимча далил йиғиш кераклиги бўйича белги қўяди.

Аудиторлик далиларини баҳолаш деганда текширув давомида тўпланган далилларни аудит мақсадига эришиш ва ишончилигини аниқлашдаги ўрнини белгилаш мақсадида бажариладиган мантиқий ва фикрлашга оид жараён тушунилади.

Аудиторлик далилларини баҳолаш асосан қуйидагиларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади: олинган маълумотлар қонунчиликка зид эмаслиги, яъни улардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги, ушбу олинган далиллар аудит мақсадига мослиги, олинган далиллардан кейинги текширувларда фойдаланиш имкониятлари, тўпланган далиллар мажмуи қарор қабул қилиш учун етарли асос бўла олиши ва аудиторлик хулосасини асослаш учун етарли ҳисобланиши.

Аудитор мутлоқ ҳақиқий тўғри маълумотни ололмаслиги мумкин. У ҳақиқатни ақс эттирувчи далилларни тўплаши керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси аудиторнинг жавобгарлиги даражасини аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Аудиторлик далилларини баҳолаш амалга оширилгандан сўнг олинган натижалар умумлаштирилади. Олинган маълумотлар аудиторлик хулосасида ўз аксини топади.

Аудиторлик текширувларини ўтказишни енгиллаштириш мақсадида уни ўтказишнинг оптимал усулларини қўллаш зарур. Бунда аудиторлик далилларини олиш усулларидан бири бўлган таҳлилий амаллар катта роль ўйнайди. Таҳлилий амалларни ўтказиш аудиторга етарли миқдорда унга керакли бўлган маълумотларни олиш имконини беради. Таҳлилий амаллар деганда, аудитор томондан олинган маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобида нотўғри ақс эттирилган ва ғайриоддий хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, бундай хато ва четга чиқишларнинг сабабини аниқлаш мақсадида банкнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Таҳлилий амаллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Турли даврларга счётлар бўйича қолдиқларни таққослаш.
- Молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш.
- Молиявий ҳисоботларнинг амалдаги кўрсаткичларини ички аудит бўлими томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш.
- Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки тижорат банкларининг ўзи томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш.
- Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига қирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш.
- Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш.

– Молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгаришлари ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффициентлар таҳлили.

Тижорат банкининг молиявий ҳисоботи факт кўрсаткичларини, у томонидан белгиланган режа билан солиштиришда, ички аудит бўлими банк томонидан қўлланиладиган режалаштириш услубиятини баҳолаши ва режа кўрсаткичларига биноан ҳисобот даври молиявий кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг факт кўрсаткичларини мустақил белгиланган прогноз кўрсаткичлар билан солиштиришда ички аудит хизмати ўз тахминларини шаклланган тамойиллар асосида белгилайди. Таҳлилий тадбирларнинг бажарилишида қўлланадиган меъёрлар 13-сонли “Таҳлилий тадбирлар” номли АМСда белгиланган. Бундан ташқари, 520-сонли “Аналитик амаллар” номли аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартида таҳлилий амалларнинг мазмуни ва моҳияти билан бирга таҳлилий амалларни ўтказиш мақсади, вазифаси ва муддатлари бўйича тавсиялар ҳамда аудиторлик текширувларда аудиторлик амаллар натижаларининг ишончлилиқ даражаси бўйича тавсиялар берилган.

Ҳисобот ва меъёрий кўрсаткичлар негизида ҳар хил турдаги коэффициентлар ва фоизли нисбатлар ҳисоб-китоби самарали ҳисобланади. Коэффициентларни танлаш, уларнинг ҳисоб-китоблари усулларини ва ҳисоб-китоб вақти даврларини танлаш меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. 13-сонли АМСда эҳтимолий таваккалчиликлар соҳаларини аниқлашнинг қуйидаги усуллари ажратиб кўрсатилган:

- Жорий давр нисбий кўрсаткичларининг таҳлили.
- Турли даврларда хўжалиқ юритувчи субъект учун ҳисоблаб қўйилган нисбий кўрсаткичлар ўзгаришининг таҳлили.
- Нисбий кўрсаткичлар бир неча турининг ўзгаришларини солиштириш⁸¹

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботи факт кўрсаткичларини тармокнинг ўртacha кўрсаткичлари билан солиштирганда, аудитор банк фаолиятини таҳлил қилади. Бунда аудитор шуларни ҳисобга олиши керакки, тармок кўрсаткичлари мазкур банк кўрсаткичлари билан мутаносиб бўлмаслиги мумкин, шунингдек банклар турли ҳисоб сиёсатидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

⁸¹ 13-сонли АМС, „Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 03.09.1999 й. №814 /www.lex.uz/

Аудитор томонидан банкнинг молиявий ҳисоботи маълумотларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган маълумотлар (нобухгалтерлик маълумотлари) билан солиштириш усули қўлланган тақдирда, аудитор фойдаланилаётган нобухгалтерлик маълумотларнинг аниқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ҳисоботнинг факт кўрсаткичларини аввалги даврлар маълумотлари билан солиштириш жараёнида ички аудит бўлими аудитни режалаштириш босқичидаёқ эҳтимолли рисклар соҳаларини белгилаб олади. Эҳтимолли рисклар соҳаларини аниқлашнинг кенг тарқалган усуллари қуйидагилардан иборат:

– Бухгалтерия баланси моддаларини солиштириш ва улардаги жиддий ўзгаришлар таҳлили.

– Моддалардаги ўзгаришларни бошқа моддалардан ўзгаришлар билан солиштирганда ўзгаришларни таҳлил қилиш. Мазкур ҳолда эҳтимолли риск соҳаси, бир кўрсаткичдаги ўзгариш иқтисодий табиатига кўра бошқа кўрсаткичдаги ўзгаришга мувофиқ келмаганида аниқланади.

Таҳлилий амалларни қўллаш таҳлил этилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги сабабий-оқибат алоқасининг мавжудлигига асосланади.

Тижорат банклари ички аудит хизмати томонидан таҳлилий амалларни қўллаш мақсадлари:

– Тижорат банклари фаолиятининг эҳтимолли рисклар соҳасини белгиловчи ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлари ва натижаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш.

– Банк фаолиятини ўрганиш.

– Молиявий ҳисобот бузилиши фактларини аниқлаш.

– Муфассал аудиторлик амаллари сонини қисқартириш.

– Юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тестдан ўтказишни таъминлаш.

Таҳлилий амаллар аудитнинг бутун жараёни давомида бажарилади.

Таҳлилий амалларни қўллаш аудиторга аудитни режалаштиришда: текшириладиган объектлар тўғрисида маълумотлар йиғиш ва бухгалтерия балансларини текшириш орқали аудитдаги риск даражасини белгилаш ҳамда аудиторлик рискинни баҳолаш имкониятини беради; бошқа аудиторлик амаллари сони ва ҳажминини қисқартиришга имкон беради; аудитга аудит вақтида унинг асосланган, эътиборли фикрини шакллантиришга ёрдам беради; қўшимча аудиторлик амалларини талаб этувчи текширув соҳалари аниқлаб бериши мумкин бўлган молиявий муаммоларнинг мавжудлигини узиш-кесил текшириш вазифасини бажаради.

Аудиторлик текширувлар чоғида таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ҳақиқий маълумотлар ёки аудитор томонидан ҳисоблаб чиқилган суммалари билан таққослаш орқали ҳам қўлланилиши мумкин.

Таҳлилий амалларнинг бажарилиш тартиби 13-сонли АМСда қуйидагича белгиланган:

- тадбирлар мақсадини белгилаш;
- тадбирлар турини танлаш;
- тадбирларни бажариш;
- бажарилган тадбирларни таҳлил этиш.

Таҳлилий амалларни бажариш босқичида аудитор қуйидагилардан танлаб фойдаланади:

- оддий солиштириш;
- ҳисобот даврида бирор-бир кўрсаткичнинг ўзгариш таъсирини ва уларнинг келгуси ёки ўтган даврлардаги тарқалишини аниқлаш;

- бирор-бир кўрсаткичлар ўртасида миқдорий ўзаро алоқадорликларни келгуси ёки ўтган даврларда уларнинг қийматларини ҳисоблаб чиқиш мақсадида аниқлаш.

Аудитнинг яқунловчи босқичида таҳлилий амалларни қўллаш ҳисоб ва ҳисоботдаги аниқланган номувофиқликларга қўшимча далиллар тўплаш ҳамда ушбу номувофиқликларнинг ҳисобот ишончлилигига таъсирини аниқлашга ҳам имкон беради.

Таҳлилий амаллар йиғма молиявий ҳисоботга ҳам, алоҳида балансга ажратилган таркибий бўлинмаларга ҳам қўлланиши мумкин. Таҳлилий амаллар натижаларининг ишончлилиги аудитор томонидан аниқланмаганлик таваккалчилиги, ички хўжалик таваккалчилиги ва назорат воситалари таваккалчилиги даражасининг тўғри баҳоланишига боғлиқ.

Таҳлилий амалларнинг ишончлилигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- Кўриб чиқилаётган ҳисобварақ бўйича қолдиқларнинг муҳимлик даражаси.

- Айни бир текширув объектига йўналтирилган бошқа таҳлилий амаллар натижалари.

- Таҳлилий амалларни бажаришда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг тафовут миқдорлари.

- Таҳлилий амалларни бажаришда нобухгалтерлик маълумотларидан фойдаланиш.

Аудитор томонидан таҳлилий амаллар бажарилишининг натижаси бўлиб тижорат банк молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ғайриоддий тафовутларининг аниқланиши ҳисобланади.

Аудитор бошқа манбалардан олинган далиллар билан тасдиқланмайдиган ғайриоддий тафовутларнинг аниқланиши ҳолатларида, ўтказилган таҳлилий амалларнинг объективлиги ва ишончлилигига шахсан ишонч ҳосил қилиш учун уларни муфассал тадқиқ этиши лозим бўлади.

Тадқиқ жараёни текширилаётган бўлим, филиал раҳбариятини сўров қилишдан бошланиши керак. Жавоблар аудиторлик далиллари билан ёки аудиторнинг банк фаолияти тўғрисидаги билими билан тасдиқланиши лозим. Аудитор, шунингдек, раҳбарият сўрови натижаларига асосланган бошқа аудиторлик амалларини ўтказиш имкониятларини кўриб чиқиши лозим.

Таҳлилий амалларнинг натижаларини қуйидаги ҳолларда қўллаш лозим:

– Аудиторлик ҳулосасини тузишда зарур бўлган аудиторлик далилларини олиш учун.

– Аудиторнинг банк кенгашига аудитни ўтказиш натижалари бўйича ёзма ахборот тайёрлаши учун.

Ғайриоддий тафовутлар таҳлили натижаларини, шунингдек, режалаштириш ва таҳлилий амалларларнинг бажарилиши натижаларини аудитор текширув ўтказиш бўйича иш ҳужжатларида акс эттириши лозим.

4.4. Аудиторлик танлаш усуллари, танлаш услубини шакллантириш, танлаш рисклари ва натижаларини баҳолаш

Тижорат банкларининг фаолиятини аудит қилиш жараёнида аудитор томонидан банкда содир бўлган ҳамма операцияларни кўриб чиқиш имконияти бўлмайдди. Шу сабабли аудитор танлаш усулидан фойдаланади. Аудиторлик танлаш репрезентатив, яъни ишончли бўлиши лозим. Бу танлаб ўрганилаётган молиявий ҳисоботнинг барча элементлари танлаш учун сайланиш тенг асосдаги эҳтимолликка эга бўлишини назарда тутди. Аудиторлик танловнинг репрезентативлигини таъминлаш учун ички аудит бўлинмаси томонидан қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланиши мумкин:

1. Тасодифий танлаш. Тасодифий сонлар жадвали бўйича амалга оширилиши мумкин.

2. Мунтазам танлаш. Элементларни тасодифий танланган сондан бошлаб мунтазам оралик орқали танланишини кўзда тутати. Оралик ёки жамланма элементлари муайян сонда ёки кийматни баҳолаш асосида амалга оширилади.

3. Аралаш танлаш. Тасодифий ва мунтазам танлашнинг турли услулари уйғунлигини инодалайди.

Тасодифий танлаш усулини ички аудитор томонидан танланганда бевосита ички аудит ходими тасодифан тегишли маълумотлар жамланмасини танлаб текширади. Масалан эмиссия-касса операциялари аудитини амалга ошириш жараёнида касса операциялари бўйича кунлик ҳисоботлардан танлаб олиш масаласи пайдо бўлади. Бундан 200 та кунлик касса операциялари бўйича ҳисоботдан 75 тасини танлаб текшириш учун вақти ва имконияти мавжуд. Аудитор ўзининг танлаш жараёнида қуйидаги папкаларни танлаб олган:

1,2,4,6,9,12,13,14,16,17 = 10 та;

21,23,25,28,29,30,31,33,37,40 = 10 та

44,45,47,49,51,55,56,58,59,61 = 10 та

64,67,68,69,70,76,78,79,80,81 = 10 та;

83,85,86,89,90,91,95,97,98,101 = 10 та;

106,109,112,116,117,119,121,124,127,132 = 10 та;

136,142,145,156,159,162,171,178,183,186 = 10 та;

194,196,198,199,200 = 5 та;

Ушбу сонларни танлашда аудитор ҳеч қандай кетма-кетлик, системага риоя қилмаган ва ўзи хоҳлаган сонлар бўйича танлаб олганлиги сабабли тасодифий танлаш деб юритилади.

Бундан ташқари, ички аудитор томонидан тасодифий танлаш усулини амалга ошириш жараёнида тегишли ички аудит бўлини маси томонидан ишлаб чиқилган тасодифий танлаш жадвалидан фойдаланиш мумкин. Бундай жадвал ички аудит бўлини маси иш тажрибаси ва аудиторларнинг малакаси, масалан, ой охирида касса ҳужжатларига алоҳида эътибор бериш кераклиги, кунлик ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларнинг оборотларга мос келишлигига эътибор қаратади.

Ички аудитор томонидан папкалар тайёр қилиниб, улардан аудиторлик ташкилоти, танлашнинг ўтказилиши натижалари бўйича аудиторларнинг профессионал мулоҳазаси бутун жамланмага дахлдор бўлмаган вақтда норепрезентатив, яъни ишончли бўлмаган жамланмани ишга солиши мумкин. Аудитор алоҳида олинган операциялар гуруҳини алоҳида топширганда ёки тегишли равишда эҳтимолли хатолар белгиланган операциялар тоифасини текширганда норепрезентатив танлаш қўлланиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти ҳисобварақлар бўйича сальдо ва операцияларнинг акс эттирилиши тўғрилигини текшириш ёки текширилаётган жамланманинг элементлари сони жуда ҳам камлигидан, статистик усулларнинг қўлланиши тўла ҳуқуқли бўлмаганлиги сабабли назорат тизими воситаларини яхлит тарзда текшириши ёки, агар аудиторлик танлашнинг қўлланиши яхлит текширув ўтказишдан кўра самарасизроқ бўлса, текшириши мумкин. У аудиторлик далилларини тўплаш учун ишончли имкониятларини ифода этиши лозим.

Аудиторлик танлаш текширилаётган жамланманинг 100 фоиздан кам бўлган объектларига нисбатан аудиторлик қонун-қоидаларини қўллаш мақсадида амалга оширилади. Бундай объектлар деганда, ҳисобварақлар сальдосини ташкил этувчи элементлар ёки бутун текширилаётган жамланма ҳақида бир фикрга келишга имкон берувчи аудиторлик далилларини йиғиш учун ҳисобварақлар бўйича айланма (оборот)ларни ташкил этувчи операциялар тушунилади. Танлашни тузиш учун аудиторлик ташкилотига оид бухгалтерия ҳисоботининг аниқ, муайян бўлимини текшириш тартибини, танлаш орқали амалга ошириладиган, текширилаётган жамланмани ва танлаш ҳажмини белгилаб олиши керак.

Бухгалтерия ҳисоботининг аниқ, муайян бўлими текширувини ўтказишни ишлаб чиқишда аудиторлик ташкилоти текшириш мақсадини ва бу мақсадларга эришишга ёрдам берувчи аудиторлик қоида-қоидаларини белгилаб олиши керак. Шундан сўнг аудитор юз бериши мумкин бўлган хатоларни аниқлаши, унга далиллар тўплаши ва бу зарур далилларни баҳолаши ҳамда шу асосда қўрилаётган маълумотлар жамланмасини белгилаши керак. Аудиторлик ташкилоти ўрганилаётган жамланмани шу тарзда аниқлаши керакки, у аудитнинг мақсадига мувофиқ келсин. Жамланма муайян тарзда идентификация қилинадиган бирликлар тўпламидан ташкил топиши керак. Аудиторлик ташкилоти жамланма элементлар танлашини унга ўз олдига қўйилган мақсадларга эришишга имкон берувчи самарали ва тежамкорлик тарзида ўтказди.

Танлашни ўтказишда аудиторлик ташкилоти ўрганилаётган жамланманинг ҳар бирининг элементларини ўхшаш хусусиятларга эга бўлган алоҳида гуруҳларга ("жамланмага тегишли") ажратиши мумкин. Жамланмаларни ажратиш мезонлари шундай бўлиши керакки, ҳар қандай элемент бўйича, у қандай жамланмага ёки гуруҳга оид эканлигини аниқ кўрсатиш мумкин. Стратификация деб номланувчи мазкур қонун-қоида, маълумотлар тарқоқлигини (вариацияни) камайтириб, аудиторлик ташкилотининг ишини енгилаштиришга имкон беради.

Жамланманинг ҳажми (ўлчами)ни белгилашда аудиторлик ташкилоти танлаш рискени, йўл қўйилган ва қутилаётган хатоларни аниқлаши керак. Танлаш шундан иборат бўладики, аудиторнинг танлаш маълумотлари асосида юзага келган, муайян масалалар бўйича фикри, худди шу масалалар бўйича бутун жамланмани ўрганиш асосида юзага келган фикрлардан фарқ қилиши мумкин. Танлаш риски назорат тизими воситаларини тестдан ўтказишда ҳам, бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича оборотларни ва сальдоларнинг тўғри акс эттирилганлигини текширишда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Аудиторлик амалиётида назорат тизими тестлари ва ҳисобварақлар бўйича оборотлар ҳамда сальдо тўғрилигини текшириш учун биринчи ва иккинчи тур рисклар фарқланади.

Назорат воситаларини тестдан ўтказишда қуйидаги танлаш рисклари фарқланади:

1. Биринчи тур риск – танлаш натижаси назорат тизимининг ишончсизлигини кўрсатганда, аслида тизим ҳақиқатан ҳам ишончли бўлгани ҳолда, тўғри фаразни рад этиш риски.

2. Иккинчи тур риск – танлаш натижаси тизимнинг ишончсизлигидан далолат бериб, аслида назорат тизими зарурий ишонччиликка эга бўлмаган ҳолда, нотўғри фаразни қабул қилиш риски.

Ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдонинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этганлигини синчиклаб текширишда қуйидаги танлаш рисклари фарқланади:

Биринчи тур риск – танлаш натижаси текширилаётган жамланма жиддий хатоларга эга эканлигидан далолат бериб, аслида жамланма бундай хатолардан холи бўлгани ҳолда, тўғри фаразни рад этиш;

Иккинчи тур риск – танлаш натижаси текширилаётган жамланма жиддий хатоларга эга эмаслигидан далолат берса, аслида жамланма жиддий хатога эга бўлган ҳолда, нотўғри фаразни қабул қилиш .

Тўғри фаразни рад этиш риски аудиторлик ташкилоти томонидан рискни ёки танлаш ўтказиш натижасида унинг ҳисоб-китобида хато борлиги аниқланган хўжалик юритувчи субъект томонидан қўшимча ишларни бажаришни талаб этади. Нотўғри фаразни қабул қилиш риски аудиторлик ташкилоти иши натижаларини шубҳа остига олади.

Танлашнинг ўлчами аудитор томонидан ижозатли деб ҳисобланадиган хато миқдори билан аниқланади. Унинг миқдори қанчалик кичик бўлса, танлашнинг зарурий ўлчами шунчалик катта бўлади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар аудитор томонидан танланган муҳимлилик даражасига мувофиқ равишда аудитни

режалаштириш босқичида аниқланади. Йўл қўйиладиган хатонинг ҳажми канча кам бўлса, аудиторлик танлашнинг ҳажми шунча катта бўлиши керак.

Назорат тизими воситаларини тестдан ўтказишда ҳўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланган ва аудиторлик ташкилоти режалаштириш босқичида аниқланган назорат конун-қондаларидан юкори даражада бўлиши хато ҳисобланади. Ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғрилигини текширишда сальдода ёки проводкаларнинг муайян тоифасидаги энг катта хато, йўл қўйиладиган хато ҳисобланади. Бундай хатоларнинг бутун аудит жараёнига таъсири, бухгалтерия ҳисоботлари жиддий хатолардан холи эканлигини ишончилиқнинг етарли даражада тасдиқлашга имкон бериши учун аудиторлик ташкилоти бунга йўл қўйиши мумкин. Агар аудитор текшириляётган жамланмада хато мавжуд деб ҳисобласа, бундай хатоларнинг умумий миқдори йўл қўйиладиган хато ўлчамидан ошмаслигини текшириш учун катта миқдордаги танлашни амалга ошириши керак. Агар аудитор танлаш хатолардан холи деб ҳисобласа, кичик ўлчамдаги танлашдан фойдаланади.

Аудиторлик танлаш унинг натижаларини баҳолашга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай танлаш учун аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

1. Танлашга кириб қолган ҳар қандай хатони таҳлил этиш.
2. Танлашни амалга оширишда олинган натижаларни бутун текшириляётган жамланмага экстраполяциялаш, яъни татбиқ этиш.
3. Танлаш рискларини баҳолаш⁸²

Танлашга кириб қолган хатоларни таҳлил қилишда аудиторлик ташкилоти, биринчи навбатда, танлашга кириб қолган хатоларнинг табиатини аниқлаши лозим. Танлашни шакллантиришда у қандай аниқ мақсадларни кўзлаб ўтказиляётганини таърифлаш ва танлашда аниқланган хатоларни шу мақсадларга мувофиқ равишда баҳолаш лозим. Агар кўзланган текширув мақсадларига танлаш текширувлари ёрдамида эришилмаган бўлса, унда аудиторлик ташкилоти муқобил аудиторлик конун-қондаларини ўтказиши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти хатоларнинг сифат жиҳатини, яъни уларнинг моҳияти ва уларни юзага келтирган сабабларни баҳолаши, шунингдек, аудитнинг бошқа участкаларига таъсири аниқлаши мумкин. Аниқланган хатоларни таҳлил қилиб, аудиторлик ташкилоти уларнинг операция турлари, ишлаб чиқариш бирликлари, хатолар айнан

⁸² Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 678 б.

ўшалар учун топилган бўлишлар, хатоларнинг келиб чиқиш вақти ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган умумий белгиларга эгаллиги тўғрисида ҳудосага келиши мумкин. Бу ҳолда аудиторлик ташкилоти текшириладиган жамланмани, мувофиқ белгиларига кўра унга тегишли гуруҳларга бўлиши ва аниқроқ натижаларга эришишига имкон беришини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирини алоҳида текшириши мумкин.

Аудиторлик ташкилоти танлашлар бўйича олинган натижаларни бутун текшириладиган жамланмаларга татбиқ этиши шарт. Танлаш натижаларини бутун жамланмаларга татбиқ этиш усуллари турлича бўлиши мумкин, лекин улар доимо танлашни тузиш усулларига мувофиқ келиши лозим. Агар жамланма тегишли гуруҳларга ажратилган бўлса, уни татбиқ этиш ҳам уларнинг ҳар бирига нисбатан амалга оширилиши керак. Аудитор текшириладиган жамланмадаги хато йўл кўйиладиган миқдордан ортиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинг учун аудитор татбиқ этиш воситасида олинган жамланма хатоларини йўл кўйиладиган хато билан солиштиради. Агар биринчи хато йўл кўйилганидан ортиқ бўлса, аудиторлик ташкилоти танлаш хатоларини такроран баҳолаши лозим. Агар уларни номуқом деб топса, у ҳолда аудиторлик қонун-қондалари доирасини кенгайтириши ёки ўтказилганларига муқобил бўлган аудиторлик русумларини қўллагани мақул бўлади. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик танлашнинг барча босқичларини ва унинг натижаси таҳлилини мажбурий тартибда иш ҳужжатларида акс эттириши шарт.

Аудиторлик танлови тўғрисидаги масала аудиторлик иши технологиясининг аудиторлик далиллари, аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, миқдорнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимини баҳолаш каби тушунчалари билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Ишониш даражаси ўртача бўлган ҳолатларда назоратнинг танлов усулини қўллаш зарур. Танлаб текшириш икки турда бўлиши мумкин:

- мувофиқликни текшириш;
- моҳият бўйича текшириш.

Мувофиқликка танлаб текширишнинг вазифаси текшириладиган ҳисобот даврида ички назорат мейёрлари қанчалик тез-тез бузилганини аниқлашдан иборат. Мувофиқликка танлаб текширишни атрибутив текшириш ҳам дейишди. Ички назоратнинг корхона раҳбариятининг моддий бойликларини харид қилишга, чет ташкилотларнинг хизматиغا ҳақ тўлашга сўёт-фактураларга руҳсат бериши, корхонага келтириладиган моддий бойликларнинг номи, миқдори ва сифатини

амалда уларнинг йўл ҳужжатларига қиёслаш каби унсурларни текшириш атрибутив танловга мисол бўлади.

Мохият бўйича танлаб текширишнинг вазифаси ички назорат бузилишининг қиймат бўйича ифодасини ўлчашдан иборат. Моҳият бўйича танлаб текширишни миқдор текшириш деб аташ мумкин. Миқдор танловига бухгалтерия ҳисоби, ҳисобварақаларидаги қолдиқларни ва бошланғич ҳужжатлардаги ёзувларни тасдиқлаш, учинчи шахслардан тўғрилигини тасдиқловчи далилларни олиш, хўжалик фаолияти кўрсаткич-ларини таҳлил қилиш мисол бўла олади.

Танлаб олиб текшириш усули эҳтимоллик назарияси қонунларига асосланади. Бу назарияга мувофиқ яхлит нарса тўғрисида унинг нисбий қичик қисмига қараб аниқ маълумот олиш мумкин.

Ҳар қандай танлаб текширишни ташкил этиш қуйидагиларни аниқлашни ўз ичига олади:

- а) танлов популяциясини (майдони, бош танлама);
- б) кузатиш бирлигини;
- в) танлов бирлигини;
- г) танлов усулларини;
- д) танлов ҳажмини;
- е) унинг салмоғини (репрезентативлигини) текшириш;
- ж) танлов маълумотларининг популяциясига тарқалиш тартибини.

Текшириш мақсадларига эришиш учун тегишли популяцияни аниқлаш лозим, чунки танлов асосида чиқарилган хулоса айни шу аниқ бир популяцияга тегишли бўлади.

Тижорат банкларида ички аудит тизимида танлаш жараёнини ташкил этишда асосий эътиборни аудитнинг усулларига қаратиш лозим. Шу нуқтаи назардан танлашда популяция усулига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Популяция – бу маълум элементлар йиғмаси.

Праводка моддалар, танлаб олинadиган ёзувлар ва шу танлов ахборот берадиган ёзувлар аудитда элемент бўлиши мумкин.

Популяцияни тузиш учун миқдорнинг барча ҳужжатлари турли белгилар – ҳужжатларнинг хусусияти, моддий жавобгар шахслар ва вақт бўйича гуруҳларга ажратилади. Масалан, агар аудитор маълум миқдордан ортиқ дебиторлик қарзлари тўғрисида ахборот тўплаша, дебиторлик ҳисоблашувларининг келишиб олинган миқдордан кам бўлмаганларига тегишли барча бухгалтерия ҳужжатлари, ёзувларининг жамламаси текшириладиган популяцияни ташкил этади.

Статистик танлов усулини, биринчидан, популяция унсурларига ундан энг муҳим элементлар танлаб олиниб, ялпи усулда текширилгандан сўнг қўлланиши лозим бўлади.

Иккинчидан, популяцияни катламларга ажратиш ёки ораларини ажратиш қўлланилади, яъни унсурлар бир хил белгиларига караб гуруҳларга ажратилади, масалан, тахминан бир микдордаги ҳисобварақлари ажратилади ва ҳосил бўлган кичик гуруҳдан танлаб олинади. Бундай кичик гуруҳлар стратлар деб аталади. Бундай ёндашув текширишнинг самарадорлигини оширади, чунки эътиборни хатар чиқиши кам гуруҳларга қаратиш имконини беради.

Учинчидан, статистик танлов хатари танлов ҳажмига тескари мутаносибдир. Танлов бутун популяция тўғрисида тасаввур бериши лозим бўлгани учун танлов унсурларини саралаб олиш усули катта аҳамиятга эга бўлади. Танлов унсурларини саралаб олишнинг уч усули мавжуд, булар:

а) батартиб;

б) ихтиёрий;

в) тартибсиз.

Батартиб танлаш усулида танлов оралиғини ҳисоблаш; санаш нуқтасини танлаш; популяциянинг барча тегишли унсурларни ажратиб олиш зарур.

Танлов оралиғи популяция ҳажмини танловнинг талаб қилинган ҳажмига тасдиқлашнинг бир қисмидир. Масалан, популяция 250 элементдан иборат, талаб қилинган танлов ҳажми – 25, шунда танлов оралиғи – 10 (250:25). Танловнинг эркин бошланиши қилиб популяциянинг учинчи элементи танланган. Шунда 3,13 (10+3), 23 (10+13), 33(10+23) бўлади ва ҳоказо.

Агар популяция изчил ташкил этилган бўлса, батартиб танлов усулини қўллаш боадаблик бўлмайди. Бундай ҳолларда иккинчи усулдан танловнинг ихтиёрий усули қўлланилади.

Танловнинг ихтиёрий усулида популяциянинг танловга олинadиган ҳар бир унсурга танловга тушиш эҳтимоли бир хил бўлади.

Ихтиёрий танловни амалга ошириш учун «тасодифий сонлар дастағи» қўлланилади, у махсус компьютер дастури бўлиб, популяция унсурларини тасодифий йўл билан шакллантиради.

Рақамли мисолимизга қайтиб, таъкидлаш керакки, популяциянинг 250 унсури йил давомида ёзилган. Йил бошидан тартиб рақами қўйилган ҳисобварақлар ҳисобга олинган компьютерлашган журнал-ордердан иборат. Танлов ҳажми ҳам 25 га тенг бўлади, лекин жамламанинг айрим рақамлари эркин танлаб олинади.


Тартибсиз танлаш усули биринчи ва иккинчи усулларнинг унсурларидан фойдаланмай амалга оширилади, лекин у ихтиёрий танлов усулига яқиндир, чунки бунда унинг унсурлари популяциядан эркин танлаб олинади.

Тартибсиз танловга мисол килиб бутун текшириладиган даврга онд барча бошлангич ҳужжатлардан танлаб олишни келтириш мумкин. Бунда ҳужжатлар солинган жилдлар популяция вазифасини ўтайди, жилддан аудитор оладиган ҳар қандай ҳужжат танлов унсури бўлади.

Тижорат банклари ички аудиторлик текширувларида аудиторлик танлашга мурожаат қилишга асосий сабаб назорат амалларининг кўп меҳнат талаб қилишлиги ва қийинлигидадир. Танлаб текширув ўтказиш олдиндан аудитни режалаштириш босқичида назарда тутилади. Аммо аудит давомида тўлиқ ёппасига текширув ўтказилиши ҳам мумкин, бу асосан муҳим объектларни текширишда ўтказилади.

Аудиторлик танлаш деб, аудит жараёнларида 100% дан кам бўлган чегарада счётлар қолдиги, операциялар йиғиндиси ва далил бўлувчи асосларнинг тўпланишига айтилади. Бунда ҳамма элементлар танлаш орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари ички аудитида танланма текширувини ўтказишда унинг асосий қадамларини аниқлаш ва уларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади (4.9-расм).



4.9-расм. Аудиторлик танланма текширув босқичлари

Биринчи навбатда. аудитор текширувга тайёрланиш давомида аниқ бир муайян бўлимни аниқлаб, шу бўлим текширувига тегишли аниқ вазифани белгилаб олиши керак бўлади. Ушбу вазифаларни аниқлашга аудитнинг умумий мақсади сингари текшириладиган алоҳида объектларнинг ўзига хос хусусиятлари таъсир қилади.

Танлаш репрезентатив, яъни ишончли бўлиши лозим. 14-сонли “Аудиторлик танлаш” АМСга мувофиқ репрезентативликни таъминлаш учун аудиторлик ташкилоти қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланиши мумкин:

– *Тасодифий танлаш.* Тасодифий сонлар жадвали бўйича амалга оширилиши мумкин.

– *Мунтазам танлаш.* Элементларни тасодифий танланган сондан бошлаб мунтазам оралик орқали танланишини кўзда тутати. Оралик ёки жамланма элементларининг муайян сониди ёки қийматни баҳолаш асосига қурилади.

– *Аралаш танлаш.* Тасодифий ва мунтазам танлашнинг турли усуллари уйғунлигини ифодалайди⁸¹

Танлаш ҳажми бу – ўрганилиётган бош тўпламдан текшириш учун танлаб олинган элементлардир. Танланма ҳажмини аниқлаш мураккаб вазифа, уни алоҳида эътибор билан амалга ошириш керак бўлади.

Ўрганилаётган тўплам элементларини танлаш ва танланган элементларни ўрганиш натижасида аниқланган четга чиқишлар (хатолар, бузилишлар, камчиликлар)ни ҳамда текширув ўтказишнинг ҳамма босқичлари ва унинг натижалари таҳлилини аудитор ўзининг ишчи ҳужжатларида 6-сонли «Аудитни ҳужжатлаштириш» АФМС талаблари асосида акс эттириши шарт.

Танланма текширув бўйича якуний хулоса чиқаришдан олдин, яъни топилган четга чиқишларни, йўл қўйилган хатоларни бутун тўпламга татбиқ этиш учун аудитор танлашга кириб қолган ҳар қандай хатони таҳлил этиши, алоҳида-алоҳида моҳиятини ва уларнинг юзага келиш сабабларини баҳолаши керак. Бунда қуйидагиларга аниқлик киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– ушбу четга чиқишлар нима сабабдан юз берган: ички назорат тизимидаги камчиликлар, ходимларнинг меъёрий ҳужжатларни нотўғри тушуниши, бепарволик, қасддан хато килиш ва ҳоказолар;

– ушбу четга чиқишлар доимийми ёки тасодифийми, яъни барча ҳужжатлар ва операцияларга тааллуқлими, масалан, бухгалтернинг қонунчилик талабларини нотўғри тушуниши натижасида юзага келганми;

⁸¹ АМС-сонли 14 “Аудиторлик танлаш” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 03.09.1999 й. №815/www.lex.uz/

– ушбу хатолик бошқа ҳисоб объектларига ва молиявий натижаларга қандай таъсир этади. Масалан, асосий воситаларга ортиқча ҳисобланган эскириш – таннархнинг кўтарилиши – фойданинг камайиши – тўланмаган даромад солиғи, мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган базанинг камайтирилиши – мулк солиғи бўйича тўланмаган солиқ.

Йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиб, аудитор корхонада ҳисоб юритишни ҳамда ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради. Бундан ташқари, қўшимча текшириш ўтказиш мақсадида танланма ҳажмини ошириш бўйича қарор қабул қилиниши ҳам мумкин.

Аудитор танлаш усулига мувофиқ ҳолда натижалар бўйича статистик ёки ностатистик баҳолаш ўтказилади. Аудиторнинг охириги босқичдаги вазифаси танлаш бўйича олинган натижаларни бутун текшириладиган тўпламга татбиқ этишидир.


V БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИ

5.1.Тижорат банклари эмиссия-касса операцияларининг ички аудитини ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий мақсадларидан бири – миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдир. Бу мақсадга иқтисодни пул билан мувозанатли таъминлаган тақдирдагина эришиш мумкин. Инфляцияни камайтириш ва пул эмиссиясини чегаралаш (чеклаш) учун мулк шакллари турлича бўлган тижорат банкларининг эмиссия-касса операцияларини юритиш устидан назоратни кучайтириш хозирги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июнда қабул қилинган «Нақд пул муомаласини мустахкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 июндаги 1831-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома (янги таҳрири)» ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан тижорат банкларида касса ишлари ташкил қилинади ва ҳўжалик субъектларига нақд пул берилиши ва уларнинг тушумларининг банк кассаларига топширилиши, нақд пул беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилиши устидан фаолиятни янада оширилди.

Тижорат банклари томонидан эмиссия-касса тартибига қатъий тарзда риоя қилиш Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини ҳар томонлама мустахкамлашга қаратилган муҳим вазифалардан биридир. Нақд пул билан операцияларни амалга ошириш учун банк муассасалари банк кассасига тушган нақд пулни ҳисобвараққа киритиш ва чиқим касса операцияларини бажариш билан шугулланувчи оборот (операция) кассасига эга. Тижорат банклари иқтисодийёт тармоқлари корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ҳамда хусусий шахсларга касса хизмати кўрсатишни банк ходимлари қабул қилган пул ҳужжатлари (чеклар, тўловномалар, қирим-чиқим ордерлари) асосида операция қуни давомида амалга оширади. Банк кассасига келган барча нақд пуллар айнан шу иш қунида (операция) кассасга қирим қилиниши зарур. Банк муассасалари раҳбарлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда аҳолига аниқ ва ўз вақтида эмиссия-касса ишлари ҳамда инкассация хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.



5.1 расм. Тижорат банклари касса операциялари бўлимининг таркибий тузилиши⁸⁴

Ҳар бир банк муассасаси ўз таркибида касса операциялари бўлими (касса)га эга. Банкларда пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида қуйидаги кассалар ташкил этилади: кирим кассаси, чиким кассаси, кирим-чиким кассаси, инкассация қилинган тушумни санаш кассаси, банкнинг кечки (нақд пулни ва инкассация қилинган тушум жойланган сумкани қабул қилиш) кассаси. (5.1-расм)

Тижорат банклари ушбу касса операциялари ҳажми ва касса ходимлари банкнинг белгиланган штатидан келиб чиққан ҳолда банк муассасаси раҳбари фармойишига биноан ташкил этилади. Банк муассасаларида касса ишининг ташкил этилиши ва унинг аҳволи учун – банк раҳбари ва Касса операциялари бўлими бошлиғи жавоб беради.

Банк муассасаларида нақд пулни операция куни мобайнида қабул қилиш учун кирим кассалари ташкил этилади.

⁸⁴ Ушбу расм муаллиф томонидан мустақил тузилган.

Маълумки, тижорат банклари ўз мижозларига нақд пул беришнинг белгиланган тартибларига риоя этилиши, ҳисобрақамларига маблагларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини, банк кассаларида нақд пулларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтириш жуда муҳимдир. Шунинг учун аудиторлик текширувчи молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида тижорат банкларида ички аудит бўлинмаси томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида касса операциялари аудитини меъёрий тартибга солувчи қонун, низом ва йўриқномалар: «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, «Ўзбекистон Республикасида банкларни аудит қилиш тўғрисида»ги низом, «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида эмиссия-касса иши, пул тушумини инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир» йўриқнома, Марказий банкнинг «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар», «Марказий банк томонидан тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ички аудити томонидан эмиссия-касса операцияларини аудит қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир» йўриқномасида тижорат банклари томонидан касса хизматининг кўрсатилишини ташкил этиш, қирим-чиқим кассаларида операцияларни амалга ошириш, эмиссия операцияларини амалга ошириш, пул тушумини инкассация қилиш, бойликларни ташиш ва жўнатиш, қимматбаҳо металл билан операцияларни бажариш қондалари, тижорат банклари кассаларида пулларни сақлашни ташкил этиш ва уларнинг сақланиши устидан назоратни ўрнатиш ва бошқа операцияларни ўтказишнинг меъёрий тартибларига риоя қилиниши текширилади.

Тижорат банклари эмиссия касса операциялари ички аудит текширувида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим. Касса операцияларининг ҳар бир бўлими бўйича ҳамда қунлик операцияларининг ҳужжатларини бирма-бир текшириш кўп вақт талаб қилади. Шу сабабли ушбу операциялар бўйича қунлик ҳужжатлар тўплами танланма текшириш орқали текширилади. Бундан ташқари,

кўп ҳолларда ташқи аудит ички аудит томонидан банк муассасаси раҳбарининг фармойиши билан ҳар чоракда бир марта, шунингдек, ҳар йили янги йилнинг 31 декабрига кўра ўтказган текшириш натижаларидан фойдаланади. Ички аудит жараёнида текширилаётган филиал банк кассаларида ва омборларидаги пуллар ва бошқа бойликларнинг тўғри сакланиши ва бутлиги устидан ўтказилган инвентаризация натижаларидан ҳам фойдаланади. Тижорат банклари касса операцияларининг аудит текшируви ўтказилишига нисбатан кўпроқ талаб қўйилади. Касса операцияларини аудит текширувидан ўтказишдан олдин аудитор томонидан текширишни қандай тартибда ўтказиши учун режа тузиб олинади. Ўзбекистон Республикаси Аудитнинг миллий стандарти АМС 3-сонли “Аудитни режалаштириш” номли стандартида аудитни режалаштириш қоидалари асосида эмиссия-касса операцияларини аудиторлик текшируви бўйича режа ва дастур тузилади. Тижорат банки ички аудит бўлими ўз фаолиятини режалаштириш жараёнида ушбу стандартда белгиланган аудитни режалаштиришнинг дастлабки босқичида текширишни ўтказиш жадвали, вақти, аудит дастурини ишлаб чиқиш, аудит текшириш ўтказишнинг кетма-кетлиги кўрсатилади.

Ички аудитнинг умумий аудит режасини тузишда ушбу филиалда аудит ўтказишнинг вақти, графиги, аудит хисоботини ва хулосасини тайёрлаш муддатлари кўрсатилади. Шунингдек, касса операциялари бўйича ташкил қилинган ички назорат ҳолатини баҳолашга етарли бўлган кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Ички аудитор томонидан тузиб олинган текшириш тартиби текшириш жараёнини системали ҳамда сифатли олиб боришга ҳамда текширилаётган бўлим бўйича мавжуд камчиликларни аниқлашга ва уларнинг иш ҳужжатларида маълум белгилар орқали кўрсатиб кетишга ёрдам беради. Аудит дастурига кўра, ички аудитни амалга ошириш жараёнида тест ўтказиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Тест дастури текширилаётган бўлим ҳақида тўлиқ маълумотларни йиғиб олишга, ички назорат функцияларини ҳамда текширилаётган бўлимнинг мавжуд камчиликларини аниқлашга ёрдам беради.

Тижорат банклари эмиссия-касса операцияларини аудит қилиш дастурини тузишда ҳам аудит текшириш тартибининг тузиб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тартиб ички аудит томонидан касса операцияларини текширишни изчил олиб боришга ёрдам беради.

**Тижорат банкида ички аудит томонидан касса операцияларини
аудит текширувидан ўтказиш ⁸⁵**

Т/р	Аудит текшириш тартибининг бajarиллиши	+/-		Текширилди		Изох
				Қачон	Қим томони- дан	
	Касса операциялари					
1.	Касса фаолияти аудити Кассадаги нақд пул, чет эл валютаси ва кўзда тутилмаган ҳисоблар, захира фондлари.	+	05.02	Б1		
2.	Айланма кассаси ишини текшириш (қирим, чиқим, валюта кассаси ва қайта санаш кассаси) ва банкоматлар.	++	05.02	А2,Б1,А3		
3.	Касса ходимларининг шахсий йиғма ҳисобларини текшириш.	++	07.02	А4		
4.	Касса бўлимида қуйидагилар борлиги текширилади: – бўлим (сектор) низоми; – лавозим йўриқномаси; – иш режаси; – Банк бошқарувчисининг банк кассаси учун жавобгарлиги тўғрисида Марказий банкнинг ёзма рухсати	++	09.02	А4		
		+	10.02	Б1		
5.	Касса китобларининг тўғри юритилишини текшириш: – 120-сонли «Айланма кассадаги нақд пуллар ва бошқа қимматликлар ҳисобини юрйтиш китоби»; – 121-сонли «Пул сақлаш оморда чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг мавжудлигини ҳисобга олиш китоби», – 123-сонли «Кассадан пул ва бошқа қимматликларни назорат қайта санаш, саралаш, тафтиш учун бериш ва қайта топшириш ҳисобини олиб бориш китоби», – 141-сонли «10102 ҳисобварағи бўйича нақд пул захираларини ҳисобга олиш китоби», – 155-сонли «Касса мудирини, қирим ҳамда чиқим кассаси кассирларининг қимматликларини қабул қилиш ва топшириш ҳисобини юритиш китоби»;		11.02	А1,А2,А3		

⁸⁵ Ушбу жадал муаллиф томонидан ички аудит маълумотлари асосида тузилган.

5.1-жадвал давоми

6.	– 160 «Резерв фондига пул қўйиш ҳисобини юритиш китоби»; – 161 «Пул сақлаш оморларини очтиш, ёпиш, муҳрлаш ҳамда қўриқлашчун топшириш ва қабул қилишга рухсати бўлган шахсларни рўйхатга олиш китоби»; – 171 «93609 ҳисобварақ бўйича қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобини юритиш китоби »; – Касса ишларини текшириш бўйича қайд қилиш китоби; – Ўтказилган техник ўқувлар ҳисобини юритиш китоби.	++			
7.	Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ва йиғма карточкалар ҳисобининг тўғри юритилишини текшириш.	++	12.02	A1*	
8.	Касса ҳужжатларини текшириш	++	12.02	A2	
	<i>Банкнинг рухсатнома режими ва хавфсизлигини текшириш.</i>				
1.	Бир марталик, вақтинчалик ва доимий, рухсатнома (банк ходимлари ва мижозлар учун) расмийлаштириш китобларини текшириш.	++	12.02	A3	
2.	Рухсатнома режими, ёнгин хавфсизлиги, захира калитлари, металл муҳрлар, пломбирлар, клишларни сақланишини текшириш.	++	12.02.	A3	
3.	Қўриқлаш постидаги керакли ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш.		12.02	A3	
	<i>Пул муомаласи</i>				
1.	Банк томонидан касса режасининг бажарилишини текшириш	++	15.02	A2	
2.	Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан касса режасининг тўғри бажариллигини текшириш.	–			
3.	Схема бўйича пул муомаласи бўйича ишларнинг юритилишини текшириш.	+	15-19.02	A1,A2	
4.	Касса заявалари ва заявка ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш.	++	20.02	A1,A3	
5.	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлар томонидан банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш ва уларга нақд пул беришини текшириш.	++	20-25.02	A2	

* Эслатма: A1, A2, A3, A4 – аудиторлар. B1-гуруҳ бошлиғи.

5.1-жадвал давоми

6.	Кичик ва ўрта бизнес субъектларига нақд пул тушумларининг тушиши ва уларга нақд пул беришни текшириш.	+	22-23.02	Б1	
7.	Нобанк кредит тапполотларга нақд пул тушумини ва уларга нақд пул берилишини текшириш.	-			
8.	Иш ҳақи фонднни текшириш.	++	26-28.02	A1,A2,A3	
9.	Касса интизомияни текшириш.	++	26-28.02	Б1	
	<i>Жисмоний шахсларнинг сўмдаги депозитлари (таалаб қилиб олунгунча, жамғарма ва муқаддаси)</i>				
1.	Сўмдаги жамғарма депозитларини очиш ва ёпиш тартиб қондаларини текшириш.	++	05-10.02		
2.	Сўмдаги жамғарма ҳисобрақамларидан пулларни тўғри чиқом қилиш ва у билан боғлиқ касса ҳужжатларини текшириш.	++	11.02	A4	
3.	Сўмдаги жамғарма китобларини очиш ва ёпишни тўғри расмийлаштиришни текшириш.	+	12.02	A4	
4.	Бир жамғарма счётидан бошқа жамғарма счётига пулларни ўтказишни текшириш.	++	13.02	A4	
5.	Жисмоний шахслардан олинadиган маблағларни текшириш: – қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотишдан; – акция ва қўймабҳо қоғозларни сотишдан; – мол-мулкни қаврага беришдан; – Дивидендлар тўлаш, – Бошқа жисмоний шахслар даромадлари.	++	14-16.02	A4	
6.	Сўмдаги жамғарма операцияларини рўйхатга олиш китобини текшириш.	++	17.02	A4	

Ички аудит текшириш тартибини тузишда текширишни қачон ва қим томонидан ўтказилгани ҳамда ҳар бир бўлим бўйича қамчиликлар аниқланган бўлса, изоҳлар қисмида кўрсатилиб ўтилади. Юқоридаги аудит ўтказиш дастуридан кўриниб турибдики, тижорат банклари эмиссия-касса операцияларининг аудит текшириш тартибини бир неча қисмларга бўлиб олиши мумкин.

Ички аудит ходимлари томонидан тижорат банклари пул оморлари ва кассадаридаги пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликларни тафтиш қилиш ҳамда уларни сақлаш тартибига риоя

қилиш устидан аудит текширишини ўтказиш, биринчи навбатда, банк кассаси фаолиятини тўлиқ тафтиш ўтказишдан бошланади. Тафтиш бойликлар сақланиши учун масъул мансабдор шахслар иштирокида ўтказилади. Ўтказилаётган аудит текшируви банк муассасасида олиб борилаётган операциялар маромининг бузилмаслиги ҳамда барча бойликларнинг айнан бир санадаги ҳолати бўйича ва пул ҳамда бойликларнинг ўғирлангани ёки камомад борлигини яширишга имкон қолдирмайдиган изчилликда олиб борилади. Ички аудит ходимлари касса тафтишига киришиб, касса хонасидаги барча пул омборларини текширув бошланган вақтда уларда бойликлар бор-йўқлиги ёки қанчалигидан қатъи назар, сургучли муҳр билан муҳрлайдилар ва бошқа бойликларни ўз назоратларига оладилар. Банкнинг кечки касса ва пул санаш кассасида, инкассаторлар жавобгарлигида пул, бойликлар ҳамда нақд пул ва бойликлар солинган ҳалталар бор-йўқлигини аниқлайдилар ва уларни бошқа бойликлар билан тафтиш қиладилар.

Касса, захира фондлари ва бойликлар тўлиқ тафтиш қилиб бўлингунга қадар, бойликлар бут сақланиши учун масъул мансабдор шахслар пул омборларига фақат ички аудит раҳбари кузатувида киришларига руҳсат этилади, бу даврда пулни олиш ва қўйиш унинг назорати остида амалга оширилади. Юқорида санаб ўтилган бойликларни бир вақтнинг ўзида бир йўла тафтиш қилишнинг имкони бўлмаса, иш куни охирида ички аудит раҳбари бойликлар бут сақланиши учун масъул мансабдор шахслар билан биргаликда пул омборлари ва сейфларни муҳрлаб, белгиланган тартибда қўриқлашга топширади. Тахтачада ички аудит раҳбарининг муҳри тафтиш ўтказилаётган банк муассасасининг мансабдор шахслари муҳрларидан юқори қўйилади. Кассадаги пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликларни қайта санаб текшириш учун ички аудит раҳбари ўзи шахсан олиб кўради.

Пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликлар қуйидаги тартибда тафтиш қилинади: айланма кассасининг пул билетлари дастлаб боғлам ва дасталар бўйича, тангалар эса, қоп (лоток)ларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлар бўйича, бериш учун олдиндан тайёрланган ва ўраб боғланган пуллар эса, қопларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлар бўйича текширилади ва пулларнинг умумий суммаси кассадаги «Айланма кассадаги нақд пулларнинг ҳисобини юритиш» китобидаги маълумотномалар билан солиштирилади. Юқоридаги текширувдан кейин пул билетлари ва тангаларнинг ҳаммаси бирма-бир ва доналаб саналади. Аудитор кассирга пул билетларини бирма-бир санаш учун бераётганда дастадан қоғоз тасмани олиб, пул билетларининг бир қисми

билан бирга назорат учун ўзида қолдириш ҳамда кассир пулни санаб бўлгандан кейин, уларнинг суммаси ёки билетлар сонини қолдирилган пуллар суммаси ёки билетлар сонини унга қўшиш ва бунда чиққан сумма қоғоз тасмада кўрсатилгани билан солиштириш орқали текширади.

Кечки кассадаги пул билетлари ва тангалари боғламларга, дасталарга ва қоплардаги ёрликларга қараб, иш ҳақи бериш учун халталарга жойланган пуллар эса, ёрликлардаги имзоларга қараб текширилади. Пулларнинг умумий суммаси кечки кассанинг касса дафтари, шунингдек, тушумни санаш бўйича назорат қайдномаси маълумотлари билан киёсланиш орқали текширилади.

Кирим касса ҳужжатлари суммаси касса дафтари ва назорат қайдномаси яқуни билан солиштирилади. Бундан ташқари, берилган квитанцияларнинг кирим ҳужжатларида кўрсатилган рақамлари квитанция дафтарчалари ва уларнинг муқоваларидаги белгилар бўйича текширилади.

Пул санаш кассасидаги пул билетлари ва тангалар белгиланган миқдорда бирма-бир доналаб санаб текширилади.

Захира фондларидаги пул билетлари дасталаб боғламлар, дасталар ва бериш учун олдиндан тайёрланган суммали қопларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлар бўйича, тангалар эса, қопларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлар бўйича текширилади. Бунда ўрами бузилган ва нақладқаси (ёрлиғи) нотўғри расмийлаштирилган йиғма боғламлар (қоплар)даги пул билетлари ва тангаларнинг ҳаммаси қайта саналади.

Пул омборларидаги пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликлар қайта саналгандан кейин аудиторлар мавжуд бойликлар миқдорини «Айланма кассадаги нақд пулларнинг ҳисобини юритиш» ва «Лимитдан ортиқча нақд пулларнинг ҳисобини юритиш» китоблари, баланс, таҳлилий ҳисоб юритиш дафтарларида ёзилган маълумотлар билан солиштиради.

Бухгалтерия ҳисобидан ўтказилмаган тилхат ва бошқа ҳужжатлар суммалари касса қолдиғига қўшилмайди ва кассирдан чиққан камомад ҳисобланади. Бирор боғламдан пул билетлари кам ёки ортиқча чикса, шу боғламни санаган кассир тайёрлаган барча боғламлар бирма-бир қайта саналиш орқали текширилади.

Тижорат банкларида бойликлар тафтиш қилинган тўғрисида далолатнома тузилиб, тафтишда қатнашган барча ходимлар ва бойликларнинг бут сакланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар унга имзо чекадилар. Тафтиш пайтида пул ва бойликлар кам ёки кўп чикса, бойликлар бут сакланишини таъминлашда камчиликлар борлиги аниқланса

ёки чиққан пул суммаси ҳисоб юритиш дафтарларидагига тўғри келмаса, далолатномалар нусхаси юкори банк муассасаларига жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси банки муассасаларининг захира фондлари, оборот (операция) кассаларидаги пул билетлари, тангалар ва бошка бойликларнинг бут сақланиши устидан ҳар чоракда, банк муассасаси раҳбари томонидан тузилган режа бўйича банкнинг ички аудитори иштирокида касса ишининг ташкил этилиши, кўриклаш ишлари ва сигнализациянинг аҳволи, рухсатнома билан кириш тартибига риюя қилиниши, капиталлар, муҳрлар, пломбирлар ҳисобини юритиш ва сақлаш кондаларига амал қилиниши, пуллар тушумини инкассация қилиш, ҳамда кечки касса ишининг қандай ташкил этилгани ўрнатилган тартибда текшириб борилиши керак.

Текширишда камчиликлар борлиги аниқланган ҳолларда далолатнома тузилиб, унда аён бўлган камчиликлар, ишда кондабузарликларга йўл қўйган ходимларнинг фамилиялари, камчиликлар сабаблари ва уларни йўқотиш бўйича кўрилган чоралар кўрсатилади. Банк муассасасининг раҳбари ўтказилган тафтиш ва текширув натижаларини беш кун ичида кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликларни зудлик билан тугатиш чораларини кўришлари керак.

5.2 Тижорат банкларида пулларнинг сақланиши, уларнинг бутлиги ва дахлсизлиги устидан назоратни ташкил қилиш аудити

Тижорат банкларининг бошка тижорат муассасаларидан асосий фарқи шундаки у аҳолининг ва миқозларининг нақд пулларини ўз кассаларида сақлайди. Тижорат банклари пулларнинг сақланишини ташкил этиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат ўрнатиши кондалари «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 27 июнда 1831-сон Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори билан тасдиқланган йўриқнома (янги таҳрири) асосида ташкил қилинади.

Тижорат банкларида пулларнинг сақланиши ва уларнинг бутлиги ҳамда дахлсизлиги устидан текшириш ўтказишда ички аудит томонидан умумий режа асосида тузилган ва тест шаклида ўтказиладиган иш дастури тузиб олинади. Бундай дастурнинг тузиб олинishi текширишни системали олиб боришга, вақтни тежашга, текшириш сифатини оширишга ёрдам беради.

Тижорат банкларида пулларни сақлашнинг меъёрий талабларга жавоб бериши устидан аудит текширишнинг ўтказиш дастури⁸⁶

Ички аудит текшириши босқичлари	Меъёрий талабларга жавоб бериши	
	Ҳа	Йўқ
1. Банк кассаларида захира фондлари, оборот кассасининг нақд пуллари, чет эл валютаси, олтин ва қимматбаҳо металллар ва бошқалар алоҳида сақланадими?	Ҳа	
2. Касса китоблари тўғри юритиладими? – 120-сонли «Айланма кассадаги нақд пуллар ва бошқа қимматликларни ҳисобини юритиш китоби»; – 121-сонли «Пул сақлаш омборида чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг мавжудлигини ҳисобга олиш китоби», – 123-сонли «Кассадан пул ва бошқа қимматликларни назорат қайта санаш, саралаш, тафтиш учун бериш ва қайта топшириш ҳисобини олиб бориш китоби», – 141-сонли «10102 ҳисобварағи бўйича нақд пул захираларини ҳисобга олиш китоби», – 155-сонли «Касса муддир, юрим ҳамда чиқим кассаси кассирларининг қимматликларни қабул қилиш ва топшириш ҳисобини юритиш китоби»; – 160-сонли «Резерв фондида пул қўйиш ҳисобини юритиш китоби»; – 161-сонли «Пул сақлаш омборларини очиш, ёпиш, муҳрлаш ҳамда қўриқлаш учун топшириш ва қабул қилишга рухсати бўлган шахсларни рўйхатга олиш китоби»; – 171-сонли «93609 Ҳисобварақ бўйича қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобини юритиш китоби»;	Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа	Йўқ
3. 93600 «Балансдан ташқари ҳисоб»ни текшириш: – Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар – Пул намуналари – Омонат дафтарчалари – Банк бўлимларининг сақлашга топширган пакетлари – Тўловга яроқсиз пул билетлари – Меҳнат дафтарчалари – Бошқа қимматликлар – Кафиллик шартномалари	Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа Ҳа	Йўқ Йўқ Йўқ Йўқ
4. Пул билетларини – тўлиқ, тўлиқ бўлмаган ва йиғма боғламларни дастлаб сони ҳамда юкшатлардаги ёзувлар бўйича, тангаларни эса қопларга бириктирилган ёрликлардаги ёзувлар бўйича текшириш.		Йўқ

⁸⁶ Ушбу жадал муаллиф томондан мустақил тузилган.

5.2-жадвал давоми

5. Бериб юбориш учун олдиндан тайёрланган пул билетларини коп (аравача)ларга бириктирилган ёрликлардаги ёзув бўйича текшириш.	Ҳа	
6. Тўлик, тўлик бўлмаган ва йиғма дасталарга бирлаштирилган чет эл валютаси ва валюта тўлов ҳужжатларини текшириш.	Ҳа	
7. Оборот кассаси қолдиғида бўлган бойликларни текшириш	Ҳа	
8. Ҳар бир пул жавонлари бўйича рўйхатларнинг тўғри тузилганлигини текшириш.		Йўқ
9. 93609 «Кўзда тутилмаган ҳолатлар счёти»ни текшириш.	Ҳа	
10. Сақлаш учун топширилган пул омборлари қалитларини текшириш.	Ҳа	
11. Касса тармоғига кириб чиқиш тартибини текшириш: – доимий рухсатномалар; – вақтинчалик рухсатномалар; – моддий рухсатномалар.	Ҳа Ҳа	Йўқ

Тузиб олинган дастур асосида аудитор ҳар бир текшириш босқичларини бирма-бир кўриб чиқади. Бунда у касса бойликларининг бут сақланишини ҳамда юритилаётган касса ҳужжатларининг меъёрий талабларга жавоб беришини текширади.

Агар текширилаётган бўлим меъёрий талабларга тўлик жавоб берса, «Ҳа» белгиси қўйилади. Текшириш давомида ушбу бўлимда маълум ноаниқликлар ёки камчиликлар аниқланса, аудитор «Йўқ» белгисини қўяди ва унинг сабабларини кўрсатади. Аниқланган камчиликларни у ўз хисоботида кўрсатади ва унинг тўғрилаш учун қўшимча бухгалтерия провудкаларини беради ҳамда ҳужжатлар иловасини кўрсатади.

Тижорат банкларининг пул омборини ички аудит томонидан текшираётганда қуйидагилар алоҳида сақланаётганлигига алоҳида эътибор бериш керак.

- Захира фондлари.
- Оборот (операция) кассасининг нақд пуллари.
- Чет эл валютаси.
- Олтин, платина ва бошқа қиммабаҳо металллар.
- Бошқа бойликлар.

Бундан ташқари, кассада чек ва квитанция дафтарчаларининг алоҳида боғламларини ҳар бир боғламдаги дафтарчалар сони, ҳар бир дафтардаги варақчалар (чеклар ёки квитанциялар) сони ҳамда уларнинг рақамлари тартиби текширилади. Текширишда кассадаги мавжуд балансдан ташқари ҳисобрақамдаги қимматликлар ҳақиқатда қанчалиги аниқланади ҳамда касса китоби ва баланс ҳисоботлари билан солиштирилади.

**«А» банкнинг филиалида балансдан ташқари ҳисобрақамида
сақланаётган қимматликлар рўйхати⁸⁷**

(сўм ҳисобида)

Сақланаётган қимматликлар	Ҳақиқатда	Китоб бўйича	Баланс бўйича	Фарқи (+;-)
90317-Бошқа ташкилот-ларнинг қимматли қоғозлари, бланклари	25408	25408	25408	
90327-Банкинг қимматли қоғозлар бланклари	27725	27725	27725	
93609-Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар	14672	14672	14672	
- шу жумладан чек дафтарчаси	1288	1288	1288	
- қатъий ҳисобда турувчи бланклар	71	71	71	
- омонат дафтарчаси	6512	6512	6512	
пул намуналари	1200	1200	1200	
банк бўлимларининг сақлашга топширган пакетлари	14	14	13	-1
- тўловга яроқсиз пул билетлари	2750	2750	2700	-50
- уй ҳужжатлари	9	9	9	
- таълим кредити бўйича кафолат хатлари	8	8	8	
«Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш» ДАКнинг сақлашга топширилган қоғлари	9	9	9	
меҳнат дафтарчаси	407	407	407	
юбилей тангалари (олтин ва кумуш)	14	14	14	
- бошқа қимматликлар	52	50	52	2,0
94503-Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар	49939030431.75	49961371241.75	49961371241.75	-22340810

Тижорат банклари томонидан қимматликларни балансдан ташқари ҳисобрақамга ўз вақтида тўлик ўтказмаслик ҳоллари кўпроқ учрайди. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, балансдан ташқари 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобрақамида 800 минг сўмлик қийматда банк томонидан ажратилган таълим кредити учун таъминот сифатида қабул қилинган кафиллик шартномалари мавжуд бўлиб, кафиллик шартномаларини балансдан ташқари 94503-«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар» ҳисобрақамига ўтказмасдан 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобрақамига ўтказилган ва қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилган.

⁸⁷ Ушбу жадал «А» банки филиали маълумотлари асосида тузилган.

Дт 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар»

Кт 96379-«Сақланаётган қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-счёти».

Шунингдек, балансдан ташқари 94503-«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар» ҳисобрақамдаги кафолат ва кафиллик шартномалари суммаси қайта ҳисобланганда баланс ҳамда 0482120-шакл китобдаги ҳисобдан жами 22340810 сўмга камлиги аниқланди. Ушбу фарқ кредит бўлими томонидан кассага қирим қилиш учун берилган фармойишда шартнома суммасининг нотўғри кўрсатилиши ҳисобига юзага келган.

Бу ҳатоликни тўғрилаш учун аудитор томонидан қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дт 96397-«Сақланаётган қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қимматликлар контр-счёти»;

Кт 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар»

Шундан сўнг қайта тўғрилаш проводкаси берилади:

Дт 94503-«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар»;

Кт 96381-«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар контр-счёти».

Бундай ҳатоликларнинг келиб чиқиши кўпгина ҳолларда балансдан ташқари ҳисобрақамдаги қимматликлар касса китобидан чиқим қилинади, лекин бухгалтерлик ҳисобининг тегшли ҳисобварақаларидан чиқарилмаслик ҳоллари ҳам учрайди.

«А» банкига бошқа банклардан сақлашга топширилган ва бир сўм ҳисобида балансдан ташқари ҳисобрақамга қирим қилинган пакетлар сони ҳақиқатда 14 та бўлиб, балансдан ташқари 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» счётида ҳисобга олинган. Лекин текшириш пайтида аудитор томонидан ушбу балансдан ташқари ҳисобрақам суммалари касса дафтари билан солиштирилганда 1 сўмга фарқ борлиги аниқланди. Бошқа банк томонидан сақлашга топширилган пакет белгиланган тартибда қайта олинганлиги ва у кассанинг 0482120-«Айланма кассадаги нақд пуллар ҳисобини юритиш» китобидан ўз вақтида чиқим қилинган, лекин балансдан ташқари ҳисобрақамдан чиқим қилинмаган. Бунда аудитор томонидан қуйидагича тўғрилаш проводкаси берилади:

Дт 96397-«Сақланаётган қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қимматликлар контр-счёти»;

Кт 93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар».

«А» банк филиалининг 2013 йил 1 апрель ҳолатига касса китобидаги қолдиқларини бухгалтерия ҳисоби сўғтларидаги қолдиқлари билан солиштириш жадували⁸⁸

(минг сўм ҳисобида)

Операциялар тури	Касса китоби бўйича	Бухгалтерия ҳисоби бўйича	Фарқи
Кун бошига қолдиқ	5365,0	5365,0	
Жами кириш	134563,0	34563,0	-
Жами чиқим	56345,0	56345,0	-
Кун охирига қолдиқ	84583	84583	
Балансдан ташқари сўғтлар:			
93609-«Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар»	30	30	-
93623-«Сақланаётган тижорат ҳужжатлари»	21	21	-
94501-«Гаров таъминоти сифатида сақланаётган қимматбаҳо қоғозлар»	12	12	
94502-«Гаров таъминоти сифатида олинган мулклар ва мулквий ҳуқуқлар»	23	245365	245362
94503-«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафиликлар»	12	235656	235644

Бойликларни захира фондларидан назорат ва қайта санаш учун 0482123-шаклдаги дафтарга имзо қўйдириб олиб чиқилиши ҳамда айланма (операция) кассасининг нақд пуллари назорат ва қайта санашга 0482155-шаклдаги дафтар ва назорат варақларига имзо қўйилиб берилишига, ҳамда дафтарда нақд пул қабул қилинганлиги, назорат ва қайта санаш учун берилганлиги кўрсатилишига аҳамият қаратилиши ҳамда мавжуд нақд пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликлар «Айланма кассадаги нақд пуллар ҳисобини юритиш» ва «Лимитдан ортиқча нақд пуллар ҳисобини юритиш» шаклларидаги китобларда тўғри ҳисобга олинishi текширилиши керак. Текшириш пайтида бойликларнинг дафтарлардаги қолдиқлари бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақларидаги қолдиқлар билан солиштирилиши шарт. Бунда аудитор томонидан касса қолдиқларини бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисобварақлари билан солиштириш учун жадувал тузиб олинади.

⁸⁸ Ушбу жадувал «А» банки маълумотлари асосида тузилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, кассанинг китобдаги кун бошига қолдиги ҳамда жами кйрим ва чиким суммалари бухгалтерия счётларидаги қолдиқлари билан солиштирилганда фарк борлиги аниқланмади. Лекин 94502-«Гаров таъминот сифатида олинган мулк ва мулкый ҳуқуқини берувчи талаблар» счётдаги сумма, касса китобида бир сўм ҳисобида қайд қилинган, лекин бухгалтерия счётда эса 245365 сўм қилиб кўрсатилган. Касса мудури томонидан 94502-счётдаги қийматликларни касса китобида бир сўм ҳисобида ҳисобга олиб нотўғри кўрсатган. Яъни касса ҳисоботи билан бухгалтерия ҳисоботлари ўртасида икки хил ҳисоб олиб борилган.

Бундан ташқари, ҳар бир кун охирида оборот кассаси лимитидан ортиқча пул бойликларининг захира фондига ўтказилишини ва тегишли 0482141-шаклдаги китобда расмийлаштирилиши текширилади. Нақд чет эл валютасининг қолдиқлари ва ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари шахсий ҳисобварақлар билан солиштирилади. Пул омборида сақланаётган пул ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда жўнагиш ордерлари, захира фондлар билан бўладиган операциялар бўйича ордерлар ижрочилар ва бош бухгалтердан ташқари банк раҳбари ва касса мудури томонидан ҳам имзоланиши текширилиши шарт.

Тижорат банкларида пул ва бошқа бойликларнинг бут сақланишини текширишда мансабдор шахслар томонидан пул омборларининг тўғри очиб-ёпилиши, бошқа банкка сақлаш учун топширилган калитларнинг тўғри сақланиши текширилади.

Ҳар бир тижорат банклари касса оборотлари хомчўтини тузиш вақтида банклар мўлжалланаётган натижани (муомалага пул чиқариш ёки уни муомаладан олиш) пухта таҳлил қилишлари ҳамда ана шу таҳлил асосида эмиссияни қисқартириш ёки муомаладан пул олишни кўпайтиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишлари зарур. Тижорат банклари касса оборотини тузишда ҳар бир миқдорнинг иш фаолиятини, нақд пул топшириш имкониятларини, манбаларини, нақд пул тушуми оқимларини ҳамда уларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш керак.

Ҳар бир тижорат банки касса оборотларининг чораклик прогнозини тузиш учун банкда мавжуд талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларига эга бўлган ташкилотлардан касса буюртмаларини ҳамда ҳар бир чоракнинг бошланишидан 60 (олтмиш) кун олдин оладилар.

**Тижорат банкларида касса оборотлари прогнози тушум манбалари
ва нақд пул бериш йўналишлари таҳлили⁸⁹**

<i>Кириш</i>	<i>Рақмлар рақами</i>
Савдо тушуми	02
Темир йўл, сув ва ҳаво транспорти тушумлари	05
Маҳаллий транспорт тушумлари	06
Гузараржой ҳақи ва коммунал хизматлар учун тўловлардан тушумлар	08
Томошагоҳлардан тушган тушумлар	09
Манший хизмат кўрсатиш корхоналари тушумлари	11
Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган тушумлар	12
Қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятидан тушган тушумлар	13
Омонатларга тушган тушумлар	16
Почта алоқаси корхоналаридан тушган нақд пуллар	17
Микрокредитларнинг қайтарилиши	29
Бошқа тушумлар	32
Кириш бўйича жами	0
Чикимнинг киришдан ошиб кетиши	
Чиким	
Иш ҳақига (шу жумладан, стипендиялар, хизмат сафари харажатларига) берилган нақд пуллар	40
Нефть маҳсулотлари сотиб олиш учун берилган нақд пуллар	43
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун берилган нақд пуллар.	46
Қишлоқ хўжалиги фаолияти субъектларига берилган нақд пуллар	47
Пенсия, нафақа ва сугурта тўловлари учун берилган нақд пуллар	50
Индексация қилинган омонатларни тўлаш учун берилган нақд пуллар	51
Бошқа мақсадларга берилган нақд пуллар	53
Микрокредитларга берилган нақд пуллар	54
Омонатларни қайтариш учун берилган нақд пуллар	55
Почта алоқаси корхоналарига берилган мадад пуллар	59
Чиким бўйича жами харажатлар	0
Киришнинг чикимдан ортик бўлиши	

Тижорат банклари ташкилотлар фаолиятининг прогноз ҳисоб-китобларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг кассаларига тушадиган пулларнинг тўлиқ ҳисобга олинishi, пул тушумларини кўпайтириш ҳамда пул маблағларини сарфлашни тежаш имкониятларини кўриб

⁸⁹ Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома. 2005 йил 10 октябрь билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган.

чиқади. Банклар ташкилотлардан олинган касса буюртмасини кўриб чиқиш натижалари бўйича зарур бўлса, миқдор билан келишилган ҳолда уларга аниқлик киритиши мумкин. Тижорат банклари ҳар чоракка мўлжалланган касса оборотлари ҳомчўтини ойма-ой тақсимлаб чиқадилад.

Маълумки, тижорат банкларида мавжуд касса бўлимлари банкнинг бошқа бўлимларига нисбатан жавобгарлиги юқори бўлганлиги ҳамда банк миқдорларининг доимий нақд пулга бўлган эҳтиёжини тўлик ўз вақтида таъминлаб туриши учун касса бўлимларига нисбатан бошқарув томонидан эътибор кучлироқ бўлади. Тижорат банкларининг эмиссия-касса операциялари ички аудит томонидан ўтказилган текширишда аниқланган камчиликлар бартараф қилинганлиги, камчиликка йўл қўйган жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилганлиги, текшириш пайтида кассада камомадлар аниқланган бўлса, уларни камомадга йўл қўйган шахслардан ўз вақтида ундирилганлиги аниқланади.

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 27 июнда 1831-сон Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори билан тасдиқланган йўриқнома (янги таҳрири)га асосан тижорат банкларидаги пул омборлари ва кассаларидаги пул билетлари, тангалар ва бошқа бойликларни тафтиш қилиш ҳамда уларни сақлаш тартибини текшириш қуйидагича амалга оширилади:

а) тижорат банклари раҳбарларининг фармойиши билан ҳар чоракда камида бир марта, шунингдек, ҳар йили янги йилнинг 1 январь ҳолатига кўра;

б) раҳбар, бош бухгалтер ёки касса мудир алмашганда;

в) бойликлар бут сақланиши учун маъсул мансабдор шахслар вақтинча алмашганда;

г) бошқа ҳолларда – Ўзбекистон Республикаси банкларининг тегишли бошқармалари ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқармалари раҳбарлари фармойишлари бўйича.

Тижорат банклари касса бойликларини тафтиш қилиш орасидаги вақт уч ойдан ошмаслиги керак. Тижорат банклари раҳбарлари алмашганда ўтказиладиган тафтишга юқори банк муассасасининг вакили бошчилик қилиши зарур. У тегишли банк муассасаси Раиси буйруғи билан тайинланади. Лекин банк муассасасида ишламайдиган шахслар юқори банк муассасаси раҳбари имзо чекиб гербли муҳр билан тасдиқланган гувоҳномаси, шунингдек, касса тармоғига кириш учун рухсатномаси бўлгандагина тафтиш олиб бориши мумкин.

5.3. Кредит ва лизинг операциялар аудити

Бошқариш самарадорлигини ошириш банк томонидан амалга ошириладиган банк менежментининг асоси сифатида жамият ривожланишининг ҳар қандай иқтисодий шароитида ва ҳар бир мамлакатда банклар фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, банкнинг молиявий институт сифатидаги муваффақияти етарлича ликвидлилик даражасини сақлаган ҳамда акциядор, омонатчилар манфаатларини таъминлаб ва рискларни минималлаштирган ҳолда, мутаносиб даромад олишга ҳам боғлиқ. Ўзбекистон замонавий банк тизимининг ривожланиш шароитида банкларни самарали бошқариш муаммоси долзарб ҳисобланиб, унга ўз навбатида ички аудит хизматини ривожлантириш ёрдам беради. Банк аудитида муҳим масалалардан бири кредит операцияларининг аудитини ташкил қилиш ва олинган ахборотларга аналитик ишлов бериш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада халқаро талабларга асосланган аудит ва бухгалтериянинг миллий стандартлар тизими қабул қилинмоқда ва ундан фойдаланилмоқда. Зеро, Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “ барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, сугуртанинг замонавий шаклларини ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ”⁹⁰ Ушбу фаолиятни ривожлантириш эса кўп жиҳатдан назарий, ҳуқуқий-меъёрий, ахлоқий ва услубий жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришга боғлиқ. Бунда банк тизими ислоҳотларини келгусида янада изчиллаштириш, фонд бозорларини институтчионал мустаҳкамлаш банк ички аудитининг юқори институтини ташкил этиш ишларини яқунлаш масалалари кўриб ўтилган.

Тижорат банкларининг кредит операциялари аудитини ташкил этиш қуйидаги асосий масалаларни ўз ичига олади:

1. Кредит сиёсатида риоя қилинишини ўрганиш.
2. Кредит портфели таҳлили.
3. Кредит ҳужжатларининг йиғма жамлини текшириш.
4. Айрим муҳим ва салмоқли ўрин эгаллаган кредит ҳужжатларини текшириш;

⁹⁰ Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 32 б.

5. Фоиш ҳисоблаш ва уни ундириб олиш тартибини текшириш.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатига риоя қилинишини текшириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 02.03.2000 й. 905-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 22.02.2000 й. 429-сонли “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (янги таҳрирда) асосида амалга оширилади. Ушбу низом талабларига кўра, банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгилувчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

Ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши лозим. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилади. Кредит сиёсатининг тавсифи кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуднинг иқтисодийётига қараб аниқланади. Кредит стратегиясини шакллантиришда ва тегишли кредит сиёсатини тайёрлашда, банк ушбу омилларни ҳисобга олиши шарт. Ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади, одатда, қуйидагилардан иборат бўлади: узок муддатли инвестициялардан акциядорларга юкори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, рискни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонулар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш. Кредитлашнинг стратегик йўналишлари Банк Кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

Кредит сиёсати кредит бериш жараёнига жалб этилган кредит ходимининг лавозими ва ваколатларига қараб, уларнинг ҳар бири учун кредитлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва кредит миқдорини чеклаш тартибини белгилаб беради. Шу сабабли ички аудит томонидан, энг аввало, шу кредит ушбу филиал ваколати доирасида берилганлиги текширилади ва кредитлаш учун масъул бўлган барча шахслар ваколатлари кредит сиёсатида қайд этилганлигига эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан тижорат банкнинг ички аудит бўлини маси томонидан текшириш жараёнида кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқаруви органлари олдида ҳисобот бериши даврийлиги текширилади. Кредит сиёсати банк томонидан

бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқалар. Кредит турлари бўйича: "кредит линияларини очиб ва очмай" кредитлаш, ломбард ҳамда вексель кредитлари ва бошқалар.

Кредит сиёсатида махсус ссудаларни бериш директив тамойиллари аниқ ифодаланган ҳолда мазкур банк учун мос келмайди ёки мақбул бўлмайди, деб ҳисобланувчи кредит турлари ва тоифалари ҳам кўрсатилганлиги текширилади.

Ички аудит томонидан банк кредит сиёсатида талаблар кредит бериш босқичида, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХҲС) мувофиқ бўлиши лозим.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффицентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирларининг тўғрилиги ички аудитор томонидан кенг ва батафсил текширилиши керак. Банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикаси аудитор томонидан текширилиб, унинг тўғрилиги назорат қилинади.

Бундан ташқари, кредит сиёсати аудитида қарздорлар томонидан бизнес режага буюртмалар портфелининг тузилиши ва банк кредитидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар, ишлаб чиқариладиган товарларни сотиш бозорининг мавжудлигини киритиш бўйича талабларнинг бажарилиши текширилади.

Кейинги муҳим масала ички аудит томонидан гаров таъминотини текшириш ҳисобланади. Кредит сиёсатига кўра, муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва бошқалар) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламининг расмийлаштирилиши текширилади. Банк кредит сиёсатида гаров, кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ, кредитни тўлаш манбаи (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (ҳазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилганлигига эътибор қаратади.

Кредит сиёсати гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуйига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олганлиги текширилади. Ушбу масалада ички

аудитор томонидан гаров мавзуи синчиклаб баҳоланганлиги ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини коплаши лозимлиги аниқ ёритилишига эътибор қаратилиши зарур.

Кредит сиёсатида гаров мавзуи баҳоловчи ташкилот ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилишига эътибор қаратилади. Ички аудит томонидан турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари батафсил ақс этирилиши текширилади. Кредит сиёсати кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан бўнак тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олишиги текширилади. Кредит сиёсатида кўрсатилиши лозимки, ер участкалари белгиланган тартибда гаров таъминоти сифатида банкка ўтган ҳолларда, банк ушбу ер участкаларини унга мулк ҳуқуқи ўтган пайтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмай сотишга қўйиши керак.

Ички аудит томонидан текширишда кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизимига эътибор қаратилиши лозим. Кредитларни аудитор томонидан текширишда қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш масаласига эътибор қаратиши лозим.

Тижорат банкининг кредит сиёсатида белгиланишига кўра, ссудалар сифатини аниқлаштириш ва кутилиши мумкин бўлган кредитлар бўйича йўқотишларга қарши етарли захираларни шакллантириш мақсадида чорақда камида бир мартаба банкининг кредит портфели тўлиқ инвентаризация қилинганлиги текширилади. Ички аудит томонидан кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича "тўловсизлик" тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, Банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларнинг бажарилиши текширилади. Ички аудит томонидан ушбу ҳисоботлар билан танишиб чиқиб, ундаги кредитлар бўйича аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режаларига эътибор қаратилади.

Кредит сиёсатига кўра раҳбарият томонидан Марказий банк белгилаган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларининг ишлаб чиқилганлиги текширилади.

Кредит сиёсати турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган омилларни ўз ичига олиши керак. Фоиз ставкалари ҳеч бўлмаганда

ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржасини коплаши лозимлиги текширилади.

Ички аудит томонидан банк билан боғлиқ шахсларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк талабларига мувофиқ келувчи лимитлар тўғри белгиланганлиги текширилади.

Чунки кредит сиёсатида банк билан боғлиқ шахслар билан битимларни қисқартириш ёки уларни тузишнинг ҳар қандай имкониятларини бартараф этиш мақсадида боғлиқ шахсларга бериладиган кредитларни тасдиқлаш ва қайта тиклаш тартиби ҳамда тадбирлари белгилаб қўйилиши керак.

Кредит сиёсатида кафолатлар ва аккредитивларнинг мақсади ҳамда ишлатилиши, мансабдор шахсларнинг бундай мажбуриятларни чиқаришга доир ваколатлари ва бундай воситалар чиқарилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек, уларга доир ҳужжатлар ва ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар белгиланганлиги ва унга риоя қилиниши текширилади.

Балансдан ташқари мажбуриятларни беришда молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)ни тақдим этишга оид талаблар кредитнинг исталган бошқа турларини беришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан бир хил бўлиши зарур. Тижорат аккредитивлари бўйича тўловларни ўтказиш, тўлов ва юк ортиш ҳужжатлари (юк хатлари), суғурта полислари ҳамда халқаро андозалар ва тадбирларга мувофиқ талаб қилинадиган бошқа ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар қайд этилиши керак.

Кредит сиёсати банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Ички аудит томонидан таҳлил қилишнинг мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсати мувофиқлигини таъминлаш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тадбири, молиявий таҳлил, гаровни

расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, конунчилик меъёрларига риоя қилиш текширилади.

Кейинги муҳим масала ички аудит томонидан кредит портфелининг таҳлили ҳисобланади.

Кредит портфели аудит қилинаётганда, банкнинг кредит сифатидан сўнг кредитлар структураси текширилади. Кредитлар структураси аниқланганда, кредитлар маълум муддатга берилиши ва ўз вақтида қайтарилишини кўзда тутилади. Кредитларнинг муддати турлича бўлишини банкнинг ўз миждози молиявий фаолиятидаги иштироки, деб қаралмоғи лозим. Кредитлар структураси қуйидагиларга асосланган бўлиши лозим:

1. Берилаётган кредитлардан мақсад аниқ тушунилиши керак.

2. Кредитни қайтариш имкониятлари.

3. Кредитни қайтариш шартлари. Бу – кредит олувчининг имкониятларига боғлиқ бўлгани учун унинг молиявий аҳволи доимий равишда таҳлил қилиниши лозим.

4. Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмай қолиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, кредитнинг таъминланганлик хусусиятидан фойдаланишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Кредит инспектори кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқаётганда ҳаёлида доимо: "ушбу миждоз кредитнинг қайтарилишини қандай амалга оширади", деган фикр бўлиши лозим. Назарий жиҳатдан, кредитлар қайтарилишининг 5 та манбаи бор. Булар:

1. Активларнинг пулга айланиши (товар захираларининг дебитор қарзларга, сўнгра пулга айланиши).

2. Пул маблағларининг кирими.

3. Қайта молиялаш.

4. Асосий воситаларни сотиш.

5. Янгидан молиялаштирувчи қарзлар.

Кредитларни тўғри структуралашда, биринчидан, кредитнинг кутилаётган қайтариш манбаи нима ҳисобига эканлигига эътибор қаратилиши керак. Қоида тариқасида, бу юқорида кўриб ўтилган манбаларнинг биринчи ва иккинчиси бўлади. Ҳар иккала манбадан маблағ ундиришнинг имкони бўлмай қолсагина, қолган вариантлар кўриб чиқилади.

Кредитларни тўғри структураланганлиги – бу банкирнинг маҳоратидир. Акс ҳолда, банк раҳбариятининг молиявий тайёргарлиги йўқлиги ёки ўз ишига совуққонлиги, дея тушуниш керак. Кредитларни тўғри структуралаш учун кредит олиш учун

берилган аризаларнинг асл сабаблари ўрганиб чиқиши, асосан, кредитларнинг қайси мақсадларда фойдаланиши кўзланаётганлиги аниқланиши ва кредит олувчининг молиявий аҳволи таҳлил қилиниши лозим.

Тижорат банклари ўз миқозларига кредитларнинг бир неча белгиларига қараб ажратиладиган ҳар хил турларини таклиф қиладилар. Энг аввало, қарз олувчиларнинг асосий гуруҳига қараб: хўжаликларга, аҳолига, давлат органларига берилган кредитлар турларига, йўналишига қараб: истеъмол, саноат, савдо, кишлок хўжалик инвестицияга оид ва бюджет кредит турларига бўлинади.

Банк кредитлари қайси соҳада ишлатилишига қараб қуйидаги 2 турга бўлинади:

1. Асосий фондларни кенгайтириш учун берилган ссудалар.

2. Оборот фондларини кенгайтириш учун берилган ссудалар. Бу мақсаддаги ссудалар, ўз навбатида, ишлаб чиқариш соҳасига ва муомала соҳасига йўналтирилган кредит турларига бўлинади.

Банк кредитлари фойдаланиш муддатига қараб талаб қилиб олингунча ва муддатли турларга бўлинади. Муддатли кредитлар, ўз навбатида, қисқа муддатли ва узок муддатли турларга бўлинади. Қоида тариқасида, оборот маблағларини яратиш учун берилган кредитлар қисқа муддатли, асосий фондларни кенгайтириш учун бериладиган кредитлар узок муддатли бўлади.

Кредитлар миқдорига қараб майда, ўртача ва йирик миқдордаги турларга бўлинади.

Қайтарилиш методига қараб бўлиб-бўлиб ва бир вақтнинг ўзида тўланадиган кредит турларини кўриш мумкин.


Кредитлар таъминланганлигига қараб, тўлик ёки нотўлик таъминланган ва таъминланмаган турларга ажратилади. Ушбу масалаларни айрим тижорат банклари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу ҳолатни кўриш мумкин. Қуйида Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий Банки⁹¹ ва ОАИТБ Ипак йўли банки⁹², “Агробанки”⁹³ мисолида кредит портфелининг структурасини кўриб чиқамиз.

⁹¹ Манба: ТИФ “Миллий банк” материаллари.

⁹² Манба: ДТ “ОАИТБ Ипак йўли банки» материаллари.

⁹³ Манба: АТ “Агробанки» материаллари.

Кредит портфели тузилиши (Миллий банк кредит портфели таркиби 2012 йил 1 январь ҳолатига)



5.2-расм. Миллий банк кредит портфели таҳлили

ОАИТБ Ипак йўли банки кредит портфели таркиби, 2012 йил 1 январь ҳолатига)



5.3-расм. ОАИТБ “Ипак йўли” кредит портфели таҳлили



5.4-расм. “Турон банк” кредит портфелининг таҳлили

Диаграммалар маълумотларидан кўриниб турибдики, Миллий банк кредит портфели таркиби турли тармоқларга диверсификацияланган. Кредит портфелининг турли тармоқларга диверсификацияланиши кредит хатарини камайтиради, шу билан бирга банк ликвидлиги кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. “Турон банк” ва ОАИТБ “Ипак йўли” кредит портфели таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, кредитларнинг турли тармоқларга нотекис жойлаштирилганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, асосий тармоқлардан ташқари бошқа секторларга жами кредитларнинг 76,6 фоизи, “Турон банк”да кишлоқ хўжалиги учун жами кредитларнинг 17,0 фоизи жойлаштирилган.

Ички аудит ўтказиш техникаси банк фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Унинг амалга оширилиши белгиланган режа асосида олиб борилади.

Тижорат банкларида асосий фаолият турларидан бири бўлган кредит операциялари ички аудиторлар учун кўп вақт сарф бўладиган турлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун айнан ссуда операцияларини текширувдан ўтказиш бўйича таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кредит ҳисоб-китоб операциялари аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкларининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Банкнинг кредит сиёсатини изохлашда, бошқарув органлари томонидан кредитнинг фойдалилигини таъминлаш учун, энг асосийларидан бири – белгиланган стандартларга риоя қилинишидан иборат бўлади. Бундай изохлаш кредит инспекторлари ва банк раҳбариятига

тавсия этилади. Кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш, банкнинг кредит портфели тартибли ташкил қилинганлигини ақс эттиради. Агар кредит сиёсати самарадорлиги тўғри ташкил қилинмаса, раҳбарият томонидан бу сиёсат қайта кўриб чиқилиши ва чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш керак. Кредит портфелини ташкил этишдан мақсад, кредит турлари, кредит муддатлари, ҳажми, кредит қўмитасининг ҳамда кредит ходимларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари белгиланган бўлиши керак. Бундан ташқари, кредит баҳолари, кредит таъминотини амалга ошириш, кредит фоиз ставкалари ва кредит қайтарилиши шартлари бўйича комиссияни белгилаш каби шартлар, изоҳлар бўлиши зарур.

Аудиторлар банкнинг кредит сиёсатини аудит қилишдан олдин ушбу изоҳларга эътиборларини қаратишлари керак.

Кредит портфели таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг рискини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор берилишини талаб этади. Чунки аудиторлар риск даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк фаоллиги сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилиши керак:

– кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;

– ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатларда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;

– кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;

– кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобрақамларга ўз вақтида ўтказилиши;

– муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида ақс этириш тартиби;

– берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби.

Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилишда, ҳисоб-китобларни амалга оширишда кенг тарқалган Microsoft Excel электрон жадваллар қўлланилиб келинмоқда.

Тижорат банкларида аудит ўтказишда кредит портфелини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Мисол сифатида А банкнинг Альфа филиалининг кредит портфели олинди.

2012 йил 1 январь ҳолатига А банкнинг Альфа филиалининг 168 та субъектлар бўйича 174 та кредит лойиҳалари молиялаштирилган бўлиб, улар бўйича жами кредит қўйилмалари 12 057 млн. сўмни ташкил этди.

5.6-жадвал

А банкнинг Альфа филиалининг кредит қўйилмаларининг мuddати бўйича таҳлили

(млн.сўмда)

Муддати	Жорий		Муддати ўтган		Муддати узайтирилган		Жами	
	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
Қисқа	7	2127	0	0	0	0	7	2127
Узок	163	9286	0	0	4	644	167	9930
Жами	170	11413	0	0	4	644	174	12057

Банкда ажратилган кредитларнинг асосий қисми 82,4% – 9930 млн. сўми узок мuddатли кредитларга тўғри келиб, қисқа мuddатли кредитлар кредит қўйилмаларининг 17,6% ни ташкил этган.

5.7-жадвал

А банкнинг Альфа филиалининг кредит портфелининг мулк шакли бўйича таҳлили

(млн.сўмда)

Мулк шакли бўйича	Қисқа мuddатли		Узок мuddатли		Шартлари қайта қўрилган		Жами	
	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси
Давлат ташкилотлари	0	0	0	0	0	0	0	0
Жисмоний шахслар	0	0	147	6381	1	36	148	6417
Қўшма корхоналар	1	500	1	65	0	0	2	565
Хусусий тадбиркорлар	4	1187	12	2810	3	608	19	4605
Хусусий фирмалар	2	440	3	30	0	0	5	470
Жами	7	2127	163	9286	4	644	174	12057

Ажратилган кредитларнинг 4,7 фоизи қўшма корхоналарга, 3,9 фоизи жисмоний шахсларга, 53,2 фоизи хусусий фирмаларга ва 38,2 фоизи хусусий тадбиркорларга ажратилган кредитлар ҳисобланади.

5.8-жадвал

А банкнинг Альфа филиалининг кредит портфелининг иқтисодий тармоқ бўйича таҳлили

(млн.сўмда)

Тармоқ тури	Қисқа муддатли		Узоқ муддатли		Шартлари қайта кўрилган		Жами	
	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
Саноат	3	1568	4	385	1	279	8	2232
Қишлоқ хўжалиги	0	0	3	41	0	0	3	41
Қурилиш	1	30	0	0	0	0	1	30
Транспорт	0	0	1	100	0	0	1	100
Савдо ва умумий омадланиш	1	89	4	1040	1	320	6	1449
Бошқалар	2	440	151	7720	2	45	155	8205
Жами	7	2127	163	9286	4	644	174	12057

5.9-жадвал

А банкнинг Альфа филиалининг кредит портфелининг таъминот тури бўйича таҳлили

(млн.сўмда)

Тармоқ тури	Қисқа муддатли		Узоқ муддатли		Шартлари қайта кўрилган		Жами	
	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
Кўчмас мулк	3	1440	5	1077	0	0	8	2517
Усуналар	2	568	4	1350	1	279	7	2197
Транспорт воситалари	1	30	140	6207	0	0	141	6237
Инвентарлар	0	0	3	13	0	0	3	13
Кафиллиги ва кафолатлар	1	89	7	314	1	320	9	723
Бошқа таъминот турлари	0	0	4	325	2	45	6	370
Жами	7	2127	163	9286	4	644	174	12057

Кредит қўйилmalarининг таъминоти бўйича таҳлил қуйидагича: ажратилган кредитлар асосан транспорт воситалари билан 51,7% га, кўчмас мулк – 20,9%, усуналар – 18,2%, 3-шахслар кафиллиги – 6%, инвентар – 0,1% ва бошқа таъминот турлари билан – 3,1%и таъминланган.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун А банкнинг Альфа филиалининг кредит фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиб ўтаемиз.

А банкнинг Альфа филиалининг кредит портфелининг ўрнатилган кредит фоизлари бўйича таҳлили

(млн. сўмда)

Кредит фоизлари бўйича	Қисда ва узоқ муддатли		Муддати ўтган		Шартлари қайта кўрилган		Жами	
	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси
6,3%-11%	68	5701	0	0	0	0	68	5701
14%-16%	66	1142	0	0	1	36	67	1178
18%-20%	28	3644	0	0	2	288	30	3932
21%-25%	8	926	0	0	1	320	9	1246
Жами	170	11413	0	0	4	644	174	12057

2007 йил 1 январь ҳолатига банкда ажратилган кредитларнинг 47,3% и йиллик 6,3–11 фоиз ставкаси оралитида кредит ажратилган. Шунингдек, кредит портфелининг 32,6% йиллик 18–20 фоиз ставкаси, 10,3% йиллик 21–25 фоиз ставкаси ва қолган 9,8% йиллик 14–16 фоиз ставкасида кредитлар ажратилган.

А банкнинг Альфа филиалининг ажратиладиган кредитларга фоизлар ўртача бир йиллик 15,65% ни ташкил этади. Кредит кўйил-маларининг 52,7% и (139 та 6359 млн. сўм)ни автокредитлар ташкил этганлиги сабабли ўртача фоиз ставкаси банк база ставкасига нисбатан анча кам. Шундан хусоса қилиб айтиш мумкинки, ўртача фоиз ставкаси 1 йилда 15,65% ни ташкил этиши, ўз навбатида, кредит фаолиятининг самарадорлиги юкори эмаслигидан далолат беради. Банкнинг фоиз сиёсатига мувофиқ кўпроқ тижорат кредитларини, (саноат, маиший хизмат ва бошқа соҳаларга) ажратиш лозим деб ўйлаймиз.

А банкнинг Альфа филиалининг фоизли даромадлари ўтган йилга нисбатан 59,7 млн. сўмга камайиб, 2007 йил 1 январь ҳолатига 318,6 млн. (шундан, ссудалар бўйича 259,7 млн.сўм, банклараро ресурслар бўйича фоизли даромад 589 млн. сўм)га тенг бўлиб, ажратилган кредитларнинг 1 сўмига нисбатан самарадорлиги ўртача 21.5 тийин атрофида. Бунга сабаб ўтган йилга нисбатан кредит портфели миқдори 1146.2 млн. сўмга камайган.

2007 йил 1 январь ҳолатига кредит фаолиятдан кўрилган фоизли даромадлар 3,186 млн. сўм, фоизли харажатлар 1,822 млн. сўм тўлиқ копланган ва соф фоизли даромадлар 33,2 млн. сўмни ташкил этган.

Юкоридаги кредит операцияларни таҳлил қилишда маълумотларни олиш ва танлашда, албатта, банкнинг операцион дастурлардаги ахборот базасидаги маълумотлардан фойдаланмасликнинг иложи бўлмайди.

Тижорат банкининг филиали билан кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси имзолангандан сўнг махсуф ишлаб чиқилган шаклда ссуда карточкаси тўлдирилади ва кредит шартномасининг муддати даврида ссуда карточкаси ишлайди.

Ички аудиторлар учун кредит билан боғлиқ ҳисоботларни олиш имконияти мавжуд бўлиб, унда ссуда карточкаси билан боғлиқ қуйидаги ҳисоботлар ва сўровномалар мавжуд.

А банк томонидан амалга оширилаётган кредит операциялари ҳам миллий валютада, ҳам чет эл валютасида, ҳар хил турдаги мижозларга, юридик жиҳатдан турли хил мақомларга эга бўлган, иқтисодийнинг барча соҳаларида (саноат, кишлоқ хўжалиги, хизматлар кўрсатиш) фаолият юритаётган мижозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Бунинг натижасида мижозлар томонидан кредитларга бўлган эҳтиёж ортиши, уларга бериладиган кредит операцияларининг турлари ва қўлами ошишига олиб келиши муқаррар.

Демак, бу ҳолатлар ички аудиторлар учун иш қўламини оширади, текширувларни ўтказиш қийинлашади ва кўп вақт сарфланади.

Халқ банки кредит портфели структурасини турли тармоқларга текис тақсимлаш имкони йўқлиги сабабли; бу банкда кредит хатарини минималлаштиришнинг бошқа усуллари кенг қўлланилмаяпти.

- Кредитлаш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилинади:
- Муддатлилиқ.
- Қайтариш шартлилиги.
- Мақсадлилиқ.
- Таъминланганлик.
- Тўловлилиқ.

Банкларнинг қатта-кичиклиги ва молиявий аҳволи турлича бўлиши сабабли кредит портфелини баҳолашнинг турли усуллари мавжуд. Бу борада АҚШ банк назорат органлари томонидан ишлаб чиқилган усул⁹⁴, айтиш мумкинки, анча кенг қамровли ва самаралидир. Бу усул иккита асосий компонентни ўз ичига олади.

– Биринчи компонент, ўз табиатига кўра унга “макрокомпонент” дея қаралиши мумкин. Бошқача айтганда, гап кредит сиёсати ва банкдаги иш жараёнининг алоҳида олинган кредитларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолдаги умумий таҳлили ҳақида кетаяпти.

⁹⁴ Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. — М.: Дело Лтд, 1995 г..

– Кейингисини алохида олинган кредитларни текширишга асосланган “микротахлил” дейиш мумкин. “Микротахлил”да кўп миқдордаги кредитларни ҳар томонлама таҳлил қиладиган кенг камровли ёндашувдан фойдаланилади.

Бу икки йўналишдаги ишлар бир-бирини тўлдиради. “Макро-компонентлар”ни таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

– Банк кредит сиёсати таҳлил қилинади.

– Кредитлаш масалаларига тегишли барча мажлис баёнлари кўриб чиқилади.

Кредитлаш фаолияти билан боғлиқ иш жараёнларининг қандай ташкил қилинганлиги, хусусан, мижоз билан банк ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниши, кредитлаш бўйича ҳужжатлар мажмуаси таркиби кўриб чиқилади.

– Банк ходимлари томонидан кредит сиёсатига ва юқори назорат органларининг кредит назорати билан боғлиқ ҳужжатларига риоя қилиниши).

– Ташқи мустақил аудиторлар томонидан кредит портфелининг кўшимча равишда таҳлил қилиниши қай даражада йўлга қўйилганлиги ва бу текширишлар натижалари қай даражада амалга татбиқ этилаётганлиги кўриб чиқилади.

Кредит портфелини “микродаража”да таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

– Баланс бўйича ссуда қарзларининг тўғри ҳисобга олинганлиги текширилади, бунда банкда ҳисоб тизими компьютерлашган бўлса, компьютерда печатланган ссудалар қолдиғи ведомости умумий журналдаги суммалар билан солиштирилади.

Ссудалар қолдиғи бўйича ҳисобот қуйидаги йўналишда текширилади:

– Барча ҳаракатсиз кредитлар турларга бўлиниб, муддати ўтган кредитларнинг суммаси ва муддати ҳисобга олингани ҳолда (тўлов муддати қанчага кечиккани аниқланиб) таҳлил қилинади.

– Барча кредитлар алфавит тартибда кўриб чиқилади. Бу бири-бири билан боғлиқ кредитларни аниқлаш имконини беради.

Кредит портфели аудит қилинганда берилган кредитларни таснифларга ажратиш ва аниқланган рискларни минималлаштириш ҳолатини текшириш муҳим роль ўйнайди.

Тижорат банклари ўз мижозлари фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлишилар, уларнинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳолини таҳлил қилиб боришлари керак. Кредитлаш


жараёнида кредит шартномаси шартларининг. бажарилишига, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, унинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтиришига, кредитдан фойдаланадиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқани сақлаб туришлари керак. Шу мақсадларда мижозининг хўжаликнинг молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларига мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, беҳуда харажатлар ва йўқотишлар кабилар устидан ҳар чорақда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб, қарз олувчи бўйича тутилган махсус йиғма жилдда бу маълумотларни йиғиб бориш керак. Шунингдек, банкка берилган гаров ҳолатини текшириб туриши керак.

Қарз олувчининг молиявий хўжалик аҳволи ёмонлашганда ва шартномада кўрсатилган шартларга риоя қилинмаган ҳолларда "Банк ва банклар фаолияти" тўғрисидаги қонунга мувофиқ банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда илгари берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақлидирлар.

Агар гаров тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган бўлса, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукционда (оммавий савдода) ёки воситачи корхоналар орқали сотилади. Агар қарз олувчи тўлов муддати келадиган кундан 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса, банк "Банкротлик тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисида иш кўзгаш учун хўжалик судига муурожаат қилиши керак.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида кўплаб банк хизматлари кўрсатилмоқда. Кредитлаш – тижорат банкнинг энг даромад манбаи бўлган фаолиятидир. Кредитлаш жараёнларидан келадиган даромад ҳозирги кунда ҳар бир банкнинг даромадларини 50–70 фоизгача ташкил қилади. Буни ОАТБ "Микрокредитбанк" мисолида⁹⁵ кўришимиз мумкин.

⁹⁵ Манба: ОАТБ «Микрокредитбанк» 2010 йилги йиллик ҳисоботи.



5.5-расм. ОАТБ “Микрокредитбанк”нинг 2010 йилда манбалар бўйича даромадлари

Банк тижорат фаолиятида жами активлар салмоғида кредитларнинг улуши анча юкори эканлигини кейинги диаграммада кўриш мумкин. Шу жумладан фонзли даромад 56,3% ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 6,891 млрд. сўмга кўпайган.

Бозор иктисодиёти шароитида кредит бериш фаолиятининг ўзига яраша рисклари ҳам мавжуд. Кредитлаш фаолиятининг энг асосий хавф-хатари, яъни rischi бўлиб берилган кредитларнинг кайтмаслик эҳтимоли хисобланади. Тижорат банклари кредит фаолияти банкнинг ликвидлилик ва фонзлар билан боғлиқ riskини келтириб чиқаради. Тижорат банки жиддий молиявий кийинчиликларни бошидан кечираётганда, биринчи юзага келадиган муаммо ликвидлилик инкирози ёки тўлов қобилиятини йўқотиш таҳдиди хисобланади. Лекин ликвидлилик инкирози тижорат банклари фаолиятида бирданга пайдо бўлиб қолмайди. Инкирозларни юкори даражадаги кредит riskи ёки катта миқдордаги кредитларнинг кайтарилмаслиги каби сабаблар келтириб чиқаради.

Кредит портфелининг аудити масаласида, чет эллик олим Смирнова томонидан шундай фикр билдирилган: кредит операциялари аудитининг максади, вазифалари ва манбалари, актив ва пассив кредит операциялари аудити, кредит операциялари аудитида йўл қўйиладиган умумий йўналишдаги камчиликлар тўғрисида ёритилган. Бунда белгиланган тартибга кўра тижорат банклари томонидан кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур услубий қўлланмалар, Марказий банк ва тижорат банкининг ишлаб чиқилган кўрсатмалари

тўғрисида ахборт берилган. Аудит ўтказиш тартибига кўра кредит портфелининг аудитини текширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозимлиги келтириб ўтилган:

- Актив кредит операциялари аудити.
- Пассив кредит операцияси аудити.
- Шартномалар ёпилаётганда кредит операциялари.
- Чет эл валютасидаги кредит операциялари аудити.

Л.Б. Сидельникова “Аудит коммерческого банка” китобида⁹⁶ алоҳида бўлимлардаги масалаларни ёритишда, шу жумладан банк актив операциялари аудити ва банк пассив операциялари аудитида кредит операциялари бўйича айрим мулохазаларни ифодаланган. Бунда кредит операциясизни тегишли сўтларда акс эттириш, унга берилган проводкалар, кредитнинг кайтарилишида берилган проводкалар, балансдан ташқари сўтлардан чиқариш тартибларини текшириш кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга кредит бўйича ҳисобланган фондларнинг акс эттирилиши, ссуда операциялари бўйича рисклар ва уларни ҳисоблашнинг тўғрилиги текширилиши кўрсатиб ўтилган. Бунда банк депозит портфелини ташқил этишнинг хусусияти, аҳолининг пул қўйилмалари, рискларни камайтириш усуллари батафсил мисоллар асосида ёритилган.

Ўзбекистонда С. Норқобилов, О. Абдусаломова томонидан кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлаш тартиблари, аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фондларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олинishi, кайтарилиши муддатлари каби муаммолар ўрганилган.

Н.Ф. Каримовнинг “Тижорат банкларида ички аудит”⁹⁷ китобида ички аудитнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро аудит стандартларини амалиётга татбиқ қилиш тартиби, банк барқарорлигини таъминлашда ташқи назоратнинг роли, тижорат банклари ички аудит тизимини ташқил қилиш, унинг муаммолари, ички аудит текширувини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш, аудит жараёнини ҳужжатлаштириш, унинг ишончлилигини аниқлаш масалалари, аудит натижаларини яқунлаш, аудитор ҳисоботи масалалари, шунингдек, аудиторлик ҳисоботлари таркибида тижорат банклари кредит портфели аудити масалалари қисман ёритилган.

⁹⁶ Сидельникова Л.Б. Аудит коммерческого банка. М.: ИПЦ “Бухвиц”, 1996. 176 с.

⁹⁷ Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. – Т.: “Фан”, 2006. – 262 б.

Аудитор томонидан банк кредит портфели текшириляётганда кредит портфели сифати тўғрисидаги маълумотларнинг объектив ва тўлиқ бўлмаслиги аудитнинг самарадорлигини камайтиради ҳамда банк раҳбариятининг аудит хулосаларидан келгуси иш фаолиятида тўғри фойдаланиш имкониятини йўққа чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалдаги низом (Марказий Банкнинг 242-сонли 20 июль 1996 йилги «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банкларида ва унинг филиалларида ссудалар бўйича йўқотишлар эҳтимолини қоплаш захирасини яратиш ва ундан фойдаланиш тартиби» тўғрисидаги йўриқномаси) га мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, ҳар бир кредитга боғлиқ хатар даражасини қуйидаги синфларга бўлиб аниқлаш керак.

- а) яхши;
- б) стандарт;
- в) субстандарт;
- г) шубҳали;
- д) умидсиз.⁹⁸

Яхши кредитлар, бу – ўз вақтида қайтарилиб келинаётган кредитлар бўлиб, бунда қарз олувчи молиявий барқарор хўжалик субъекти ҳисобланиб, унинг ўз капитали билан таъминланганлик даражаси жуда юқори бўлади. Дебиторлик қарзларининг айланиши киска муддатларни (кунларда) ташкил қилади, рентабеллик даражаси юқори бўлади. Қарздорнинг фаолияти баҳоланаётганда, унинг илгариги мажбуриятлари билан қандай муносабатда бўлганлигини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кредитнинг юқори таъминланганлиги деганда, кредит таъминотига қўйилган активларнинг тез пулга айланиши ҳамда қарз ва фонд суммасини тўлиқ қоплайдиган ҳолати тушунилади. Бу билан боғлиқ барча ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган бўлиши лозим. Кредитларнинг яхши категориясида, унинг қайтмаслигининг ҳеч қандай белгилари бўлмайди.

Стандарт кредитларга таъминланган, лекин кредит фондларини ўз вақтидан кечикиб тўлаётган кредитлар киради. Қарздорнинг молиявий аҳволи яхши, ammo безовталикка асос бўлади. Бундай кредитларга яхши расмийлаштирилмаган кредитлар ҳам киради.

Субстандарт кредитлар. Бу кредитлар тўлов муддатларини икки ойдан зиёд вақтда кечистириб тўлаб келаётган кредитлардан иборат.

⁹⁸ “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низом”. 432-сонли 22.02.2000 йил //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Субстандарт кредитлар сифати ёмон эканлигини кўрсатиб турувчи белгиларга эга бўлади. Бундай кредитларга қайтариш манбаларининг, юқорида айтиб ўтилган, биринчи гуруҳи етарли бўлмайди. Банк иккинчи гуруҳи қайтариш манбаларини қидиришга мажбур бўлади. Субстандарт кредитлар хўжалик субъектининг барқарор молиявий ахволи ва тўлов қобилияти билан химояланмаган бўлади. Ёки кўпинча, қарздорнинг молиявий ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар олиш имкони бўлмайди.

Шубҳали кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган, лекин қарз муддатидан 60 кундан ўтган қисқа муддатга берилган кредитлар ва яхши таъминланмаган узок муддатли кредитлар, муддати 90 кундан ўтган ссудалар тегишли бўлади. Бундай салбий ҳолатлар натижасида кредитнинг қайтарилиши гумон бўлиб қолади.

Умидсиз кредитлар. Бундай кредитларга қайтарилиши мумкин бўлмаган кредитлар қиради, қиймати шунчалик кам баҳоланадики, бу уларни банк балансида ҳисобга олиб боришни маъносиз қилиб қўяди. Бу кредитлар таркибига қарз муддати 180 кундан ўтган таъминотсиз қарзларни киритиш мумкин.

Мижозларнинг кредитга қобилиятлилиги мавжуд молиявий ҳисоботлар асосида таҳлил қилинади. Бу ҳисоботлар қуйидагилардир:

1. Корхона баланси (юридик шахслар учун).
2. Молиявий натижалар.

Таҳлил учун олинган ҳужжатлар энг қаида охириги беш йил учун бўлиши керак. Бу – ташкилотда охириги йил мобайнида молиявий ҳолат ўзгариш тенденциясини кўрсатади. Ҳисоботларни таҳлил қилган вақтимизда ҳам ҳисобот кўрсаткичлари қай даражада тўғри таҳлил қилиниши рисқи мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида, банкнинг ички рисклар даврасига қиради. Бу рискнинг қамайиши мазкур таҳлил олиб бораётган ходимларнинг билим даражасига ҳамда ташкилот билан боғлиқ бўлган специфик ҳолатларни яхши билишга боғлиқ бўлади. Молиявий таҳлил ўтказишда асосан коэффициентлардан фойдаланилади. Коэффициентлар ёрдамида баланснинг ҳар бир моддаларида кўрсатилган рақамлар таҳлил қилинади. Мижознинг молиявий ҳисоботларида ҳамда балансда келтирилган рақамлари банк томонидан берилган кредитларнинг рискларини қамайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтилган молиявий ҳисобот кўрсаткичлари мутлоқ ҳамда нисбий кўрсаткичлар асосида олиб борилади. Таҳлилда нисбий, яъни кўрсаткичларни фоиз сифатида таҳлил қилганимизда шуни билишимиз керакки, фоизлар миқдорларнинг катта ёки кичиклигини аниқ кўрсатмайди, лекин миқдор аҳолини бошқаларга нисбатан солиштиришга ёрдам беради.

**Кредит қобилиятини синфларга ажратишдаги асосий
кўрсаткичлар**

Номи	1 синф	2 синф	3 синф
1.Тўла қоплаш коэффициенти	2 гача	2 дан 1 гача	1 дан 0,5гача
2.Ликвидлилик коэффициенти	1,5 гача	1,5 дан 1 гача	1 гача
3.Автономия коэффициенти	60% гача	60%дан 30%гача	30% гача

Хатар даражасини синфга бўлиб чиққандан кейин синфларга қараб белгиланиб, ссуданинг қайтмаслик эҳтимоли олдини олиш учун захира ҳосил қилинади. Бу захира мижоз томонидан банк ссудасини қайтара олмаганда шу захирадан беркитилади.

Бу захираларга маблағлар амалдаги (Марказий Банк 20.07.1996 йил 242-сонли йўриқномаси) тартибда ажратилади. Қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун захира хўжалик органларига берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилиш керак. Захираларни белгилаш асосида захира ҳажми амалдаги қарздорлик ёки хатар гуруҳига боғлиқ бўлади. Берилган қарз киритилган хатар гуруҳи ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун захирага ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилиши лозим.

Тижорат банклари бераётган ҳар бир кредит банкнинг бухгалтерия счётларида акс эттирилиши керак. Банк мижозларининг муддатли ссуда қарзлари бўйича счётлар мижозларнинг ссуда қарзлари счётида юритилади. Кредит бериш вақтида кредит бўлими томонидан ссуда счётлари очилиши тўғрисидаги фармойиш операцион бўлимга расмийлаштирилиши керак. Шу билан бирга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет – ссуда счёти.

Кредит – танланган счётлардан бири – 10101, 10501, 10301 ёки қарздорнинг ҳисобрақами.

Бундан ташқари, тўлов мажбурияти ҳам расмийлаштирилиши керак. Унда мижоз имзоси ва муҳри босилган бўлади, бу берилган мажбуриятномада, кредит ўз муддатида қайтарилмаган бўлса, мижознинг ҳисоб счётидан маблағ ечиб олинади. Мажбуриятномада ссуда счётининг рақами, кредит миқдори, қайтариш муддати кўрсатилган бўлади. Бу мажбуриятнома балансдан ташқари 91809-

сонли счётада кирим қилинган бўлиши керак. Узок муддатли кредитлар бўйича ҳам 91809-сонли баланسدан ташқари счётада кирим қилинади. Шу билан бирга кўрсатилган баланسدан ташқари счётлар бўйича қолдиқлар, умумий сумма қарзлар миқдори билан тенг бўлиши шарт.

Лекин шу нарсани назарда тутиш керакки, ҳамма вақт ҳам бу тенгликка риоя қилинмайди, кредитларнинг қисман қайтариллиши натижасида тўлов мажбуриятномадаги қолдиқ ссуда қарзлари қайтарилмагунча ўзгармасдан қолади. Қўпинча операция хажми катта бўлмаган банкларда тўлов мажбуриятномаси умуман расмийлаштирилмайди.

Ссуда счётидаги қолдиқ шартномада кўрсатилган кредит суммаси билан солиштирилиши керак. Қонун бўйича суммалар тўғри келиши лозим, лекин кредитлар бўлақлаб берилгани учун, шу сабабли қарзлар ҳисоб варақасида кредит суммасидан кам бўлиши мумкин. Кредитнинг қайтариллишида қуйидаги провodka берилади:

Дебет – N10101,10501,10301 ёки қарздор ҳисоб рақами.

Кредит – ссуда қарзлари счёти.

Ссудаларнинг ҳаммаси қайтарилганда, шу вақтнинг ўзида баланسدан ташқари 91809-сонли счётлардаги суммалар ҳисобдан чиқариб ташланади.

Қарздорларнинг муддати ўтган ссуда қарзлари, балансинг алоҳида 12505,12705,12905,13105 ва ҳоказо счётида юритилади. Бошқа банкларга берилган кредит ресурслари ўз вақтида қайтарилмаса, 12105-сонли счётада олиб борилади ва узок муддатли кредитлар ўз вақтида қайтарилмаса, у ҳолда 12505,12705,12905,13105 ҳисобварағида ҳисоби юритилади. Бу провodkaлар кредитни қайтариш муддати ўтган куннинг эртасига берилиши керак.

Текшириш давомида кредитларга фоиз ҳисоблашда, уларнинг фоиз ҳисоблаш тартибига ва тўғри ҳисобланишига эътибор берилиши керак. Фоиз ҳисоблашда ҳар бир кун олинади ва бир йил 365 кун белгиланади. Фоиз ҳисоблаш учун белгиланган йиллик фоиз ставкасининг 365 кунга нисбати олинади. Ҳисоблаб чиқилган кунлик фоиз қарз қолдиғига кўпайтирилади ва қарз давом этган даврдаги кунларга кўпайтирилади. Фоиз ҳисоблаш ва фоизларни олишда қуйидагича амалга оширилади.

а) Агар қарздор банкнинг миқдори бўлса, у ҳолда, кўрсатилган провodka амалга оширилади:

Дебет – қарздорнинг ҳисоб-китоб счёти.

Кредит – 42200-сонли операцион ҳар хил ҳаражатлар счёти;

б) қарздорнинг ҳисоб-китоб счётида маблағи йук бўлса, муддати ўтган фоиз қарзлари счётига олиб борилади ва келгуси давр даромадлари счётида акс эттирилиши керак, яъни

Дебет – 16309 (ҳисобланган фоизлар счёти).

Кредит – 22896 (келгуси давр даромади счёти);

в) ҳисобланган фоизларга маблағ келиб тушганда тўловчининг ҳисоб счёти дебетланади ва 12505-счёти кредитланади, шу билан бирга 22896-счётидан маблағ ҳисобдан чиқарилиб, 42200-счётига олиб борилади.

Аудит томонидан текширилганда кўпинча қонунбузарлик ҳоллари, берилган ссуданинг етарлича асосланмаганлиги, фоизларнинг нотўғри ҳисобланганлиги, муддати ўтган қарзларнинг муддати ўтган ссудалар ҳисобварақасида кўрсатилмаганлиги, йўқотиш эҳтимоли бор бўлган кредитларга захираларнинг ҳисобланмаганлиги, кредит шартномаларини ва гаров муносабатларини ҳуқуқий асосланмаганлигини кўрсатади.

Агар ҳосил қилинган захиралар қарзларни беркитишга етарли бўлса, у ҳолда ссуда қарзлари ва ҳосил қилинган захира ўртасидаги фарқ банкнинг зарарларига олиб борилиши керак. Бу қуйидагича провodka билан амалга оширилади:

Дебет – Фойда ва зарарлар счёти.

Кредит – Муддати ўтган ссуда қарзлари счёти.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, тижорат банки йилнинг охирида бу кўрилган зарарни ўз фондларини камайтириш ҳисобидан ва олдинги йилларнинг ишлатилмаган даромадларидан беркитиши керак. Бу провodka қуйидагича амалга оширилади:

Дебет – 30903 захира фонди счёти.

Кредит – Фойда ва зарарлар счёти .

Ўз вақтида қайтарилмаган кредитларни қайтариш чоралари изланилмаса ва тезлик билан чора-тадбирлар кўрилмаса, банкнинг устав капиталига, депозитга олинган маблағларга, омонатчиларга миқдорларга, катта зарар етказилади ва банк ўз мажбуриятлари устидан чиқолмасдан банкротлик даражасигача бориб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун банк ходимлари томонидан кредитларнинг назоратини ўз вақтида олиб бориш керак. Кредитлар муаммоли кредитларга айланмасдан, уларнинг таъминоти гаровга олинган мулкни сотувга қўйиш ёки кредитни кафолатлаган шахслардан ўз мажбуриятлари устидан чиқишни талаб этишлари керак.

Банкларнинг кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда банкнинг ички инструктив материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни инструктив материаллари, бурчларининг тақсимоли ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитаси

қарори шу кабилар тегишлидир. Буларнинг борлиги банкларда кредит ишнини юритишни рационал ташкил қилишга ердам беради ва ходимларнинг ўз вазифаларига бўлган маъсулиятни оширади. Кредит бериш учун шартномага хулоса ясашга ва ишлаб чиқиш жараёнида, банклар томонидан ташкилий ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда банкдан қабул қилинаётган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

Асосан қарздорни ҳисобот даврига бўлган баланси, техник иқтисодий хулосалари, кредитни қайтиши учун қўшимча қафолатлар ва бошқа нарсалар етишмаслиги ҳолати учрамоқда.

Юқори миқдордаги кредитларни беришда кредит ва ҳуқуқий бўлимлар томонидан ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги кредит мақсадлилига тўғрисида ёзма хулосалар қилинмаяпти. Кредит олиш учун берилаётган ҳужжатлар баланс, техник иқтисодий асослар, савдо-сотик бўйича шартномалар ҳар доим ҳам қарз олувчининг ноаниқ муҳри ёки мансабдор шахснинг имзоси йўқлигини аниқлашимиз мумкин.

Кредит шартномаларига кўп ҳолларда банк ходимлари томонидан имзо қўйилмаганлиги, баъзан эса муҳр босилмаганлик ҳоллари аниқланмоқда.

Кўп ҳолларда кредит шартномаларининг баъзи бирлари муддатли тўлов мажбурияти билан расмийлаштирилмайди. Қўшимча қафолатларга етарлича диққат ажратилмаган.

Бошқа банк ёки корхонанинг қафолати асосида кредит беришда қафолат мажбуриятларида қафолат берувчининг баланси чуқур таҳлил қилинмаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Бошқа банк корхоналарининг қафолатлари асосида кредит беришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолатларда катта миқдордаги кредитлар банкнинг пайчилари (ҳиссадорлари)га берилади. Булар асосан бир-бирига келишилган ҳолда қафолатлаб бериб, баъзи бир ҳолатларда банкка ҳеч қандай ҳужжатлар бермайди. Натюжада шу йўл билан берилган кредитлар бир неча маротаба пролангация, яъни муддати узайтирилади. Қарздорнинг гаров мажбуриятларини расмийлаштиришда керакли даражада диққат қаратилмаган.

Яна шу нарсалар аниқланганки, ўзининг хусусий бўлмаган дала ҳовлисини ер участкаси деб гаровга қўйган ва шунга қарамадан, унга кредит ажратилган. Гаровга қўйиладиган маҳсулотнинг сертификати, нархи тўғрисидаги маълумот ва яна керакли бошқа сугурта ҳужжатлари етишмайди.

Сугурта ҳужжатлари кераклича тўлик бўлмаслиги ва нотўғри расмийлаштирилиши кўп учрайди. Айрим ҳолларда сугурта бадали қарз олувчи томонидан тўланмаганлиги сабабли сугурта шартномаси юридик кучга эга бўлмайди ва натижада берилган кредит ҳақиқатдан сугурталанмаган бўлиб қолади. Кўп ҳолларда бундай кредитларнинг муддати бир неча маротаба узайтирилади ёки муддати ўтган ссудалар қаторида ҳисобга олинади.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 22 февраль 2000 йилги 432-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилган. Бунда кредитнинг асосий таъминоти бўлиб қўйидагилар кўрсатилган: мол-мулк ва қимматбаҳо қоғозлар гарови, кафолат ва кафилликдир.

Банк ҳар бир берилган кредит бўйича кредит йиғма жилдини тайёрлайди, у кредит шартномаси имзоланган ёки тасдиқланган кундан бошлаб очилади ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари асосий қарз ва фоизлар тўлик тўланганидан сўнг ёпилади.

Бланкли (ишончли) кредитга доир йиғма жилдда ҳар қандай турдаги кредитни бериш учун талаб қилинадиган умумий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши етарлидир. Ушбу умумий ҳужжатлар қўйидагиларга мувофиқ келиши лозим:

- қарздор томонидан имзоланган ва кредит берилишидан олдинги сана қўйилган, кредитдан фойдаланиш мақсадлари баён этилган ва кредит таъминланган ҳолда гаров мавзун кўрсатилган ариза;

- қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари; бунда ҳужжатнинг нусхалари масъул кредит ходими томонидан қарз олувчининг юридик ишидан олинган бўлиши шарт;

- бизнес-режа (истеъмом кредити ва бизнес-режани тақдим этиш шарт бўлмаган кредитнинг бошқа турлари бундан мустасно);

- агар шахс қарздорнинг вакили бўлса, қарздор номидан кредит шартномасини имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, имзолар нусхаси;

- тузилган кредит шартномасининг асл нусхаси;

- қабул қилинган бухгалтерия стандартларига мувофиқ тайёрланган, охириги ҳисобот санасида қарздор томонидан имзоланган молиявий ҳисоботлар, жумладан, баланс ҳисоботи ҳамда даромадлар ва пул оқимида доир ҳисоботлар; зарурат туғилганда қарз олувчининг ҳисоботлари банк ва банкнинг консултацияцион бўлимининг масъул кредит ходими ҳамкорлигида талаб қилинаётган форматга мувофиқ келтирилиши шарт;

– маъсул банк ходими томонидан тайёрланган, кредитни тўлаш учун қарздорнинг нақд пул массаси оқимнинг старлилигини тасдиқловчи пул оқими тўғрисидаги ҳисобот таҳлили;

– банк кредит кўмитасининг кредит тасдиқланган муддат ва шартларини ўз ичига олувчи кредит шартномасини тасдиқлашга доир қарори.

Агар кредит кўчмас мулк гарови билан таъминланган бўлса, унда кредит йиғма жилдида қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

– ипотека тўғрисида тузилган шартноманинг асл нусхаси;

– гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти кийматининг келишув далолатномаси;

– гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти кийматининг келишув далолатномаси;

– гаровга қўйилган мулкни суғурта қилиш шартномаси ва ушбу шартнома бўйича суғурта полиси;

– гаров шартномасининг давлат кадастр идораларида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки давлат кадастр идораларида гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклда гаров шартномасига қўйилган белги;

– гаров предметини сотиш нархини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар кредит, уни сотиб олишни молиялаш мақсадида берилган бўлса.

Банк ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича йиғма жилдга қуйидаги ҳужжатларни тикиб қўйиши лозим:

– қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муомалаларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

– кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

– қарздор кафилининг (кафолатчи) молиявий аҳволини акс эттирувчи барча ҳужжатлар;

– кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан қўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Бундан ташқари, кредит портфелини рисклар бўйича диверсификациялаш. Унда берилган кредитларнинг ҳар хил тармоқлар бўйича ажратилганлиги, кредитларнинг муддатлари бўйича диверсификациялаш ҳақиқатдан тўғри шаклланганлиги, муддатида қайтмаётган кредитлар

устидан назоратнинг кучайтирилганлиги, муддатда қайтаётган кредитларга резервлар ҳосил қилишдан иборат бўлади. Буларнинг ҳаммаси тижорат банкларининг кредит операциялари устидан бўладиган ноқонуний операцияларнинг олдини олиш учун аудит хизматидан фойдаланишга мажбур этади.

Ўзбекистонда тижорат банклари фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги ва «Банklar ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунларга мувофиқ Марказий банк томонидан тартибга солинади ва назорат қилиб борилади. Хусусан, тижорат банкларида аудит фаолитини ташкил этиш ва уларда аудит ўтказиш тартиб-қоидалари Марказий банк томонидан белгиланади. Жумладан, тижорат банкларида ташқи аудит текширувларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низоми талаблари асосида амалга оширилса, ички аудит текширувлари «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ўтказилади.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини, асосан, ички аудит нуқтан назаридан кўриб чиқишимизни ҳисобга олиб, тижорат банклари лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказиш ва уни ташкил этиш тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнларини ишлаб чиқишда тижорат банкларидаги лизингга боғлиқ операцияларни текшириш учун, асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом ва 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари Режаси» ва бошқа метёрий ҳужжатлар асос қилиб олинади.

Тижорат банклари лизинг операцияларида кўпинча лизинг берувчи бўлиб қатнашадилар. Шу боис, биз ушбу ўқув қўлланмада, авваламбор, тижорат банкларининг лизинг операцияларида асосан лизинг берувчи бўлиб қатнашгандаги аудитини ташкил қилиш ва такомиллаштириш йўллари кўриб чиқамиз.

Тижорат банкларининг бошқа операцияларидан фарқи ўларок, лизинг операцияларини текширишда аудитнинг барча босқичлари – режа-

лаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосаларни тузишда махсус ёндашув талаб қилинади.

Чунки, фикримизча, лизинг операцияларининг тижорат банклари учун бошқа банк операцияларидан фарқи, бир томондан, лизинг кредит муносабатларининг бир турини англатса, иккинчи томондан, асосий воситаларни сотиб олиш ва уларни ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларга яқин туради. Шунингдек, тижорат банки учун лизинг ўз капиталини сақлаб қолиш ва уни кўпайтириш мақсадида қилинган кредит операцияларига нисбатан бирмунча риск даражаси кам ҳисобланган инвестицион фаолиятнинг бир тури, деб ҳам тушуниш мумкин. Чунки, лизинг операцияларида маблағлар қайтарилишининг асосий гарови бўлиб лизинг объектининг ўзи ҳисобланади. Шуниси билан ҳам лизинг кредит операцияларига нисбатан бирмунча ишончлидир.

Лизинг операцияларини текширишни режалаштириш босқичида бажариладиган таҳлилий амаллар текшириладиган банк филиали фаолиятини ўрганиш ва аудиторлик рискнинг даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Аудиторлардан махсус эътибор талаб қиладиган ва аудиторлик rischi даражаси юқори бўлган, ностандарт ёки нотўғри акс эттирилган фаолият фактлари ва натижаларини аниқлашга ёрдам берганлиги сабабли, таҳлилий амаллар ушбу босқичда ўта муҳим ҳисобланади.

Таҳлилий амаллар кераксиз аудиторлик амалларининг сонини қисқартиришга имкон беради ва текширувга сарфланадиган меҳнат сарфини камайтиради. Пировард натижада, бу – аудит сифатини оширади ва молиявий ҳисоботдаги чалкашликларни аниқлашни таъминлайди. Худди шу нарсадан, яъни бошланғич таҳлилий амаллардан тижорат банкларида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда анча самарали фойдаланилади.

Тижорат банкларида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда, ҳисоб-китоблар анча аниқ ва тезкор амалга оширилади, чунки, уларда баланс кунлик чиқарилади. Шунинг учун тижорат банкларининг ички аудит хизмати томонидан банк филиаллари фаолиятини кузатиб бориш, операциялар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш ёки Бош банкнинг бошқа тегишли бўлинмалари билан ҳамкорлик натижасида жойида туриб, текширувга чиқмасдан туриб ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектларникига қараганда бирмунча ишончлироқ тарзда бир қанча керакли умумий, жамланма маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг лизинг операциялари аудитини режалаштиришда асосан текширилаётган

филиал ҳолати, унинг жами кредит қўйилмаларидаги лизинг операцияларининг ҳажми, фоиз ставкалари, ҳар бир лизинг операциясининг миқдори, уларнинг таъминланганлик даражаси ва бошқа маълумотлар текширувга кетишдан олдин Бош банкдан йиғилиб, тўплаб олинади. Бу эса, аудиторларнинг жойлардаги текширувларини анча енгиллаштиради ва самарасини оширади, шунингдек, энг асосийси вақтни тежайди. Шундан кейингина амалга оширилган лизинг операциялари жойига чиқиб текширилади. Ушбу текширишда хужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳолатининг аудити асосан Марказий банкнинг юқоридаги Низоми талабларига мувофиқ кўрилади.

Лизинг операцияларини аудитдан ўтказувчи ходим учун лизинг операцияларини текширишнинг энг муҳим жиҳати бу – лизинг олувчининг лизинг олаётган даврдаги молиявий ва тўлов қобилиятининг тўғри ўрганилганлигини қайтадан текшириб кўриш, жорий фаолиятининг қоникарлилиги ва лизинг тўловларининг доимийлиги устидан мониторингнинг тўғри йўлга қўйилганлигига баҳо бериш ҳамда филиалнинг маблағларини ва даромадларини сақлаб қолиш риски даражасини аниқлашдан иборат. Банк кредит операцияларида кредит суммаси миқозининг ссуда ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри чиқарилиб, уларга шу кундан бошлаб фоиз ҳисоблана бошлайди. Лекин лизинг операцияларида бундай эмас. Яъни, банк (лизинг берувчи) томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун маблағ ўтказилган кундан бошлаб банк учун лизинг операцияси бошланган ҳисобланади ва банк шу кундан бошлаб лизинг объекти учун олдиндан тўлов ёки жами лизинг объекти суммаси миқдоридagi маблағдан айрилади. Лизинг олувчи учун эса лизинг операцияси банк томонидан лизинг объекти учун қачон маблағ ўтказилганидан қатъи назар, лизинг объекти белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан кейингина бошланади ва у шу кундан бошлаб лизинг учун фоиз тўлай бошлайди. Бунда, банк лизинг объектига пул ўтказган кундан бошлаб, уни лизинг олувчига етказиб берилгунча бўлган давр учун агар шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ҳеч кимдан ҳеч қандай ҳақ олмайди.

Шуни ҳисобга олганда, лизинг операцияларида лизинг объектига пул ўтказилган кундан бошлаб уни етказиб берилгунча бўлган давр жуда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ҳам лизинг операцияларини аудит қилиш ва унга баҳо бериш аудиторлардан алоҳида ёндашув ва билим талаб қилади. Бунда лизинг шартномасининг қандай тузилганлиги, унда олдиндан тўловлар ва лизинг объектини етказиб бериш муддатлари уларга амал қилинишини ўрганиш баҳо бериш

аудиторлардан алоҳида эътибор ҳамда ёндашув талаб қилади. Яъни, лизингнинг даромадлилиги маълум даражада шу нарсага ҳам боғлиқ. Шунинг учун тижорат банкларининг лизинг операцияларини аудит қилишда лизинг объекти учун олдиндан тўлов ва уни етказиб бериш муддатларининг шартномада қандай белгиланганлиги алоҳида ўрганиб чиқилиши ҳамда лизинг операциялари давомида ушбу муддатларга айнан амал қилинганлиги текшириб кўрилиши керак. Бунда лизинг объектига ўтказилган маблағ ва уни етказиб бериш ўртасидаги муддат унчалик узок бўлмаслиги лозим, чунки, банк ўтказилган маблағ учун ушбу муддат оралиғида ҳеч қандай даромад кўра олмайди. Кўпгина ҳолларда бундай ҳолат лизинг берувчи тижорат банклари, ҳатто аудиторлар назаридан ҳам четда қолади. Бу эса, кейинчалик банк учун лизинг нархининг тушиб кетишига ва ресурслардан самарасиз фойдаланилишига олиб келади.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида жалб қилинган ва жойлаштирилган ҳар қандай маблағ бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ҳисоб-китоб қилиш компьютер дастури орқали амалга оширилади. Лекин, шу билан бирга, бундай технологиялардан фойдаланиш тижорат банклари ходимлари, айниқса, ички аудит ходимларидан махсус билим ва тажриба талаб қилади. Чунки, ҳозирги кунда тижорат банкларида компьютер техникасини ва дастурларини мукаммал билмай туриб яхши аудитор бўлиш қийин.

Лизинг операцияларини аудит қилишда аудиторлар томонидан ҳисобланган лизинг тўловларининг ўз вақтида балансда акс эттириб борилиши ва шартномада келишилган муддатларда ўз вақтида ундириб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, ҳисобланган, лекин ундирилмаган ёхуд ўз вақтида ҳисобланмаган ва ундирилмаган фоизлар банкнинг шу вақтдаги молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда банklar лизинг муомалаларида нафақат лизинг берувчилар, балки лизинг олувчилар ҳам бўлиб иштирок этишлари мумкин. Бунда ҳам аудиторлардан банк томонидан лизинг объектларини лизингга олиш бўйича музокара, шартномаларнинг имзоланиши жараёндан тортиб, унинг техник ҳолати ва бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилганигача тўлиқ текширилади. Айниқса, аудиторлар учун лизинг объектининг бухгалтерия ҳисобида юритилиш тартиби ва у бўйича тўловлар ҳисобининг тўғри олиб борилишини текшириш муҳим ҳисобланади.

Тижорат банкларининг лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этгандаги операциялари аудити алгоритминини умумий ҳолда қуйидагича акс эттириш мумкин:

**Тижорат банклари лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб
иштирок этгандаги аудит алгоритми**

Т/р	Амалга ошириладиган жараёнлар	Амалга ошириладиган жараёнлар аудити
1.	Лизингта олинаётган лизинг объектнинг ҳақиқатан шу даврда банк фволияти учун зарурлиги нинг асослилиги.	Банкнинг лизинг объектига тегишли вазифаларни бажара оладиган ускуналарининг бор-йўқлиги ва уларнинг техник ҳолати ўрганилади.
2.	Лизинг объектни олиш бўйича қарорнинг мавжудлиги.	Лизинг объектни лизингта олиш бўйича Банк Кенгаши ва Бошқарув қарорларининг мавжудлиги текширилади.
3.	Лизинг объекти ва сотувчисини танлаш.	Лизинг объекти очик тендер эълон қилиш орқали, реал нарҳда ва банкка тўлиқ мос келган ҳолда танланган бўлиши керак.
4.	Лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш.	Бунда лизинг шартномасини тайёрлаш, тузиш, расмийлаштириш ва белгиланган тартибда ўз вақтида имзоланганлиги текширилади. Агар лизинг шартномасининг суммаси белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 бараваридан ортик бўлса, банкнинг юридик хизмати раҳбари (ҳуқуқшунос) томонидан тегишли хулоса қилинган виза қўйилган бўлиши лозим.
5.	Лизинг объектни қабул қилиб олиш тартиби.	Лизинг объекти шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида етказиб берилган бўлиши керак.
6.	Лизинг объектдан фойдаланиш даражаси.	Лизинг объектнинг техник ҳолати ва фойдаланиш даражаси текшириб кўрилади.
7.	Лизинг объекти бўйича тўловларнинг тўланиши.	Лизинг объектдан фойдалиниш даври мобайнида лизинг тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши бухгалтерия маълумотлари билан солиштириб, текшириб кўрилади.

Тижорат банкларининг лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этгандаги операцияларини аудит қилишда энг асосий эътибор қаратиладиган жиҳатларидан бири – бу банкнинг лизинг объектни ва сотувчини танлаши ва шартномани имзолаш жараёнидир, шунингдек, лизинг объектдан лизинг шартномаси муддати мобайнида ва ундан кейин фойдаланиш даражаси самарадорлиги масаласи муҳим масала бўлиб қолади.

⁹⁹ Алгоритм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувларида асосий эътибор қаратиладиган масалалар хусусида республикамиз соҳа олимларининг бир қанча фикрларини келтириш мумкин. Ушбу фикрларни келтириш билан ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувлари, уларни такомиллаштириш борасида бир қанча ижобий ишлар қилинаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида лизинг тижорат банклари учун бирмунча янги операция бўлганлиги сабабли, ҳозирги кунда унинг ҳисоби каби лизинг операциялари аудитини ташкил қилишда ҳам бир қанча муаммолар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан биз республикамиз тижорат банклари лизинг операциялари аудитини ташкил қилишдаги айрим муаммолар устида тўхталиб, ўзимизнинг баъзи шахсий фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Лизинг объекти маълум муддатга қадар фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчида бўлса-да, лекин лизинг шартномаси шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар банк (лизинг берувчи) нинг мулки ҳисобланади. Лекин лизинг объекти лизинг шартномаси шартлари тўлиқ бажарилиб, лизинг олувчи мулкига ўтгунга қадар ундан фойдаланиш, қараш, сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан жавобгарликлар лизинг олувчи зиммасига ўтади.

Лизинг объектининг қандай сақланаётганлиги ва ундан қандай фойдаланилаётганлигини лизинг шартномаси муддати давомида жойига бориб текшириб кўриш лизинг операциялари аудитини ташкил қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки, бир томондан, лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар банк (лизинг берувчи)нинг мулки ҳисобланса, иккинчи томондан, у маълум муддатга банк маблағлари жойлаштирилган риск даражаси мавжуд фаолият объектидир. Лизинг объектлари эса миқозлар (лизинг олувчилар) тури ва фаолияти ҳар хил бўлганлиги каби хилма-хилдир. Улардан бири тиббиёт асбоб-ускуналари бўлса, иккинчиси саноат машиналари ёки бир миқоз компьютер технологиялари учун лизинг сўраган бўлса, иккинчиси тадбиркорлик фаолиятида шугулланиш учун автотранспорт олган ва ҳоказо.

Ички аудит текширувларини ўтказишда унинг асосий босқичларидан бири текширилаётган объектининг ҳақиқийлиги ва мавжудлигини тасдиқлашдан иборат. Лизинг операцияларини текширишда лизинг объектининг ҳақиқатда мавжудлигини текшириб кўриш ва унинг жорий техник ҳолатига баҳо бериш асосан иқтисодчи мутахассислар бўлмиш ички аудит ходимлари учун бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Шундай экан, тижорат банклари лизинг операцияларини текширишда лизинг объектлари, уларнинг технологик хусусиятлари хилма-хиллиги сабабли, ҳар бирининг техник ҳолатини яхши биладиган ва тушунадиган ходимларнинг ички аудит ходимлари ичида бўлиши аҳамиятлидир.

Тижорат банкларида аудит текширувларидан ўтказишда ички аудитнинг ташқи аудитдан фарқлантириб турувчи жиҳатларидан бири шундаки, ички аудитнинг ўз ҳолича, мустақил равишда четдан бошқа мутахассисларни жалб қилиб ёки ўзаро шартнома асосида ишлатишга ваколати йўқ. Ташқи аудит текширувлари эса шартнома асосида четдан ёлланган ташқи аудиторлик фирмалари томонидан ёлланиб ўтказилганлиги сабабли, ташқи аудит текширувларида ташқи аудиторлар томонидан учинчи шахсларни, яъни, масалан, айнан шу лизинг объектини яхши биладиган ва тушунадиган мутахассисларни шартнома асосида ёллаб, лизинг объектининг умумий ва жорий техник ҳолатини тўлиқ текшириб кўриш имконияти мавжуд. Шунингдек, ташқи аудит текширувларида лизинг операциялари ёки шу лизинг объекти фаолияти бўйича олинган натижаларгина ўрганиб чиқилиши мумкин.

Ички аудит текширувларида эса лизинг объекти тижорат банкининг, яъни шу ички аудит ходимлари ишлаётган муассасанинг шахсий мулки бўлганлиги сабабли, ички аудит хизмати ходимларининг фақат ундан олинган жорий самарадорлик, балки лизинг объектининг кейинги – ҳам иқтисодий самарадорлиги, ҳам техник ҳолати кизиктиради.

Шундай экан, тижорат банкларида лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказишда шунга ўхшаш тажрибалардан, яъни шу лизинг объектининг ҳам иқтисодий, ҳам техник ҳолатини яхши тушунадиган мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса Ўзбекистон банклари Ассоциацияси қошида лизинг объектларининг техник ҳолатини кузатиш ва мониторингини олиб боришга кўмаклашувчи махсус Марказ ёки Гуруҳ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу Марказ ёки Гуруҳга иқтисодийнинг турли тармоқларида фойдаланилаётган, тижорат банклари томонидан лизингга берилиши мумкин бўлган асбоб-ускуна, технологияларни ёки кўчар ва кўчмас мулкларни яхши тушунадиган мутахассисларни жалб қилиш лозим. Бу билан Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг тижорат банкларига берадиган ҳам амалий, ҳам назарий кўмаги янада кенгайган бўлар эди.

Лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказишда айнан шундай Марказ ёки Гуруҳ ёрдамига сўяниш ички аудит текширувларидан олинадиган натижалар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса нафақат тижорат банклари, балки бутун мамлакат миқёсида лизингга олинган асосий фондлардан самарали фойдаланиш ва саклаш имконини беради.

5.4. Тижорат банкларида асосий воситалар ва номоддий активлар аудити

Тижорат банкларида асосий воситалар аудитини амалга оширишда ички аудитор томонидан аниқланадиган масала асосий восита сифатида тан олинishi масаласи ҳисобланади. Шу сабабли асосий восита тушунчаси ва уни тан олинishi масаласига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини юритиш тўғрисида”ги йўриқномага асосан ўзларининг асосий воситаларининг ҳисобини юритадилар. Ушбу йўриқномада асосий воситаларга шундай таъриф бериб ўтилган: Асосий воситалар – бу шундай моддий активларки, улар банк хизматини кўрсатишда, маъмурий максатда ва ижарага бериш максатларида фойдаланиладиган ҳамда банк фаолиятида бир йилдан ортиқ муддат хизмат қилади.

Банкларда асосий воситалар ҳисобини юритишда уларнинг баҳосини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан асосий воситаларни юритиш жараёнида МХХС бўйича асосий воситалар уларнинг таннархи бўйича ҳисобга олиб борилиши лозим. Ушбу таннарх, одатда, уларнинг бошланғич қиймати деб юритилади.

Бошланғич (ҳақиқий) қиймат – тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимларини, шунингдек, активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошка харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ҳақиқий суммаси. Бошланғич қиймат, шунингдек, банк активини харид қилиш чоғида ёки ушбу активдан асосий бўлмаган фаолият максатларида муайян давр мобайнида фойдаланиш натижасида унга нисбатан мажбуриятни ўз зиммасига олган дастлабки тахмин қилинган активни демонтаж қилиш ва йўқотиш ёки активни тиклаш харажатлари баҳосини ўз ичига олади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг ҳаққоний қийматини қайта баҳолаш санасида акс эттириш учун вақти-вақти билан қайта баҳоланади. Демак, аудитор ушбу масалаларни яхши тушуниши ва улар асосида асосий воситаларни баҳолаши керак.

Тижорат банкларида асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси”даги 16500-“Асосий воситалар” биринчи тартибли ва уларнинг турлари ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича (ердан ташқари) ҳисобланган эскириш суммалари мос равишда иккинчи тартибли ҳисобварақларида юритилади. Ҳар бир асосий воситанинг турлари бўйича очилган ҳисобварақ мазмун жиҳатдан актив бўлиб, унинг дебитида қолдиқ ҳосил бўлади ва бу қолдиқ асосий воситаларнинг бошланғич қийматини англатади. Асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш ҳисобварағи эса, мазмун жиҳатдан контр актив бўлиб, кредитида қолдиқ ҳосил бўлади ва бу жами ҳисобланган эскириш суммасини англатади.

Ҳар бир асосий воситалар ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Тижорат банклари ички аудити ходимлари текшириш жараёнида қуйидагиларга асосий эътибор қаратишлари керак:

Асосий воситаларни қабул қилиш жараёнида бериладиган провоткаларнинг тўғрилиги текширилади. Ушбу провоткалар бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига қўра қуйидагича бўлиши керак.

Асосий воситалар, бино (иншоот)ларнинг қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар ҳамда асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа капиталлаштириладиган харажатлар қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

1) Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”;

Кт-Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз (мол етказиб берувчи)нинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит ҳисобварағи, агар унга ушбу банк томонидан хизмат кўрсатилса;

2) сотиб олинган бино (иншоот) балансда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дт 16509-“Банкнинг иморатлари – Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар”;

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”;

3) сотиб олинган бошқа асосий воситалар қийматини балансда акс эттирилиши (1):

Дт 165**-"Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кт 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар";

4) асосий воситаларни оморга кириш қилиш қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Дт 16561-"Омордаги асосий воситалар";

Кт 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар";

5) сотиб олинган, реконструкция қилиниши талаб қилинадиган бинолар реконструкция тугаллангунга қадар 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида алоҳида шахсий ҳисобварақ бўйича ҳисобга олинади. Бунда бино (иншоот)ларнинг қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар қиймати қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобварақларда акс эттирилади:

Дт 16505-"Тугалланмаган қурилиш";

Кт 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар";

6) агар кейинги харажатлар хорижий ҳамкор билан тузилган контрактларга мувофиқ чет эл валютасида амалга оширилса, харажатлар ҳисоби 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўм эквивалентида амалга оширилади.

Банкнинг йил охирида 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағидаги қолдиқ тугалланмаган қурилиш ҳажмига мувофиқ келиши лозим ҳамда кейинги йилга ўтказилади;

7) бино (иншоот)лар фойдаланишга тайёр ҳолга келганда уларнинг қиймати тегишли қабул қилиш далолатномалари асосида 16509-"Банкнинг иморатлари – Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар" ҳисобварағига кириш қилинади. Агар қурилиш ёки реконструкция харажатлари сметасида мебель ва жиҳозлар сотиб олинishi назарда тутилган бўлса, қабул қилиш далолатномаларида уларнинг қиймати умумий қийматдан ажратиб кўрсатилади ва тўлиқ рўйхати илова қилинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади:

а) бинолар қиймати суммасига:

Дт 16509-"Банкнинг иморатлари – Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар";

Кт 16505-"Тугалланмаган қурилиш";

б) Мебель, мослама ва жиҳозлар қиймати суммасига:

Дт 16535-"Мебель, мослама ва жиҳозлар";

Кт 16505-"Тугалланмаган қурилиш".

Агар банк моддий активларни кирим қилгандан сўнг тўловни амалга оширс, кирим ҳужжатлари асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) моддий активлар келиб тушганда уларни балансда акс эттириш:

а) асосий воситалар келиб тушиши билан дарҳол фойдаланишга топширилган тақдирда:

Дт 165**-Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи ёки

16505-"Тугалланмаган қурилиш" (*агар реконструкция қилиниши талаб этиладиган бинолар, тугалланмаган қурилишлар ёки қурилиш учун материаллар харид қилинса* (2);

Кт 29802-"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";

б) асосий воситаларни омборга кирим қилиш:

Дт 16561-"Омбордаги асосий воситалар";

Кт 29802-"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";

2) активлар қиймати тўланганда:

Дт 29802-"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар";

Кт Банкнинг вақиллик ҳисобварағи ёки миқознинг ҳисобварағи;

3) асосий воситаларни омбордан фойдаланишга топшириш:

Дт 165**-Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кт 16561-"Омбордаги асосий воситалар".

Асосий воситалар текинга олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси расмийлаштирилади. Текинга олинган асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматига:

Дт 165**-Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи ёки

16561-"Омбордаги асосий воситалар" (*агар омборга кирим қилинса*);

Кт 45994-"Бошқа фонсиз даромадлар".

Бунда пайдо бўладиган бирйўла харажатлар жорий харажатларга ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар субсидия кўринишида олинганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дт 165**-Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи;

Кт 22896-"Бошқа муддати узайтирилган даромадлар".

22896-ҳисобварақдаги муддати узайтирилган даромад кейинчалик Тижорат банкларида грантларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга (ЎзР АВ томонидан 21.01.2004 йилда 1300-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ҳисобга олинади.

Агар банклар (амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ бюджетта солиқлар тўлашдан озод қилинган) солиқ -солишдан бўшатишга маблағлар ҳисобига банк инфратузилмасини ривожлантириш доирасида асосий воситаларни харид қилиб, уларнинг қийматини 30903-"Умумий захира фонди" баланс ҳисобварағининг "Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" шахсий ҳисобварағига киритган бўлсалар, қуйидаги тесқари ўтказма амалга оширилади:

Дт 165**-Дт 30903 - "Умумий захира фонди"

"Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" ш/ҳ;

Кт 30903-"Умумий захира фонди";

"Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" ш/ҳ.

Тижорат банкларида асосий воситалардан фойдаланиш бўйича харажатлар мунтазам амалга оширилади ва ушбу харажатлар активларни ишга яроқли ҳолатда сақлаб туришга йўналтирилган. Бундай харажатлар асосий воситалар объектнинг баланс қийматига киритилмайди, балки жорий харажатлар сифатида акс эттирилади. Қундалик хизмат кўрсатиш харажатлари, биринчи навбатда, бу – ишчи кучи харажатлари ва сарфланадиган материаллар, улар, шунингдек, жорий таъмирлар ва техник қаров харажатларига қилинган харажатларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Баъзи асосий воситалар объектларининг қисмлари муайян вақт оралиғидан кейин муттасил алмаштиришни талаб қилиши мумкин. Шунингдек, асосий воситаларнинг баъзи объектлари тез-тез қайтариладиган алмаштиришлар, масалан, бинонинг ички деворларини алмаштириш заруратини камайтириш мақсадларида ёки биргина алмаштириш учун харид қилиниши мумкин. Бундай асосий воситалар объекти қисмларини алмаштириш харажатлари, агар улар асосий воситалар таърифига мувофиқ бўлса, улар юзга келган вақтда ушбу объектнинг баланс қийматига киритилади. Алмаштириб бўлинган қисмларнинг баланс қиймати ушбу алмаштирилган қисмлар бўйича эскириш алоҳида ҳисоблаб ёзилган ёки ҳисоблаб ёзилмаганлигидан қатъи назар, ҳисобдан чиқарилади. Агар банкнинг эски алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини амалда аниқлашнинг имкони бўлмаса, унда баланс қиймати сифатида янги алмаштирилган қисмнинг уни харид қилинган ёки қурилган вақтдаги қийматидан фойдаланиш мумкин.

Асосий воситалар объектдан фойдаланишни давом эттириш шарти бўлиб ушбу объект қисмлари алмаштирилганлигидан қатъи назар, носозлиқлар мавжуд бўлиши юзасидан мунтазам текширувлар

Ўтказиш ҳисобланаши мумкин. Ҳар бир текширувни амалга оширишда уни ўтказиш харажатлари, агар тан олиш мезонларига риоя этилса, алмаштириш қиймати сифатида ушбу асосий воситалар объектнинг баланс қиймати таркибида тан олинади. Олдинги текшириш харажатларининг қолган баланс қиймати ҳисобдан чиқарилади. Бу ушбу объектни харид қилиш ёки қуриш операцияси чоғида олдинги текширув қиймати идентификацияланганлигидан қатъи назар, амалга оширилади. Зарурат туғилганда, объектни харид қилиш ёки қуриш пайтида жорий текширув компонентининг қиймат кўрсаткичи сифатида келгуси шунга ўхшаш текширувнинг тахмин қилинган қийматидан фойдаланиш мумкин.

Активлардан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган ёки уларнинг фойдали хизмат муддатини узайтирадиган асосий воситаларга тегишли бўлган харажатлар капитал харажатлар сифатида ҳисобга олинади ва уларнинг баланс қийматини кўпайтиради.

Капитал харажатларга такомиллаштириш, алмаштириш, капитал таъмирлаш бўйича харажатлар қиради.

Капитал таъмирлаш – активнинг хусусияти ва сифатини сезиларли даражада яхшилайдиган, самарадорлиги ва фойдали хизмат муддатини оширадиган таъмирлаш бўлиб, мунтазам асосда амалга оширилади. Харажатларни капиталлаштиришда уларнинг суммаси активнинг қийматига ўтказилади, агар зарур бўлса, замонавийлаштирилган активнинг фойдали хизмат муддати қайта кўриб чиқилади.

Агар асосий восита (ускуна)га янги қисмлар ва деталларни қўшиш, ёки мавжуд бинога қўшимча иншоотлар қуриш активнинг ажралмас қисми ҳисобланса, харажатлар активнинг баланс қийматига киритилади. Агар қўшиш ажралган ва мустақил ҳолда амал қилса ёки ҳар хил хизмат муддатига эга бўлса, у алоҳида инвентар бирлик сифатида ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, асосий воситалар ҳисобига тегишли ахборотлардан бири – бу улар қайта баҳолаш тартибини текшириш ҳисобланади. Бунда қайси усулдан фойдаланилмоқда ва уларнинг самараси масалаларига аудитор алоҳида эътибор бериши керак.

Тижорат банкларида асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаларининг ҳисобини ҳисобварақлар режасида “56600 – Эскириш харажатлари” номли актив ҳисобварағида юритиш кўзда тутилган. Ушбу ҳисобварақнинг дебет томонида ҳар ойда ҳисобланган ва харажатга олиб борилган эскириш суммалари молиявий йил давомида ўсиб боровчи тарзда йиғилиб боради.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкинлиги таъкидланган.

1. Бир текисда (тўғри чизикли) ҳисобдан чиқариш усули.

2. Бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда амортизацияни ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).

3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усуллари:

а) сонлар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш усули;

б) камайиб борувчи қолдик усули.

Тижорат банклари фаолиятида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш жараёнида ушбу усуллари қўллаш масаласи ва улардан фойдаланиш бўйича тижорат банки ҳисоб сибсатида белгиланган усуллардан тўғри фойдаланишнинг текширилади. Масалан, ОАИТБ “Ипак йўли”нинг “Б” филиали 2011 йил 8 апрелда ҳар бирининг қиймати 1 600 000 сўмдан 20 дона “Pentium IV” русумидаги компьютерлар сотиб олинди ва оморга кириш қилинди. Ушбу компьютерларнинг 8 донаси шу ойнинг ўзида фойдаланишга топширилди, қолган 12 донаси эса икки ойдан сўнг, яъни июль ойида фойдаланишга топширилди. Бу ерда, сотиб олинган компьютерлар оморга кириш қилинганда:

Дебет 16561-«Омордаги асосий воситалар» – 32 000 000,00 сўм;

Кредит 19909-«Товар-моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар» – 32 000 000,00 сўм.

8 дона компьютер фойдаланишга берилганда:

Дебет 16535-«Асосий воситалар» – 12 800 000,00 сўм;

Кредит 16561-«Омордаги асосий воситалар» – 12 800 000,00 сўм;

Қолган 12 донаси билан ҳам фойдаланишга топширилганида худди шундай бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Юқорида келтирилган ички банк операцияларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, 32 000 000 сўмлик асосий восита сотиб олинаётганлигини, бир қисми икки ойдан сўнг фойдаланишга топширилаётганлигини, шу давр мобайнида ушбу асосий воситаларга эскириш ҳисобланмаганлигини кўриш мумкин. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 1434-сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномада оморда сақланаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш назарда тутилмаган.

Тижорат банклари оморларига асосий воситалар икки хил йўл билан кириш қилинади: сотиб олиш йўли билан ва фойдаланишдаги асосий воситаларнинг оморга қайтарилиши билан. Юқорида

таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан амал қилиниб келинаётган йўриқномага асосан омбордаги асосий воситаларга эскириш ҳисобланмайди, лекин МХХС 16-“Асосий воситалар” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартининг 55-бандига асосан асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш талабларига зид келади ва унда асосий воситалар таркибига киритилган вақтидан бошлаб уларга эскириш ҳисоблаш белгиланган. Демак, ички аудиторнинг вазифаси ушбу халқаро стандартдан фарқли жиҳатларига тўғри баҳо беришдан иборатдир.

Фойдаланишдаги асосий воситаларга эскиришни ҳисоблаш эса, улар фойдаланишга берилган ойнанинг кейинги ойдан бошлаб ҳисобланиши қайд этиб ўтилган. Шу боисдан, тижорат банкларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда ойлик эскириш коэф-фициенти, яъни эскириш меъёрини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир асосий воситанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг эскириш меъёрлари ҳам турличадир. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида асосий воситаларни гуруҳларга ажратган ҳолда йиллик эскириш меъёрлари келтириб ўтилган. Ушбу меъёрлар асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг солиқ нуктаи назаридан белгиланган.

Бирок, асосий воситаларга эскиришни ҳисоблаш ойма-ой амалга оширилиши туфайли йиллик эскириш меъёридан ташқари, ойлик эскириш меъёрларини тўғри аниқлаш усулларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, йил давомида ўсиб боровчи тартибда 56600-“Эскириш харажатлари” номли актив ҳисобварағида йиғилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси йил охирида кредитланиб, ҳисобланган жами эскириш суммаси 31200-“Тақсимланмаган фойда” счёти бўйича очиладиган тегишли 31203-“Тақсимланмаган фойда” (актив-пассив) счёти ва 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив) счётларининг дебет қисмига ўтказилади ва шу тарика асосий воситалар учун ҳисобланган эскириш суммаси харажат сифатида якуний молиявий натижа ҳисобидан қопланади.

Тижорат банкнинг молиявий ҳисоботлар аудитида асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича қуйидаги ахборотларни очиб бериши лозим:

1. Ялпи баланс қийматни баҳолашда фойдаланилган асосий воситаларни қайта баҳолаш учун асос бўлувчи ахборотлар.

2. Банк томонидан ҳисоб сиёсатида белгиланган ва фойдаланилган амортизация усуллари.

3. Асосий воситалар бўйича фойдаланилган фойдали хизмат муддатлари ёки амортизация меъёрлари.

4. Ҳисобот даври боши ва охиридаги бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизация (қиймати арзонлашишидан кўрилган жами зарарлар билан биргаликда).

Тижорат банки филиали ички аудитор томонидан текшириш жараёнида қуйидагилар кўрсатилган ҳолда давр боши ва охиридаги баланс қийматини солиштириб чиқиш аудиторлик амали бажарилади:

1) келиб тушган асосий воситалар;

2) чиқиб кетган асосий воситалар;

3) компаниялар (банклар)ни бирлаштириш йўли билан харид қилинган асосий воситалар;

4) қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ошиши ёки камайиши ҳамда бевосита капитал ҳисобварағида тан олинган ёки компенсацияланган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);

5) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);

6) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда компенсацияланган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);

7) амортизация;

8) молиявий ҳисобот кўрсаткичларини бошқа валюта турларига қайта ҳисоблашда, шунингдек, ваколатли банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада акс эттириш учун қайта ҳисоблашда юзага келадиган соф курс фарқлари;

9) бошқа ўзгаришлар.

Бундан ташқари, ички аудит томонидан аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш жараёнида қўшимча равишда алоҳида эътибор бериладиган ва ахборотлар очиб берилиши лозим бўлган маълумотлар қуйидагилар ҳисобланади:

а) мажбуриятларнинг таъминоти сифатида гаровдаги асосий воситалар мулк ҳуқуқи ва қийматига чекловлар;

б) асосий воситалар предметини қуриш жараёнида унинг баланс қиймати таркибида тан олинган харажатлар миқдори;

в) асосий воситаларни харид қилишга доир контрактлар бўйича мажбуриятлар суммаси;

г) агар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий матнида алоҳида очиб берилмаса, фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинди-

ган қиймати арзонлашган, йўқотилган ёки берилган асосий воситалар предметлари учун учинчи шахслардан олинган компенсация суммалари.

Амортизация усулини танлаш ва активлар фойдали хизмат муддатини баҳолаш субъектив баҳолаш асосида амалга оширилади. Шунинг учун қабул қилинган усуллар ва баҳоланган фойдали хизмат муддатлари ёки амортизация меъёрларининг очиб берилиши молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга раҳбарият томонидан танланган сиёсатни текшириш ва бошқа банклар билан таққослаш имконини беради. Шу сабабга кўра қуйидагилар очиб берилиши зарур:

а) даврдаги амортизация ажратмалари суммаси;

б) давр охиридаги ҳолатга кўра жамланган амортизация суммаси.

Банк жорий даврда сезиларли таъсир кўрсатадиган ёки кейинги даврларда муҳим таъсир кўрсатиши кутилаётган бухгалтерия баҳола-ридаги ўзгаришларнинг характери ва миқдорини очиб беради. Бундай очиб бериш қуйидаги баҳолаш ўзгарганида амалга оширилиши мумкин:

а) тугатиш қиймати;

б) тахмин қилинаётган асосий воситалар объектларини демонтаж қилиш ва йўқотиш харажатлари ва майдончаларни тиклаш харажатлари;

в) фойдали хизмат муддати ва

г) эскиришни ҳисоблаш усуллари.

Асосий воситалар объекти қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттирилиши сабабли қуйидаги ахборотлар очиб берилиши лозим:

а) ҳақиқий қайта баҳолаш санаси;

б) баҳоловчи ташкилот жалб қилиндими;

в) моддалар ҳаққоний қийматини баҳолашда қабул қилинган усуллар ва муҳим йўл-йўриқлар;

г) моддалар ҳаққоний қиймати амалдаги бозорда кузатилган нархлардан келиб чиққан ҳолда ёки умумий шартларда мустақил иштирокчилар ўртасида яқинда тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бевосита аниқланган ёхуд баҳолашнинг бошқа усуллари ёрдамида ҳисобланган даража (меъёр);

д) давр ичидаги ўзгаришларни кўрсатувчи қайта баҳолаш захираси ва ушбу ҳисобварақ қолдигини акциядорларга тақсимлашдаги чекловлар.

Номоддий активлар банк хизматини кўрсатишда билвосита хизмат қилувчи активлар ҳисобланади.

Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 14 январда 1199-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномага асосан юритилади ва тартибга солинади.

Ушбу йўриқномада номоддий активларга қуйидагича таъриф бериб ўтилган. “Номоддий активлар – бу моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган, бир йилдан ортиқ фойдали хизмат муддатига эга бўлган ва банк хизматларини кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган номонетар, идентификацияланадиган активлардир¹⁰⁰.” Шу нуқтан назардан, тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби билан боғлиқ барча операцияларни ички банк операциялари сирасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида номоддий активлар синтетик ҳисоби “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”нинг 16601-“Номоддий активлар” ҳисобварағида акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ мазмун жиҳатдан актив бўлиб, унинг дебет қолдиғи номоддий активларнинг бошланғич қийматини англатса, кредитида ҳисобдан чиқарилган суммасини англатади. Номоддий активларга ҳисобланган амортизациясининг синтетик ҳисоби эса 16605-“Номоддий активлар – йиғилган амортизация суммаси” ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ мазмун жиҳатдан контр-актив бўлиб, кредит қолдиғи номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасини англатса, дебитида ҳисобланган амортизация суммасининг камайтирилиши ёки ҳисобдан чиқарилишини англатади.

Тижорат банкларида номоддий активлар шаклланишининг 3 хил (сотиб олиш эвазига, ишлаб чиқиш ва текинга олиш) усуллари мавжуд бўлиб, амалиётда асосан сотиб олиш йўли билан шаклланади.

Ҳар бир номоддий активлар ҳисобварақлари бўйича аналитик ҳисоб алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Тижорат банкларида номоддий активларга ҳисобланган амортизация ҳисобини ҳисобварақлар режасида “56618-Амортизация харажатлари” номли актив ҳисобварағида юритиш кўзда тутилган. Ушбу ҳисобварақнинг дебет томонида ҳар ойда ҳисобланган ва харажатга олиб борилган амортизация суммалари молиявий йил давомида ўсиб борувчи тарзда йиғилиб борилади. Йил охирида ушбу йиғилган сумма кредитланиб, ҳисобланган жами амортизация суммаси 31200-Тақсимланмаган фойда ҳисобварағининг дебет қисмига ўтказилади ва шу тариқа номоддий активлар учун ҳисобланган амортизация суммаси харажат сифатида яқуний молиявий натижа ҳисобидан қопланади.

¹⁰⁰ “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 1199-сон йўриқнома ЎзР Марказий банки 2003 йил// Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Фараз қилайлик, тижорат банкининг “А” филиали томонидан дастурий таъминот сотиб олиш мақсадида МЧДЖ билан 24 000 000 сўмлик шартнома имзолади ва 2011 йил 5 февралда маблағ тўлаб берилди.

Тижорат банки томонидан маблағ тўлаб берилганида қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет 19909-«Товар-моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар».

Кредит банкининг вакиллик ҳисобварағи.

Номоддий актив балансга 2011 йил 10 мартда кирим қилинганида:

Дебет 16601-Номоддий активлар – 24 000 000 сўм,

Кредит 19909-«Товар-моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар» – 24 000 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 1199-сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномага асосан номоддий активларга улар фойдаланишга топширилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб амортизация ҳисобланади. Бунда: номоддий активларнинг йиллик амортизация Солик кодексининг 144 - моддасида 20% қилиб белгиланган. Шунга асосан, мисолимизга қайтадиган бўлсак,

Дебет 56618-Эскириш-номоддий активлар $((24\,000\,000 * 20\%) / 12) = 400\,000$ сўм,

Кредит 16605-Йиғилган эскириш-номоддий активлар (контр-актив) 400 000 сўм.

Агар банк номоддий активларни текинга олганида номоддий активнинг реал қийматига қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга ошириларди:

Дебет 16601-Номоддий активлар,

Кредит 30905-Текинга олинган мулклар.

Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аввало, унинг қолдиқ қиймати аниқланади. Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати қуйидагича аниқланади:

Дебет 16605-Йиғилган эскириш – номоддий активлар (контр-актив),

Кредит 16601-Номоддий активлар.

Номоддий актив учун харидор томонидан олдиндан тўлаб берилганида:

Дебет Харидор ҳисобварағи ёки банк вакиллик ҳисобварағи;

Кредит 29802-“Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қийматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”

Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларни сотишда номоддий активларнинг сотиш нархи қолдиқ қийматидан катта бўлса:

Дебет 29802-“Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қийматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”;

Кредит 45917-“Бошқа хусусий мулк/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда”;

Кредит 16601-“Номоддий активлар”

Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активларни сотишда номоддий активларнинг сотиш нархи қолдиқ қийматидан катта бўлса:

Дебет 29802-“Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қийматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”;

Кредит 55910-“Бошқа хусусий мулк/активларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарар”;

Кредит 16601-“Номоддий активлар”

Тижорат банки томонидан номоддий активлар сотилганда харидор томонидан тўлов номоддий актив етказиб берилгандан сўнг амалга оширилса 29802-“Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қийматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби” ҳисобварағи ўрнига 19909- “Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қийматликлари учун тўланган маблағлар” ҳисобварағидан фойдаланилади.

Ички банк операциялари туркумига кирувчи кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби ҳам тижорат банклари фаолиятига ўзининг бевосита таъсирини ўтказди. Тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатишда, бундан ташқари, бошқарув, хўжалик ва манший эҳтиёжларни қондиришда материал захираларнинг ҳисобини тўғри ҳамда ўз вақтида юритиш банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида материал захиралар кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар атамаси билан ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги йўриқномага асосан кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларга банк фаолиятида фойдаланиладиган ҳамда қуйидаги мезонлардан биронтасига жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

– хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

– хизмат муддатидан катъи назар, бир донаси (комплекти)нинг нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган (сотиб олиш вақтидаги) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлар.

Ушбу йўриқномага асосан муддати ҳамда қийматидан катъи назар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар таркибига қуйидагилар киритилади:

– махсус асбоблар ва мосламалар (айрим буюмларни туркум ва япти ишлаб чиқариш ёки яққа тартибдаги буюмларни тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

– махсус ва санитар кийимлар, махсус пойабзаллар;

– ётоқ жихозлари;

– канцелярия жихозлари (калькуляторлар, стол жихозлари ва бошқалар);

– ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, пунингдек, овқатланиш хонаси чойшаблари;

– қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар);

– фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмашиш асбоб-ускуналари ва бошқа буюмлар.

Тижорат банкларида КБТЭБларни ҳисобга олиш жараёнида унинг таркибига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Шу жумладан “Альфа” банкда ушбу буюмлар таркиби ва уларнинг таҳлилيني амалга оширганимизда қуйидагича кўрсаткичларга эришилган.

5.13-жадвал

“Альфа” банкнинг Гамма филиалида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар таркибининг таҳлили (минг сўм ҳисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012
11.	Канцелярия жихозлари	123,7	645,2	729,6	983,1	1078,2
22.	Офис буюмлари	187,5	211,4	397,3	667,2	783,2
33.	Формат қоғозлар	233,6	198,3	576,3	991,6	986,2
44.	Бланкалар	345,2	356,2	312,5	462,3	539,1
55.	Почта ва хужжат маркалари	76,4	56,8	67,4	78,3	85,4
	ЖАМИ	966,4	1467,9	2083,1	3182,5	3472,1

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банкида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг суммаси йилдан-йилга ортиб борган. Масалан: канцелярия жихозлари 5 йил давомида 8,7 баравар ошган, офис буюмлари 4,2 бараварга, формат қоғозлар эса 4,2 бараварга ошган. Фақат почта ва хужжат маркалари нисбатан кам қийматга ўсган, яъни 1,1 бараварга ошган. Демак, асосий эътиборни канцелярия жихозларини назорат қилишга қаратиш лозим.

Банк ортиқча КБТЭБни сотганда (КБТЭБ шартномада келишилган нархларда сотилади) қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) КБТЭБ ни сотиш суммасига:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки сотиб олувчининг ҳисобварағи;

Кт 29802-«Кўрсатилган хизматлар ва моддий-товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»;

2) КБТЭБ банк учун фойдасиз ёки зарарсиз сотилганда:

Дт 29802-«Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» – соф тушум суммасига*;

Кт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

3) КБТЭБ фойда билан сотилганда:

Дт 29802-«Кўрсатилган хизматлар ва моддий-товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» – соф тушум суммасига

Кт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кт 45917-«Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда» – соф тушум ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

4) КБТЭБ зарар билан сотилганда:

Дт 29802-«Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» – соф тушум суммасига;

Дт 55910-«Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» – соф тушум ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

Яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилган, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда КБТЭБнинг қиймати, банк томонидан белгиланган тартибда зарарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дт 56795-«Бошқа операциялар харажатлари»;

Кт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда Бошқа қимматликлар».

Фойдаланилаётган ва омбордаги КБТЭБ бўйича, уларнинг сакланиши ва ҳақиқатда мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш учун, йилда камида бир марта инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

* Бу ерда: соф тушум дейилганда шартнома баҳосидан қўшимча қиймат солиғи ва акцизларни айириб ташлангандан кейинги сумма назарда тутилади.

1) КБТЭБнинг камомади, шунингдек, яроксиз холга келган (айбдор шахс айби билан) КБТЭБнинг қиймати, моддий-жавобгар шахслардан ундириб олинади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Дт 19908-«Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинishi лозим бўлган маблағлар»;

Кт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

2) Айбдор ходимларнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 29803-«Банк ходимларига тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби»;

Кт 19908-«Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинishi лозим бўлган маблағлар»;

3) Белгиланган тартибда банк ходимидан касса орқали ундириб олинганда:

Дт 10101-«Айланма кассадаги нақд пуллар»;

Кт 19908-«Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинishi лозим бўлган маблағлар»;

Тижорат банкларида инвентаризация даврида моддий қийматликлар фарқлари чиқадиган бўлса, уларни тегишли тартибда ҳисобга олиш лозим.

Агар инвентаризация пайтида, омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар аниқланса, улар инвентаризация комиссияси томонидан бозор нархида баҳоланиб, белгиланган тартибда омборга кирим қилинади. Бунда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»;

Кт 45994-«Бошқа фойсиз даромадлар».

5.14-жадвал

Инвентаризация натижасида кам келган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қийматининг тақлили (сўм ҳисобида)

Аналитик ҳисоб рақами	Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмнинг номи	Баланс қиймати	Бозор баҳоси	Қийматининг фарқи
19921101	Калькулятор	6700	7500	+800
19921327	А4 форматдаги қоғоз	11200	13560	+2360
Ҳами	X	17900	21060	+3160

Ушбу суммага тижорат банкларида қуйидагича дроводка берилади ва счётларда акс эттирилади:

Бунда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дт 19921-«Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар;

Кт 45994-«Бошқа фоиизсиз даромадлар».

Омбор мудирини (омборчини) ишдан бўшаши, бошқа ишга ўтказилиши ёки меҳнат таътилига кетиши туфайли алмаштирилган ҳолда, қабул қилувчи ва топширувчи, бухгалтерия бўлинмасини вакили ҳамда банк раҳбари томонидан тайинланган шахслар иштирокида омборда тўлиқ инвентаризация ўтказилади ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузилади.

Тижорат банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг аудитини ташкил қилишда, энг аввало, банкларнинг асосий фаолияти учун мўлжалланган, шунингдек, ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш учун ажратилган материаллар захиралари ҳисоби харид нархлари бўйича, шунингдек, уларни омборга келтириш харажатлари билан бирга 19921-"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар" счётининг тегишли "Фойдаланилмаган ёзув-чизув моллари ва бошқа анжомлар" номли шахсий ҳисобварағини аудиторлик назоратидан ўтказилади.

Бунда қуйидагилар аудиторлик назоратидан ўтказилади:

– биноларни жорий таъмирлаш ва ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш учун мўлжалланган материалларнинг сақланиши;

– ҳисоблаш техникаси ва транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари;

автомобиль шиналари (покришкалар, камералар ва гупчак тасмалари);

– коржомалар;

– ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари;

– инкассация халталари, қўрғошин пломбалар;

– бойликларни ташиш ва сақлаш учун оддий ҳамда махсус қоплар;

– ўраб-боғлаш материаллари;

– сигнализация ускуналари учун материаллар ва асбоблар;

– бошқа материаллар.

Биринчи тартибли 19921-счётининг "Фойдаланилмаган ёзув-чизув моллари ва бошқа анжомлар" ҳисоб варағини бўйича қўшимча китобда қуйидаги шахсий ҳисобварақлар асосида аудит қилинади:

омбордаги юритилаётган китоблар бўйича;

хисобдор шахсларда, таъмирлашда, қайта ишлаш жараёнидаги моддий қийматликлар қолдиқлари бўйича;

йўлдаги материаллар ва бошқалар.

"Омборда" шахсий хисобварағида материаллар ҳисоби миқдорий ва қиймат ифодасида (тури ва нави бўйича) юритилади.

Шу билан бир қаторда омборда параллел равишда материаллар ҳисоби нав, миқдор ва бошқа кўрсаткичлари бўйича алоҳида қарточкаларда юритилади.

"Ҳисобдор шахсларда, таъмирлашда ва қайта ишлаш жараёнида" шахсий хисобварағида ёнилғи-мойлаш материаллари, ҳайдовчиларга берилган талонлар, шунингдек, вақтинча фойдаланиб туришга, қайта ишлашга, таъмирлаш ёки сотиш учун берилган бошқа материаллар қийматининг ҳисоби юритилади.

"Йўлдаги материаллар" шахсий хисобварағида пули тўланган, лекин ҳали банкка келиб тушмаган материаллар ҳисоби олиб борилади.

Тижорат банклари товар етказиб берувчилардан сотиб олинган моддий бойликларни қабул қилиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланкларда ёзилган, банklar раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан имзоланган, муҳр изи туширилган ишончномаларни берадилар. Берилган ишончномалар ҳар бир варағи рақамланган махсус дафтарда рўйхатга олинishi керак. Дафтарнинг охириги варағига "Ушбу дафтарда рақамланган – "саҳифа бор" сўзлари ёзилиб, унинг остига бош бухгалтер имзо чекади. Банkning бош бухгалтери ишончномаларни расмийлаштириш, бериш, улардан фойдаланиш ва фойдаланилмаганларини қайтариш, шунингдек, олинган материаллар қабул этилиши ҳамда қирим қилинишини кузатиб бориши лозим.

Банк номига келувчи юклар, посилкаларни олиш вазифаси буйруқ билан муайян ходим, яъни омборчи зиммасига юклатилади. Моддий жавобгар шахс билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши мумкин.

1. Бажарувчи ходим ўзига корхона, муассаса, ташкилот ишониб топширган моддий бойликлар бут сақланишини таъминлаш учун тўла моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади ва шу муносабат билан қуйидаги мажбуриятларни қабул қилади:

а) корхона, муассаса, ташкилотнинг унга сақлаш ёки бошқа мақсадлар учун ишониб топширилган моддий бойликларини эҳтиётлаш ҳамда улар шикастланишининг олдини олиш;

б) ўзига ишониб топширилган моддий бойликларнинг бут сақланишига таҳдид солувчи ҳар қандай вазиятлар тўғрисида ташкилот маъмуриятига ўз вақтида хабар бериш;

в) ўзига ишониб топширилган моддий бойликларнинг ҳаракати ва қолдиғи ҳисобини юритиш, белгиланган тартибда товар-пул ва бошқа ҳисоботлар тузиш ҳамда тақдим этиш;

г) ўзига ишониб топширилган моддий бойликларни инвентаризация қилишда қатнашиш.

2. Маъмурият қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) ходимга ишониб топширилган моддий бойликлар бут сакланишини таъминлаш борасида нормал иш олиб бориш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш;

б) ходимни ташкилотга етказилган зарар учун ишчи ва хизматчилар моддий жавобгарлиги тўғрисида қабул қилинган амалдаги қонунлар, шунингдек, унга топширилган моддий бойликларни саклаш, қабул қилиш, ишлов бериш, сотиш (бериш), ташиш ёки қўллаш билан боғлиқ амалдаги йўриқномалар, норматив ҳамда қондалар билан таништириб бориш;

в) ўрнатилган тартибда моддий бойликларни инвентаризациядан ўтказиб туриш.

Қам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни олиш учун бериладиган ишончнома бир марта фойдаланиш учун ёки 3 йилдан ошмайдиган муайян муддатга берилиши мумкин. Ишонч билдирилган ходим юкни олаётганда жойлар сони, маркировка белгилари транспорт юк хатида кўрсатилганига мос келишини, қутилар, боғламларнинг аҳолини, уларда шикастланиш, бузиш аломатлари йўқлигини, шунингдек, биркалар, пломбалар бутлигини ва бошқаларни синчиклаб текшириши талаб қилинади.

Материалларнинг ҳақиқий ҳолати билан ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида бирор-бир номувофиқлик аниқланса, юкни келтирган ташкилот вакиллари иштирокида далолатнома тузилиши ва эътироз билдирилиши лозим. Далолатнома уч нусхада тузилиб, унинг учинчи нусхаси эътирознома билан бирга товар етказиб берувчига юборилиши керак.

Материаллар бут сакланиши назорат қилинишини таъминлаш мақсадида материаллар қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби ва омбор ҳисоби маълумотлари бўйича даврий равишда текшириб турилади. Бундай текширувлар ҳар чорақда бухгалтерия ва омбор карточкаларида кўрсатилган материаллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, омборда амалда сакланаётган қолдиқнинг таққослаш йули билан ўтказиб турилади.

Банкка келадиган моддий бойликларни улар сакланиши учун жавобгар бўлган омбор мудир (омборчи) ёки банк раҳбарининг

буйруғи билан тайинланган бошқа ходим қабул қилади. Банк омбори мудир (омборчи)нинг вазибалари ва жавобгарлиги меъерий хужжатларда белгилаб берилган.

Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар йўриқномада кўрсатилган хужжатлар асосида берилиши лозим. Ушбу бойликлар берилгунича омбор мудир (омборчи) талабномалардаги имзоларни моддий бойликлар берилиши учун талабномаларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзидаги имзо намуналари билан солиштириши шарт. Материаллар банк бўлимларининг вакилларига бериләтганда олувчидан материаллар олиш ҳуқуқи учун ёзилган, бўлим бошқарувчиси ва бош бухгалтерининг имзолари ҳамда бўлимнинг муҳри билан расмийлаштирилган ишончномани олиб қолиши шарт.

Омбор мудир (омборчи) ҳар чорақда банк бухгалтерияси билан биргалиқда карточкалар бўйича барча турдаги материаллар қолдиқларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш орқали текшириб туриши шарт.

Қолдиқлар солиштириләтганда карточкалардаги ёзувлар билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасида фарқ чикқан ҳолларда бундай тафовутларнинг барчаси дарҳол тартибга солиниши лозим. Бунда барча тузатишлар белгиланган тартибда киритилиши лозим (нотўғри ёзув устидан шарикли ёки сиёҳли ручкада ўқиса бўладиган қилиб чизик тортилади, тўғри ёзув эса чизик тортилганининг тепасига сиёҳли ёки шарикли ручкада киритилиб, тегишли ҳавола бериледи ҳамда хатони тузатган шахс имзоси қўйиледи). Ҳисоб юритиш ва ҳисобот масалаларида омбор мудир (омборчи) тегишли банк бўлими бош бухгалтерига бўйсунеди.

19921-счётнинг "Фойдаланилмаган ёзув-чизув моллари ва бошқа анжомлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган материаллар ва бошқа буюмлар омборхонадан ёзма талабномалар бўйича бериледи. Бу талабномаларни имзолаш ва омбордан материаллар берилишига рухсат этиш ҳуқуқи берилган шахслар тўғрисида буйруқ чиқарилиши керак.

Омбордан кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни олиш учун ёзилдиган талабнома уч нусхада тузилади. Уларда кўзда тутилган барча реквизитлар, шунингдек, талаб қилинәтган моддий бойликларнинг номенклатура бўйича рақамлари, номи (нави), сони ва мақсади кўрсатилади.

Омбори йўқ банкларда талабномалар тузилмайди. Ой охирида фойдаланилган материаллар қайдномаси тузилади. Уни банк раҳбари тасдиқлайди. Шундан кейин материаллар қиймати тегишли

хисобварақлар дебетиға ҳамда 19921-счётнинг "Ёзув-чизув моллари ва бошка анжомлар" хисобварағи кредитиға ёзилиб, хисобдан чиқарилади. "Омборда" иккиламчи (суб) хисобварағи бўйича материаллар хисоби миқдорий ва қиймат ифодасида (тури ва навига караб) юритилади.

Кўшимча китобда шахсий хисобварақлар юритилади, бундан ташқари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар турлари ҳамда хисобдор шахслар бўйича карточкалар ва дафтарларда хисоб олиб борилади. Карточканинг олди томонида банк номи, анжом номи, дафтар бўйичарақам, хисобварақрақам, анжомнинг нархи, анжомлар сони, анжомни берувчининг номи, бухгалтерия ёзуви қайд қилинган сана кўрсатилади, шунингдек, бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Карточканинг орқа томонида анжом учун жавобгар шахснинг исми, шарифи, анжомлар сони ва уларнинг суммаси, улар сақланаётган жой кўрсатилади, шунингдек, бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Карточкалар бир турдаги буюмлар гуруҳлари бўйича картотекаға жойлаштирилади. Банкларнинг бош бухгалтерлари хисоблаш, ташкилий ва бошка турдаги техника паспортлари (техник ҳужжатлари) у фойдаланишдан чиқарилгунча сақланишини таъминлайдилар. Ҳўжалик материаллари балансдан чиқарилаётганда техник паспортлар техникани хисобдан чиқариш ҳужжатларига илова қилинади.

Тижорат банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг синтетик хисоби Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари хисобварақлар режасида 19921-"Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошка қийматликлар" актив хисобварағида юритилиб борилади. Ушбу хисобварақ актив бўлиб, дебет томонидаги айланмалар суммаси қирим қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар тушунилиб, кредит томонидаги айланма суммаси эса, омбордан чиқим қилинган кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар суммаси тушунилади. Ҳисобот давридаги дебет томонидаги қолдик кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг омбордаги қолдик суммаси тушунилади.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни олдиндан тўлов ёки бўлмаса олиб келинганидан сўнг тўловни амалға ошириш йўллари билан сотиб олинishi мумкин. Бундай ҳолатларда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалға оширилади. Агарда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар олдиндан тўлов амалға ошириш билан олинса, у ҳолда тўлов амалға оширилганида:

Дебет 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар";

Кредит 20200-"Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит хисобварақлари" ёки 16103-вакиллик хисобварағи.

Омборга кирим килинганда:

Дебет 19921-“Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошка кийматликлар”;

Кредит 19909-“Товар-моддий кимматликлар учун тўланган маблағлар”

Агар тўлов кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар олиб келинганидан сўнг амалга оширилса:

Дебет 19921-“Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошка кийматликлар”;

Кредит 29802-“Товар-моддий кимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

Тўлаб берилганда:

Дебет 29802-“Товар-моддий кимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”;

Кредит 20200-“Талаб қилиб олингунча сакланадиган депозит ҳисобварақлари” ёки 16103-вакиллик ҳисобварағи.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар аналитик ҳисоби алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Тижорат банки омборига кирим қилинаётганидан кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳақиқатдаги таннархи бўйича кирим қилинади.

Тижорат банклари томонидан ўз балансларидаги автотранспорт воситаларига ёқилғи-мойлаш материаллари сотиб олинганида ёқилғи-мойлаш материалларини ҳам шу тарика омборга кирим қилиниб келмоқда.

Масалан, ОАИТБ “Ипак йўли” банкининг “А” филиали томонидан ўз балансидаги автомашиналарни ёқилғи билан таъминлаш мақсадида банк ва “ЎзГазОил” масъулияти чекланган жамияти ўртасида шартнома тузилган.

Фараз қилайлик, ушбу шартномага асосан 500 литр Аи-80 маркадаги бензинига 717 500 сўм маблағ тўлаб берилганида:

Дебет 19909-“Товар-моддий кимматликлар учун тўланган маблағлар” -717 500 сўм;

Кредит 22624-“ЎзГазОил”-717 500 сўм.

Ҳайдовчилар томонидан автомашиналарга ёқилғи қуйиш шохобчаларидан ёқилғи қуйганлари тўғрисида бир ойда икки мартаба, яъни ҳар ойнинг 15 санасига ва ой охирига таққослама далолатнома тузилади. Ушбу далолатномага асосан қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Сотиб олинган ёқилғи-мойлаш материаллари омборга кирим килинганида:

Дебет 19921-“Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа кийматликлар”-717 500 сўм;

Кредит 19909-“Товар-моддий кийматликлар учун тўланган маблағлар”-717 500 сўм.

Хўжалик бўлим мудури банк балансидаги ҳар бир автомашинанинг босиб ўтган масофасига мос равишда сарфлаган ёкилғилари тўғрисида ёкилғиларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома тузиб, бухгалтерияга тақдим қилади. Тақдим қилинган далолатномага асосан сарфланган ёкилғи материаллари ҳисобдан чиқарилади ва қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 56300-“Хизмат сафари ва транспорт харажатлари”-717 500 сўм;

Кредит 19921-“Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа кийматликлар”-717 500 сўм.

Тадиқотлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатда банк омборига олиб келинмаган ёкилғи 19921-“Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа кийматликлар” ҳисобварағига қирим қилиниб, ўрнатилган тартибда чиким қилинмоқда.

Шу сабабли ушбу буюмларни қабул қилиб олиниш жараёни ва унга берилган проводкалар текширилади. Текшириш жараёнида проводкаларнинг тўғри берилганлиги Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ юритиш ва белгиланган йўриқнома асосида амалга оширилиши текширилади. Масалан, тижорат банкларида КБТЭБ қийматини олдиндан тўлаб бериш билан сотиб олиш тартиби қуйидагича акс эттирилганлигига эътибор қаратади:

КБТЭБнинг олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”;

Кт – Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миқознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса).

КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида қирим қилиниб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”;

Кт 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”

Агар тўлов КБТЭБ келиб тушгандан кейин амалга оширилса, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) КБТЭБ келиб тушганда;

ДТ 19921-"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар";

Кт 29802-"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар".

2) КБТЭБ қиймати тўланганда:

ДТ 29802-"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"

Кт – "Банк вакиллик ҳисобварағи ёки миջознинг талаб қилиб олин-гунча депозит ҳисобварағи" (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олин-гунча бўлган депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса).

КБТЭБ Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда шу кунги банк ҳужжатларига моддий жавобгар шахсга тегишли филиал/бош банк томонидан (белгиланган тартибда) берилган талабнома ва ишончнома тикиб қўйилади ва куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

ДТ 16104 "Бош банк филиаллардан олинадиган маблағлар – Товар моддий қимматликлар"

Кт 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич ҳужжатлар (юк хатлари) асосида куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

ДТ 19921"-Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

Кт 22205-"Бош банк филиалларга тўланадиган маблағлар – Товар моддий қимматликлар"

Омборга қабул қилинган КБТЭБда бирор-бир номувофиклик ёки нуқсон топилганда, юкни етказиб берган ташкилот вакиллари иштирокида далолатнома тузилади ва даъво билдирилади. Далолатноманинг учинчи нусхаси билдирилган даъво билан мол етказиб берувчига юборилади.

1. Банк даъвоси мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинганда ёки суд томонидан тегишли қарор чиқарилганда омборга қирим қилинган КБТЭБни мол етказиб берувчига қайтариш куйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

ДТ 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар";

Кт 19921-"Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошка қимматликлар".

2. Қайтарилган маблағларни қайта ёзув билан вакиллик ҳисобварағига ўтказиш:

Дт – Банкнинг вакиллик ҳисобварағи

Кт 19909-"Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар".

Бу эса, бугунги кунда тижорат банкларида ички банк операцияларининг ҳисобини тўғри ташкил қилишдаги мавжуд муаммолардан бири ҳисобланади. Шу каби ички банк операцияларининг ҳисобини тўғри ташкил қилиш бўйича назарий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

5.5. Тижорат банки ички банк операциялари аудити

Банк ички операциялари туркумига ходимлар билан иш ҳақи ва ҳисобдорлик суммалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини ҳам киритамиз. Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 29803-"Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар" ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ пассив бўлиб, дебетланганда ходимларга берилган иш ҳақи суммалари, кредитланганда эса ходимлар олдида иш ҳақи бўйича мажбуриятлари суммаларини англатади.

Ходимлар билан ҳисобдорлик суммалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 19908-Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олинishi лозим бўлган маблағлар ҳисобварағида юритилади. Бу ҳисобварақ мазмун жиҳатдан актив бўлиб, дебет томонида банк ходимларидан олинishi лозим бўлган маблағлар, кредит томонида эса банк ходимлари томонидан қайтарилган маблағлар акс эттирилади.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ички банк операциялари ичида алоҳида аҳамият касб этади. Даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773–17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли қарори билан тасдиқланган ва 1–17-сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»нинг 40000-«Даромадлар» ва 50000-«Харажатлар» бўлимларидаги ҳисобварақлардан фойдаланилган ҳолда ҳисоби юритилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Тижорат банклари юкоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга ошириладиган операциялар бўйича олинаётган ҳар бир даромад ва қилинаётган харажат моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Бошқа хўжалик субъектлари сингари тижорат банкларида якуний молиявий натижалар шаклланиш жараёнининг бошланғич бўғини – бу даромаддир. Лекин даромад таркибининг шаклланиш тартиби тармоқ хусусиятига кўра турли хил. Тижорат банклари ҳам шулар жумласидан.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларда якуний молиявий натижани аниқлашда Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга таянган ҳолда иш юритилади.


Тижорат банкларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб қарайдиган бўлсак, юкорида қайд этилган Низомни татбиқ этишда зид келадиган томонлари мавжудлигини таъкидлаш жоиз, яъни кўрсатилган хизматлар таннархи аниқланмаслиги шулар жумласидан.

Шу нуқтаи назардан, даромаднинг таркиби, шаклланиш тартиби, уни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларида даромадларни ҳисобга олиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида бошланади. Даромадлар ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули бўйича юритилиб, банк хизматларини кўрсатишдан ҳисобланган даромад миқдор томонидан қачон тўланишидан катъи назар, даромад сифатида тан олинади. Бунинг натижасида, тан олинган даромад якуний молиявий натижанинг шакллантирилишида тўлиқ иштирок этади. Даромад сифатида тан олинган, лекин ўз вақтида ундирилмаган даромадлар якуни молиявий натижага ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, яъни олинмаган даромад солиқ базаси таркибида этади.

Ҳисобланган, лекин ўз вақтида тўланмаган фоизсиз даромадларнинг ҳисоби тўғрисида республикаимиз олимларидан З.А. Умаров фикримизча, 16401, 16405, 16409, 16413-шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477-«Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатидан тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса, мақсадга мувофиқ бўлади»¹⁰¹.


¹⁰¹ Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари: иктисод фанлари номзоди илмий



5.6-расм. ТИФ Миллий банк даромадларининг ўзгариш динамикаси

Юқоридаги 5.6-расмда келтирилган ТИФ Миллий банки даромадларининг ўзгариш динамикасига эътибор берсак, жами даромади 2006 йилга нисбатан барқарор кўпайиб борган. Фойзли даромадлар таҳлил қилинаётган даврнинг бошида фойзсиз даромадга нисбатан кам бўлган, лекин 2010 йилга келиб уларнинг салмоғи ошган. Ушбу ҳолат банкнинг танлаган сиёсати қўйилган мақсадларга эришиш имкониятини берган.

ОАИТ “Ипак йўли” банки даромадларининг ўзгариш динамикасига эътибор берсак, жами даромади 2007 йилга нисбатан барқарор кўпайиб борган. Лекин фойзли даромадлар таҳлил қилинаётган давр мобайнида камайиб борган, бу эса банкнинг биринчи даражали активларидан олинadиган даромадларнинг камайганлигидан dalolat беради (5.8-расмга қаранг).



5.7-расм. ОАНТБ «Инак йўли» даромадларининг ўзгариш динамикаси

5.6 ва 5.7-расмлардан кўриниб турибдики, банклар даромадларини фонзли ва фонсиз даромадларининг жами даромадга таъсирини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк харажатларининг деярли ярмидан кўпи операцион харажатларга тегишли. Операцион харажатлар ичида эса асосий ўринни ходимларга тўланадиган иш хақи ва бошқа унга тенглаштирилган тўловлар эгаллайди.

Операцион харажатларни ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувиининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли қарори билан тасдиқланган ва 1-17-сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»нинг 56100-«Банк хизматчиларининг иш хақи ва улар учун юлинган бошқа харажатлар», 56200-«Ижара ва таъминот харажатлари», 56300-«Хизмат сафари ва транспорт харажатлари», 56400-«Маъмурий харажатлар», 56500-«Репрезентация ва хайрия», 56600-«Эскириш харажатлари», 56700-«Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар», 56800-«Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварақлари очилади, ҳар бир харажат тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақ юритилади.

Агар харажатлар олдиндан тўланган бўлса, улар 19907-«Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар», 19909-«Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар», 19925-«Олдиндан тўланган харажатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади. Банк кейинги йил учун қилган харажатлари 19929-«Бошқа муддати узайтирилган харажатлар», 19931-«Муддати узайтирилган солиқлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиниб, улар тегишли ҳисобот даври келганда харажатлар таркибига ўтказилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, банк даромадлари ва харажатлари маблағ кириб келиши ёки чиқиб кетишидан қатъи назар, қайси ҳисобот даврига тегишли бўлса, шу ҳисобот даврида ақс эттирилишини таъминлаш мақсадида тан олинган даромадларнинг ўз вақтида қирим қилиниши устидан назорат ўрнатиш алоҳида аҳамият касб этади. Даромад сифатида тан олинган, лекин ўз вақтида қирим қилинмаган даромадларнинг ҳисобини юритиш мақсадида алоҳида ҳисобварақлардан фойдаланиш лозим.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда операцион харажатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда аксарият банклар харажатларни назорат қилиш марказлашган тарзда тузилган смета ҳужжатларига мос келиши Бош банкда ташкил этилган «Молиявий менежмент» бошқармаси томонидан олиб борилади. Тижорат банкнинг бош Бошқармасида Молиявий менежмент бошқармаси операцион харажатлар бўйича тўлдирилган тўлов ҳужжатлари бирма-бир синчиклаб ўрганиб чиқади, шундан сўнг ушбу ҳужжатлар тасдиқланади ва тўлов амалга оширилади. Харажатларни назорат қилувчи ходим банк бошқаруви томонидан тасдиқланган сметага асосан филиаллар харажатлари сметаси бўйича харажатларни назорат қилади.

Тижорат банки операцион харажатларини тўғри шакллантиришда ички банк операциялари ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга.

Ички банк операциялари ичида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби тижорат банклари яқуний молиявий натижасининг шаклланишида бевосита ўз таъсирини кўрсатиши билан ажралиб туради.

Тижорат банкларида солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг синтетик ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли қарори билан тасдиқланган ва 1-17-сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга «Ўзбекистон Республикаси тижорат

банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»нинг 56714-“Солиқлар ва лицензиялар” ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ мазмун жиҳатдан актив ҳисобланади ва дебет обороти ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни аниқлаш, кредит обороти эса солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қилинган харажатларнинг молиявий натижани аниқлаш учун ҳисобварағига ўтказилганлигини ёки ортикча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг қайтарилишини аниқлашда. Аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича алоҳида очилган ҳисобварақларда юритилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 56714-“Солиқлар ва лицензиялар” номли ҳисобварағида асосан солиқ ва мажбурий (Республика пенсия жамғармасига, Йўл жамғармасига ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига) ажратмалар бўйича қилинган харажатлар ҳисобга олиниб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳисобварақнинг номланиши билан унда ҳисобга олинаётган харажатлари ўртасида фарқ чиқиб келмоқда.

Тижорат банкларида солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўларок, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган базасини аниқлаш лозим.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бутунги кунда тижорат банкларида ички банк операциялари ҳисобини такомиллаштиришда бир қатор ечимини қутаётган муаммолар мавжуд. Булардан асосий воситалар ва номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тартиби ва ҳисоби, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар таркибига кирувчи активлар ҳисоби, даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўлланилиб келаётган имтиёзлар ҳисобларини ташкил қилишдаги камчиликлардир.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш унинг хўжалик фаолияти, ўз маблағларидан фойдаланиши, уларни ташкил этиш манбалари, ички банк операциялари тўғрисидаги иқтисодий ахборотларни тезкорлик билан олиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳисоботларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, такомиллаштириш борасида қилинаётган барча ишларнинг пировард натижаси бу ташки ва ички фойдаланувчиларни тўғри ҳамда аниқ маълумотлар билан таъминлашдир.

Тижорат банкларида ички банк операциялари ҳисоби банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга етказиб беришда асосий манба сифатида аҳамиятлидир. Шу боисдан, ички банк операциялари бўйича тайёрланадиган ҳисоботлар бутун банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Ички банк операциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланувчиларга қараб ҳисоботни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

- ташқи фойдаланувчилар учун;
- ички фойдаланувчилар учун.

Ички банк операциялари ҳисоби маълумотлари асосида ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот шакллантирилади.

Ташқи фойданувчилар молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, тижорат банки тўғрисида маълумот олиш, унинг молиявий аҳволини ва банк хизматлари бозорида фаоллигини таҳлил қилиш мумкин.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аниқроғи ички банк операциялари ҳисоб маълумотлари асосида тузилади. Тижорат банклари ўртасидаги рақобат банкнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотлар ташқи фойдаланувчилар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг банк хизматларидан фойдаланиш мақсадида ўз маблағларини сарфлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини (ҳаражатни қоплай олишлигини) яққол кўрсатади.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишдан кўзланган мақсад унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва қайта ишлаш асосида унинг раҳбарияти ҳамда манфаатдор шахслар учун зарур маълумотлар тўпламини шакллантиришдан иборат.

Тижорат банклари раҳбарияти учун зарур маълумотлар унинг ҳисоб юритиш сиёсатида белгиланган ички ҳисобот шакллари, бошқарув аппарати талабларидан келиб чиқиб, ўрнатилган бошқа ҳисобот шакллари, шунингдек, тезкор ва статистик ҳисобот шакллари орқали тузилади. Бундан ташқари, тижорат банки бошқарув ходимларидан ҳисоботни ўқий олиш, яъни ҳисоботнинг ҳар бир моддасининг иктисодий моҳиятини тушуниш, унинг банк фаолиятидаги аҳамиятини баҳолаш усулларини, баланс ҳисоботларнинг бошқа шакллари моддалари билан алоқасини, у ёки бу модда бўйича суммалар ўзгариши тавсифини ҳамда ушбу ўзгаришлар аҳамиятини баҳолаш маҳоратига эга бўлишини талаб этади. Шу ўринда, шуни таъкидлаш

жоизки, ҳисобот ва молиявий ҳисобот атамалари мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Юқорида берилган тахлилий амалларни натижаси сифатида қуйидаги таққослама жадвални келтирамиз:

5.15-жадвал

Ҳисобот ва молиявий ҳисоботни айрим белгилари бўйича таққослаш

Т/р	Таққослаш белгилари	Ҳисобот	Молиявий ҳисобот
1.	Фойдаланувчиларга мўлжалланганлигига қараб	Ички ва юқори органлар	Ташқи фойдаланувчилар
2.	Тижорат сирини фош қилиш бўйича	Фош қилади	Фош қилмайди
3.	Режа кўрсаткичларига боғлиқлиги бўйича	Режа кўрсаткичларига боғлиқ	Боғлиқ эмас
4.	Ҳисоботни тузишда фойдаланиладиган манбалари бўйича	Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва тезкор ҳисобот маълумотлари	Молиявий ҳисобот маълумотлари
5.	Шакли бўйича	Тармоқлар ва мулкчилик шакли бўйича ҳар хил	Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот ва молиявий ҳисобот шаклан ҳамда мазмунан бир-биридан фарқ қилади. Бунинг сабабини ҳисобот марказлаштирилган режали иктисодиёт шароитида унинг талаблари асосида тузилган бўлса, молиявий ҳисобот бозор иктисодиёти амал қилаётган шароитда вужудга келганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тижорат банклари, умуман, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотларига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлари молиявий ҳисобот орқали кондирилади. Агар ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун зарур маълумотлар талаб қилинган санага тайёрланса ва тақдим этилса, молиявий ҳисобот эса Молия вазирлиги томонидан қатъий белгиланган саналарга тузилади ва тақдим этилади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, ички банк операциялари бўйича аниқ ва тўлиқ маълумотлар олиш учун қуйидаги ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

- фойзли ва фойзсиз даромадлар тўғрисидаги ҳисобот;
- фойзли харажатлар тўғрисидаги ҳисобот;
- операцион харажатлар тўғрисидаги ҳисобот.

Ушбу ҳисобот шакллари билан ХХХ банкнинг шартли маълумотлари асосида кенгрок таништириб ўтсак. (5.16-жадвалга қаранг)

5.16-жадвал

ХХХ банкнинг 2011йил ҳолатига фоизли ва фоиҳсиз даромадлар тўғрисидаги ҳисобот¹⁰² (млн. сўмда)

Т/р	Моддалар	Ўтган давр ҳолатига	Жорий давр ҳолатига	Ўзгариши	Жами даромаддаги улуши % да
1.	Кредитлар бўйича фоизли даромадлар	8 354	9 756	+1 402	35,29
2.	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар	706	819	+113	2,96
3.	Хизмат ва воситачилик учун олинган даромадлар	7 351	8 898	+1 547	32,15
4.	Савдо операцияларидан олинган фойда				
5.	Валюта операцияларидан олинган фойда	3 343	3 769	+426	13,62
6.	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	839	841	+2	3,03
7.	Инвестициялардан олинган фойда	946	1 018	+72	3,67
8.	Қарам хўжалик жамиятлари ва кўшма корхоналар фойдаси				
9.	Соф пул моддалари бўйича фойда				
10.	Бошқа операцион даромадлар	2 288	2 570	+282	9,28
	Жами даромадлар	23 827	27 671	+3 844	100

Ушбу “фоизли ва фоиҳсиз даромадлар тўғрисида”ги ҳисобот шаклининг афзаллик томони шундан иборатки, унда тижорат банкининг асосий молиявий кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, ўсиш тартибида ҳамда ҳар бир модданинг жами даромадларда тутган улуши фоиз ҳисобида келтирилган. Бу эса бошқарув аппаратини даромадлар бўйича зарур маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

¹⁰² Жадвал маълумотлари шартли равишда келтирилган.

Кейинги ҳисобот шаклларидан бири, бу фойзли харажатлар тўғрисидаги ҳисобот (5.17-жадвал).

5.17-жадвал.

XXX банкининг 2011 йил ҳолатига фойзли харажатлар тўғрисидаги ҳисобот¹⁰³ млн.сўмда

Т/р	Моддалар	Ўтган давр ҳолатига	Жорий давр ҳолатига	Ўзгариши	Ўзгариши % да
1.	Депозитлар бўйича	4 939	5 653	+714	+ 14,5
2.	Депозит сертификатлари бўйича	751	876	+125	+16,6
3.	Хукуматга тегишли ҳисобварақлари бўйича	0	0		-
4.	ЎзР МБга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича	0	0		-
5.	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича	331	354	+23	+7,0
6.	Бошқа фойзли харажатлар	289	290	+1	+0,35
Жами фойзли харажатлар		6 310	7 173	+923	+13,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк томонидан чиқарилган депозит сертификатлари бўйича фойзли харажатларнинг ўсишини янги депозит сертификатларнинг муомалага чиқарилиши билан изохлаш мумкин. Бу ҳисобот шаклида тижорат банкининг пассив операциялари натижасида жалб қилинган ресурслар бўйича фойзли харажатлар тўғрисидаги маълумотларни ўсиш тартибида ҳамда ҳар бир харажат моддасининг жами харажатлар таркибида тутган улуши тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган. Ушбу ҳисоботнинг эътиборли томони шундаки, унда харажатларни яқлит шаклда эмас, балки моддаларга ажратган ҳолда тахлилиий маълумот сифатида келтирилган.

Навбатдаги ҳисобот шаклларидан бири – бу операция харажатлар тўғрисидаги ҳисобот (5.18-жадвал).

¹⁰³ Жадвал маълумотлари шартли равишда келтирилган.

**XXX банкининг 2011йил ҳолатига операцион харажатлар
тўғрисидаги ҳисобот¹⁰⁴**

Т/р	Моддалар	Ўтган давр ҳолатига	Жорий давр ҳолатига	Ўзгариши	Жами операцион харажатдаги улуши, % да
1.	Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	5 392,23	6 502,69	+1 110,46	43,26
2.	Ижара ва таъминот харажатлари	381,77	801,62	+419,85	5,33
3.	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	70,69	183,90	+113,21	1,22
4.	Маъмурий харажатлар	816,30	929,02	+112,72	6,18
5.	Хайрия харажатлари	846,09	1 030,09	+184	6,85
6.	Асосий воситаларнинг эскириши	765,41	1 420,22	+654,81	9,44
7.	Амортизация номоддий активлар	1 439,39	1 697,79	+258,4	11,29
8.	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	1 482,84	2 288,43	+805,59	+54,3
9.	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини баҳолаш	289,06	182,46	+106,6	-63,1
	Жами операцион харажатлар	11483,78	15036,23	3552,45	+31

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисобот даврида транспорт ва хизмат сафари харажатлари, маъмурий харажатлар, асосий воситаларга ҳисобланган эскириш харажатларининг кескин ошганлигини кўриш мумкин. Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш харажатларининг ўсишини банк томонидан янги бино сотиб олинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу ҳисобот шакли маълумотлари асосида тижорат банкида қилинаётган операцион харажатлар ва уларнинг таркиби, жами харажатлардаги улуши тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Фикримизча, ушбу таклиф қилинаётган ҳисобот шакллари ойлик ҳисобот сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁰⁴ Жадвал маълумотлари шартли равишда келтирилган

Шундай қилиб, таклиф қилаётган ушбу ҳисоботларнинг асосий мақсади бошқарув аппаратини банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги таҳлилий кўринишда маълумотларни ўз вақтида ва асосли тақдим этишдир.

Тижорат банкларида ички фойдаланувчилар учун бошқарув қарорларини қабул қилишда асосланадиган ҳисоботлар ички банк операциялари ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланишини, бундан ташқари, ташқи фойдаланувчиларга тақдим этиладиган ҳисоб шакллари ҳам таҳлил қилиб қарайдиган бўлсак, асосий манба ички банк операциялари ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ички банк операциялари ҳисобининг аҳамиятини янада оширади.

Шундай экан, тижорат банклари фаолияти натижасини ишончилигини аудиторлик текшируви хулосалари билан тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ички банк операциялари ҳисобининг аудиторлик текшируви қуйидаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

1. Тўлиқлик, яъни ички банк операциялари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс этганлиги.

2. Аниқлик, яъни ички банк операциялари бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ ҳисобга олинган бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичлари ҳисоб регистрларидаги ёзувларга мос келиши.


3. Баҳолаш, яъни ички банк операциялари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳоланганлиги.

4. Ҳисобот даврининг чегараланганлиги, яъни ички банк операциялари ҳисоби бўйича барча операциялар тегишли ҳисобот даврда ҳисобга олинганлиги.

5. Тақдим қилиш ва очиб бериш, яъни ички банк операциялари туркумига кирувчи асосий воситалар, номоддий активлар турлари бўйича тўғри ажратилганлиги ва бухгалтерия ҳисоботида тўғри очиб берилиши. Улар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисоботидаги тушунтиришларда очиб берилиши.

Ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишда ички банк операциялари туркумига кирувчи асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби, иш ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоблари алоҳида кўриб чиқилади.

Аудиторлик текширувининг босқичлари



5.8-расм. Аудиторлик текшириши босқичлари

Ички банк операцияларининг аудиторлик текшируви, авваламбор тижорат банкининг ҳисоб сибсати билан танишишдан бошланади ва ундан текширув учун қуйидаги зарур маълумотларни олади:

- ички банк операцияларини ҳисобга олишга мўлжалланган ҳисобварақларнинг ишчи режаси;
- ички банк операциялари билан боғлиқ ҳисоб регистрлари рўйхати;
- ички банк операциялари ҳисоб билан боғлиқ бирламчи ҳужжатларнинг айланиши
- банк активларини баҳолаш хусусиятлари, эскириш ва амортизация нормалари.

Ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда асосий этибор унинг барча кирраларини қамраб олишга қаратилади.

Фикримизча, аудиторлик текширувини ўтказиш маълум бир босқичларга бўлган ҳолда амалга оширилиши, аудиторлик текшируви сифатининг ошишига хизмат қилади. Бу борада хорижий иқтисодчи олимлар Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббеклар аудиторлик текширувининг 4 та босқичини келтирадилар (5.8- расмга қаранг)¹⁰⁵

Юқоридаги 5.8-расмда келтирилган олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, шундай хулосага келиш мумкинки, аудиторлик текширувида асосан 4 та босқич мавжуд, яъни:

1. Аудиторлик текширувини режалаштириш ва ташкил қилиш.
2. Ҳўжалик операцияларини текшириш.
3. Ҳисоботнинг алоҳида моддаларини текшириш.
4. Аудиторлик текширувини яқунлаш.

Ушбу тартибни ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда ҳам қўллаш мумкин.

Аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш ва режалаштириш босқичида ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишга тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Бунда ички банк операцияларининг ҳажмини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ички банк операциялари тўғрисидаги ахборотларни мужассамлаштирувчи ҳисоботларни, молиявий ҳисоботларни, аввало, бухгалтерия балансининг моддаларини бирма-бир текшириш мақсадга мувофиқдир.

¹⁰⁵ Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. – М.: “Финансы и статистика,” 1995. – 323 стр.

Аудитнинг миллий стандартида таъкидланишича, аудитнинг умумий режасида аудиторлик ташкилотининг аудитни ўтказиш муддатларини ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик ҳулосасини тузишни назарда тутиши шарт. Ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишни режалаштириш ушбу жараённинг илк босқичи ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг сифатли ва ишончли бўлиши унинг бошланғич, яъни режалаштириш босқичига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ушбу босқичда аудиторлик текширувининг муддатлари, тартиби ва бошқа масалалар кўриб ўтилади. Бундан ташқари, аудитор банкда ички банк операцияларини ҳисоб регистрларида акс эттириш борасида ҳисоб сисъатидаги умумий маълумотларни тўплаши лозим.

Шунингдек, режалаштириш босқичида аудитор ички банк операциялари тўғрисида маълумотлар йиғиш, муҳимлик ва аудиторлик risks, ички назорат risks ҳамда дахлсизлик risksларни баҳолашга алоҳида эътибор қаратиши муҳим аҳамият касб этади. Ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишни режалаштириш босқичида тижорат банкининг ички назорат тизими билан ҳам танишиши лозим.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг кейинги босқичи ички банк операцияларини тестлаш деб номланади. Унда ички банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобварақларида, ҳисоб регистрларида қанчалик тўғри акс эттирилганлигига эътибор қаратилади. Аудитор ички банк операцияларини тестлаш босқичида асосий эътиборни назорат муҳитини тестлашга эътибор қаратади.

Ички назорат – бу банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан қўрилган банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қўрилганликка мослиги, самардорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизимидир.

Дарҳақиқат, ички назорат тизими самарали бўлиши учун хизмат вазифаларининг тўғри тақсимланиши даражасига жудаям боғлиқ.

Ички назорат ҳолати тўғрисидаги дастлабки маълумотларни йиғишнинг энг самарали усулларида бири – бу тестлаш ҳисобланади. Қуйида ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишда фойдаланиши тавсия этилаётган саволномани келтирмиз (5.19-жадвал).

**“Ички банк операциялари ҳисоби бўйича ички назорат
саволномаси”**

№	Тестлаш йўналишлари ва саволлари	Жавоблар			Изоҳ
		жавоб йўқ	ҳа	йўқ	
	Шартлар:				
1.	Ички банк операциялари бўйича ягона бир шаклга ва қондага эга бўлган ҳисоб регистрлари юритиладими?				
	Реаллик:				
2.	Ички банк операциялари объеклари жойлашган жойлари ҳисобда акс эттириладими ва улар кимга бириктирилган?				
3.	Ички банк операциялари объектларида даврий инвентарлаш ўтказиб бориладими? – Асосий воситалар. – Моддий қимматликлар. – Дебиторлик ва кредиторлик қаралари.				
	Тўлиқлик:				
4.	Ички банк операциялари объектлари табиий офатлардан ҳамда бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинганми?				
	Аниқлик:				
5.	Ҳисоб сиёсатида ички банк операциялари бўйича ишчи счётлар режаси тўлиқ акс эттирилганми?				
6.	Ҳисоб сиёсатида асосий воситалар ва номоддий активларни баҳолаш усуллари белгиланганми?				
7.	Ҳисоб сиёсатида асосий воситаларга эскиришни ҳисоблаш усуллари белгиланганми?				
8.	Ҳисоб сиёсатида номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари белгиланганми?				
9.	Ҳисоб сиёсатида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар туркумига киритиш чегараси белгиланганми?				
	Бухгалтерия ҳисоби				
10.	Ички банк операцияларини ҳисобга олиш регистрлари маълумотлари билан Бош китоб маълумотлари бир-бирига мувофиқ келадими?				

Юқорида таклиф этилаётган саволномага берилган жавобларни таҳлил қилиш билан банк ички операциялари ҳисобининг ҳолати тўғрисидаги дастлабки таассуротларни олиш мумкин. Ушбу

маълумотлар асосида ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишда муҳимлик даражасини ва риск даражасини аниқлашга асосланиш мумкин.

Ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг навбатдаги босқичи ҳисоботнинг алоҳида моддаларини текшириш босқичида асосий эътибор таҳлилий амалларни бажаришга қаратилади. Ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишда таҳлилий тадбирларни қўллашдан асосий мақсад қуйидагилар ҳисобланади:

- ички банк операцияларининг эҳтимолли таваккалчиликлар соҳасини белгилувчи гаўриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлари ва натижаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;
- ички банк операциялари туркумини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш;
- ҳисоботларнинг бузилишига сабаб бўлувчи фактларни аниқлаш;
- аудиторлик тадбирларини имкон қадар қисқартириш ва вақтни тежаш.

13-АМС “Таҳлилий тадбирлар” номли стандартга қўра таҳлилий тадбирларни амалга оширишнинг қуйидаги усуллари санаб ўтилган:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш.

2. Молиявий ҳисоботларнинг амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш.

3. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш.

4. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш.

5. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш.

6. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгаришлари ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффициентлар таҳлили.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ички банк операциялари ҳисоби аудитида ҳам таҳлилий тадбирларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради. Бунда ҳисобот шаклларидаги ички банк операцияларини ҳисобга олувчи моддаларининг даврлар бўйича ўзгаришининг динамик таҳлили аудиторга аудиторлик текширувини амалга оширишда қулайлик туғдиради.

Ички банк операциялари ҳисобининг аудиторлик текширувини яқунлаш аудитнинг охириг босқичи ҳисобланади. Унда аудит натижаларига кўра ички банк операциялари ҳисобининг қай даражада тўғри ташкил қилинганлигига ва шу билан тижорат банки фаолиятига умумий баҳо берилади. Банк ва филиал раҳбарияти ўтказилган аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар қабул қилиши шарт. Шу муносабат билан ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар графиги тузилиши лозим.

Ҳозирги кунда республикада фаолият юритиб келаётган тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини юритишда асосланадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида 434-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномада асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тўғрисида шундай дейилган “... асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш фойдаланишга берилгандан кейинги ойдан бошланади ва ҳисобдан чиқарилгунича амалга оширилади...”

Бироқ, юқорида қайд этилган йўриқномада омбордаги асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш етарлича ёритилмаган.

Тадқиқотларимиз натижасида шу нарса аниқландики, тижорат банклари омборларига асосий воситалар икки хил йўл билан кириш қилиниши мумкин. Булар, банк балансига янги кириш қилинган асосий воситалар ҳамда омборга қайтарилган фойдаланишдаги асосий воситалар.

Фикримизча, омбордаги асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш мақсадида ҳам уларни янги сотиб олинган асосий воситалар ҳамда фойдаланишдан омборга қайта кириш қилинган асосий воситалар гуруҳига ажратган ҳолда ҳисобини юритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Уларнинг синтетик ҳисобини эса мос равишда 16561-“Омбордаги янги сотиб олинган асосий воситалар”да янги сотиб олинган асосий воситалар, 16562-“Омборга қайтарилган асосий воситалар” актив ҳисобварақларида юритишни таклиф сифатида келтираемиз.

Бундан ташқари, омборга қайтарилган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш харажатларини ҳисобга олишда эса Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва 2004 йил 13 август 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли қарори билан тасдиқланган ва 1-17-сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби

ҳисобварақлари режаси»нинг 56630-“Омбордаги асосий воситалар эскириши” ҳисобварағи номланишини “Омборга қайтарилган асосий воситалар эскириши” деб номлаш мақсадга мувофиқ. Омборга қайтарилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда эса қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 56630-“Омбордаги асосий воситалар эскириши”;

Кредит 16563-“Омбордаги асосий воситалар – ҳисобланган эскириш”

Омбордаги асосий воситалар маълум вақтдан кейин яна фойдаланишга топширилганида ҳисобланган эскириш суммаси тегишли ҳисобвараққа қуйида келтирилган бухгалтерия ўтказмаси билан ўтказилади ва ушбу асосий воситага ўрнатилган тартибда эскириш ҳисоблаш давом эттирилади:

Дебет 16563-“Омбордаги асосий воситалар – ҳисобланган эскириш”;

Кредит 165**-“Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш”

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда тадқиқотларимиз натижасига асосланган ҳолда тақдим қилаётган илмий таклиф ва амалий тавсияларимизни амалиётга татбиқ этиш билан тижорат банклари молиявий аҳволини яна барқарорлаштиришда ижобий натижаларга эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Номоддий активлар ҳисоби бўйича

Ички банк операцияларининг ажралмас қисмларидан яна бири – бу номоддий активлардир. Уларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар банк Низомида кўрсатилган банк хизматларини тўлиқ, сифатли ва албатта, тезкорлик билан амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Чунки, номоддий активлар банк ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини таъминлайди (лицензия, патент ва бошқалар).

Ҳозирда тижорат банклари томонидан амал қилаётган Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган 1199-сонли йўриқномада номоддий активларнинг тижорат банкларида шаклланишининг 3 хил йўли мавжудлигини таъкидлаб ўтилган, булар:

1. Ҳақ эвазига харид қилиш.

2. Банк ичида ишлаб чиқиш йўли билан.

3. Текинга олиш.

Фикримизча, юқорида келтирилган 3 хил йўлга яна бир йўлни, яъни номоддий активларни тижорат банки устав капиталига таъсисчилар томонидан улуш сифатида киритишни ҳам қўшиш мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларда номоддий активларнинг энг кам

фойдали хизмат муддати қатъий белгиланмаган. Фикримизча, номоддий активларнинг амортизация меъёридан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида номоддий активларнинг энг кам фойдали хизмат муддати беш йил келиб белгилаш назарий асосланган илмий таклиф ҳисобланади.

Тижорат банкларининг асосий воситаларига эскириш ҳисоблашда эскириш коэффициенти (меъёри) муҳим аҳамият касб этган сингари номоддий активларда ҳам ҳудди шундай. Номоддий активларга тўғри чизикли усул билан эскириш ҳисоблаш кўзда тутилганида ҳар ойлик эскириш коэффициенти (меъёри)ни қуйидагича аниқлаш мумкин бўлади:

$$K = (1/n) * 100\%$$

Бу ерда,

n – номоддий активларнинг хизмат қилиш муддати (ой ҳисобида).

Агар тижорат банки асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда тезлаштирилган усулни қўлласа, у ҳолда амортизация коэффициенти(меъёри)ни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K = (2/n) * 100\%.$$

Бу ерда:

n – номоддий активларнинг хизмат қилиш муддати (ой ҳисобида).

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби

Ички банк операциялари таркибий қисмларидан бири кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби ҳам тижорат банки томонидан сифатли банк хизматларини кўрсатишда бевосита хизмат қилади ва ўзига хос муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг синтетик ҳисобини юритиш мақсадида 1992-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар” ҳисобварағидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Тижорат банклари маъмурий харажатлари таркибида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларга тўғри келадиган харажатлар салмоғи ўрта ҳисобда 20-30 фоизни ташкил қилади. Шундай экан, банкларнинг молиявий натижасини шакллантиришда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни тўғри ҳисобга олиш ва ҳисоботларни тузиш учун зарур бўлган маълумотлар манбаини тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган 1496-сонли йўриқномага

асосан шундай таъриф берилади: “Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар – бу банк фаолиятида фойдаланиладиган ва қуйидаги мезонлардан биронтасига жавоб бера оладиган моддий активлардир: хизмат муддати бир йилдан ортик бўлмаган ва хизмат муддатидан катъи назар, бир донасининг нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача кийматга эга бўлган буюмлардир”

2-МХХС (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари)да “Захиралар”га шундай таъриф берилган: “...хомашё ёки материал кўринишида бўлиб, одатий фаолиятида сотишга, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этадиган активлар”

Шундай қилиб, тижорат банклари фаолиятида бевосита иштирок этадиган товар-моддий қимматликларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар деб номланиши молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига, колаверса, бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалирига мос келмаслигини кўрсатиб турибди. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига яқинлаштириш мақсадида “кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар” атамасининг ўрнига “Инвентар ва моддий қимматликлар” атамасини киритиш ва унга қуйидагича таъриф бериш лозим деб ўйлаймиз:

“Инвентар ва моддий қимматликлар – бу банк хизматларини кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазибаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлардир” Шундай экан, ўз-ўзидан амалдаги 19921-Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар” ҳисобварағи номланишини ҳам “Хўжалик товарлари ва моддий қимматликлари” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амалиётда тижорат банклари томонидан ўз балансларидаги автотранспорт воситаларини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида сотиб олинган ёқилғиларини 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар” ҳисобварағига қирим қилиб, сарфланган ёқилғи тўғрисида хўжалик мудирини томонидан тузилган баённомага асосан чиқим қилиниб, банк харажатиға олиб борилади. Ваҳоланки, банк томонидан ёқилғи учун маблағ тўланади, лекин ҳақиқатда сотиб олинган ёқилғи банк омборига олиб келинмайди, бунинг мантқан иложини ҳам йўқ. Чунки ёқилғи маҳсулотлари ўрнатилган тартибда, ёнғин хавфсизлик чоралари кўрилган маҳсус жойларда сақланиши ҳаммага маълум.

Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари талабаларининг бажарилишини, ички банк операциялари ҳисоби тўғри юритилишини таъминлаш

мақсадида банкларда ўз эҳтиёжлари учун сотиб олинган ёкилғи-мойлаш материалларини 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқа қимматликлар” ҳисобварағидан алоҳида бошқа ҳисобварақда юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, банк омборидан ташқарида сақланадиган ёкилғи-мойлаш материалларининг ҳисобини юритиш мақсадида 19922-“Банк омборидан ташқарида сақланадиган ёкилғи-мойлаш материаллари” номли актив ҳисобварағини жорий этишни таклиф қиламиз. Ушбу ҳисобварақдан фойдаланиш қуйидагича тартибда амалга оширилиши мумкин:

Биз томонимиздан таклиф этилаётган ҳисобварақни қўллаш ички банк операциялари ҳисобининг тўлик ва аниқ юритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисоби бўйича

Ички банк операцияларида алоҳида ўз ўрнига эга туркум операцияларидан бири – бу бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилган харажатлар тижорат банкларининг операцион харажатлари таркибида ўртача 40–50 фоизни ташкил қилади. Бу эса ички банк операциялари ҳисобининг аҳамиятини янада оширади.

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобини тўғри юритишда солиқлар бўйича мавжуд имтиёзлар ҳисоби алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам банк томонидан қўлланилаётган имтиёзларни алоҳида ҳисобварақда акс эттириш ва уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан қўлланиладиган имтиёзларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баланс ва балансдан ташқари ҳисобварақларида юритишга ажаратиш лозим.

Қўлланиладиган имтиёзларнинг хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, тижорат банки томонидан имтиёзларни татбиқ қилиниши натижасида иктисод қилинган маблағлар кейинчалик қандайдир йўналтирилиши, имтиёзнинг шартларида кўзда тутилган ҳолатда, ушбу иктисод қилинган маблағ баланс ҳисобварағида акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Аксинча, имтиёзни қўллаш натижасида иктисод қилинадиган маблағлар қайта йўналтириш имтиёз шартларида назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда имтиёз суммаси фақатгина балансдан ташқари ҳисобварағида акс эттириш таклифини илгари сураимиз.

Фикримизча, тижорат банкларида қўлланилаётган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни имтиёз шартларидан келиб

чиққан ҳолда қайта йўналтирилган маблағлар ҳисобини юритиш ва баланс ҳисобварғида акс эттириш мақсадида 19950-“Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” актив ҳисобварағи ва бухгалтерия ҳисобининг иккисёклама ёзув тамойилининг бажарилшини таъминлаш мақсадида 19951-“Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар – контр-актив” ҳисобварағида юритилиши лозим.

Бундан ташқари, тижорат банки томонидан солиқ имтиёзи қўлланилиши эвазига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича иқтисод қилинган маблағлар қайта йўналтирилиши лозимлиги назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда қўлланиладиган фақатгина имтиёз суммасини 95497-“Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағи, 96397-“Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар” – контрречёт ҳисобварағида юритиш лозим.

Масалан, тижорат банкнинг “А” филиали асосий воситаларини модернизация қилиш учун 200 000 000 сўм сарфлади. Асосий воситаларини модернизация қилиш учун сарфланган маблағлар учун фойда солиғи бўйича имтиёзлари қўлланилганида, имтиёз шартларида солиқ солинадиган базанинг 30 фонзидан ошмаган миқдорда дейилган бўлса. Банкнинг солиқ солинадиган базаси 1 млрд. сўмни ташкил қилган деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда 1 млрд.*30%= 300 млн. сўм.

Жами имтиёз суммаси қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади:

Дебет 95947-“Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи” 200 млн. сўм

Кредит 96397-“Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар – контр ҳисобварағи” 200 млн. сўм.

Бундан ташқари, тижорат банки томонидан тўланадиган бошқа солиқ турлари бўйича имтиёзлари қўлланиладиган ҳолатлар юзага келса, унда ҳар бир солиқ имтиёзлари бўйича алоҳида балансдан ташқари иккиламчи ҳисобварақ ва мос равишда контр ҳисобварақлар очилади.

Ушбу ҳисобварақларда доимий равишда қўлга киритилган имтиёзлар ҳисобга олиб борилади. Мисол учун “А” банкнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёз миқдори 2011 йил 1 октябрь ҳолатига 51 млн. сўм, 2011 йил 1 декабрь ҳолатига келиб 12 млн. сўмга камайган бўлса, унда ушбу солиқ имтиёзидаги ўзгариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет 96397-“Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз-контрҳисобварағи” – 12 млн. сўм

Кредит 95947-“Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз” – 12 млн. сўм.


Юқоридаги амалий тавсиямиз ёрдамида тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар бўйича мавжуд имтиёзлар ҳисобини юритиш имконияти пайдо бўлади.

Шу тарика ички банк операциялари ҳисобини ташкил қилиш билан тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш имконияти яратилади.

Тижорат банклари фаолиятида аудитнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда аудиторлик фаолияти ҳам шиддат билан ривожланаётган соҳалардан биридир. Мамлакатимизда аудиторлик текширувлари халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқилган миллий стандартлар асосида ташкил этилиб келинмоқда.

Ички банк операциялари аудитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома ва Низоми¹⁰⁶ билан биргаликда аудитнинг миллий стандартларига ҳам асосланади. Ички банк операциялари аудитини режалаштиришда “Аудитни режалаштириш” номли 3-сон АМС фойдаланилади. Ушбу стандарт ҳам. ўз навбатида, “Аудитни режалаштириш” номли аудитнинг халқаро стандартига тўлиқ мос келади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тижорат банкларида ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг қўйидаги йўналишлари мавжудлигини келтириб ўтдик (5.9 - расм).



5.9– расм. Ички банк операцияларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг асосий йўналишлари

¹⁰⁶ Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (Янги таҳрири). // Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Юқоридаги 5.9-расмда келтирилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилинишини текшириш” йўналишини қуйидаги уч қисмга ажратиш мумкин. Булар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар талабларига амал қилиниши.

2. Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари талабларига амал қилиниши.

3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиниши (ЎЗР Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва бошқалар).

Юқоридаги 5.9-расмда келтирилган “Ички банк операцияларини текшириш” йўналишини ҳам қуйидаги уч қисмга ажратиш мумкин.

Булар:

1. Ҳисоб сиёсатини таҳлил қилиш – МХҲС талабларига мос келиш ёки келмаслигини текшириш.

2. Ички банк операциялари ҳисоб объектлари балансида тўғри ақс эттирилишини текшириш.

3. Ҳисоб регистрларида ақс эттирилган маълумотларнинг баланс моддалари билан арифметик мослигини текшириш.

Ички банк операцияларини аудиторлик текширувудан ўтказишни бундай йўналишларга ажратиш, ўз навбатида, аудит дастурини тўғри тузишга ва текширув самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларида ички банк операцияларини аудиторлик текширувудан ўтказишда, аввало, аудиторлик текширувининг дастурини тўғри тузиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аудиторлик текширувининг дастури текшириш жараёнининг асосий стратегияси ҳисобланиб, у текширувнинг сифатига таъсир қилиш билан бирга текширув учун сарфланадиган вақтга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Аудит дастурининг аудиторлик текширувида тўтган ўрни “Аудитни режалаштириш ” номи 3-сон АМСнинг 31-бандида қуйидагича изоҳланади:

“Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик қонун-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ҳамда аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади”

Фикримизча, ички банк операцияларини аудиторлик текширувудан ўтказиш дастурини тузишда ички банк операциялари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ички банк операцияларининг энг муҳим хусусиятларидан бири, бу – банк даромадлари ва харажатларига бевосита таъсир килувчи ҳамда банк фаолиятини ташкил қилишни таъминловчи банк операциялар мажмуидир.

Шундай экан, ички банк операцияларини аудиторлик текширувудан ўтказиш дастурини ҳар бир тижорат банкига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тузиш аудит учун сарфланадиган вақт ва маблағнинг иқтисод қилинишига олиб келади.

Фикримизча, ҳар бир тижорат банки ички муҳити тўғрисидаги дастлабки хулосаларни шакллантириш мақсадида ҳамда ички назорат ҳолати тўғрисидаги дастлабки маълумотларни йиғишнинг энг самарали усулларидан бири, бу – тестлаш ҳисобланади.

Умуман олганда, ички банк операциялари аудитида тестлаш усули юқори самара беради. Фикримизча, нафақат ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолаш, балки аудиторлик текширувини ўтказиш дастурига ўз вақтида тузатиш киритишга ҳам имкон яратади.

Ички банк операцияларини аудит қилиш жараёнида аудитор томонидан муҳимлик даражасини аниқлашда текшириш объектининг катта-кичиклигига ҳам алоҳид эътибор қаратиши лозим. Чунки бир тижорат банкида амалга оширилган ички банк операциялари ҳажми бошқа бир тижорат банкидагидан сезиларли даражада кичик бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, бирига муҳимлик даражаси, бошқасига муҳим бўлмаслиги мумкин. Амалиётда одатда нисбий кўрсаткичлар ишлатилади ва улар аниқ фойзда ёки ораликни акс эттириши мумкин.

Ички банк операцияларини аудиторлик текширувудан ўтказишда аудитор ички банк операциялари ҳисобида муҳим ҳатоларга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаши лозим. Бунда ички банк операциялари ҳисоби ҳисобварақлари бўйича қолдиклар ва оборотларнинг қайсисини текшириши, ҳисоботнинг қайси моддаларини ўрганиши ва қайси ҳолларда аудиторлик танлови ва тахлилий амалларни қўллашни аниқлаши муҳим ҳисобланади.

Аудитор ички банк операцияларини аудит қилишда муҳимлик даражасининг энг паст ва энг юқори даражаларини қўллаш тавсия этилмайди. Чунки муҳимлик даражаси паст бўлганда текшириш кўп вақт талаб қилади. Бу эса харажат нуктаи назаридан мақбул эмас. Аксинча, муҳимликнинг энг юқори даражаси ҳолатида кам аудиторлик амаллари қўлланилади, лекин ошмаслик таваққулчилиги юқори бўлиши мумкин.

Аудиторлик текшируви ҳар доим риск билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АМС)№9¹⁰⁷ “Мухимлик ва аудиторлик rischi” номи стандартида шундай дейилган: “Аудиторлик таваккалчилигининг жиддийлиги билан даражаси ўртасида тескари алоқа мавжуд: муҳимлик даражаси канча юқори бўлса, аудиторлик таваккалчилиги шунча паст бўлади ва аксинча”

Амалиётда аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботдаги хато чегарасини ҳисобот моддаларида белгиланган муҳим чегаралар йиғиндиси сифатида баҳоланади. Одатда, аудиторлар томонидан 5 фоизгача бўлган оғишишлар аҳамиятсиз деб, 10 фоиздан ортиғи эса муҳим деб ҳисобланади.

5.20- жадвал

“Мухимлик даражасини ҳисоблаш”

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари	Минг сўмда	Мухимлик даражаси, % да	Мухимлик кўрсаткичи (минг сўмда)
1.	2.	3.	4.
Соф фойда	23 434,5	5	1 171,7
Жами даромад	192 765,3	2	3 855,3
Жами активлар	1 456 982,6	5	72 849,13
Капитал	98 378,7	10	9 837,87
Жами харажатлар	169 330,8	2	3 386,61

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, молиявий ҳисоботдаги хатонинг ўрнатилган муҳимлик даражаси 18 220 минг сўмга тенг $(1\ 171,7+3\ 855,3+72\ 849,13+9\ 837,87+3\ 386,61)/5=18\ 220$ минг сўм.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ички банк операциялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган жами активлари бўйича муҳимлик даражасини 5 % деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки банк активлари соф фойда сингари банк фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Ички банк операциялари аудитида аудиторлик танлашни тўғри амалга ошириш аудит сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Аудиторлик текширувида танлашни амалга оширишда 14-сон аудитнинг миллий стандартига асосланилади. Унга кўра аудиторлик танлашнинг куйидаги усуллари мавжуд:

¹⁰⁷ АМС №9 “Мухимлик ва аудиторлик rischi” // www.lex.uz

1. Тасодифий танлаш;
2. Мунтазам танлаш;
3. Аралаш танлаш.


Аудитор хатони аниқлаганда, аввало, унинг сифат томонини, кейин унинг миқдорий томонини баҳолаш лозим. Ҳар қандай хато ўзининг сифат томонига эга, лекин миқдорий томонига эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

Моллиявий ҳисоботдаги кўрсаткичлар ва унинг иловасидаги баъзи маълумотлар хато бўлиши мумкин. Аммо бундан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобот умуман нотўғри деган қарорга келмаслик керак.

Аудитор томонидан аниқланадиган хатолар аудитнинг миллий стандартига асосан муҳим бўлган ёки муҳим бўлмаган хато сифатида баҳоланиши мумкин.

Халқаро амалиётдан маълумки, аудиторлик текширувларини ўтказишда аудит дастурини тўғри тузиш аудит сифатига бевосита таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, ички банк операциялари аудит дастурини тузишгача қуйидаги 5.9-расмда келтирилган амалларни ўтказиш аудит дастурини асосли равишда тузиш имконини беради. Сифатини янада тестлаш жараёни қуйидагича ташкил этилиш лозим (5.10 - расм).



5.10-расм. Ички банк операциялари аудити бўйича дастур тузишга асос бўлувчи амаллар кетма-кетлиги

Юқоридаги 5.10-расмдан кўриниб турибдики, ички банк операциялари аудит дастурини тузишда амалга ошириладиган тадбирлар текширув дастурининг тўғри ва самарали бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотлар натижасида ҳамда ички банк операциялари ҳисобини аудиторлик текширувдан ўтказишни самарали ташқил қилиш мақсадида аудит дастурини қуйидаги 5.21-жадвалда келтирилган каби тузишни таклиф сифатида келтириб ўтдик.

5.21-жадвал

Ички банк операцияларини аудиторлик текширувдан ўтказиш учун аудит дастури

Текширилаётган тижорат банки:

Аудит даври

Киши-соатлар сони

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Аудиторлик гуруҳи таркиби

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари %

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси %


T/p	Аудиторлик тадбирлар рўйхати	Ўтказиш даври	Баъқарувчи	Аудиторнинг иш ҳужжати	Изоҳлар
1.	Асосий воситалар ва КБТЭБлар ҳаракати ҳисобини текшириш				
2.	Узоқ муддатли активлар ва КБТЭБларни баҳолаш тартибини текшириш				
3.	Дебитор ва кредиторлар ҳисобини текшириш				
4.	Холдилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини текшириш				
5.	Активларнинг балансдан чиқиб кетиш сабабларини ўрганиш				
6.	Даромад ва ҳаракатларнинг тўғри тан олинишини текшириш				
7.	Даромадлар ва ҳаракатлар ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш				
8.	Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобини текшириш				

Юқоридаги 5.21-жадвалда келтирилган аудит дастури ички назорат ҳолати ва муҳимлилик даражаларини ҳисобга олган ҳолда текшириш учун сарфланадиган муддатларни қисқартириш ёки узайтириш мумкин.

Ички банк операциялари аудитини самарали ташкил этишда, аввало, тўғри аудит дастури тузиш муҳим бўлса, кейинги босқич эса, албатта, далиллар йиғиш ҳамда уларга муҳим эътибор қаратишдир.

Аудиторлик далиллари текширувда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ички банк операциялари аудитида далиллар аудиторларга аудит процедураларини белгилаб олишларида асосий роль ўйнайди. Бунда аудиторнинг мақсади текширув жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ишончли далилларни ўз вақтида ҳамда имкон қадар кам харажат сарфлаган ҳолда йиғишдир.

Ушбу жараён қуйида келтирилган 5.11-расмда акс эттирилб ўтилган.



5.11-расм. Далиллар ва аудит процедурасининг аудиторлик стандартлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Ички банк операциялари аудитида аудиторлик стандартлари нафақат далиллар йиғиш, балки бу жараёнида аудитордан талаб этиладиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини, шунингдек, далилларни тўплашда фойдаланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради.

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, аудит стандартлари нафақат ички банк операциялари ҳисобининг тўғри юритилиши бўйича далиллар йиғиш, балки бу жараёнда аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини, шунингдек, ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради.

5.6. Тижорат банкларининг хусусий капитали аудити

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари капиталини шакллантириш 1997 йилдан бошлаб халқаро Базель стандарти бўйича шакллантирилмоқда. Ушбу стандартга кўра, тижорат банкларининг умумий капитали икки қисмдан иборат қилиб шакллантирилади:

1. Биринчи даражали капитал.
2. Иккинчи даражали капитал.

Биринчи даражали капитал таркиби Базель стандарти бўйича қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- тижорат банкининг эмиссион даромади;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- захира капитали;

– тижорат банкининг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум.

Акционерлик тижорат банкларида устав капитали икки қисмдан иборат бўлиб, устав капиталининг эълон қилинган қисми ва ҳақиқатда тўланган қисмига бўлинади. Устав капиталининг эълон қилинган қисми таъсис шартномасида ўз аксини топади. Лекин таъсисчиларнинг айримлари таъсис шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашади. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган Базель қўмитаси экспертлари устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисминигина капитал таркибига киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Лекин шунини таъкидлаш жоизки, республикамизда тижорат банклари биринчи даражали капиталининг таркиби Базель стандарти талабларига тўлиқ мос келмайди. Ушбу номувофиқлик қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Халқаро Базель стандарти бўйича девальвация захираси тижорат банклари капиталининг таркибига киритилмайди. Ўзбекистон Республикасида эса, тижорат банклари биринчи даражали капиталининг таркибига девальвация захираси киритилади.

2. Халқаро Базель стандартида имтиёзли кредитлаш фондининг маблағларини тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритиш кўзда тутилмаган. Лекин республикада тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига имтиёзли кредитлаш фондининг маблағлари киритилган.

3. Халқаро Базель стандартида тижорат банкларининг фақат оддий акцияларини сотишдан олинган тушум уларнинг устав капиталига киритилади. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг оддий акцияларини сотишдан олинган тушум ҳам, имтиёзли акцияларидан олинган тушум ҳам уларнинг устав капитали таркибига киритилади.

Халқаро Базель стандарти бўйича тижорат банкларининг иккинчи даражали капиталининг таркиби қуйидаги элементлардан ташкил топади:

– кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг банк активларининг рискка тортилган суммасининг 1,25 фоиздан ошиб кетмайдиган қисми;

– икки йилдан ортиқ муддатга чиқарилган субординациялашган қарз мажбуриятлари;

– консолидациялашмаган шўъба корхоналарига қилинган захиралар;

– қайта баҳолаш захираси.

Шуниси характерлики, республикада тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акциялари муомалада мавжуд эмас. Базель стандарти бўйича тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акциялари қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

– нокумулятив имтиёзли акциялар ўз эгаларига ҳам фоиз кўринишида, ҳам дивиденд кўринишида даромад келтиради;

– нокумулятив имтиёзли акциялар дивиденд олиш ҳуқуқини берса-да, овоз бериш ҳуқуқини бермайди;

– нокумулятив имтиёзли акциялар муддатсиз бўлади;

– нокумулятив имтиёзли акциялар уларни сотиб олган шахсларнинг хоҳишига кўра банкка қайтариб топширилиши мумкин эмас;

– акционерлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, нокумулятив имтиёзли акцияларга дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

– нокумулятив имтиёзли акцияларга жорий йилда тўланмаган дивидендлар кейинги йилларда тўлаб берилмайди.

Тижорат банклари капитални шакллантиришда капиталнинг етарлилик даражасини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки капитални етарли даражада шакллантириш тижорат банкнинг тўловга қобиллигини таъминлаш имконини беради.

Халқаро Базель стандарти бўйича тижорат банклари капиталнинг етарлилигини баҳолашда 2 та кўрсаткичдан фойдаланилади:

- умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти;
- биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти.

Умумий капиталнинг етарлилик коэффициентини аниқлаш учун умумий капитал суммаси банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг минимал даражаси 0,08 килиб белгиланган.

Базель стандарти бўйича биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициентини ҳисоблаш учун биринчи даражали капитал суммаси тижорат банки активларининг рискка тортилган суммасига бўлинади. Мазкур коэффициентнинг минимал даражаси 0,04 килиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари умумий капиталнинг етарлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,10, биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,05 килиб белгиланган.

Базель стандартлари ишлаб чиқилгунга қадар халқаро банк амалиётида АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган капиталнинг етарлилик коэффициентидан кенг кўламда фойдаланилар эди. Унга кўра, банк капитални депозитларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этади¹⁰⁸

Базель стандартлари қабул қилингунга қадар тижорат банклари устав капиталнинг хорижий валютадаги қисми билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд эди. Бу борадаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Маълумки, тижорат банкларининг баланси миллий валютада тузилади. Капитал таркибига хорижий валютада маблағ қўйилганда, у жорий даврдаги курс бўйича банк баланс ҳисоботларида миллий валютада акс эттирилади. Бунда банкнинг даромади миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида юзага келадиган фарқ миқдорини қоплаш учун етадиган даражада бўлиши керак. Акс ҳолда банк чет эл валютасидаги соф активларини хорижий валютадаги капитал миқдорига тенг равишда сақлаб туришга мажбур бўлади.

¹⁰⁸ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. – С.97.

2. Агар капитал таркибидаги хорижий валюта чет эл банкларига депозит сифатида жойлаштирилган бўлса, унда банк капиталининг қийматини тўлиқлигича сақлаш имконияти юзага келади. Лекин хорижий банк депозитларга бозор ставкаси бўйича фоиз тўлайди. Ривожланаётган хорижий мамлакатларда эса, одатда, хорижий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси жуда паст бўлади. Демак, бунда хорижий валютада қўйилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан тижорат банклари капиталини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган стандарти тижорат банкларининг хорижий валютада шакллантириладиган устав капитали билан боғлиқ мунозарали баҳсларга чек қўйилди.

Ушбу андозага кўра, тижорат банкларининг хорижий валютада шакллантирилган устав капитали банкнинг балансида тадрижий қиймат бўйича ҳисобга олинади. Бундан буён хорижий валюта алмашув курсининг ўзгаришидан катъи назар, унинг банк балансидаги миллий валютада акс этган қиймати ўзгармасдан қолади. Аммо банк бу маблағларни ўзининг актив операцияларида эркин ишлатиш ҳуқуқидан фойдаланиб, устав капиталига қўйилган хорижий валюталар актив операцияларда ишлатилганда қайта баҳоланади. Натижада, банкнинг активлари ва пасивлари ўртасида қайта баҳолаш миқдорида фарқ юзага келади. Бу фарқ миқдори тижорат банки балансининг пасиввидаги девальвация захираси ҳисобварағига ўтказилади.

Банк капиталининг етарлигини баҳолашда Базель стандарти ишлаб чиқилгунга қадар АҚШ Федерал захира тизими стандартларидан фойдаланиб келинар эди. Унинг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Мазкур андоза банк активларини риск даражасига кўра табақалаштириш имконини бермасди.

2. Банк депозитлари барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, нобарқарорлик даражаси нисбатан юқори бўлган депозит тури трансакцион депозит ҳисобланади. Жамғарма депозитлари эса энг барқарор депозитлар ҳисобланади. Мазкур коэффициентда депозитлар барқарорлик даражасига кўра фарқланмаган.

3. Тижорат банкларининг балансдан ташқари активлари инobatта олинмаган.

Ҳолбуки, банкларнинг балансдан ташқари операцияларининг асосий қисми юқори рискли операциялар ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигига ва тўловга қобиллигига бевосита таъсир қилади. Масалан, кафолатлар бериш, хўжотлаштирилган аккредитивлар қўйиш, форвард

операциялари каби балансдан ташқари операцияларнинг риск даражаси Базель андозалари бўйича 100 фоиз қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг миллий валютадаги юқори рискли балансдан ташқари операциялари ҳозирча ривожланмаган. Хусусан, опцион, фьючерс, форвард операцияларини банк амалиётида ривожлантириш зарур. Шу билан бирга, мамлакатимиз тижорат банкларида асосан таъминланган хужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланлмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари капиталининг етарлиликка нисбатан ўрнатилган талаблар халқаро Базель стандарти кўзда тутилган талаблардан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Яъни, Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, банк умумий капитали адекватлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,10 ёки 10 фоиз, асосий капиталининг етарлилик коэффициентининг минимал даражаси эса 0,05 ёки 5 фоиз миқдоридан ўрнатилган. Айни вақтда, тижорат банкларининг капитали етарлиликнинг минимал даражаси Базель андозаларида кўзда тутилган даражадан маълум жиҳатдан фарқ қилади. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлиликка нисбатан қўйиладиган талабларни Базель стандартидан бундай тарзда фарқланишининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашда айрим муаммоларнинг мавжудлиги. Жумладан, тижорат банкларининг жами капитали таркибидан устав капитали салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлаётганлиги бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

2. Тижорат банкларининг корпоратив мижозларига тегишли бўлган депозитларни суғурталаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Мазкур тизимнинг мавжуд эмаслиги банк капиталидан депозитларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятини кучайтиради.

Тижорат банклари капиталининг етарлиликка баҳолашда марказий ўринни банк активларини рискка тортиш масаласи эгаллайди.

Халқаро Базель стандартлари бўйича банк активларини рискка тортишда 4 та риск даражасидан фойдаланилади: 0 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз.

Республикаимиз банк амалиётида ҳам 4 тоифадаги риск даражасидан фойдаланилади.

Шуниси эътиборлики, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш методикаси билан халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методика ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас. Масалан, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методикада банкларнинг рисксиз, яъни 0 фоиз рискка эга бўлган активлари таркибига 6 та актив киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;

б) банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб-варағининг қолдиғи;

в) ҳукумат ва Марказий банк томонидан 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозлар;

г) иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

д) иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблар ҳамда бу давлатларнинг нақд валюталари билан таъминланган активлар;

е) Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган методикада Базель методикасидан фарқланувчи икки жиҳат мавжуд.

1. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган методикада ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланмаган. Фикримизча, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланиши лозим. Чунки ҳукуматнинг узок муддатли қимматли қоғозларида даромадлиликнинг пасайиш rischi доимо сақланиб қолади.

2. Марказий банкнинг тижорат банклари активларини рискка тортиш бўйича мавжуд методикасида Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар ўз аксини топмаган.

Фикримизча, мазкур ҳолат мамлакатимиз банк амалиётида тратталар муомаласининг мавжуд эмаслиги туфайли юзага келган.

Бошқа риск тоифалари бўйича сезиларли фарқлар мавжуд эмас.

Шуниси амалий аҳамиятга молиқки, бир қатор Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда Базель стандартларидан фарқланувчи риск тоифалари мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банкнинг биринчи йўриқномасига асосан банк активлари 7 та риск тоифаси бўйича рискка тортилади: 0,5 фоиз, 15 фоиз, 25 фоиз, 30 фоиз, 60 фоиз, 70 фоиз, 80 фоиз. Ушбу

риск тоифаси 1996 йилнинг 30 январидан янгиланди ва уларнинг сони 5 тани ташкил қилди: 0 фоиз, 10 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида тижорат банкларининг капитали халқаро Базель стандарти асосида шакллантирилади. Мазкур номувофиклик капитални аудит қилиш жараёнида ҳисобга олиниши лозим.

Тижорат банклари капиталини аудит қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банки капиталининг таркибини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган талабларга мослигини текшириш ва тасдиқлаш.

2. Тижорат банки устав капитали миқдорининг ўзгариши сабабларини аниқлаш.

3. Тижорат банки капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган талабларнинг бажарилишини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш.

4. Захира фондларининг тўғри ташкил қилинганлигини баҳолаш.

5. Тижорат банки томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумларнинг унинг капиталда тўғри акс эттирилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Ушбу вазифаларни бажариш қатор ташкилий-услубий асосларга таянади. Жумладан, тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг етарлилигига нисбатан Марказий банк томонидан ўрнатилган услубий мазмундаги талабларнинг мавжудлиги капитал аудитининг муҳим ташкилий-услубий асоси ҳисобланади.

Шуниси характерлики, тижорат банки устав капиталдаги ўзгаришлар акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланиши ва Марказий банк рўйхатидан ўтиши керак.

Тижорат банклари капиталининг муҳим элементларидан бири – бу захира капитали бўлиб, у тижорат банкларининг фойдасидан маълум бир фоизини ажратиш орқали ташкил қилиниб, у мажбуриятларни қайтаришга ва махсус захиралар ташкил қилинмайдиган банк операциялари билан боғлиқ хатарларни қоплашга сарфланади. Захира капитали, одатда, кредит рисқи очик намоён бўлганда банк кенгашининг қарори билан сарфланиши мумкин.

Аудит жараёнида дебиторлар билан ҳисоблашишлар бўйича тузилган жамғармаларнинг тўғри ташкил этилганлигини текшириш ва баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, турли дебиторлар билан ҳисоблашишлар бўйича тузилган жамғармалар ҳам қонунчиликка асосан тижорат банкнинг ўз маблағлари қаторидан жой

олган. Шу билан бирга халқаро ҳисоб стандартларига асосан, кредит ташкилотлари ушбу маблағларни ўз маблағлари каторига киритмайди, балки уларни ўзаро мос дебиторлик қарз мажбуриятларидан чегириб ташлашади. Бу эса захираларнинг иқтисодий моҳиятини, яъни улар ўзида актив даромад келтирадиган операцияларни акс эттиради. Шу сабабдан ҳам, улар хатарли маблағлар ҳисобланади ва ишонч камлиги туфайли банкнинг ўз маблағлари таркибига киритилмайди.

Бунда асосий эътибор тижорат банкларининг капиталини шакллантиришнинг барқарор манбаларига қаратилади. Тижорат банклари капитали таркибида барқарор манбалар сифатида уларнинг устав капитали ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини келтириш мумкин. Чунки устав капитали тижорат банкларининг фаолиятининг дастлабки давридаёқ шакллантирилиб, банк фаолияти тугатилгунга қадар ҳисобда туради. Шу билан бирга ушбу маблағ реал молиявий маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. Халқаро банк амалиётида устав капитали асосий ва барқарор элемент ҳисобланади. Республикамиз банкларида ҳам устав капиталига нисбатан ана шундай сифат берилади.

Тижорат банклари ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳам реал кийматга эга бўлган маблағлар ҳисобидан шакллантирилиб банк акциядорлари йиғилишининг қарори асосида маълум мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

Тижорат банклари капитали аудити жараёнидаги асосий масалалардан бири уларнинг жами капиталининг етарлилигини таъминлаш масаласи ҳисобланади. Жами капиталнинг етарлилигини таъминлаш тижорат банкларининг фаолиятини нормал равишда ҳаракат қилишга имкон бериш билан бирга, уларнинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Банкларнинг асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш орқали банк капиталини бошқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий кўрсаткичларидан бири банк фаолиятининг самарадорлик даражасининг паст ёки юқори эканлиги билан изоҳланади. Чунки тижорат банклари маълум даражадаги риск асосида банк капиталидан кредит ресурслари сифатида фойдаланиши ҳам мумкин. Кредит ресурси сифатида берилган капитал қарздорлар томонидан самарали фойдаланиши натижасида даромад келтирса, банкнинг молиявий жиҳатдан бақувват бўлишга хизмат қилади. Агар ушбу ҳолатнинг акси бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан икки томонлама зарар кўрадилар. Яъни, биринчидан, берилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмайди ва ушбу кредитдан мўлжалдаги фонзли даромадларни ололмайди. Иккинчидан, кредит ресурсларининг белгиланган муддатда

қайтмаслиги банкни молиявий жиҳатдан заиф қилиб қўяди. Демак, ушбу жараёнда кредит рискинни оқилона баҳолаш банк капиталини бошқаришдаги муҳим масалалардан бири ҳисобланди.

Тижорат банклари молиявий аҳволининг нобарқарорлиги банкнинг операцион фойдаси ва соф фойдасининг миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Операцион фойданинг етарли даражада шаклланмаслиги имтиёзли акцияларга тўланадиган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига салбий таъсир кўрсатади. Соф фойданинг етарли даражада шаклланмаслиги эса оддий акцияларга тўланадиган дивидендларнинг миқдорига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, капитал аудити жараёнида соф фойда ва тақсимланмаган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга баҳо берилади.

Акциядорларнинг устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариши капитални шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, капитал аудити жараёнида ушбу масала текширилади ва тегишли хулосалар шакллантирилади. Акциядорларнинг маълум қисми айрим ҳолларда ўзларининг устав капиталини шакллантириш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортадилар ёки бажариш муддатини жуда чўзиб юборади. Бунинг натижасида устав капиталининг шаклланишига нисбатан салбий таъсир юзага келади. Бу, ўз навбатида, уни бошқариш жараёнининг самарадорлигини пасайтиради.

Капитал аудити жараёнида тижорат банклари жами капиталининг етарлигини таъминлашга таъсир қилувчи қуйидаги омиллар ўрганилади:

а) тижорат банклари капиталининг оқилона таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигига нисбатан қўйиладиган минимал талабнинг мўътадил даражасини аниқлаш омили.

Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўйиладиган талаблар дунёнинг юздан ортиқ мамлакатда қўлланилаётган бўлса-да, банк капиталининг таркиби ва унинг етарлилигига қўйилган минимал талаб даражаси кўпчилик мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади. Масалан, халқаро Базель андозалари бўйича жами капиталга қўйилган минимал талаб 0,08 ни ташкил қилса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республика тижорат банклари жами капиталига белгиланган минимал талаб даражаси 0,10 ни ташкил қилади. Шунингдек, тижорат банкларининг асосий капиталига нисбатан белгиланган минимал талаб ўртасида сезиларсиз даражада фарқ мавжуд;

б) банк активларининг ризиқсиз тортилган миқдорининг ўзгариш омили.

Бу омилнинг жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини шундан ҳам билса бўладики, халқаро Базель андозалари бўйича жами капиталнинг ҳам, асосий капиталнинг ҳам етарлилик даражаси активларнинг рискка тортилган миқдорига нисбатан белгиланган.

Балансдан ташқари операцияларнинг ҳар бирида банкнинг йўқотиш эҳтимоли жуда каттадир. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйишда банк миқознинг тўлов мажбурияти юзасидан кафилиликни тўлик ўз зиммасига олади. Миқоз тўловга ноқобил бўлиб қолганда ёки миқознинг жорий ҳисобварағида вақтинчалик пул маблағларининг етишмаслиги юз берган тақдирда, банк тўлов миқдорини тўлиғича тўлаб беради. Аммо Ўзбекистон тижорат банклари очаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларга нисбатан юқори рискли, деган тушунчани қўллаб бўлмайди. Бунинг боиси шундаки, тижорат банклари томонидан қўйилаётган аккредитивларнинг мутлақ асосий қисми таъминланган аккредитивлардир, яъни аккредитив бўйича тўловни амалга оширишда банклар 22602-«Аккредитив бўйича миқозларнинг депозитлари» ҳисоб-рақамидан фойдаланадилар. Демак, аккредитив миқдори миқознинг жорий ҳисобварағидан олиниб, 22602-«Аккредитив бўйича миқозларнинг депозитлари» ҳисобварағида депонентланади, аккредитив бўйича тўлов ушбу ҳисобварақни дебетлаш орқали амалга оширилади;

в) банк капиталининг етарлилиги шароитида унинг ликвидлигини таъминлаш учун зарур бўлган ликвидли активларнинг мавжудлиги омили.

Ушбу омилнинг аҳамияти шундаки, айрим тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ресурсларнинг, шу жумладан капиталнинг асосий қисмини юқори рискли актив операцияларга йўналтирадилар. Бундай шароитда банкларнинг ликвидлиги хавф остида қолади. Шунинг учун банк активлари таркибида банкларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида маълум миқдордаги ликвидли активларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари капитали ҳисобидан олинаётган даромад миқдорини аниқлашда бир сўмлик капиталга тўғри келадиган даромад миқдори кўрсаткичидан кенг кўламда фойдаланилади. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

БЯД

$$1) \text{ЖКФС} = \text{-----} \times 100 \%$$

БЖК

Бу ерда: **ЖКФС** – жами капиталдан фойдаланиш самарадорлиги;

БЯД – банкнинг ялпи даромади;
БЖК – банкнинг жами капитали.

Ушбу кўрсаткич ҳар бир сўмлик жами капиталига тўғри келадиган ялпи даромад миқдорини кўрсатади. Уни баҳолаш учун молиявий таҳлилнинг киёсий таҳлил усулидан фойдаланамиз. Фикримизча, тижорат банклари даромадларини таҳлил қилишда чорақлик даврий оралиқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу конда тижорат банки даромадлари ва харажатларининг ўсиб борувчи яқун тарзида акс эттирилиши билан изоҳланади.

Шуниси эътиборга моликки, банк капиталининг моддалари барқарорлиги ва даромадлилиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, узоқ муддатли субординациялашган қарз мажбуриятлари юқори харажатли капитал моддаси ҳисобланади. Чунки уларга тўланадиган фоиз ставкалари оддий ва имтиёзли акцияларга тўланадиган фоиз ставкаларига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Шунинг учун улардан фойдаланиш натижасида олинадиган фойданинг рсад даражаси кичик бўлади.

Тижорат банклари капиталини аудит қилишда асосий эътибор капитал таркибини тўғри ва оқилона шакллантирилганлигига баҳо бериш ҳисобланади. Бунда асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 420-сонли Низоми талабларига эътибор қаратилади. Ушбу Низом талабларига кўра, республикада тижорат банкларининг устав капитали банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини сотиш йўли билан шакллантирилиши лозим. Чикарилган акциялар тўлиқ сотиб бўлингандagina янгидан акциялар чиқаришга рухсат этилади.

Аудит жараёнида тижорат банки томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг бозор баҳосининг ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки томонидан чиқарилган акцияларнинг бозор баҳосининг ошиши банкнинг эмиссион даромади миқдорининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида, эмиссион даромад биринчи даражали капитал таркибида ҳисобга олинувчи барқарор ресурс манбаи ҳисобланади. Чунки янгидан чиқарилган акциялар бозор баҳосида сотилади ва уларнинг бозор баҳоси билан номинал баҳоси ўртасидаги қиймат тижорат банкнинг эмиссион даромади сифатида баҳоланади.

Энди биз мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган ОАИТБ “Ипак йўли” умумий капиталининг таркиби ва динамикасини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси ОАИТБ “Ипак йўли” капиталининг таркиби ва динамикаси¹⁰⁹ (31 декабрь ҳолати)

(фоизда)

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши
Устав капитали	76,37	72,73	73,16	65,5	59,08	-17,29
Эмиссион даромад	0,45	0,32	0,24	0,3	0,43	- 0,02
Тақсимланмаган фойда	23,18	26,95	26,6	37,7	38,44	+15,26
Капиталнинг бошқа элементлари	0	0	0	2,5	2,05	+2, 05
Умумий капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

5.22-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида (2008–2012) ОАИТБ “Ипак йўли” умумий капиталининг ҳажмида устав капиталининг салмоғи юқори даражадалигича қолган. Натижада умумий капиталнинг барқарорлигига нисбатан ижобий таъсир юзага келган. Бундан ташқари, тақсимланмаган фойданинг капитал ҳажмидаги салмоғи юқорилигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат тақсимланмаган фойда миқдорининг юқори эканлиги билан изоҳланади. 2012 йилда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи 2008 йилдагига нисбатан 17,29 фоизга камайган. Тақсимланмаган фойда ҳажмининг ошиши тижорат банклари акцияларидан олинган дивидендларнинг солиққа тортилмаслиги ва акционерлик капитали даромадлилик даражасининг инвесторларни қониқтирадиган даражада эканлиги билан изоҳланади.

ОАИТБ “Ипак йўли ” банкида капиталнинг бошқа элементларини кичик салмоққа эга эканлиги иккинчи даражали капиталнинг брутто капитал ҳажмидаги салмоғининг паст эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ўсган қиймати 31501-«Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат» ҳисобварағига қирим қилинади. Ушбу сумма, тижорат банкининг 31203-«Тақсимланмаган фойда» ҳисобварағига, яъни асосий капитали таркибига, тегишли активнинг тиклаш ва бошланғич қийматининг эскириш суммалари ўртасидаги фарк суммасига тенг миқдорда ҳар ойда ўтказиб борилади¹¹⁰

¹⁰⁹ ОАИТБ “Ипак йўли ” банкининг баланс маълумотлари асосида ҳисобланди.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 166-бет.

Бинолардан ташқари банкларга тегишли ерларнинг бозор баҳосининг ошиши натижасида қайта баҳолаш захираси миқдори ошади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг капиталини аудит қилиш жараёнида унинг таркибига таъсир қилувчи омилларни тўғри аниқлаш банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларининг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўхис қондириш учун тижорат банкларининг ўзлари етарли маблағларга эга бўлишлари, уларнинг капиталининг салмоғи йилдан-йилга ошиб бориши лозим. Бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган катор йирик банклар катта миқдордаги ресурсларга эга. Лекин бу банклар мавжуд қонунчиликка асосан тижорат банклари капиталини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банкларни ташкил этиш ҳолларидан бошқа ҳолатларда банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирок этишига йўл қўйилмайди. Бу ҳол, бир томондан, тижорат банкларининг устав капиталини ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг узок давом этишига олиб келса, иккинчи томондан, ресурсга эга бўлган банклардан шу ресурсларни жойлаштириш имкониятларини чеклашга олиб келади. Шу сабаб мавжуд қонуннинг банкларнинг устав капиталини шакллантириш билан боғлиқ 7-моддасига банк устав капиталини шакллантиришда зарур ҳолларда бошқа тижорат банклари маблағларидан фойдаланишга имконият берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТИФ Миллий банкида 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига активлар бўйича эҳтимоллий йўқотишларга қарши ташкил этилиши лозим бўлган 2.599.080 минг сўм қўшимча захира суммасига, 1.243.733 минг сўм муддати ўтган "Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фонслар" суммаси, тўлаб берилган кафолат суммасига ҳисобланган эҳтимоллий йўқотишлар захираси 355.260 минг сўмга корректив қилинган сўм, банкнинг регулятив капитали сезиларли даражада камайди. Бунинг сабаби шундаки, кредит рискига қарши қилинадиган захиралар суммасининг ортиши жорий йил фойдасининг камайишига олиб келади. Жорий йил фойдаси эса, тижорат банклари капиталининг элементи ҳисобланади.

Банк уставига кўра ТИФ Миллий банкининг устав капитали республика бюджети маблағлари ва банк фойдасини капиталлаштириш ҳисобидан шакллантирилиши, унинг ҳажми республика Ҳукуматининг

қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Банк Кенгаши банк уставига ўзгартириш киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун таклиф тақдим этади.

Банк уставига мувофиқ, амалдаги қонунчиликка асосан солиқлар тўлангандан ва фондларга ажратмалар ажратилгандан сўнг даромад Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган мақсадлар учун ишлатилади. Кенгаш банк фаолиятининг йиллик натижаларини тасдиқлайди ва Бошқарувнинг тавсиясига кўра, даромадларни тақсимлаш, шунингдек, зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 471-сонли қарорига асосан банк устав капитали 4 млрд. сўм ва 400 млн. АҚШ доллари миқдорида эълон қилинган.

Банк устав капитали таркибига 17.691,7 сўмлик бинолар 1992 йил 30 декабрда банк ва Давлат мулки қўмитаси ўртасида имзоланган шартномага ҳамда банкнинг 1992 йил 31 декабрдаги 168-сонли фармойишига асосан киритилган. Ҳозир ушбу бинолардан банк бўлими сифатида фойдаланилмоқда.

Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2001 йил 2 февралдаги кенгайтирилган қўшма йиғилиши баённомаси қарорига биноан 2001 йил 30 майда 35.797 минг АҚШ доллари (12.717.242 минг сўм) тақсимланмаган фойда ҳисобидан банк устав капиталига ўтказилган. Шу куни банк инфраструктурасини ва банк тармоқларини ривожлантириш фондидан 6.215.980.7 минг сўм тақсимланмаган фойда ҳисобракамига ўтказилган.

Банк томонидан «Умид» фондига 650.000 минг сўм, Ҳалқ банкининг индексация Фондига 580.000 минг сўм, жами 1.230.000 минг сўм ўтказилган.

Ушбу суммалар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2000 йил 20 декабрдаги 09/61-215-сонли тоширигига асосан банкнинг 2000 йилги фаолияти натижалари учун тўланган дивиденд сифатида акс эттирилган.

Банк томонидан Вазирлар Маҳкамасига 20.567,1 минг АҚШ доллари миқдорида дивиденд тўланган.

Банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 104-сонли қарори билан тасдиқланган «2000–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастури» бажарилмаган, яъни 2000–2001 йиллар давомида акциялари хорижий инвесторларга сотилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 2 октябрдаги 2084-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли қарорига асосан банк Бошқаруви томонидан акциядорлаштириш тадбирлари жадвали (график) ишлаб чиқилган.

Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат мулк қўмитаси билан келишилган ҳолда банк Бошқаруви раиси томонидан тасдиқланган. Аммо жадвалда кўрсатилган тадбирлар амалга ошмаган.

Энди биз мамлакатимизнинг ўрта тижорат банкларидан бири бўлган АТБ «Ҳамкорбанк» умумий капиталининг таркиби ва динамикасини кўриб чиқамиз.

5.23-жадвал маълумотларидан кўринадикки, таҳлил қилинган давр мобайнида (2003–2007й) «Ҳамкорбанк» умумий капиталининг ҳажмида захира капиталининг салмоғи юқори даражадалигича қолган. Натيجада умумий капиталнинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсир юзага келган. Бундан ташқари, тақсимланмаган фойданинг капитал ҳажмидаги салмоғи ҳам паст. Бу ҳолат тақсимланмаган фойда миқдорининг кичик эканлиги билан изоҳланади.

5.23-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ҳамкорбанк» капиталининг таркиби ва динамикаси¹¹¹

(фоизда)

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2008 йилга нисбатан, ўзгариши
Устав капитали	71,5	53,2	48,6	41,4	6,7
Эмиссион даромад	20	20	20,2	14,7	2,4
Тақсимланмаган фойда	28,5	46,8	49,2	56,9	- 4,7
Капиталнинг бошқа элементлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Умумий капитал – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	x

5.23-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2011 йилда устав капиталининг умумий капитал ҳажмидаги салмоғи 2008 йилдагига нисбатан сезиларли даражада камайган. Лекин дивидендга

¹¹¹ АТБ «Ҳамкорбанк»нинг баланс маълумотлари асосида ҳисобланди.

йўналтирилган фойданинг ошиши тижорат банклари акцияларидан олинadиган дивидендларнинг солиққа тортилмаслиги ва акционерлик капитали даромадлилик даражасининг инвесторларни кониктирадиган даражада эканлиги билан изоҳланади.

Банк капитали Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 420-сонли Низоми талабларига жавоб беради.

Республикамиз тижорат банклари хусусий капитал аудитини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банкларида девальвация захирасининг бухгалтерия балансида 17101-валюта позициялари ҳисобрақами орқали тартибга солиш тартибини бекор қилиш лозим. Девальвация захираси тақсимланмаган фойда ва жорий йилнинг соф фойдаси ҳисобидан шакллантирилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, валюта позициялари миқдорининг сунъий равишда ошиб кетишига чек қўйилади; иккинчидан, девальвация захирасини даромад сифатида баҳолаш имкони юзага келади; учинчидан, унинг йирик миқдорда тўпланиб қолишига барҳам берилади.

2. Ўзбекистон тижорат банкларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Фикримизча, тижорат банкларида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар ва субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларида қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тижорат векселлари муомаласининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирча, траст ва форфейтинг компаниялари шаклидаги консолидациялашган шўъба корхоналари очишга зарурият йўқ. Лекин, миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг лизинг ва факторинг хизматларига хўжалик субъектлари томонидан эҳтиёж катта. Бу эса тижорат банклари қошида лизинг ва факторинг компанияларини ташкил қилиш зарурилигини белгилайди.

Ҳозирги вақтда лизинг компаниялари лизингга берилган ускуналар учун оладиган фоизли даромадларидан фойда солиғи тўламайдилар. Бундан ташқари, улар товарларни ишлаб чиқарувчидан тўла қийматда сотиб олаётганларида қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган. Фикримизча, мазкур солиқ енгилликлари лизинг операцияларини ривожлантириш учун кучли туртки беради. Тижорат банкларининг қассали активлар шаклида вақтинчалик бўш пул маблағлари мавжуд. Ушбу пул маблағларининг сезиларли қисmini лизинг операцияларига

солмаиди. Чунки банк капиталининг етарлилик коэффиценти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти белгиланган норматив даражага караганда жуда юкори натижани ташкил килади.

Тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантиришнинг яна бир кулай томони шундаки, лизинг операциялари банкларнинг кредит рискинни камайтириш имконини беради. Чунки лизингта берилган ускуналар гаров вазифасини ўтайди. Тижорат банки лизингта берилган ускунани ўзининг балансига асосий восита сифатида кирим килади, ускуналарга хисобланган амортизация ажратмалари ҳам банкнинг балансида тўпланади. Демак, банк лизингта берилган ускуналарга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Тижорат банкларининг мустақил балансга эга бўлмаган факторинг компаниялари очишга қилган қўйилмалари банк қўшимча капиталининг муҳим элементи бўлиб қолиши мумкин. Чунки банкларнинг факторинг хизматларига бўлган талаби юкоридир.

Тижорат банклари қошида мустақил балансга эга бўлган факторинг компанияларининг очилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги дебетор ва кредиторлик қарзларини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки факторинг компаниялари ўзларининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектларининг дебетор қарзларини сотиб олади.

Айни вақтда, тижорат банкларининг факторинг операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи айрим омиллар мавжуд, улардан асосийлари сифатида қуйидаги икки омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) факторинг кредитларини бериш муддатининг белгилаб қўйилганлиги.

Мамлакатимиз банк амалиётида тижорат банклари томонидан бериладиган факторинг кредитларининг максимал муддати 90 кунни ташкил этади. Ривожланган хорижий мамлакатлар банк амалиётида эса факторинг кредитларининг муддатига нисбатан чекловлар мавжуд эмас;

б) тижорат банклари томонидан бериладиган факторинг кредитларининг фоиз ставкаси Марказий банкнинг расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинади. Яъни, факторинг кредитларининг фоиз ставкасининг юкори чегараси расмий қайта молиялаштириш ставкасидан 1,8 мартадан юкори бўлмаслиги лозим.

Фикримизча, тижорат банкларининг факторинг кредитларига нисбатан белгиланган талаблар олиб ташланиши лозим. Чунки факторинг кредити тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг битта шакли бўлиб, у билан боғлиқ рисклар иктисодий нормативлар доирасида чегараланган.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлаш лимитларига нисбатан чекловлар жорий қилиш ҳолатлари мавжуд бўлган, лекин банк кредитларининг фоиз ставкаси чегараланмаган.

3. Тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилишини таъминлаш лозим.

Бунинг учун, аввало, тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар ва имтиёзли акцияларга тўланадиган фоизлар даражасини инвесторларнинг манфаатига мос келадиган мақбул даражага етказиш лозим. Бунинг учун, аввало, ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларига тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш лозим, ундан кейин инвесторларнинг акцияларни сотиб олишга қилган қўйилмаларининг ва улардан оладиган даромадларининг қийматига инфляция даражасини ва миллий валютанинг алмашув курси таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида банк акцияларига бўлган барқарор талабни юзага келтириб бўлмайди. Тижорат банклари акцияларининг қимматли қоғозлар бозорида эркин муомалада бўлиши таъминланмас экан, банк капиталининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

Ҳозирги вақтда жаҳон қимматли қоғозлар бозорида банк акциялари ва корпоратив акцияларга бўлган талаб кучайди, ушбу акцияларнинг бозор баҳоси ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бундай шароитда мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларининг хорижий валюталарда ёзилган акцияларини жаҳон фонд бозорларида ташкил қилиш уларнинг капитал базасини мустаҳкамлашни таъминлайди. Бунинг учун тижорат банкларига жаҳон фонд биржалари билан бўладиган ўзаро муносабатларда юзага келадиган хорижий валютадаги тўловларни амалга ошириш шароити таъминлаб берилиши лозим. Яъни, тижорат банклари исталган вақтда ўзларининг сўмдаги маблағларини ана шу мақсадлар учун хорижий валюталарга эркин конвертация қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ҳозирги вақтда халқаро Базель қўмитаси андозалари тижорат банкларига кредит рискин минималлаштириш ва актив операциялар қўламини кенгайтириш учун тегишли имкониятлар беради.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон тижорат банкларининг актив операциялар ҳажмини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Тижорат банкларининг актив операциялари ҳажмида рискка тортилган активларининг улуши ортиб бориши, уларнинг даромад манбаининг ўсишига иктисодий омил яратади. Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, тижорат банкларининг рискка тортилган активларининг сифат даражаси жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга бўлиши зарур. Чунки тижорат банкларининг рискка тортилган активларининг сифат даражаси иктисодий жиҳатдан ёмонлашуви тижорат банкларининг ушбу активлар бўйича махсус захираларни яратишни талаб этади. Ушбу захиралар тижорат банклари харажатлари ҳисобидан шакллантирилиб, тўғридан-тўғри банк фойдасининг ошиб боришига салбий таъсир кўрсатади. Демак, тижорат банкларининг кредит рискинни минималлаштиришнинг асосий омилларидан бири – уларнинг рискка тортилган активларининг сифат даражасини яхшилашдан иборат бўлади. Тижорат банкларининг активлари сифат даражасининг ижобий кўрсаткичга эга бўлиши улар учун яратилиши лозим бўлган захира миқдорининг улушининг камайишига олиб келади.

Ўзбекистон тижорат банкларининг акцияларини хорижий инвесторларга сотиш натижасида жалб килинган маблағлардан банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тижорат банклари ана шундай йўл билан ўзларининг оддий акцияларининг бозор баҳосини оширишлари мумкин. Бунда банк капиталининг етарлилик коэффиценти доимий назорат объекти бўлиши керак. Чунки хорижий инвесторлар тижорат банкларининг тўловга қобиллигини баҳолашда, биринчи навбатда, банк капиталининг етарлилигига эътибор берадилар.

4. Тижорат банки капитали миқдорининг камайишига йўл қўймаган ҳолда дивиденд сиёсатини амалга ошириш.

Халқаро банк амалиётида, дивиденд сиёсатини банк капитали миқдорини камайтирмасдан амалга ошириш мақсадида қуйидаги учта усулдан фойдаланилади:

А. Дивидендларни инвестиция қилиш.

Ушбу усул банк капиталининг ошишига олиб келади. Банк капиталининг ошиши унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади, лекин даромадининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир этмайди. Чунки банк капиталининг ошиши унинг химоя

функциясини мустаҳкамлаб, банкнинг молия бозоридаги иктисодий мавқеини кўтариш билан бирга, иккиламчи молия бозоридаги қатнашувини жадаллаштиради.

Б. Дивидендларни банкнинг акциялари билан тўлаш.

Албатта, дивиденд сиёсатини олиб боришда ушбу усул ҳам банк капитали миқдорининг ошишига хизмат қилади. Лекин банкнинг молия бозоридаги акциялари курсига таъсир ўтказлади. Биринчидан, банкнинг акцияларини сотиб олишга бўлган талабнинг камайишига олиб келади, бу эса банкнинг акциялари баҳосини тушириб юборади. Иккинчидан, банк акциядорлари ва молия бозорининг бошқа қатнашчиларида банкнинг дивиденд сиёсатига нисбатан ишончнинг пасайишига олиб келади. Демак, ушбу усулни қўллашда банк акциядорларининг ҳисобот йиғилишидаги қарори муҳим роль ўйнайди. Унга кўра, банкнинг дивиденд тўловлари ўрнига акциялар берилиши молия бозорида ва акциядорлар ўртасида банкнинг акцияларига бўлган талаб асосий эътиборга олинган ҳолда қарор қабул қилинади. Ушбу ҳолатда, банкнинг акциялари молия бозорида номинал баҳоларда сотилиши, банкнинг дивиденд сиёсатига ва унинг акциялари баҳосига салбий таъсир ўтказмайди. Шу билан бирга банкнинг жами капитали таркибидаги эмиссион даромадлари вужудга келмаслигига олиб келади.

Юқорида тижорат банклари жами капиталининг таркибида эмиссион даромаднинг мавжуд эмаслиги ва унинг сабаблари ҳақида тўхталган эдик. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг иккиламчи фонд бозорида олди-сотди операциялари етарлича эмаслиги ёки акцияларнинг номинал баҳода (ёки ундан ҳам паст баҳода) сотилаётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида, айрим ҳолларда, банк акцияларини сотиб олиниши эвазига имтиёзли кредитлар бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса, банк капиталини ва активларини бошқариш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

В) банк ходимларига ҳисобланган дивидендларни банк акциялари билан қоплаш.

Ушбу усулнинг асосий афзалликларидан бири шуки, биринчидан, банк ўз капитал базасини кўпайтиради, иккинчидан, ходимларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга қизиқишини ортттиради, яъни банк фаолиятини бошқаришда банк ходими ва унинг раҳбари ўртасида ўзаро манфаатдорлик вужудга келади.

Ушбу ҳолат банк капиталини самарали бошқаришга ва унинг молия бозоридаги фаолиятининг рақобатбардош бўлишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу усулнинг яна бир асосий қулайликларидан бири, молия бозорида акцияларни жойлаштириш учун брокерлик харажатларининг камайиши ҳисобланади. Хорижий банк амалиётида ушбу усул жуда ривожланган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири солиқ органлари томонидан банк ходимларининг капитални шакллантиришга йўналтирган маблағларига нисбатан солиқ имтиёзларининг белгиланганлигидир.

Шунга қарамадан, банк тизимининг ривожланиши натижасида, келгусида ушбу масала жуда долзарб мавзуга айланиб, хизматчиларнинг иш сифатига ва самарадорлигига катта таъсир қилади, шу билан бирга ходимлар томонидан раҳбарият қабул қиладиган қарорлар назоратини кучайтириш эҳтиёжини келгириб чиқаради.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, дивиденд сиёсатини юритишнинг асосий омиллардан бири, етарли даражада ахборотларга эга бўлиш, унинг қийматини баҳолай олиш ва дивиденд тўловларининг амалиётдаги самарасини таҳлил қилиши ҳисобланади. Банк, фойдасининг тушиб кетишига қарамадан, молия бозорида дивиденд тўловларини камайтирмаслиги унинг акцияларига нисбатан фонд бозорлари ишонч билан қарашига асос бўлади. Демак, банкнинг барқарор дивиденд сиёсатини юритиши, банк фойдасининг тушиб кетган бўлишига қарамадан, акциядорлар унинг келажагига ишонч билан қарашига сабаб бўлади. Шундай қилиб банк бошқарувчилари, молия бозорида барқарор дивиденд сиёсатини юритиш натижасида молиявий қийинчиликларни вақтинчалик енгиб ўтиши мумкин. Албатта, банк ушбу ҳолатни молиявий бозорда узок вақт ушлаб туролмайди, натижада банкнинг молиявий муаммолари унинг дивиденд сиёсатидаги нобарқарорликларни юзага келтиради.

Халқаро банк амалиётида шу нарса намоён бўладики, тижорат банкларининг дивиденд сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга оширишни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири – миллий валютанинг алмашув курси ва инфляция даражасининг барқарорлиги ҳисобланади. Ҳар бир акциядор банкнинг устав капиталига қўйган маблағининг реал қиймати сақланишидан манфаатдордир. Ушбу маблағнинг реал қиймати эса инфляция ва алмашув курсининг тебранишига боғлиқ бўлади. Инфляция

даражасининг ошиши ва миллий валюта алмашув курсининг пасайиши миллий валютада ёзилган акцияларнинг реал кийматининг пасайишига олиб келади. Агар, тижорат банки томонидан тўланаётган дивидендлар даражаси инфляция ва миллий валютанинг алмашув курсининг ўзгариши натижасида пасаядиган кийматнинг ўрнини коплашга етмаса, у ҳолда бу банк акцияларига бўлган талаб кескин пасаяди. Бу ўз ўрнида, банкнинг муомаладаги акциялари бозор баҳосининг пасайишига ва янги акциялар чиқариш ҳисобидан устав капитали ҳажмини ошириш имкониятининг чекланишига олиб келади. Бунинг устига, акциядорларнинг маълум қисми ихтиёридаги оддий акцияларни сотиш пайига тушиб қолади, бунинг натижасида банк устав капиталининг миқдори камаяди. Шунинг учун ҳам, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида акцияларга дивиденд тўлашда инфляция даражаси албатта ҳисобга олинади. Лекин миллий валютанинг алмашув курсини дивиденд тўлашда ҳисобга олиш халқаро банк амалиётида қўлланилмайди.

Ғарбий Европа мамлакатларида, АҚШ ва Японияда инфляциянинг мўтадил даражаси сақлаб турилади. Агар инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, унинг даражаси мўтадил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг тижорат банклари фаолиятида инфляция муаммоси деярли учрамайди.

VI БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЯКУНЛАШ, АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ ВА ХУЛОСАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бошлаб инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш бўйича ўзининг ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бу, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини амалга оширишни асосий мақсад қилиб, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш асосида кўп укладли иқтисодиёт негизини шакллантириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Юртбошимиз И. Каримов таъкидлаганидек: «Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортиқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир»¹¹² Банк тизимининг барқарорлиги ва капиталнинг етарлилиги даражасини баҳолашда аудитор томонидан текширилган ва ижобий хулоса берилган молиявий ҳисобот шакли ахборотлари асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан ҳам тижорат банкларида ҳам аудиторлик ҳисоботларни тузишни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаби даражасида ташкил қилиши ва аудиторлик ҳисоботларни аудитнинг халқаро стандартлари асосида тузиш талаб этилади.

Аудитнинг асосий мақсади тижорат банки билан тузилган шартнома асосида текшириш ўтказиш ҳисобланади. Ушбу текшириш жараёнида ички аудитор томонидан аудиторлик далиллари йиғилади ва бу далиллар асосида аудиторлик ҳисоботини тузади, тижорат банки филиалининг фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси тайёрланади. Ушбу аудиторлик хулосаси ташки аудиторлик хулосасидан фарқ қилади. Шу жумладан ташки аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот маълумотларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишини тасдиқлайди. Ички

¹¹² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: “Ўзбекистон.” 2013. – Б. 6.

аудит бўлинмаси томонидан филиал ва ички бўлинмаларнинг фаолияти самарадорлиги ва унинг ҳолати таҳлил қилиниб, уни яхшилаш бўйича тегишли тавсия ва молиявий фаолиятидаги йўл кўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ўз тавсияларини беради.

Ҳар қандай банк ўз қонуниятлари ва зиддиятлари таъсирида, шунингдек, атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади. Аудиторлар бу жараёнларни тасвирлашга, турли банк тизимларининг тараққиёти натижаларига илмий асосда баҳо беришга узвий ёндашиш зарурлигини биринчи бўлиб англашлари лозим. Тижорат банклари маълум даврда мулкдорлар олдида, шунингдек, баъзан ташқи муҳитда турувчи учинчи шахслар олдида ҳисоб беришга мажбур ҳисобланади.

Мулкдорлар тижорат банкларининг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида яхлит объектив ахборотга эга бўлиши учун мустақил назорат қилиш усули билан молиявий ҳисоботларни текширтириш, уларни назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкнинг филиаллари фаолиятида ахборот рисқи даражасини камайтириш учун текшириш натижаси бўйича ички аудит ҳисоботларида объектив ахборот бўлиши муҳимдир. Тижорат банклари филиалларининг ҳисоботларини ички аудитдан ўтказиб, аудиторлик ҳисоботларини тузиш масаласи муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Тижорат банки ички аудит бўлинмаси томонидан тузилган режага кўра, унинг филиаллари фаолиятининг асосий мезонларини тасдиқлаш учун, уларнинг ҳисоботлари ички аудит режаси бўйича ҳар йили ички аудит текширишидан ўтиши керак. Шунинг учун ҳам тижорат банклари консолидациялашган молиявий ҳисобот шаклларини тўлдиришда филиаллар томонидан тузилган ҳисобот кўрсаткичларининг асосли бўлиш-лиги ва уларнинг ишончлилиқ даражаси алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, турли мулкчилиқ шаклига асосланган тижорат банкларида уларнинг молиявий аҳволи, ликвидлиги, фаолиятининг самарадорлигини ҳолисона баҳолаш учун ички аудитнинг вужудга келиши объектив заруриятга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар ичида хорижий инвесторлар, банклар ва бошқалар пайдо бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам бундай тижорат банкларида аудиторлик текширишни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ўтказишдан манфаатдор бўладилар. Шу боисдан ташқи аудиторлар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини халқаро стандартлар бўйича аудит қилиб, аудиторлик хулоса берадилар.

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш чоғида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)дан фойдаланиш банк учун ҳам, ташқи фойдаланувчилар учун ҳам бир қанча афзаллик яратади. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини тайёрлашда МҲҲСдан фойдаланиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳисоботни барча зарур очик рақамлар ва баҳолар билан тайёрлаб, барча манфаатдор томонларга тақдим этиш мумкин. Илгари мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби тизими асосида ҳисоб-китобнинг буйрукбозликка асосланган иқтисодиёт талаблари мавжуд эди. Бундай шароитда банкнинг ахборотидан асосан давлат тизимлари фойдаланар эди. Бозор муносабатларига асосланган янги шароитда аҳвол тубдан ўзгармокда. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар орасида акциядорлар, ўз юртимиздаги ва хорижий инвесторлар, кредиторлар, хорижий банклар ва бошқалар пайдо бўлди. Бундан ташқари, халқаро капитал бозорига чиқишни хоҳлаган тижорат банкларидан МҲҲСга мувофик молиявий ҳисобот тақдим этиш талаб қилинади. Шу тариқа уларнинг молиявий ҳисоботини МҲҲСга мувофик тайёрлаш ҳозирги давр бизнесида янги ўзаро муносабатлар талабларига жавоб беради.

2. Тижорат банкларининг МҲҲСга мувофик тайёрланган молиявий ҳисоботлари ички бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур молиявий ахборот сифатини яхшилашга имкон беради.

МҲҲС молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида муайян баҳоларни ва тахминларни талаб қиладики, улар активлар ва пасивларнинг ҳисоботдаги миқдориға, балансга киритилмаган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек, ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатлар миқдориға таъсир қилади. Демак, тижорат банки фаолияти бўйича тузилган молиявий ҳисобот шакли тўлиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келади. Шу нуктаи назардан ички аудит томонидан молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичларини текширишда ҳам, албатта, МҲҲСдан фойдаланиши лозим ва шарт ҳисобланади.

Тижорат банклари ички аудитининг вужудга келишида қуйидаги омиллар Ўзбекистонда ички аудиторлик фаолиятининг вужудга келишини объектив зарурият қилиб қўйди:

- турли мулкчилик шакллариининг вужудга келиши, шунингдек, капиталнинг шаклланиши, инвесторлар синфининг пайдо бўлиши;
- Базель стандартлари талаби асосида ички аудиторнинг мажбурийлиги;
- молиявий ҳисобот объектив ахборотига асосланиб қарорларни қабул қилиш;

– далолат бериш, яъни турли эмитентларнинг ҳисоботлари тўғрилиги тўғрисида мутахассис сифатида ўз фикрини билдириш учун алоҳида махсус хулоса зарур бўлиб қолди;

– акциядорлик жамиятлари, шунингдек, тижорат банкларининг Банк Кенгаши, Банк бошқаруви билан мулкдорларнинг бевосита алоқа қилиши ва ҳолисона ахборот бериш;

– тижорат банки филиали ва бўлиналари фаолиятига объектив баҳо бериш заруриятининг ривожланиши.

Маълумки, ички аудитнинг маълумотлар олиш базаси бўлиб тижорат банкнинг бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари, молиявий ҳисобот манбалари, аналитик счётлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисобланади. Ички аудиторлар текшириш жараёнида ички аудит стандартлари асосида текширишнинг махсус услубларидан фойдаланиб, аудиторлик далиллар йиғади, филиал ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини аудиторлик хулосалари билан тасдиқлайди ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, тегишли регистрларни очиш ва ахборотларининг тўғрилигини, ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва аниқланган камчиликларни тўғрилашга доир ўзларининг таклифларини берадилар.

Тижорат банкларида ташқи аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС№70) “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” номли стандарт асосида юритилади. Мазкур Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС) “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари родини ошириш тўғрисида” 365-сон қарорига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини метёрий тартибга солиш элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу масалалар бўйича халқаро даражадаги аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида халқаро аудит стандарти (ХАС№700) “Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот тўлиқ комплекти бўйича мустақил аудиторнинг (хулосаси) ҳисоботи” номли стандарт асосида ташқи ва ички аудит ҳисоботлари учун асос бўлувчи стандарт ҳисобланиб, унда аудиторлик ҳисоботи, унинг элементлари ва мазмуни масалалари кенг ёритилган.

Ушбу стандартларнинг мақсади тижорат банклари ташқи аудит томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тузишнинг ягона тартибини жорий этиш ҳисобланади.

АФМС№70 талаблари асосида тижорат банкларининг ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш ва текширилган филиал ҳамда бўлинмаларга аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тақдим этиш масаласи ёритилган.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятининг асосий мезонларини тасдиқлаш учун уларнинг молиявий ҳисоботлари мажбурий тарзда ҳар йили ташқи аудит текширувдан ўтиши керак Шунинг учун ҳам тижорат банклари молиявий ҳисобот аудитининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, эълон қилинадиган ҳисоботнинг мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши шартлиги тўғрисидаги қонун-қоида ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Аудиторлик хизмати кўрсатиш аудиторлар ва тижорат банклари ўртасида ҳам, мижозлар ўртасида ҳам соғлом рақобат негизида бўлиши керак. Бу иш асосан ўзаро ихтиёрий алоқалар ва муносабатлар билан бажарилиши даркор.

Ички аудит томонидан тузиладиган ва аудиторлик қўмитасида муҳокама қилинадиган аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ҳамда дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Ички аудит натижаларини умумлаштириш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва яқуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;

– аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;

– аудиторлик далилларининг етарлилигини баҳолаш;

– фаолият кўрсатаётган тижорат банки филиали принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;

– бухгалтерия ҳисоботидаги филиаллар бўйича ахборотларни тақдим этиш ва баён қилиш;

– молиявий ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларнинг ички аудит ҳисоботига таъсирини баҳолаш;

– текширув натижалари бўйича аудиторнинг филиал бошқарувчиси ва банк раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;

– аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Тижорат банки бўлинмалари фаолиятини ички аудит текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган филиал ва бўлинмаларнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина ички аудит томонидан тахмин ва ҳисоб-китобларга

асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Ички аудитор томонидан тузилган аудиторлик ҳисоботида куйидаги ҳоллардаги каби, катта номувофикликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

– филиал ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган ҳатоларни аниқлаш фактлари;

– текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир ички банк операциялари;

– ички аудит ходимлари ва жалб қилинган мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофикликлар;

– ички аудит томонидан ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш қайдномалари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;

– катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига қутилган жавоблар олинмаганлиги;

– текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган ҳўжалик операциялари.

Ички аудитор ёки ички аудит гуруҳи томонидан тижорат банкнинг филиали бўйича тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Шунингдек, катта ҳатолар рискни дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олинаши лозим.

Агар бундай ҳолатлар ички аудит жараёнини режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур. «Субъект раҳбариятига хат» номли 580-сонли ХАСга асосан охириги аудиторлик далиллари сифатида тижорат банки акциядорлари ва раҳбариятига тақдими аудитор томонидан олинади ва ишчи ҳужжатлар таркибига киритилади.

Аудит натижаларини умумлаштириш билан бирга аудитор, аудиторлик текширувини яқунлаш жараёнида аудит дастурининг барча бандлари бажарилганлигини текшириши лозим.

Ички аудитни амалга ошириш жараёнида тижорат банки филиалидаги ички назорат тадбири сифатида аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларини Бош дафтар билан таққослаш тартибига риоя қилинишига эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, тижорат банки ичси аудитида гуруҳдаги ёрдамчи аудиторларнинг иши сифатини текшириш бўйича иш олиб борилади. Ушбу масалада ассистентлар ёки ёрдамчи аудиторлар бажарган операциялар сифати куйидаги тартибда текширилади:

Аудиторлик фирма барча аудитлар АФМС (АХС)га мувофиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган миллий (халқаро) стандартларга тегишли сиёсат ва сифат назорати муолакаларини бажариши лозим.

Аудиторлик фирма томонидан қабул қилинган сифат назорати сиёсати масалаларига, одатда, куйидагилар кирди:

- Малакавий талаблар¹¹³
- Малака ва малакавий касбдан хабардорлик¹¹⁴
- Вазифаларни топшириш.
- Ваколатни юқлаш.
- Маслаҳатлашиш.

Мижозларни қабул қилиш ва сақлаш.

Аудит дастури аудит йўналишини аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун етказишнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Йўналиш беришда, шунингдек, аудитор ёрдамчиларининг маълумоти учун аудитнинг умумий режаси ва вақт бюджетини етказиш фойдалидир.

Ишга раҳбарлик қилиш ишни йўналтириш ва уни шарҳлаш билан яқиндан боғлиқ ва ўз ичига унинг ҳам, бунинг ҳам элементларини киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) 16-сонли «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари» ва БҲМС 10-сонли «Шартли ҳодисалар ва ҳисобот санасидан кейин содир этилган ҳодисалар» каби халқаро стандартда давр яқунлангандан кейин молиявий ҳисоботда акс этган ижобий ҳодисалар билан бир қаторда салбий ҳодисаларни ҳам кўриб чиқади ва ушбу икки турдаги ҳодисаларни солиштиради:

а) давр охирига мавжуд бўлган шартлар бўйича қўшимча далиллар тақдим этадиганлари;

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтер ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси томонидан чоп этилган «Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси» ҳамда бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган «Малакавий бухгалтерларнинг ахлоқий Кодекси»га ва аудиторлар томонидан 200 АХС «Молиявий ҳисобот аудитини тартибга солувчи умумий тамойиллар ва мақсади» талаблари билан изоҳланади.

¹¹⁴ Аудиторлик ахлоқ Кодекси.

б) давр яқунлангандан кейин вужудга келган вазиятларга қаратувчилари.

Ички аудитор молиявий ҳисоботда тузатишлар ёки ёритишлар талаб қилиши мумкин бўлган аудиторнинг ҳисобот санасигача вужудга келган барча ҳодисалар солиштирилиши юзасидан етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини олиш учун муолажаларни амалга ошириши лозим.

Ички аудит гуруҳи ходимлари томонидан аудиторлик ҳисоботи санасидан кейинги тижорат банки филиалида содир бўлган операциялар, молиявий ҳисобот юзасидан бажарилган операциялар ёки амалга оширилган ҳар қандай сўрономалар бўйича ҳеч қандай масъулиятга эга эмас. Аудитор ҳисоботи санасидан то молиявий ҳисобот чоп этилгунга қадар бўлган давр мобайнида, молиявий ҳисоботта таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида аудиторга хабар бериш юзасидан масъулият субъект раҳбарияти зиммасида бўлади.

Агар ички аудитор филиал ҳисоботига тузатишлар киритиш керак деб ҳисобласа, банк филиал раҳбарияти эса молиявий ҳисоботга тузатишлар киритмас ва аудиторлик ҳисоботи ҳали банкка тақдим этилмаган тақдирда, аудитор фикрини шарҳлар билан билдириши ёки салбий фикр билдириши лозим.

Тижорат банки филиали раҳбарияти ҳисоботни қайтадан кўриб чиққан тақдирда, аудитор илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва аудитор ҳисоботини олган барча фойдаланувчилар вазият тўғрисида хабар олганликларига ишонч ҳосил қилиш учун ушбу вазиятда керакли бўлган аудиторлик операцияларини бажариши, субъект раҳбарияти томонидан қўйилган қадамларни шарҳлаши ҳамда қайта кўриб чиқилган молиявий ҳисобот бўйича янги ҳисобот тақдим этиши лозим.

Янги аудиторлик ҳисоботи илгари чоп этилган молиявий ҳисобот ва илгари тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи қайтадан кўриб чиқилишини кенгрок ёритиб берадиган изоҳлар билан тушунтириш бир неча банддан иборат бўлиши лозим.

Ички аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита ҳужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқ:

1) аудит режасида кўзда тутилган давр ичидаги филиалнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2) филиалнинг бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳулосаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича: аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четта чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва банк кенгаши раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат ҳисобланади.

70-сон «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳулосаси» номи АФМСга мувофиқ аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидагича:

а) номи («Аудиторлик ҳисоботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном бир хил маънога эга);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таъкидлаш қисми;

д) якуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказган аудитор(лар) томонидан бетма-бет имзоланиши лозим. Аудиторлик ҳисоботи филиалга, филиалнинг барча зарур реквизитлари кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

70-сонли «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳулосаси» номи АФМСга мувофиқ, аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ушбу АФМСнинг 16–17-баддларига асосан аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий ҳисобланади ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда қорхона молия-ҳўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда қорхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи ақс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари қорхона бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки ақсинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган қорхонадаги аҳвол безаб кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга

берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда ҳулоса шаклланади. Ақс ҳолда, аудиторлик текшируви бефойда ва уни ўтказиш учун сарфланган маблағ эса зое кетади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни барта- раф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётган корхона ходимларига «яқшилик» қилиш мақсади- да аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бух- галтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас.

Шу билан бирга аудиторларга у ёки бу ноҳуш фактларни бошқача қилиб ёритишга ёки текширувчилар учун қулай ҳулоса тузиб беришга мажбурлаш мақсадида руҳий, жисмоний ёки бошқача тазйиклар ўтказган ҳолларда улар катъийлик ва принципиаллик билан иш тутишлари лозим.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида корхона раҳ- бариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар беради.

Агар бухгалтерлик (молиявий) ҳисобини юришти, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи корхона томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг ҳулосасида ёзилади. Аудит жараёнида эса, бу провoдқаларнинг, биринчидан, тўғрилиги, иккинчидан, улардаги суммаларнинг тегишли ҳисобот ҳужжатларида қайд этганлиги текширилади. Агар маълум камчилик ва хатоликлар содир этилган бўлса, бунга, албатта, аудитор ўзининг изоҳини келтиради. Яъни, ҳисобда тўғрилаш ишлари [қўшимча провoдқа, қизил ёзув (сторно)] амалга оширилади. Бундан, аудитор текшириш чоғида ҳисобнинг узлуксизлик тамоийлига амал қилганлигини англаш мумкин.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим. Масалан, аудит ўтказиш дастурининг «Дебитор ва кредитор қарзларни текшириш» бўлими бўйича ўтказилган аудит натижаларини баҳолашда қуйидаги аудиторлик амалларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Кейинги тул қиримлари ва тегишли счётлар қолдиқларидан тўланган тўловларга доир дастлабки ҳужжатларни текшириш. Аудиторлар, одатда, бухгалтерия баланси тузилгандан то аудит ўтказил- ган охириг қунга қадар амалга оширилган тижорат банкнинг опе- рацияларини умумий аудиторлик ҳулосасига таъсири нуқтан назаридан

хам текширади. Бу текширув натижалари ҳисоб маълумотларининг ишончилигини жорий мажбуриятларни балансда акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги нуктаи назаридан баҳолашга имкон беради. Ушбу амалларни бажариш натижасида жорий мажбуриятлар тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилганлиги тўғрисида олинган далиллар, бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тўланган қарзларга нисбатан етарли даражада деб баҳолаши мумкин. Шундан сўнг аудитор тўлови тасдиқланган ва тасдиқланмаган қарзлар суммаларининг катта-кичиклигини баҳолайди.

Счётлар қолдиқлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тайёрланган моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари билан, ҳисоб маълумотлари бўйича қолдиқлар билан солиштириш. Бухгалтерия ҳисоботи тузилган кундан олдин олинган барча счётлар тижорат банкини операцион харажатларига таъсири нутаи назаридан текширилади (етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун) жорий даврдаги ҳисобда ва шу давр учун тузилган ҳисоботда акс эттирилиши керак. Шунинг учун тижорат банки бухгалтерия баланси тузилган санадан сўнг тайёрланган материаллар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва счётлардаги саналар, мулклар ва мажбуриятларнинг балансда тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсадида таққосланиши мақсадга мувофиқ.

Мавжуд қолдиқларни счёт-фактуралар маълумотлари, моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари ва тўлов ҳужжатлари билан солиштириш. Агар дебитор ва кредитор қарзларнинг миқдори тижорат банки молиявий аҳволига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган бўлса, аудиторлар ҳисобга олишнинг тўғрилиги ва аниқлигини текширишлари, шунингдек, ҳисоб маълумотлари бўйича мажбуриятларнинг ошириб кўрсатилмаганлигини аниқлашлари лозим. Бу ҳолда банкнинг кунлик дастлабки ҳужжатлар маълумотлари аналитик ҳисоб регистрлари (оборот ёки қолдиқ ведомостлари)да акс эттирилган ахборотлар билан, олдин энг катта қолдиқларидан бошлаб (чунки улар бўйича ошириб кўрсатиш эҳтимоли кўпроқ) солиштирилади. Бундан ташқари бош китоб ва ёрдамчи китоб маълумотлари текширилади. Олинган маълумотлар бўйича тижорат банки операцион харажатларига таъсири, банк мажбуриятлар (масалан талаб қилиб олгунга қадар миқдорларнинг счётлари) тегишли счётларда кўрсатилиши ҳолатларининг катта-кичиклигини баҳолаш зарур.

Мол етказиб берувчилар ва бошқа контрагентлар билан ҳисоб-китобларни тасдиқлаш. Аудит ўтказиш чоғида бундай тасдиқни олиш мажбурий эмас. Лекин, ушбу амал кўпчилик ҳолларда катта наф

келтириши мумкин. Масалан, мол етказиб берувчилардан олинган жавоблар қуйидагиларни тасдиқлаш учун ишлатилиши мумкин:

- мол етказиб берувчилар бўйича дебитор қарзлар уларнинг асосли даъвоси ҳисобланади;

- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари мол етказиб берувчиларга барча мавжуд қарзларни ўзида акс эттиради;

- сотиб олинган моддий ресурслар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар тегишли ҳисобот даврида акс эттирилган. Бунда аудит ўтказиш чоғида контрагентлардан тасдиғини олиш зарурлиги тўғрисида гувоҳлик берадиган омилларни белгилаб қўйиш керак: харидларни ички назорат қилиш тузилмасининг бўшлиги; молиявий муаммолар; товар-моддий бойликлар бўйича қолдиқлар чиқаришда ёки қарздорларни текширишда йўл қўйилган хатолар тўғрисидаги фактлар; бир неча мол етказиб берувчилардан қилинган катта харидлар; харидлар тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия балансини тузиш санасига тайёрланмаган. Тасдиқлаш ишларининг натижаларини умумлаштириб, энг аввало, уларнинг ишончилигини баҳолаш зарур. Бунда қарзларнинг ёзма ва оғзаки шаклда тасдиқланган миқдори ва аҳамиятлилиги баҳоланади.

Ёзма шаклда олинган далил-исботларни энг ишончли деб тан олиш қабул қилинган. Ёзма тасдиқларнинг ишончилиги уларнинг тўғри расмиёлаштирилишига боғлиқ. Тасдиқлар ишончилигининг таҳлилидан келиб чиқиб, тасдиқланган ва тасдиқланмаган суммаларнинг катта-кичиклиги, шунингдек, мажбуриятларнинг ишончилиги тўғрисида аудитор фикрини шакллантириш учун олинган далиллар етариллиги баҳоланади.

Дебитор ва кредитор қарзлар аналитик ҳисоби маълумотларининг тенглигини текшириш. Дастлабки ҳужжатларни текшириб чиқиш ёки дебитор ва кредитор қарзлар тасдиғини олиш муносабати билан аудиторлар ҳисоб-китобларни ҳисобга оладиган аналитик ҳисоб регистрларини текшириб чиқишлари ҳамда уларни Бош дафтар маълумотлари билан таққослашлари лозим. Тижорат банкларининг хусусиятидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб муомалалари ҳисобга олинадиган счётларни таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланиши мумкин:

- талаб қилиб олгунгача бўлган депозит счёти ёки муддатли депозит счётлари бўйича оборотлар ва қолдиқлар;

- мансабдор шахслар, банк ходимлари ва банк филиалларга ҳамда бошқа ўзаро боғлиқ томонлардан қарзлар суммалари;

- банкдаги депозит счётлардаги ҳаддан ташқари катта суммалар;

– даъво муддати ўтиб кетган ёки ўтаётган тўланмай қолган счёт-фактуралар.

Барча белги қўйилган суммалар якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлашда таҳлил қилиниши ва ҳисобга олинishi лозим. Ушбу ишларнинг натижаларини бошқа олинган далиллар билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Масалан, даъво муддати ўтиб кетаётган тўланмай қолган счётлар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебет қолдиқларнинг аниқланган суммаларига маълумотлар мувофиқлиги тўғрисида тасдиқ олинishi мумкин. Бу ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларининг ишончилиги ҳақида етарли далилларга эга бўлади.

Агар олинган тасдиқлар натижаларига кўра контрагентда бундай қарздорликнинг йўқлиги аниқланса, у ҳолда аудитор аналитик ҳисоб маълумотларини ишончсиз деб баҳолаши мумкин.

Аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларини кунлик балансдаги қолдиқлари билан таққослаш тижорат банки томонидан вақти-вақти билан ўтказиладиган ички назорат функцияси ҳисобланади. Қондага кўра, аудиторлар ички назорат ходимлари томонидан амалга оширилган текшириш ва таққослашларни, аниқланган ғайриоддий суммаларни таҳлил қиладилар, жами суммаларни қайта жамлаб чиқадилар ва уларнинг сабабларини таҳлил қилади.

6.2. Ички аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби

Ички аудит хизматининг бажарилган иш тўғрисидаги ҳисоботи ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган якуний ҳужжат ҳисобланиб, у ички аудит хизматининг раҳбари томонидан тузилади ва тақдим этилади.

Бу ерда шунини айтиб ўтиш жоизки, тайёрланган аудиторлик ҳисоботи бажарилган иш натижаси ҳисобланади ва Банк Кенгаши ҳамда Аудиторлик қўмитаси ана шу ҳисоботга қараб, бошқарманинг аудиторлик фаолиятига баҳо беради. Шунинг учун ҳам ҳисобот сўзининг моҳияти ва унда ёритилган маълумотлар асосланганлик даражасига катта эътибор қаратилиши лозим, чунки бунда йўл қўйилган ҳар қандай жиддий хатолар ички аудит хизматининг муайян ҳисоботи ёки бутун фаолиятининг ишончилигига путур етказиши мумкин.

Бинобарин, аудит стандартлари талабларига мувофиқ, «ҳар бир аудиторлик текширувининг охирида аудитор юзага келган вазиятга қараб ёзма ҳулоса ёки ҳисобот тайёрлаши, унда маълумотларни тегишли шаклда аниқ баён этиши лозим; унинг мазмунини тушуниш учун содда, ноаниқликлардан холи бўлиши, икки хил талқин қилишга йўл

қўйилмаслиги, фақат ишончли ва релевант аудиторлик далиллари билан тасдиқланган ахборотдангина ташкил топиши, шунингдек, муस्ताқил, объектив, ҳолис ва изчил бўлиши лозим»¹¹⁵

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, филиал фаолияти текшируви натижасида тайёрланган аудиторлик ҳисоботи муносабати билан бир нечта муҳим жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим:

- банк бошқаруви муаммосининг аҳамиятини аниқлаш имконини берувчи қисқа ва аниқ таърифланган ҳисоботларнинг муҳимлиги;
- ишончли далилларга асосланган, пухта баён этилган аудиторлик маълумотларининг зарурлиги;
- ишнинг ихсинчи даражали жиҳатларига тегишли бўлган кўп сонли тавсиялар ўрнига кам, аммо муҳим аудиторлик маълумотлари мавжудлигининг аҳамияти;
- аудит текшируви ўз вақтида ўтказилишининг аҳамияти;
- аудит ўтказишнинг ишончли ва пухта ишлаб чиқилган методологиясининг афзал жиҳатлари ёритиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида кетма-кетлик ва мантқан боғлиқлик тамойилларига амал қилганда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун эса, ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши, яъни аудиторлик текширувини ўтказиш режасида белгиланган муддатлар мобайнида сифатли маҳсулот тақдим этишнинг аҳамияти катта. Умумийроқ қилиб айтганда, фаолият аудити жараёнини ўз вақтида яқунлаш зарурлиги аудит бўйича раҳбарга маълум бўлиши керак, яъни кеч тақдим этилган ҳисоботлар қарорлар қабул қилувчи шахслар учун кам фойда беради.

Шу билан бир қаторда, ҳисоботлар ва уларда акс эттирилган ҳақиқий маълумотлар аниқ баён этилиши ҳамда уларда келтирилган далиллар мантқиққа зид келмаслиги керак.

Бу ерда шунини қайд этиш лозимки, аудиторлик ҳулосаларида берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши айни муддаодир. Жадваллар, схемалар, диаграммалар ва фотосуратлардан тегишли ҳолатларда комплекс ахборотни тақдим этиш ва умумлаштириш учун фойдаланилиши ва ҳисоботларда уларнинг вазифаси аниқ кўрсатилишининг аҳамияти катта. Ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларнинг қобилияти, манфаатдорлиги ва ҳисобот билан танишиш учун мавжуд вақтига мос келадиган тарзда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

¹¹⁵ 70-сонли «Аудиторлик фаолияти миллий стандарти», //Ўзбекистон Республикаси «NORMA» дастури.

Фикримишча, тижорат банки ички аудити томонидан филиал фаолиятини текшириш бўйича аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнини уч босқичга бўлиш тўғри бўлади. Дастлабки аудиторлик хулосаларини тайёрлаш – аудитор томонидан ўтказилган текширув вақтида олинган маълумотларга баҳо бериш ва уларнинг қиймати, сабаблари ва оқибатларини аниқлаш орқали, аудиторлик текшируви юзасидан дастлабки хулосалар чиқаришлари мумкин. Шунинг учун ҳам аудитнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида мезонлар асосида ўрганилган маълумотлар, аудиторларнинг дастлабки хулосалари ҳисобланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, дастлабки маълумотлар ва хулосалар, тўпланган далиллар бўйича текшириш ва филиал раҳбарияти билан муҳокама қилиш орқали, маълумотлар ва хулосаларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, хулосаларда аудитор томонидан олинган маълумотларга асосланган дастур бўйича чиқарилган мантиқий натижалар жамланади. Хулосалар аниқ ва лўнда бўлиши, фойдаланувчилар тахминлар қилишига ҳеч қандай имконият қолдирмаслиги лозим. Аудиторлик хулосасининг қучли жиҳатлари маълумотларни тасдиқловчи далилларнинг ишончлилигига ва хулосаларни таърифлаш учун қўлланган мантиққа бевосита боғлиқдир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, хулосаларга ишлов бериш жараёни аудит методлари, мақсадлари, мезонлари ва маълумотларига асосланган системали ёндашувга мувофиқ амалга оширилади. Ички аудит гуруҳи раҳбари томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган хулосалар доимо дастлабки хулоса ҳисобланади.

Аудит мақсади, тузилган хулосанинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, мақсад, натижалар ёки жараёнлар ҳақида фикр билдиришдан иборат бўлиши мумкин. Бошқа томондан, фақат истисноли ҳолатлар бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсади қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Белгиланган режага мувофиқ, аудиторлик текширувининг асосий мақсади ва раҳбарлик фаолиятининг амалга оширилишига баҳо бериш бўйича бир неча мезонлар белгиланади. Текширувни ўтказиш жараёнида аудиторлар ҳар бир мезон бўйича далиллар тўплаган ҳолда, уларнинг мажмуи бўйича олинган маълумотлар асосида муайян тўхтамга келадилар. Бу эса аудит мақсадлари бўйича аудитор фикрининг ифодаси ҳисобланади.

Яъни, банк филиали биносини реконструкция қилиш лойиҳасини тафтиш қилишда «Банк филиали биносини реконструкция қилиш тежамли тарзда амалга оширилганини аниқлаш» аудит мақсади кўринишида таърифланиши мумкин.

Бу ерда текширувни амалга ошириш учун мезонлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг самараси ўларок, тегишли кўрсаткичлардан қутилган натижалар, материаллар, асбоб-ускуналар ва ходимларнинг сифати ва миқдори, шунингдек, реконструкция ишлари ўз вақтида амалга оширилаётган мезонлар аниқ белгиланади. Текширув жараёнида аудитор томонидан ижобий ёки салбий маълумотлар олиншидан катъи назар, ўзининг моҳиятига кўра, унинг натижалари умумлаштирилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, аудитор, аудиторлик хулосасининг мазмунини ана шундай маълумотлар асосида белгилайди. Келтирилган мисол бўйича аудитор томонидан келтирилган хулоса матни қуйидагича бўлиши мумкин.

Яъни, “Юкорида кайд этилган маълумотларга асосланган фикримизга кўра, банк филиали биносини реконструкция қилиш ишлари банк инвестицион қурилиши департаментининг режалаштириш томонидан тежамли усулда бажарилмаган. Натijojeда, ҳисоб-китобимизга кўра, банк филиали биносини реконструкция қилиш зарур ҳолдагидан 15 миллион сўмга (ёки 20% га) қимматга тушган”.

Мазкур хулосада маълумотлар билан бир хил сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатлар ифодаланган бўлишига қарамай, у лойиҳага раҳбарликнинг мазкур жиҳати ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Яқуний ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш, аудитор ҳисоботини тайёрлаш учун асос тарикасида олинган аудиторлик далилларида тузилган хулосани текшириб чиқиш ва унга баҳо беришдан иборат.

Бу ерда шунини кайд этиб ўтиш жоизки, аудиторлар томонидан тайёрланган ҳисоботлар текширув дастурига ва ҳажмига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Яъни аудит бўйича ҳисоботлар текширув ўтказишга берилган ваколатлардаги фарқларга, шунингдек, муайян аудиторлик текшируви ўтказиш ҳажми ва мураккаблигига ҳамда унинг маълумотларига қараб ўзгариши мумкин.

Масалан, филиал фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, унинг аудитини ўтказишга ваколат раҳбариятнинг кўрсатмаси билан белгиланади. Шу билан бирга мазкур ваколатларда маблағлардан фойдаланиш аудитини ўтказиш ва текширув натижалари бўйича ҳисоботга қўйиладиган минимал талаблар белгиланишининг аҳамияти каттадир.

Текширув натижалари бўйича аудитор банк филиали раҳбарияти фаолиятида олиб борилган сиёсатнинг тежамкорлик ва (ёки) унумдорлик ҳамда самарадорлик принципларига бўлган муносабатини намойиш

этиш мақсадида амалга оширилгани ҳақида ўз фикрини билдиради. Такдим этилган ҳисоботларни аудит қилишда аудитор, раҳбарият томонидан ишларнинг бажарилиши сифатини баҳоловчи ҳисобот тайёрлайди ва раҳбарият тежамкорлик ва (ёки) самарадорликни таъминлаш бўйича олиб борилган ишларини қай даражада бажарганини кўрсатувчи маълумотлар, далиллар ва фикр-мулоҳазаларни такдим этади.

Бунинг натижасида ҳисобот билан, шунингдек, тижорат банкининг аудиторлик қўмитаси томонидан аудиторлик маълумотлари ва хулосалари ёрдамида филиал фаолияти билан танишиб чиқиш имкони яратилади. Мазкур босқичнинг вазифаси аудитни ўтказиш даври мобайнидаги мунозаралар жараёнида мансабдор шахслардан олинган жавобларга қўшимча тарзда, филиал раҳбариятидан расмий жавоблар олишни ҳам ўз ичига олишидан иборат.

Шундай қилиб, аудит қўмитасига такдим этиладиган ҳисоботда жойларда ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари ва уларни таҳлил қилиш натижалари жамланади. Ички аудит хизмати ходимлари умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида яқуний хулосалар ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, банк бошқарувини яхшилашга ҳисоботнинг таъсири имкон қадар катта бўлиши учун ҳисоботларнинг аниқлиги, тўлиқлиги, тушунарлилиги ва мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозим.

Яъни, фикримизча, аудитор хулосалари текшириш учун асос бўлган муаммоларнинг турли жиҳатлари бўйича чиқарилган бир қанча хулосалардан ташкил топиши мумкин.

Ҳисоботда аудит мақсадлари ва ҳажмини тавсифлаш муҳим аҳамиятта эга, чунки бу, фойдаланувчилар аудиторлик текшируви вазифасини англаши ва унинг натижаларини лозим даражада талқин қилишига имконият яратади. Аудитор ўз ҳисоботини тарқатиш бўйича ёки унинг мазмунига асосланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан мавжуд чеклашларни эътиборга олиши лозим.

Аудиторлар иши ҳажмини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар ва уларнинг сабаблари аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Масалан, аудитор асосий ташкилий элементларни ёки тизимларни текшириш имкони бўлмаса, ёхуд аудиторга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида зарур аудиторлик муолажаларини ўткази олмаса, иш ҳажми чекланган бўлади. Шу билан бирга, аудит ҳажми тегишли мезонларини белгилашнинг иложи йўқлиги туфайли ҳам чекланиши мумкин.

Текширув натижалари бўйича тавсиялар бериш, аудит жараёнида ва унинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш

юзасидан банк раҳбариятига таклифлар ишлаб чиқиш ички аудитнинг асосий мақсадларидан бирidir.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, тавсиялар ҳам ўзининг моҳиятига кўра, асосий қонунлар ва йўриқномаларга ишоралар қилингандагина, тўла маълумотнома манбаи ҳисобланади. Уларни ички аудит хизматининг штатдаги ходимлари ҳам, жалб қилинган мутахассислар ҳам тайёрлаши мумкин.

Текширув натижалари бўйича тавсиялар бериш ички аудит хизмати томонидан тайёрланган тавсиялар ўзининг моҳиятига кўра, аниқланган камчиликларни, уларнинг банк фаолиятига таъсирини ва олиб келиши мумкин бўлган натижаларнинг таҳлилини ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсияларни камраб олган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизмати ходимлари томонидан тақдим қилинган тавсияларда аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари меъёрий ҳужжатлар билан боғланган ҳолда ёритилиши керак. Бу эса, ўз-ўзидан банк филиали раҳбарияти томонидан иш жараёнига танқидий ёндашган ҳолда, назорат ва ҳисобот жараёнини такомиллаштириш учун асос бўлади.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати томонидан тайёрланадиган ҳулосаларда, асосан, банк фаолиятида юзага келган камчиликлар ўз моҳиятига кўра ёритилган.

Аудит ҳулосалари ўз йўналишига кўра, банк аудит қўмитаси ва банк бошқарувига берилишига қарамадан, жуда батафсил тайёрланган ва ҳамма камчиликлар акс эттирилган, бу эса, аудит ҳисоботидан фойдаланувчилардан ортиқча вақт талаб қилади.

Аудиторлар ҳулосаларида аудит мақсадлари ва унинг муҳимлилик кўрсаткичларига етарлича эътибор қаратилмаган ва атрофлича ёритиб берилмаган.

Тижорат банклари ички аудит ҳулосалари ўз моҳиятига кўра, умум қабул қилинган талаблар асосида тайёрланиши, ундан фойдаланувчилар учун анча қулайликлар яратади.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, аудит ҳулосалари ёзилиши тартибига кўра, аудит мақсадини, олиб борилган ишлар ва текширув натижалари аниқ ва равшан, умумлашган ҳолда ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аудиторлик ҳулосаларида аудит объектнинг танлаб олиш мезонлари ва муҳимлилик кўрсаткичлари батафсил кўрсатилиши, шу билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдиришларининг аҳамияти каттадир.

Аудиторларнинг берган таклифлари нафақат камчиликларга йўл қўйган шахсларни жазолаш, балки ички назорат тизимидаги камчиликларни кўрсатишлари ва уни такомиллаштириш йўллари бўйича ўзларининг алоҳида таклифларини беришлари лозим.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари ички аудит хизматининг иш режаси таркибан йиллик фаолияти графигидан, текширилиши керак бўлган йўналишлар дастуридан ва текширув жараёнида ўрганилиши керак бўлган саволномалар тўпламларидан шакланган бўлиб, унда текширувнинг асл мақсади ёритилмаган ҳамда аудиторлардан кутилаётган натижалар тўғрисида фикр билдирилмаган.

Шу билан бирга режалаштиришда асосий эътибор банкнинг ички назорати тизимидаги аниқланган узилишларни бартараф этишга эмас, балки аксинча, фаолият жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда унга йўл қўйган айбдор шахсларни аниқлашга қаратилган.

Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш жараёни аудит иш режасининг асосий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун аудит текширувига тайёргарлик кўриш жараёнини маълум бир мезонлар асосида умумлаштириш ва режалаштириш стандартлари талабларига риоя қилиш ўқув қўлланмада тавсия этилганидек, унинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, режалаштириш стандарти ўзининг моҳиятига кўра, биринчидан, текширувга тайёргарлик жараёнида филиаллар фаолияти билан олдиндан танишиш, унинг молиявий хўжалик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва унинг банк тизимида тутган ўрнига баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аудит самарадорлигини ошириши мумкин бўлган кўрсаткичларни, яъни текширув жараёнида ўрганилиши лозим бўлган муҳим ҳолатларни аниқлаш ва уларни тўғри қўллашнинг аҳамияти каттадир.

Учинчидан, аудитнинг объекти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш масалаларини тўла таҳлил қилган ҳолда, уларнинг аудит жараёнига таъсирини минималлаштиришга эришиш мумкин.

Тўртинчидан, ресурслардан келиб келиб чиққан ҳолда текширув вақтини тўғри режалаштириш аудиторларнинг иш жараёнини баҳолашнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, аудит саволномаларини тузиш жараёнида асосий эътибор ички назорат тизими фаолиятини баҳолаш ҳамда ушбу

тизимдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги тақлифларни ишлаб чиқишга қаратилиши аҳамиятга моликдир.

Қайд этиб ўтиш жоизки, бугунги кунда тижорат банклари ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширув жараёнини хужжатлаштириш ва уни далиллар билан боғланган ҳолда таҳлил қилиш масалаларига старлича эътибор қаратилмаётир. Бунинг натижасида эса аудиторлик хулосаларида кўрсатиб ўтилган маълумотларни қайта ўрганиш ва унда билдирилган хулосаларнинг ўринли эканлигига баҳо беришда бир катор муаммолар юзага келмоқда.

Ваҳоланки, халқаро аудит стандартларида таъкидланганидек, аудитор нафақат ҳисоботни тасдиқлаши, балки текширув жараёнида муҳим масалаларни асослаш учун зарур бўлган барча ҳолатларни иш хужжатларида акс эттириши иш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Иш хужжатларини тўғри ташкил қилиш текширув жараёнининг ўрнатилган тартибда олиб борилганлиги ва унинг хулосалари старлича далилларга асосланганлигини баҳолаш имкониятини яратади.

Шунинг учун, фикримизча, аудиторлар иш жараёнининг ҳар бир босқичини халқаро аудит стандартлари талабларига кўра хужжатлаштириш, бунда асосан аудит далилларини тўғри тўплашга ва уларнинг қандай тузилишига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Текширув жараёнида ўрганилган хужжатлар тўпламини моҳиятига кўра таҳлил этган ҳолда, мантиқий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида белгилаш, хужжатларнинг базаларини ташкил қилиш, уларнинг матнларига кўра, блоклари билан ажратилишнинг таъминлаш тизимларининг яратилиши аудиторлик иш сифатини баҳолаш имкониятини яратади.

Ушбу жараённинг тўғри ташкил этилиши, банк бошқаруви томонидан ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилганлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам ички аудит тизими томонидан банк назорат тизими фаолиятининг ўрганилиши ва унинг самарадорлиги баҳоланишининг аҳамияти каттадир.

Бу ерда асосий мақсад, банк раҳбарияти томонидан қарорларнинг қабул қилиниши жараёнида фойдаланилаётган ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлашдан иборат.

Бунда банк активлари ва пасивларининг тузилишига, банкнинг соф фонз фойдасини, фонздан ташқари даромад ва харажатларини баҳолашга эътибор берибгина қолмасдан, балки актив ва пасив операцияларнинг муайян даромадлиги даражасини аниқлаш, соф маржанинг манбаларини таҳлил қилиш, қайси хизмат турлари энг барқарор тушум ва фойда манбаи ҳисобланишини баҳолашлари мақсадга мувофиқдир.

Навбатдаги босқич рискли позицияларни баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, бунга биз банкнинг жами ликвидли позицияларини баҳолаш, рискли активларга банк капиталининг жалб қилиниши даражаси, бозорда фойз ставкаларининг ўзгаришига очик позициялар (ликвидлилик, валюта позициялари) ва соф маржанинг таъсирчанлиги масалаларини кiritишимиз мумкин.

Банкнинг активлар ва пассивларни бошқариш бўлими зиммасига унинг фаолияти билан боғлиқ ликвидлилик, фойз, бозор, тўловга лаёқатсизлик ёки капитал рискларини бошқариш ваколатлари юклатилган.

Ликвидлиликни бошқариш активлар ва пассивларни бошқарув тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Зотан, банкнинг баркарорлиги мижозлар эhtiёжини уларнинг биринчи талаби билан қондириш лаёқатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг устига, банк фаолиятининг стратегик мақсадларига, энг аввало, ликвидлиликни самарали бошқариш йўли билан эришиш мумкин.

Қайд этиб ўтиш жоизки, иктисодий цикл босқичидан қатъи назар, ликвидли маблағларга бўлган талаб ва таклиф, одатда, ўзаро мос келмайди ва бу ликвидлиликнинг етишмаслигига ёки ортиб кетишига олиб келади. Агар маблағлар ўз вақтида жойлаштирилмаса ёки жалб қилинмаса, ликвидлиликнинг тақчиллиги ёки ортиқчаллиги даромаднинг бой берилишига ҳамда лаёқатининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир вақтда, ликвидли активларни мақбул даражадан ортиқ ҳажмларда сақлаш даромадликнинг пасайишига олиб келади ва банк фойдасига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, банкларнинг активлари ва пассивларига қўнимсизлик ва ўзгарувчанлик хос бўлиб, тижорат банклари мажбуриятларининг олдинги даврга нисбатан кўпайиши пул маблағларининг оқиб келишидан, акси эса маблағларнинг оқиб кетганлигидан далолат беради.

Ишлаётган активлар ва харажат билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар маълум муддатга жойлаштирилган ва жалб қилинган бўлади, шунинг учун ҳам активлар ва пассивларни бошқарув тизимида ликвидлиликни бошқариш жалб қилинган, жойлаштирилган маблағларнинг муддатлари ва миқдорларини «муддатлар зинапояси» усулига¹¹⁶ асосан мувозанат сақлашни назарда тутати¹¹⁷

Ликвидлиликни таҳлилдан ўтказиш ва бошқаришнинг мазкур усулини, акциядорлик тижорат ХХХ банки амалиётида активлар ва

¹¹⁶ *Коробов Ю.И.* и др. Банковский портфель-3. – М.: «самИНТЭК», 2003. 45стр.

¹¹⁷ Активнинг «ностро» ҳисобварағи, қимматли қоғозларнинг инвестиция портфели сингари моддалари, пассив бўйича эса – «талаб қилиб олингунга қадар» ва «лоро» ҳисобварағлари бундан мустасно.

пассивларни ликвидлилик ва барқарорлик даражасига қараб таснифлашга ҳаракат қилдик. Жумладан, биз ликвидли активлар таркибидан анъанавий моддаларни (улар куйидаги 6.1-жадвалда келтирилган) чиқариб ташлашни ва бошқа баланс моддаларини, шунингдек, баланسدан ташқарида, менежмент томонидан белгиланган бўсага муддати (7 кун, уч ёки олти ой) доирасида ҳисобга олинган бошқа моддаларни ликвидли деб ҳисоблашни таклиф қиламиз.

6.1-жадвал маълумотлари талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ёки муддатсиз депозитлар бўйича ликвидлиги миқдорлари манфий эканлигидан далолат берадики, бу қўшимча пул маблағларини жалб қилишни талаб этади ҳамда бозорда фоиз ставкалари ўзгаришининг ҳар қандай динамикасида фоиз харажатларининг ўсиши ва даромаднинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, банк активларида салмоғи 15–17% атрофида бўлган номутаносибликнинг мавжудлиги ликвидлилик, активлар ва пассивларни киска муддатли қўшимча истиқболда бошқариш қоникорсиз аҳволдалигидан далолат беради.

Шу билан бирга, айтиб ўтиш жоизки, банк балансида ва баланسدан ташқари ҳисобга олинган пассивларни барқарорлик принципи бўйича таснифлаш лозим.

Ликвидлиликни «соф ликвид активлар» усулида таҳлил қилиш ва баҳолаш, бизнингча, номутаносиблик кўрсаткичларини янада аниқлаштириш ва унинг оқибатларини баҳолаш имконини беради. Фикримизча, «муддатлар зинаюси»ни тузишда динамик ёндашувни фоиз ставкалари, валюта курслари, инфляция сингари ўнгарувчиларга қараб вазият ривожланишининг ҳар хил ҳолатлар ҳисоб-китоблари билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу ерда бош стратегик мақсад, банк нуфузини имкон қадар оширишга эришиш учун рентабелликни сақлаш ва ошириш лозим. Бу активлар ва пассивларни бошқариш департаменти фаолиятининг яна бир муҳим йўналишидир.

Банкнинг рисклари ва даромадлиликни бошқариш фаолиятини мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёж, банк капитали назорат ташкилотлари талабларини қондириш ҳамда банк капиталининг қийматини оширишга йўналтирилган стратегик мақсадга эришиш нуқтан назаридан, қўллаб-қувватлаш зарурати билан белгиланади. Бу ерда шуниси аҳамиятлики, рискларни бошқаришнинг активлар ва пассивларни бошқаришга асосланган номақбул ёки самарасиз тизими банк хусусий капиталининг камайишига олиб келиши, банкни эса тўловга лаёқатсиз қилиб қўйиши мумкин.

**XXX банкнинг активлар ва пасивларини «соф ликвидли
активлар» усулида таснифлаш¹¹⁸ (31.12.2012)**

Активлар	Муддатсиз	1 ойгача	1 ойдан 6 ойгача	6 ойдан 12 ойгача	12 ойдан кўп	Жами
Нақд пуллар	451 908	-			-	451 908
Марказий банкдаги хисобрақами	1 295 313					1 295 313
Бошқа банклардаги маблаглар	460 508	4 681 322				5 141 830
Қимматли қоғозлар	-	-		265 760	-	265 760
Мижозларга берилган соф кредит				190 875	75 251	266 126
Асосий воситалар					1 072 522	1 072 522
Номоддий активлар	-	-		-	6 540	6 540
Солиқ тўловлари	19 182	-		-	-	19 182
Бошқа активлар	73 961	-		-	-	73 961
Жами активлар	2 300 872	4 681 322	-	456 635	1 154 313	8 593 142
МАЖБУРИЯТЛАР						
Жами депозитлар	3 042 219					3 042 219
Бошқа банкларга тўловлар	149					149
Бошқа қарз маблаглари					48 000	48 000
Солиқ мажбуриятлари	-	395		-	10 231	10 626
Бошқа мажбуриятлар	45 249	-	-	-	-	45 249
Жами мажбуриятлар	3 087 617	395	-	-	58 231	3 146 243
Фарқи	(786 745)	4 680 927		456 635	1 096 082	5 446 899

Шунинг учун тижорат банки раҳбарияти банкнинг барқарорлигини сақлаш ва ошириш борасида қарорларни қабул қилиш жараёнида батафсил таҳлил қилинган маълумотларга асосланиши лозим. Ушбу

¹¹⁸ XXX банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи асосида шартли рақамларда келтирилган.

маълумотларнинг қанчалик тўғри тузилганлиги ва уларга таъсир этиши мумкин бўлган омилларни ички аудит тизими томонидан ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида ўрганилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари рискларини бошқариш жараёнида асосий тўрт фаолият ўзаро йўналишлари: кредит, депозит, инвестиция ва хизмат кўрсатиш фаолиятлари кесишади, бинобарин, уларнинг ҳар бири, баланснинг тузилишида ва активлар даромадлигининг салоҳиятида акс этади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари бошқарув тизими томонидан қабул қилинаётган қарорлар ушбу йўналишлар ўртасидаги зиддиятларни мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган бўлишининг аҳамияти каттадир.

Тижорат банклари рискларини бошқариш жараёнида фойдаланилаётган маълумотлар ўзининг моҳияти ва ташкил топиш манбаларига кўра, ташки ва ички ҳужжатлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўрсаткичлари ишончлилигининг аҳамияти каттадир. Айнан ана шу жараёнда банк ички аудиторлик хизмати томонидан ушбу ҳужжатларнинг ўрганилиши ва таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир

6.3. Тижорат банкларида аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби

Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Ички аудит томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисоботининг умумий шакли иловада келтирилган. Ушбу аудиторлик ҳисоботи икки нусхада тузилиб, бир нусхаси текширилган филиал бошқарувчисига берилади ва иккинчи нусхаси асосида ички аудит томонидан аудиторлик кўмитасига ҳисобот тузилади. Аудиторлик кўмитаси ушбу ҳисобот муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади ва банк кенгашига умумий аудиторлик хулосаси тайёрланиб, ушбу хулоса асосида бош аудитор томонидан кенгаш йиғилишида ҳисобот берилади. Ушбу масалалар тегишили филиал фаолиятига умумий баҳо бериш ва унинг истиқболдаги ривожланишини белгилаш учун фойдаланилади.

**Тижорат банки филиалининг аудит натижаси бўйича ички аудит
томонидан тузилган аудиторлик ҳисоботидан
фойдаланувчиларнинг таҳлили**

Т/р	Фойдаланувчилар	Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар
1	Филиал, бўлинма ходимлари	Тижорат банкининг тегишли бўлинмасида аниқланган камчилик ва уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни бажариш учун
2	Бош банк бўлинмалари	Ушбу бўлинма томонидан назорат қилинадиган филиал фаолияти билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимини топиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун
3	Ички аудит ходимлари	Тижорат банки фаолиятини назорат қилиш учун зарур бўлган аудит режаси ва дастурини тузиш ҳамда аудит амалларини белгилаш учун ва ҳоказо.
4	Банк Кенгаши	Тижорат банкининг ишончилиги ва самарали бошқарилаётганлиги, активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши тўғрисидаги маълумотлар

Албатта, ички аудит томонидан ишлаб чиқиладиган аудиторлик ҳисоботи учун умумий кўрсатма ва асосий йўналишлар аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) коидаларининг талабларини инобатга олиш зарур. Аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда асосан 70-сонли «Аудиторлик ҳисоботи ва молжиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартидан (АФМС) фойдаланилади.

Ички аудит томонидан тузиладиган аудиторлик ҳисоботи учта: кириш, таъкидловчи ва яқунловчи қисмдан иборат бўлиши лозим.

1. Кириш қисмида куйидагилар кўрсатилади:

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик гуруҳининг таркиби, гуруҳ бошлиғи, буйруқ ва фармойишлар кўрсатилади. Текширувдан ўтказилган филиал бўйича унинг манзили ва реквизитлари, филиал ва минибанклари тўғрисидаги ахборот, текшириш муддати ва даври каби ахборотлар кўрсатилади. Бунда куйидаги жадвал шаклида кўрсаткичлар аниқланади.

Филиал бўйича маълумотлар таҳлили

Мини банклар сони	ВАШлар сони	Халқаро пул ўтказмалари шаҳобчалари сони	Махсус кассалари сони	Коммунал ва ўзгўлов (пайнет) кассалари сони	Ходимлар сони
1	2	3	4	5	6
13	25	28	9	125	67

Ушбу маълумотлар тўплангандан кейин тегишли филиал бўйича тузилган кунлик баланси таҳлил қилинади ва шу асосда қайси моддаларга асосий эътибор бериш кераклиги аниқланади. Шунингдек, кириш қисмида ички аудиторлик текширувидан ўтказиладиган кунлик баланс ва молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ишончлилиги учун масъулият филиал раҳбариятига юклатилиши кўрсатилиши лозим.

2. Аудиторлик ҳисоботининг таъкидловчи қисмида аудиторлик текшируви АФМС ва бошқа қонунчилик асосида ўтказилганлиги таъкидланиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир бўлинма бўйича текшириш натижалари алоҳида ёзилади.

Таъкидловчи қисм филиал фаолияти, унинг молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончлилигини ва қонунчиликка ҳамда тижорат банкининг филиали фаолиятининг ҳақиқий аҳволига баҳо берилади. Шунингдек, таъкидловчи қисмда ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бериши тўғрисида ички аудит гуруҳи томонидан тўпланган далилларнинг тасдиғи акс эттирилиши лозим.

3. Аудиторлик ҳисоботининг яқунловчи қисмида филиал фаолиятига умумий баҳо, унинг камчиликлари ва уларни тўғрилашга доир тавсиялар берилади, аудиторлик қўмитасида ва Банк Кенгашига тегишли ахборот тайёрлаш учун зарур маълумотлар жамламаси бўлиши лозим ва (молиявий) ҳисоботи ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисида ёзув ёзилади. Текширув давомида аниқланган хато ва камчиликлар филиал жамоаси ўртасида муҳокама қилинганлиги ва уларни бартараф этиш учун лозим бўлган тавсиялар берилганлиги кўрсатилади.

Аудиторлик ҳисоботи ички аудит томонидан белгиланган гуруҳ раҳбари, текширишда иштирок этган ички аудит ходимлари, текширилган филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Ички аудит томонидан тузилган аудиторлик ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳисоботининг якуний қисминигина манфаатдор шахсларга (аудиторлик қўмитаси, Банк Кенгаши)тақдим қилиши лозим. Шу муносабат билан аудиторлик ҳисоботининг якуний қисмидаги аудиторлик хулосасининг икки тури мавжуд:

а) ижобий аудиторлик хулосаси;

б) салбий аудиторлик хулосаси.

Ижобий аудиторлик хулосасида филиал томонидан тузилган бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги, текшириш натижасида жуда қўпол хатоликка йўл қўйилмаганлиги, филиал фаолияти ижобий баҳоланадиган бўлса, аудитор томонидан тасдиқланади. Қондага кўра ижобий аудиторлик хулосаси ички аудит томонидан филиалнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолати ва содир этилган молия-хўжалик муомалаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқлигини ишонарли акс эттиради, деган фикрга келган вақтда тузилиши лозим.

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот филиал томонидан тузилган бухгалтерлик ҳисоботида камчиликлар бўлса, филиалнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишонарли маълумот бермаган ва унинг молия-хўжалик фаолияти ҳисоби амалдаги метъерий қонунчилик талабларига мос келмаган ҳолда юритилган вақтда тузилади. Бундай хато-камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса, филиал бўйича молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ҳамда тижорат банкнинг консолидациялашган ҳисоботига таъсир қилиши ва ундан фойдаланувчиларни қалғитиш мумкин.

Салбий аудиторлик хулосасини тузишга, қондага кўра, ички аудит гуруҳи томонидан аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш мақсадида молиявий ҳисоботга ўзгартишлар киритиш тўғрисида билдирилган фикрга норозилиги сабаб бўлади.

Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган хато-камчиликлар филиал томонидан тузатилганда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди.

Ички аудит гуруҳи томонидан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг сифати тўғрисида ишонч билан аудиторлик хулосаси туза олиш учун етарли даражада ишончли далиллар тўплаш олмаган вақтда хулоса тузилмайди. Бундай ҳолат аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги оқибатида молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун аудиторлик далил-исботлар етарли бўлмаганида юзага келади.

Аудиторлик хулосасини тузишдан воз кечиш айрим махсус ҳолларда юзага келади. Булар: аудитор мустақиллигини йўқотиши,

баланс тузилган сана содир бўлган жиддий ходисалар ёки вазиятнинг ноаниқлиги, филиал томонидан ёки айрим мураккаб вазиятлар туфайли аудит ўтказиш соҳасининг чеклаб қўйилиши.

Аудиторнинг хулоса тузишдан воз кечиши ёзма равишда, 70-сон АФМСда қўрсатилган шакл бўйича расмийлаштирилиб, унинг мазмуни жуда ҳам пухта асосланган бўлиши лозим.

Агар салбий хулоса тузилса ёки хулоса тузилмаса, ички аудит гуруҳи томонидан таъқидловчи қисмда текширув натижаларини, аниқланган амалдаги қонунчилик бузилиши фактларини ва тижорат банки филиали фаолиятидаги бошқа камчиликларни батафсил баён қилади.

Тижорат банкларида ҳозирги пайтда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда муаммолар мавжуд ва уни баргараф қилишда анча ишларни амалга ошириш лозим.

Айниқса, тижорат банки билан аудиторлик ташкилоти ўртасида иқтисодий манфаатдорлик жиҳатларини амалга оширишда қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) фақат амалга оширилган текширишлар асосида эмас, шу билан бирга тахминий баҳолар асосида ўз фикрини ишлаб чиқиш;

б) аудитор томонидан сунистеъмолларни аниқлаш юзасидан фаолроқ ҳаракат қилиш.

Мижозлар орасида, яъни тижорат банклари молиявий ҳисобот ва аудиторлик хулосаларидан кенг доирадаги фойдаланувчилар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш:

а) банкнинг молиявий ҳисоботига берилган аудиторлик хулосаларининг моҳияти ва аудиторлик ҳисоботларининг сифати ҳамда акциядорлар олдидаги масъулияти;

б) банк бухгалтерия аппарати томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш (аудиторлар ва банк маъмурияти масъулиятининг чекланиши ҳақида);

в) аудиторларнинг асосий иши сифатида тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланишини аудиторлик назоратидан ўтказиш;

г) ҳолисона ва тўғри тузилган молиявий ҳисоботни тақдим этишга доир аудитор ҳисоботидаги маълумотларнинг тўғрилиги;

д) аудиторлик хулосасида аудитор фикрининг тўғри ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида ифодаланиши.

Аудиторлар мустақиллигининг муҳим аҳамиятта моликлиги сабабли, фикримизча, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга қўшимча киритиш лозим. Унда «мустақиллиқ» тушунчасининг аниқ таърифи йўқки, ўз навбатида, Ўзбекистон учун янги бўлган бу

тамоийлини талқин этишда дарҳол икки хил маъно чиқишига йўл қўйилиши мумкин. «Мустақиллиқ» деган аниқ тушунчанинг қонунда йўқлиги «Аудиторлик тўғрисида»ги қонунда «мустақил текшириш» деган таърифида чалқашликка олиб келиши мумкин.

Жаҳон тажрибасида бир қанча омиллар ва вазиятлар таъсири натижасида аудитор мустақиллиги даражалари камайиб бормоқда. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин, шунга қарамай уларнинг орасидан аудитор мустақиллигига таъсир қилувчи қуйидаги ҳолларни кўрсатиш мумкин:

а) аудитор тижорат банки акцияларига (облигацияларига) вақтинча бўлса-да, эгалек қилиши, уларни биржалар, биржадан ташқари савдода сотиб олиш ва қайта сотиши;

б) тижорат банки маъмурияти вакилларида бири билан биргалликда бошқа фирмаларни таъсис этиши, унинг ходими бўлиши ёки маъмурият ходимларини ўзи ёллаган бўлиши;

в) шунга ўхшаш рақобатчи гуруҳларнинг ёки тижорат банкига қаршли гуруҳ ходими бўлиши;

г) ўзи бажарган аудиторлик хизматлари учун ўз аудиторлик ташкилотларидан эмас, бевосита тижорат банкидан ҳақ (молиявий ёрдам, кредит ва шу қабили) олгани;

д) тижорат банки маъмурияти вакилларида яқин қариндошлилиги;

е) кўп йиллар ушбу тижорат банкни текширишда сурункасига қатнашганлиги ва бошқалар.

Аудиторлик текширув мақсади аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини мажбурий аудит доирасида ўтказиладиган аудит текширувидан кўзланган мақсад фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаш, амалдаги талабларга риоя қилинишини баҳолаш ҳисобланади.

Банк фаолиятининг молиявий натижаларининг аудиторлик текширувини режалаштиришда аудитор қуйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади:

– текширув объекти ҳисобланган даромад ва харажатлар турларини аниқлаш;

– текшириладиган ҳар бир объект бўйича бухгалтерия ҳисоби ва назорат тизимини ташкил этишни баҳолаш;

– текширув хусусиятини аниқлаш (мос келиши ёки тўғрилиги бўйича);

– текширув услуби тўғрисида қарор қабул қилиш (ялписига ёки танлаб);

– текшириладиган ҳар бир объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик далилларини тўплаш услубини танлаш.

6.4-жадвал

Тижорат банкида ички аудиторлик текширув босқичлари

Т/Р	Аудиторлик текширув босқичлари	Аудиторнинг асосий вазифалари
1.	Олдиндан режалаштириш	Аудитнинг аҳамиятли соҳаларини аниқлаш. Фаолият узлуксизлиги принципига риоя қилишни баҳолаш. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш.
2.	Умумий режа ва дастурни тайёрлаш ҳамда тузиш	Мухимлик даражаси ва аудиторлик рискни аниқлаш. Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш.
3.	Умумий режа ва дастурни бажариш	Аудиторнинг аудиторлик ҳисоботини тузиш учун старли далилларга эга бўлиш.
4.	Аудит натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосасини тузиш	Олинган аудиторлик далиллари старлигини баҳолаш. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ҳақида ва қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида фикр билдириш.

Фикримизча, текшириладиган объектни белгилашда банк даромади ва харажатини таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, даромад учун белгиланган муҳимлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Режалаштириш босқичида таҳлилий жараёнларни қўллаш банк фаолияти ва унинг ҳисоботида ўзига хос бўлмаган ҳолатни аниқлаш имконини беради. Масалан, ҳисобот даврида миждо томонидан тайёрланган ҳисобот маълумотлари билан аудиторлик далиллари асосида тўпланган маълумотлар ўртасидаги жиддий тафовут бухгалтерия ҳисоби ва банк ҳисоботидаги хато ҳамда камчиликлар тўғрисида далолат бериши мумкин. Аудитор уларни юзага келтирган сабабларни ва бу нормал иқтисодий ҳолатлар таъсири натижасими ёки бошқа ҳолатлар таъсири бўлганми, ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилади. Таҳлил натижалари эса миждо фаолияти хусусиятлари, даромадини шакллантириш манбалари, асосий даромад манбалари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий натижалари ҳажми ҳамда ўзгариш суръатига таъсир қилган омилларни аниқлаш имконини беради. Фикримизча, банк фаолиятининг молиявий натижалари таҳлилинини бир қанча босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар қуйидагилар деб ҳисоблаймиз:

– банк даромади ва унинг ўсиш суръати манбаларини таҳлил қилиш;

– ҳисобот даври ва ўсиш суръати ҳолатига кўра, даромад ва харажатлар таркиби ҳамда тузилмасини баҳолаш;

– банк фаолиятининг молиявий натижаларини далиллар асосида таҳлил қилиш.

Банк даромади ва харажатларини далиллар асосида таҳлил қилиш даромад ва харажатларнинг таркибий тизимини тузиш, тузилган тизимларни математик ифодалаш, омиллар таъсирини ҳисоблаш учун баргараф этиш принциплари ва ўрин алмашиш услубидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Банк фаолиятининг молиявий натижаларга нисбатан қўлланиладиган муҳимлик даражаси йўл қўйиладиган хато кўламини ифода этади. Йўл қўйиладиган хато деганда текшириладиган объектлардаги янглишишлар даражаси тушунилади. Буни аудитор аҳамиятсиз ва молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблайди. Аудитор йўл қўйиладиган хато даражасини аниқлашда текшириш учун мўлжалланган объектлар аҳамиятидан келиб чиқади. Банк фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиб, банк даромадлари ва харажатларини текшириш учун мўлжалланган объектга айланиши мумкин. Улар ҳақидаги ахборотни ошқора қилиш даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида кўзда тутилган. Бу қуйидагича кўринишга эга:

6.5-жадвал

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот

Сатр коди	Даромадлар	Сатр коди	Харажатлар
020	Фоизли даромадлар	050	Фоизли харажатлар
060	Соф фоизли даромадлар	070	Кредитлар бўйича захира ташкил этиш харажатлари
080	Захирано камайтиришдан олинган соф фоизли даромадлар	120	Операцион харажатлар
100	Фоизсиз даромадлар	140	Даромад (фойда) солиғи
150	Соф фойда		

Банкнинг назорат тизимини баҳолашда текшириладиган ҳар бир объект бўйича бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилишини баҳолаш мумкин. Назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишни таъминлаш лозим.

Назорат тизимини яхшилашни таъминлаш . банк таркибий бўлимлари тўғрисидаги низомлар, раҳбарлар ва ходимлар лавозим йўриқномалари ва шу каби ҳужжатларни текшириш ҳамда таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофик. Натижада аудитор қабул қилинган назорат воситалари ва ҳисоб тизимининг банк фаолияти кўлами ҳамда ўзига хос хусусиятларига мос келиши, ички тартибнинг умумий метъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиклиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин. Текшириладиган ҳар бир объект бўйича назорат воситасини иш учун мўлжалланган алоҳида файлда рўйхатга олиш, кейинчалик мос келиши ёки келмаслигини текшириш пайтида мазкур назорат воситаларининг аниқ қўлланишини баҳолаш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Расмий материаллар

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуллари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. 25.04.1996 й. – Т.: «Адолат», 2003. – 47 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни. 30.08.1996 й. // Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 312 б.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. 2000 йил 26 май. (13 декабрь 2002 йил ўзгартиришлар киритилган). – Т.: 2003. – 16 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 21.03.2000 й., ПФ 2564-сон. // Пул муомаласини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 384 б.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 27.09.2006 й., ПҚ 475-сон. – Т.: 2006. – 18 б.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПП-1438. 2010 йил 26 ноябрдаги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 48-сон (444) 2010 йил 6 декабрь, 442-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори. 19.05.2000 й., 195-сон. // Пул муомаласини тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 384 б.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сон қарори//Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.:2000. 9-сон, 62-модда.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларига ички назоратни ташкил қилишга оид тавсиялар». 04.06.1998 й., 404-сон. //Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини назорат қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2006. – 272 б.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида»ги Низоми (Янги таҳрири). 24.06.2000 й., 403-сон.

3.5. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом.” 2004 й. 13 апрель. 2005 йил ўзгаришлар билан// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, 52-сон, 394-модда. www.potma.uz.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларни юритиш тартиби тўғрисида» Низоми. 14.01.2003 й., 1201. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2004. – 312 б.

3.7. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси». 13.08.2004 й., 773-17-сон. – Т.: «Yangi asr avlodi», 2004. – 279 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

4.1. Каримов И.А Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 536 б.

4.2. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 320 б.

4.3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.

4.4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

4.5. Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топан давлатлар даражасига кўтариш сари. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 18 жилд. – 280 б.

4.6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққийтини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 48 б.

4.7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. – 64 б.

II. Китоб ва туркум нашрлари

5.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

5.1.1. Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ. – М.: «ЮНИТИ», 1995. – 398 с.

5.1.2. Аренс А., Лоббек Дж.. Аудит: Пер. с англ. – М.: “Финансы и статистика,” 1995. – 560 с.

5.1.3. Банковские риски: учебное пособие/кол. авторов; под. ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина и д-ра экон. наук, проф. Н.И. Валенцевой. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 11.

5.1.4. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. – М.: Издательская группа “БДЦ-пресс”, 2004. – 256 с.

5.1.5. Бычкова С.М. Доказательства в аудите. – М.: “Финансы и статистика,” 1998. – 176 с.

5.1.6. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Г.Н., Лебедев Е.А. Аудит банков. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 352 с.

5.1.7. Балабанова И.Т. Банки и банковское дело. – СПб.: «Питер», 2003. – 304 с.

5.1.8. Банковский контроль и аудит Учебное пособие для вузов/ Под. ред. Н.В. Фадейкина. – М.: “Финансы и статистика,” 2002. – 496 с.

5.1.9. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ. Тижорат банклари таъқибида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография., Т.: Молия, 2011. -188 б.

5.1.10. Ветрова А.А. Операционный аудит-анализ. Под. ред. А.А. Ветрова. – М.: Перспектива, 1996. 127 с.

5.1.11. Грюнинг Х., Брайович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском / Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь Мир», 2004. – 304 с.

5.1.12. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003. – 612 б.

5.1.13. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. – Т.: «Молия», 2007. – 276 б.

5.1.14. Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: «Омега-Л», 2006. – 452 с.

5.1.15. Жуков Е.Ф. Банки и банковские операции. Учебник для ВУЗов. – М.: «Банки и биржи», «ЮНИТИ», 1997. – 128 с.

5.1.16. Ибрагимов А.К., Очилов И., Кузиев И.Н. Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLLYA», 2008. – 480 б.

5.1.17. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. – Т.: «infoCOM», 2010. – 192 б.

5.1.18. Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.Қ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма, Т.: «Молия», 2010. – 272 б.

5.1.19. Қазимагамедова А.А., Гаджиев А.А. Деньги, кредит, банки: Учебник. – М.: Издательство «Экзамен», 2007. – 559 с.

5.1.20. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. – Т.: «ФАН», 2006. – 262 б.

5.1.21. Камышанов П.И. Практическое пособие по аудиту. – М.: «ИНФРА-М», 1996. – 522 с.

5.1.22. Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. – М.: «ЮНИТИ», 1995. – 527 с.

5.1.23. Крикунов А.В. Регулирование аудиторской деятельности. – М.: «ИНФРА-М», 1996. – 173 с.

5.1.24. Ковалёв В.В. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчётности. – М.: «Финансы и статистика», 1996. – 451 с.

5.1.25. Куницина Н.Н., Хисамутдинов В.В. Банковский аудит. – М.: «Финансы и статистика», 2005. – 128 с.

5.1.26. Маманова И.Д. Банковский надзор и аудит. – М.: «ИНФРА-М», 1995. – 231 с.

5.1.27. Маликов Т.С. Молиявий қарорлар қабул қилиш асослари. – Т.: «Шарк», 1996. – 63 б.

5.1.28. Мусаев Х.Н. Аудит. – Самарқанд.: 2003. – 261б.

5.1.29. Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: новые подходы. /Базельский комитет по банковскому надзору.– М.:Банк международных расчётов, 2004. – С. 177– 184.

5.1.30. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: «Аскери», 2010. – 984 с.

5.1.31. Международные стандарты финансовой отчетности в коммерческом банке. – М.: АЛЬФА-ПРЕСС, 2008. – 512 с.

5.1.32. Международные стандарты аудита. – М.: ГАММА, 2009. – 387с.

5.1.33. Макальская А.К. Внутренний аудит. – М.: Издательство «Дело и Сервис», 2001. – 345 с.

5.1.34. Нидлз Б., Андерсон Г., Колдвуд Д. Принципы бухгалтерского учета. – М.: «Финансы и статистика», 1997. – 496 с.

5.1.35. Норқобилов С., Абдусаломова О. Банкларда аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Маънавият, 2005. – 176 б.

5.1.36. Национальные стандарты аудита Республики Узбекистан. – Т.:УБАМА, 2004. – 258 с.

5.1.37. Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – 456 с.

5.1.38. Романов А.Н., Одинцов Б.Е. Автоматизация аудита. – М.:Аудит, ЮНИТИ, 1999. – 156с.

5.1.39. Робертсон Джек К. Аудит. – М.: Аудиторская фирма «КОНТАКТ», 1993. – 496 с.

5.1.40. Ронова Г.Н. Внутренний контроль и аудит: Учебник. – М.: ЗАО Финн-статинформ, 2000. – 274с.

5.1.41. Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1997. – 1120 с.

5.1.42. Смирнова Л.Р. Банковский аудит: Учеб. пособие/Под ред. проф. М.И. Баканова. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 448 с.

5.1.43. Сахобов У.О. Аудиторская выборка: Монография. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 200 с.

5.1.44. Сахобов У.О., Давранова Ш.К. Планирование аудита. – Т.: Палата аудиторов Узбекистана, 2008. – 160с.

5.1.45. Скобара В.В. Аудит: методология и организация: монография. – М: Дело и сервис, 1998. – 576 с.

5.1.46. Стоун В., Хитчинг К. Бухгалтерский учёт и финансовый анализ. – М.: Изд. АОЗТ «Литера плюс», 1993. – 247 с.

5.1.47. Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 2001. – 336 б.

5.1.48. Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики. – Алматы, 2007. – 1260 с.

5.1.49. Тулахўжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими.– Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1998. – 176 б.

5.1.50. Терехов А.А. Контроль и аудит: основные методические приёмы и технологии / А.А.Терехов, М.А.Терехов. – М.: "Финансы и статистика," 1998. – 208 с.

5.1.51. Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. – М.: "Финансы и статистика," 2001. – 560 с.

5.1.52. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: «Фан», 2005. – 141 б.

5.1.53. Хасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: «Фан», 2003. – 161 б.

5.1.54. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.: «ИНФРА-М», 2006. – 448 с.

5.1.55. Эрматов М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005. – 144 б.

5.1.56. Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. –156 б.

5.1.57. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. – Т.: ЎБАМА, 2003. – 84 б.

5.1.58. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. – Т.: ЎБАМА, 2007. – 84 б.

5.1.59. Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. – Т.: «NORMA» МЧДЖ, 2006. – 248б.

5.1.60. Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди. – Т.: ТМИ, 2005. – 251 б.

5.1.61. The Audit Process. Principles practice and cases. Iain Gray and Stuart Manson. – VNR International, 2005. – 139pg.

5.1.62. Williams S. Management Accounting Control Systems Subject Guidance : Stage Four. – London: Copyright @ CIMA, 1994. –328pg.

5.2. Кўп томлик китоблар

5.2.1. Международные стандарты аудита в Казахстане. В 2-х т. – Алматы.: Раритет, 2001. – 930с.

5.2.2. Ризакулов А.А., Ибрагимов А.К., Усанов А.У., Хасанов Б.А., З.Т.Маматов. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. 1,2,3 қисмлар русчадан таржима. – Т.: 1994. 107 б.

6. Диссертация ва диссертация авторефератлари

6.1. Азизов Ш.Ў. Ташки аудит текширувини ўтказишни ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари (Акциядорлик-тижорат банклари мисолида: Иктисод фан. номз. ... дисс. автореферат. – Т.: БМА, 2009. – 24 б.

6.2. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубийтини такомиллаштириш муаммолари: Иктисод. фан. док. ... дисс. автореферат. – Т.: БМА, 2007. – 39 б.

6.3. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: 08.00.08 Иктисод фан. док. дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2005. – 40 б

6.4. Сахабов У. О. Совершенствование процесса выборки при банковском аудите кредитной деятельности. Автореф. дисс. на соиск.учен.степ. к.э.н.. – Т.: БМА, 2007. – 21с.

6.5. Ўразов К.Б. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари : Иктисод фан. док. ... дис. автореферати. – Т.: БМА, 2006. – 44 б.

7. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

7.1. Бычковой С.М. Методы оценки аудиторских рисков. //Аудитор. – М., 2002. - №6. – С. 32–35.

7.2. Данилевский Ю.А. Влияние глобализации на экономику и финансы Российской Федерации. // Финансы, 2003. N 5. – С. 3–7.

7.3. Дусмуратов Р. Аудиторлик фаолияти эволюцияси// Бозор, пул ва кредит . – Т., 2003. №3. – 32-35-б.

7.4. Дусмуратов Р. Аудиторлик фаолиятида муҳимлик даражасини аниқлаш ва қўллаш услуби. //Бозор, пул ва кредит. – Т., 2003. №1. 40–43-б.

7.5. Ибрагимов А.К., Носиров А. Аудит финансовой отчетности на основе международных стандартов учета. – // “Экономика и финансы.” 2009. №4 – С. 55–57.

7.6. Ибрагимов А., Мусаев А., Усанов А. Ўзбекистонда ички банк аудитини ташкил этиш. // Бозор, пул ва кредит . – Т.: 2002. № 5. 65–67-б.

7.7. Идиев Н.Ф. Оценка риска при банковском аудите. // Бозор пул ва кредит. – Т.: 2009. -№1. 54–55-б.

7.8. Идиев Н.Ф. Сущность аудиторского риска и методика его снижения.// Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2008. -№1. 46–49-б.

7.9. Каримов Н. Правила и обязанности службы внутреннего аудита. //Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2003. -№3. 40-42-б.

7.10. Қаюмов Б.Т. Аудиторлик далилларини олишда танлаш усулларини қўллаш. // Бозор, пул ва кредит. –Т.: 2013. -№2. 40-44-б.

7.11. Молиявий назорат ўрнатилади. // Банк ахборотномаси. 2010 йил 29 сентябрь, №40. – 7-б.

7.12. Мусаев Ҳ.Н. Иқтисодий ислохотлар жараёнида аудит// Бозор, пул ва кредит . – Тошкент, 1998. -№5 58-60-б.

7.13. Маматов З. Аудиторлик фаолиятида муҳимлик шарти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №10-11, 2002 й. – 40-41-б.

7.14.Суворова С.П., Куканова Н.В. Аудит системных вопросов: методика проведения// Аудиторские ведомости. №10. 2008. – С. 16-17.

7.15. Щербиков В.В. Система информационного обеспечения внутреннего контроля в коммерческом банке // Аудит и финансовый анализ. –Москва, 2000. - №4. – С. 18-19.

7.16. Қосимов Х. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичи// Солик солиш ва бухгалтерия хисоби. – Т.: 2008. №10. 26-28-б.

Электрон манбалар

- 1.www.pravo.eastink.uz- (sbornik ekonomicheskix zakonodatelstv)
- 2.www.apb.org.uk- (Auditing Practices Board)
- 3.www.nao.gov.uk - (UK National Audit Office)
- 4.www.iaa.org.uk - (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
- 5.www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee)
- 6.www.aicpa.org - (American Institute of Certified Public Accountants)
- 7.<http://www.stat.uz>
- 8.<http://www.cbu.uz>
- 9.<http://www.lex.uz>
10. <http://www.gaap.ru>

Такрорлаш учун саволлар

1. Тижорат банкларида ички аудитнинг моҳияти ва ҳуқуқий меъёрий асослари.
2. Тижорат банкларида ички аудитнинг вазифалари.
3. Тижорат банкларида ички ва ташқи аудитнинг стандартлари. Ички аудит ва унинг турлари.
4. Ўзбекистон Республикасида ички аудитнинг ташкилий асослари
5. Тижорат банкларида аудиторлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади, вазифалари, босқичлари ва асосий тамойиллари.
6. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни ўрганиш.
7. Банк ҳисоб сиёсатини ўрганиш.
8. Банк ички назорат тизимини ўрганиш.
9. Банкни ички аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури ва бошқа зарурий ҳужжатларни тузиш.
10. Жиддийлик даражаси, уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби.
11. Банкларда жиддийлик даражасини аудитда қўллаш тартиби.
12. Банкларда аудиторлик rischi тушунчаси.
13. Аудиторлик riskларининг мақбул тўплами ва унга таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар.
14. Аудиторлик riskлари мақбул тўпланининг элементлари ва уларни баҳолаш.
15. Тижорат банкларида жиддийлик даражаси ва аудиторлик rischi тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.
16. Тижорат банкларида аудиторлик далиллари тушунчаси.
17. Аудиторлик далилларига қўйилган талаблар.
18. Тижорат банклари ички аудитида аудиторлик далилларининг турлари.
19. Аудиторлик далилларини олиш манбалари.
20. Аудиторлик амаллари ва аудиторлик далилларини тўплаш.
21. Аудиторлик далилларини олиш усуллари.
22. Аудиторлик танлаш тушунчаси.
23. Аудиторлик танлаш усуллари, танлаш услубини шакллантириш, танлаш riskлари ва натижаларини баҳолаш.
24. Тижорат банклари пул маблағларининг ички аудити.
25. Кредит, лизинг ва бошқа актив операциялар аудити.
26. Тижорат банкларида товар-моддий захиралар аудити.
27. Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулк таркиби аудити.

28. Номодий активлар аудити.
29. Тижорат банкларида фойда ва зарарлар аудити.
30. Тижорат банкларининг хусусий капитали аудити.
31. Тижорат банклари пассив операциялари ва уларнинг аудит ўтказиш хусусиятлари.
32. Тижорат банклари ички аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш.
33. Аудит натижаларини баҳолаш.
34. Ички аудиторлик ҳисоботи.
35. Ҳисоботни тузиш тартиби.
36. Тижорат банкларида аудиторлик хулосаси.
37. Банкларда аудит хулосасини тузиш тартиби.
38. Халқаро аудит стандартларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёни.
39. Аудит стандартларининг асосий таркибий қисмлари.
40. Аудит стандартларининг турлари: умумий стандартлар, ишчи стандартлар, ҳисобот стандартлари, махсус стандартлар.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банки томонидан кўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом қачон рўйхатдан ўтказилган:

- A. 2000 йил 25 ноябрь №405
- B. 2000 йил 12 декабрь №992
- C. 2001 йил 26 декабрь №703
- D. 2002 йил 21 декабрь №409

2. “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул қилинган?

- A. 2000 йил 24 апрель
- B. 2000 йил 25 апрель
- C. 2000 йил 26 май
- D. 2000 йил 21 декабрь

3. Аудитнинг ватани қайси мамлакат ҳисобланади?

- A. Франция
- B. Англия
- C. Германия
- D. АҚШ

4. Молиявий ҳисобот бўйича аудит хулосаси :

- A. Қонунчиликка мувофиқ тузилади
- B. Мижознинг хохишига қараб тузилади
- C. Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб тузилади
- D. Банк талаблари бўйича тузилади

5. Ички аудитнинг ташқи аудитдан фарқи:

- A. Текширув усули бўйича
- B. Текшириш объекти бўйича
- C. Банк фаолияти ва ҳисоботи бўйича
- D. Бўйсунушига қараб

6. “Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қачон қабул қилинган?

- A. 1996 йил 24 июль, ПФ-1500-сон
- B. 1997 йил 25 август, ПФ -1615-сон
- C. 1998 йил 12 январь, ПФ- 1645-сон
- D. 1999 йил 14 май, ПФ-1701-сон

7. Тасдиқловчи аудитда асосий эътибор нимага қаратилади?

A. Ҳисоб регистрлари ва ҳужжатлар текширилади

B. Муомала (операция)ларни назорат қилиш системасини кузатиш имконияти яратилади

C. Системани назорат қилувчи шахслар томонидан қабул қилинган бошқарув қарорларига баҳо берилади

D. Юқоридагиларнинг барчаси

8. Аудиторлик фирмасига ҳуқуқий қайси ҳужжат беради?

A. Сертификат

B. Лицензия

C. Гувоҳнома

D. Сертификат ва лицензия

9. Аудиторлик текширувида мустақил аудит ташкилоти раҳбари:

A. Халқаро аудит стандартлари асосида текширади

B. Миллий аудит стандарти асосида текширади

C. Касбий маҳоратга асосланади

D. Корхонанинг ички иқтисодий қонунлари асосида текширади

10. Аудитнинг ишчи стандартлари қуйидагича аниқланади:

A. Аудитнинг асосий тамойилларига кўра

B. Аудит далиллари асосида

C. Аудиторлик ҳулосалари турлари асосида

D. Аудиторлик текширув кўлами бўйича

11. Аудит билан миқоз ўртасидаги алоқаларни ақс эттирувчи ҳужжат – бу:

A. Аудиторлик текшируви бўйича шартнома

B. Алоқа хати

C. Миллий стандартлар

D. Аудитнинг ишчи дастури

12. Аудиторлик текшируви стратегиясида:

A. Рискларни дастлабки баҳолаш ва ички аудит самарадорлиги

B. Аудит иш сифатини назорат қилиш

C. Аудиторликда далил ва исботларни олиш усуллари

D. Мажбурият хати

13. Аудиторлик далиллари – бу:

A. Аудит текшируви натижасида олинган ахборотлар

B. Аудиторлик ҳисоботи

C. Аудиторлик дастури

D. Аудит ҳулосаси

14. Таҳлилий амаллар нима?

A. Аудитор томонидан олинган маълумотларни баҳолаш, гайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниклаш

B. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида дастлабки ҳужжатлар маълумотларини акс эттириш

C. Миқдор корхона инвентаризация қилиш

D. Миқдор корхонанинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш

15. Аудиторлик танлаш – бу

A. Алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва ҳоказолар кўринишидаги текшириладиган тўпламни шакллантириш учун маълум қондалар асосида танлаб олинган элементлар

B. Алоҳида ёзувлар кўринишидаги текшириладиган тўпламни шакллантириш учун маълум қондалар асосида танлаб олинган элементлар

C. Алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва ҳоказолар кўринишидаги текшириладиган тўпламни шакллантириш учун маълум қондалар асосида танлаб олинган моддалар

D. Алоҳида ҳужжатлар, ёзувлар ва ҳоказолар кўринишидаги текшириладиган тўпламни шакллантириш учун танлаб олинган элементлар

16. Қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар аудиторлик ҳисоботининг қайси қисмида кўрсатилади?

A. Адресат

B. Кириш

C. Таҳлил

D. Якуний

17. Жаҳон мамлакатларида ҳисоб ва аудит соҳасида стандартларни мувофиқлаштириш ва татбиқ этиш билан қайси ташкилот шуғулланади?

A. IAPS

B. ЮНЕСКО

C. GAAP

D. OECD

18. Ҳисоб сисъатида қуйидаги ҳолатларда ўзгариш қилинади:

A. Банк қайта ташкил этилганда

B. Мулкдорлар ўзгарганда

C. Бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида янги ишланмалар бўлса

D. Юқоридагиларнинг ҳаммасида

19. Тижорат банкларида товар-моддий захира аудитини ўтказишда қайси услуб қўлланилади?

- A. Хусусийликдан умумийликка
- B. Умумийликдан хусусийликка
- C. Аралаш ҳолда
- D. Тўғри жавоб йўқ

20. Банкда ТМЗларни ФИФО усулда баҳоланганда:

- A. Таннархи камаяди ва фойда ортади
- B. Таннархи ортади ва фойда камаяди
- C. Таннархи ўртача баҳоланади
- D. Таннархи камаяди ва фойдага таъсир этмайди

21. Аудитор банкнинг молиявий ҳисоботини текширмоқчи, у «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига биноан қандай ахборотларни талаб қилиши мумкин?

- A. Инвестиция қарорлари
- B. Кредит бериш учун керакли ахборотлар
- C. Пул оқимларини баҳолашга доир ахборотлар
- D. Барчаси тўғри

22. Банкнинг маълум бир қисмини аудит томонидан текшириш нима деб аталади?

- A. Операцион аудит
- B. Бошқарув аудити
- C. Хўжалик фаолияти аудити
- D. Барчаси тўғри

23. Аудитнинг халқаро стандартлари қайси ташкилот томонидан ишлаб чиқилган?

- A. Халқаро бухгалтерлар уюшмаси
- B. АҚШ аудиторлар кенгаши
- C. Европа Иттифоқи аудиторлар уюшмаси
- D. Аудиторлик амалиёти бўйича халқаро Қўмита

24. Ким аудиторлик сертификатиغا эга бўлмаса ҳам аудиторлик текширувида қатнашиши мумкин.

- A. Аудитор ёрдамчиси
- B. Аудитор
- C. Биринчи мутахассис
- D. Ҳаммаси тўғри

25. Банк бухгалтерия аппаратиغا шартнома асосида четдан бухгалтерлар жалб қилинадими?

- A. Ҳа, жалб этилиши мумкин
- B. Фақат аудиторлар жалб этилади

С. Бухгалтерия фирмаси ходимларини киритиш мумкин

Д. Қатъиян тажикланади

26. 3-сон АМСга мувофиқ аудитни режалаштириш неча босқичга бўлинади?

A. 2

B. 3

C. 4

D. 5

27. Аудитор аудит жараёнида аниқланган бухгалтерлик ҳисоботидаги бузиб кўрсатилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни қайси ҳужжатга киритиши керак?

A. Оралиқ далолатномага

B. Молиявий ҳисобот бўйича изохга

C. Аудиторлик хулосасига

D. Тушунтириш хатига

28. Изланиш жараёни ва унинг натижалари баёни эксперт хулосасининг қайси қисмига тегишли?

A. Кириш B. Текшириш C. Далиллар таркиби D. Тушунтириш

29. Аудит натижаларни шакллантириш...

A. Ҳужжатлаштириш асосида

B. Режалаштириш

C. Тизимли

D. Барчаси асосида

30. Японияда аудит стандартлари нечанчи йилдан бошлаб ишлаб чиқишга бошланган?

A. 1950 йил

B. 1953 йил

C. 1960 йил

D. 1961 йил

31. Халқаро аудит компанияларининг «катта тўртлик» гуруҳи таркибига кирувчи аудиторлик компанияларни кўрсатинг.

A. Price Waterhouse, Arthur Andersen, Urbach Hacker Young International, Ernst and Young

B. KPMG, Ernst and Young, Coopers and Lybrand, Baker Tilly International

C. Price Waterhouse, KPMG, Ernst and Young, Deloitte Touche Tohmatsu International

D. Price Waterhouse, Arthur Andersen, KPMG, Ernst and Young,

32. Текширув жараёнида бошлангич қиймати 70000 сўм бўлган асосий восита бошқа банкка бепул берилганлиги, эскириш суммаси 30000 сўмга тенг эканлиги аниқланди. Асосий воситани бепул беришдан кўрилган зарар суммаси қанчага тенг бўлади?

- A. 40000
- B. 33334
- C. 30000
- D. 32000

33. Номоддий активлар амортизацияси бўйича маълумотларни текширишда аудитор қайси меъёрий ҳужжатдан фойдаланади?

- A. №2 НМА
- B. №1 НМА
- C. №6 НМА
- D. №7 НМА

34. Инвестициялар аудитида далиллар йиғиш қайси стандарт талаблари асосида бўлиши керак?

- A. 31-сон АФМС
- B. 50-сон АФМС
- C. 70-сон АФМС
- D. 90-сон АФМС

35. Ички аудитнинг самарадорлиги асосан...

- A. Назорат оркали аниқланади
- B. Шарҳлар оркали
- C. Мониторинг ўтказиш билан
- D. Барча жавоб тўғри

36. Аудиторлик текширувида касса ордерига ўзгариш киритилганлиги аниқланди. Аммо унда хато мавжуд эмас деб ҳисобланди. Ушбу ҳолатда аудитор кассирга қандай йўл тутишни тавсия қилади?

A. Касса ордерини «кизил сторно» усулидан фойдаланган ҳолда тўғрилашни

- B. Касса ордерини бошқатдан расмийлаштиришни
- C. Касса ордерининг пастки қисмига тушунтириш ёзишни
- D. Касса ордерига қўшимча ҳужжатни илова қилишни

37. Қонунга мос келишни текшириш – бу:

- A. Таҳлил асосида
- B. Назорат қилиш асосида
- C. Тафтиш натижасида
- D. Барча жавоблар тўғри

38. Банкдаги счётлар бўйича маълумотларни текширишда аудитор қуйидаги маълумотлардан қайси биридан фойдаланади?

- A. Ўтказилган текшириш асосида оралик далолатномасидан
- B. Ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқнинг пул маблағлари хисобига доир бўлиши
- C. Кредит бўлими хисоб китобидан
- D. Бухгалтерия баланси 2-шакли

39. Аудитнинг ишчи стандартлари:

- A. Аудит далиллари асосида
- B. Аудиторлик хулосалари асосида
- C. Аудитнинг асосий тамойиллари асосида
- D. Аудиторлик rischi асосида тузилади

40. Ички назорат қандай назорат турларига бўлинади?

- A. Дастлабки назорат ва жорий назорат
- B. Якуний назорат ва дастлабки назорат
- C. Дастлабки, жорий ва якуни назорат
- D. Жорий ва якуний назорат

41. Аудитнинг дастлабки ривожланиш босқичи...

- A. Тизимли аудит
- B. Тасдиқловчи аудит
- C. Таваккалчиликка асосланган аудит
- D. Аралаш аудит

42. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш муддати қандай?

- A. Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача
- B. Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралгача
- C. Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелгача
- D. Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартгача

42. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома қачон қабул қилинган.

- A. МБнинг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори билан
- B. МБнинг 2008 йил 11 июлдаги 1834-сонли қарори билан
- C. МБнинг 2008 йил 12 майдаги 11/7-сонли қарори билан
- D. МБнинг 2008 йил 12 июлдаги 1834-сонли қарори билан

44. Тижорат банкида аудитор хизмати мустақилдир ва у бевосита бўйсунди.

- A. Марказий банк ва Банк Кенгашига
- B. Банк Кенгаши ва Аудитор қўмитасига
- C. Банк раҳбари ва Марказий банкка

D. Аудиторлар Палатаси ва Марказий банкка

45. Кутулаётган ишлар режасида қуйидаги кўрсаткичлардан қайси бири ақс эттирилмайди?

A. Аудит ўтказиш муддати ва ишларнинг давомийлиги

B. Бажариладиган ишлар ҳажми

C. Аудитор қўллайдиган усуллар ва амаллар

D. Аудиторлик текшируви учун ҳақ

46. Қуйидагилардан аудиторлик далилларнинг қайси бири нишончлироқ?

A. Оғзаки далиллар

B. Ҳужжатли далиллар

C. Расмий далиллар

D. Ёзма далиллар

47. Аудиторлик амали нима?

A. Мижоз банкни инвентаризация килиш

B. Муайян аудит объектларида далилларни олиш учун аудитор томонидан амалга ошириладиган ишларнинг маълум тартибда ва кетма-кетлиги

C. Учинчи шахснинг оғзаки билдиришларини йиғиш

D. Мижоз банкнинг бир ҳужжатини бошқалари билан солиштириш

48. Қуйидагилардан қайсиниси аудиторлик далилларини тўшлаш усулларига тааллуқли эмас?

A. Мижоз банкнинг арифметик ҳисоб-китобларини текшириш

B. Айрим хўжалик муомалаларни ҳисобга олиш қондаларига риоя қилинишини текшириш

C. Инвентаризация

D. Тўпланган ҳужжатларни баҳолаш

49. Тижорат банкларида ички банк аудити бўйича ҳисоботларни қим тасдиқлайди?

A. Банк раҳбари

B. Ташқи аудитор

C. Банк ички назорат бўлими

D. Банк Кенгаши

50. Тижорат банкларида бош аудиторнинг асосий вазифалардан бири бу..... аудит хизмати фаолияти натижалари тўғрисида Аудиторлик қўмитасига ҳисобот бериб боришдан иборат.

A. ҳар ярим йилликда бир мартаба

B. ҳар чорақда бир мартаба

C. ҳар ойда бир мартаба

D. ҳар куни бир мартаба.

1-ИЛОВА**АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ**

Текширилаётган ташкилот _____ ОАТБ _____
 Аудит даври _____
 Киши-соатлар сони _____
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____
 Аудиторлик гуруҳи таркиби _____
 Режалаштирилаётган аудиторлик rischi _____
 Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси _____

Т/р	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Баजारувчи	Изоҳлар

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____

2-ИЛОВА**АУДИТ ДАСТУРИ**

Текширилаётган ташкилот _____
 Аудит даври _____
 Киши-соатлар сони _____
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____
 Аудиторлик гуруҳи таркиби _____
 Режалаштирилаётган аудиторлик rischi _____
 Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси _____

Т/р	Аудит бўлимлари буйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўтказиш даври	Баजारувчи	Аудиторнинг иш ҳужжатлари	Изоҳлар

Унинг номидан аудиторлик хулосаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилоти раҳбари _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____

**«АЛЬФА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ (ОАЖ)**

БАНК ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

**«АЛЬФА» Давлат акциядорлик тижорат банки
(ОАЖ)нинг _____ вилоят филиали фаолиятини ялпи аудиторлик
текшируви натижалари
юзасидан тузилган**

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

2011 йил 15 март

----- **шаҳри**

Ушбу ҳисобот икки нусхада тузилди ва бир нусхаси банкнинг -----
 --вилоят филиали бошқарувчисига тақдим этилди

ДАТ «Альфа» банк (ОАЖ) Ички аудит хизматининг Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган 2011 йилги иш режаси ҳамда банк Бошқаруви Раиси томонидан 2011 йил 28 февралдаги банкнинг _____ вилоят филиали умумий банк фаолиятини ялпи аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги 4-сонли гувоҳномага асосан, ДАТ «Альфа» банки (ОАЖ)нинг Ички аудит хизмати катта аудитори ХХХ раҳбарлигида, Ички аудит хизмати етакчи мутахассиси ХХ, Тошкент вилоят филиалининг Ички аудит хизмати бош мутахассиси ХХ, Жиззах вилоят филиалининг Ички аудит хизмати бош мутахассиси ХХ, Андижон вилоят филиалининг Ички аудит хизмати бош мутахассиси ХХлар томонидан банкнинг _____ вилоят филиали бошқарувчиси ХХХ ва бош бухгалтери ХХ иштирокида банк филиалининг 2010 йилнинг 1 мартдан жорий йилнинг 1 мартигача бўлган даврдаги умумий иш фаолияти тақдим этилган ҳужжатлар бўйича танлов асосида ялпи аудит текширувидан ўтказилди.

Банк филиали фаолиятининг аудит текшируви Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йўриқномалари, ДАТ «Альфа» банки (ОАЖ)нинг ички тартиб, кўрсатмалари ва Ўзбекистон Республикасида банк фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик асосида ўтказилди.

«Альфа» ДАТ банк (ОАЖ) _____ вилоят филиали реқвизитлари.

Филиал жойлашган ҳудуд	Манзили	МФО	Индекс	Ҳисобрақами
_____ шаҳри	_____	_____	_____	16103000----- -001

Шунингдек, унда:

Мини-банклар сони	ВАШлар сони	Халқаро пул ўтказмалари шохобчалари сони	Махсус кассалари сони	Коммунал ва ўз тўлов (пайнет) кассалари сони	Ходимлар сони

Баланс таҳлили

(Минг сўмда)

Моддалари	01.03.2010 йил ҳолатига		01.01.2011 йил ҳолатига		01.03.2011 йил ҳолатига		01.03.2010 йилга нисбатан фарқи(+ -)	01.01.2011 йилга нисбатан фарқи(+ -)
	1	%	2	%	3	%		
Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари								
Умумий кредит қўйималари								
Кредит қўйималари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси								
Бош банкдан олинмаган маблағлар								
Активлар бўйича ҳисобланган фондлар								
Ҳисобланган воситачилик ҳақлари								
Ҳисобланган воситачилик ҳақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси								
Банкнинг асосий воситалари								
Асосий воситаларнинг эскириши								
Номоддий активлар								
Номоддий активларнинг эскириши								
17101								

Бошқа активлар									
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси									
Жами: АКТИВЛАР									
Талаб қилиб олинганча сакланадиган депозитлар									
Жамғарма депозитлари									
Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари									
Бюджетдан ташқари фондлардан олинган узок муддатли кредитлар									
Бош банкка тўланадиган маблағлар									
Мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар									
Ҳисобланган солиқлар									
Мижозларнинг бошқа депозитлари									
Клиринг транзакциялари									
Бошқа мажбуриятлар									
Жами: МАЖБУРИЯТЛАР									
Захира капитали									
Тақсимланмаган фойда									
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)									
Жами: КАПИТАЛ									
Жами: ПАССИВ									

Активлар таркиби таҳлил килинганда, катта қисми банк томонидан ажратилган кредитлар ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткич жами активларнинг 60,2% ни ташкил қилади. Ўтган йилнинг хос даврида жами активлар салмоғида кредит қўйилмаларнинг миқдори 65,7% ни ташкил қилган бўлса, йил бошида 64% ни ташкил қилган, яъни филиалнинг кредит қўйилмалари умумий ҳисобда ортиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

Бош банкдан олинадиган маблағлар жами активларининг 15,4% ини ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йил хос даврида 14,4% ни ташкил қилган бўлса, 1 январь ҳолатига эса 14,0% ни ташкил қилган, яъни ушбу маблағлар йил бошига келиб кўпайган ва жорий йил давомида ҳам кўпайиб борган.

Жорий йилнинг 1 март ҳолатига филиал балансидаги жами мажбуриятлар миқдори 31675.5 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 674.5 млн. сўмга ёки 102.2% га кўпайган. Йил бошига нисбатан эса 940.2 млн. сўмга ёки 103.1% га ўсган.

Мижозларнинг талаб қилиб олгунча бўлган депозитлари ҳисобот даврига 4216.3 млн. сўмни ташкил қилиб, бу – жами мажбуриятларнинг 13.3% ни ташкил қилади, бу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 март ҳолатига нисбатан 1795 млн. сўмга ёки 174.1% кўпайган ва йил бошига нисбатан 571.3 млн. сўмга ёки 88.1% га камайган.

Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари ўсиб борган, яъни ўтган йилнинг 1 март ҳолатига нисбатан 232.7 млн. сўмга ёки 104.6% га кўпайган, йил бошига нисбатан 318.7 млн. сўмга ёки 106.4% га кўпайган, 2011 йилнинг 1 март ҳолатига 5302.4 млн. сўмни ташкил қилган.

2011 йилнинг 1 март ҳолатига банк жами мажбуриятларининг катта қисмини бош банк олдидаги мажбуриятлари ташкил қилиб, 15957.2 _____ сўмга етган, ушбу маблағлар жами мажбуриятларнинг 50.4% га тўғри келмоқда. Ўтган йилнинг хос даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 2842.4 млн. сўмга ёки 84.9% га камайган, йил бошига нисбатан 102.3 млн сўмга ёки 100.6% га кўпайган.

2011 йилнинг 1 март ҳолатига филиалнинг жами капитали 766.0 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121.5 млн. сўмга ёки 86.3% га камайган, йил бошига нисбатан 33.1 _____ сўмга ёки 104.5% га кўпайган.

Филиал жами мажбуриятларининг ўз маблағлари (банк капитали) билан таъминланганлик даражаси 2.4 % ни ташкил қилади.

Даромад ва хароҷатлар таҳлили

(Минг сўм)

Даромадлар ва хароҷатлар моддалари	01.03.2010 йил ҳолатига		Бажа-рилиши % да	01.03.2011 йил ҳолатига*		Бажарилиши, % да
	Режа	Факт		Режа	Факт	
		326				
Фонзли даромадлар:	700 646,00	940,00	46,6	905 364,70	348 648,00	38,5
Бошқа банклардаги депозитлар бўйича фонзли даромадлар (БО)						
Бош банкка берилган маблағлар бўйича фонзли даромадлар						46,1
Берилган кредитлар бўйича фонзли даромадлар						35,0
Лизинглар бўйича фонзли даромадлар						77,0
Фонзсиз даромадлар:						65,6
Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар						56,6
Чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар						170,8
Бошқа фонзсиз даромадлар						6,7
<i>Жами ДАРОМАДЛАР:</i>						48,1
Фонзли хароҷатлар:						54,5
Депозитлар бўйича фонзли хароҷатлар						67,8
Бош банкдан олинган кредит ресурслари бўйича фонзли хароҷатлар						31,5
Чикарилган қимматли қоғозлар бўйича фонзли хароҷатлар						
Фонзсиз хароҷатлар:						16,7
Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик хароҷатлари						27,2

Жадвал давоми

“Спот” битимлари бўйича хорижий валюталарда амалга оширилган операциялар бўйича фонсиз харажатлар	0,0
Бошқа фонсиз харажатлар	#ДЕЛ/0!
Операцион харажатлар:	41,2
Иш ҳақи, ижтимоий сугурта ажратмалари ва банк ходимлари учун амалга оширилган бошқа харажатлар	34,6
Ижара тўловлари ва асосий воситалардан фойдаланиш харажатлари	43,5
Кўриқлаш хизмати харажатлари	67,4
Транспорт (ЕММ) ва хизмат сафари харажатлари	25,7
Фрахт операциялари бўйича қилинган харажатлар	#ДЕЛ/0!
Маъмурий харажатлар	54,1
Репрезентация ва хайрия харажатлари	0,0
Эскириш харажатлари	47,4
Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	15,9
Бошқа операцион харажатлар	13,0
Кўрилгани мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0,0
Солиқлар	87,4
Жами	45,5
<u>ХАРАЖАТЛАР.</u>	45,5
<u>Соф фойда (Зарар).</u>	82,9

Бошқа фондсиз харажатларга режага белгиланмаган ва харажат ҳам қилинмаган.

Фиджал томонидан амалга оширилган операцион харажатлар режага нисбатан 41.2 % ни ташкил қилиб, 410.3 млн. сўм миқдорда кам харажат қилинган. Жумладан, иш хақи харажатлари режага нисбатан 34.6% га (226.1 млн.сўмга) кам, ижара тўловлари харажатлари 43.5% ни ташкил қилиб, 16.4 млн. сўмга кам, кўриклаш учун қилинган харажатлар 67.4 % га бажарилиб, (19.5 млн.сўмга) кам, транспорт (ЕММ) ва хизмат сафари харажатлари 25.7% ташкил қилиб, (9.8 млн. сўмга) кам, маъмурий харажатлар 54.1% ташкил қилиб, 13.9 млн сўмга кам, репрезентаци ва хайрия харажатлари учун харажат қилинмаган, эскириш харажатлари 47.4% га (35 млн. сўмга) кам, сугурта ва солиқ харажатлари 15.9% га бажарилиб, режага нисбатан (2.6 млн. сўмга) кам миқдорда харажатлар амалга оширилган.

2011 йилнинг 1 март ҳолатига фиджал томонидан жами 80.9 млн. сўм миқдорда соф фойда олинган бўлиб, шу давр учун ўрнатилган фойда режаси бажарилиши 82.9 % ни ташкил қилган ва режага нисбатан 16.7 млн. сўм миқдорда кам соф фойда олинди, ўрнатилган режа 17.1% бажарилмаган.

А.К.Ибрагимов

**АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ
АСОСЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Мухаррир: – А. Зиядов
Техник муҳаррир – Ё. Иноғомов
Компьютерда саҳифаловчи: – Д. Абдурахманов

Нашриёт лиц. АИ № 172. 11.06.2010
Босишга рухсат этилди 18.12.2013 й. Ўлчами 60x84/16
«Times New Roman» ҳарфида терилди.
Шартли б.т. 24. Нашр т. 22.8.
Адади 22 дона. 06.11.13 1429-сонли буюртма.

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида
тайёрланди. Тошкент ш., Мовароуннаҳр, 16-уй.

«ISHONCH» МЧДК босмаловасида чоп этилди
Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Тансиқбоев-2, 11-уй, 36А.

978-9943-302-80-8



9 789943 302808